






40.473

631.8

3.44

Х.Х Зокиров

# АГРОКИМЁ



ЧОЧКАЗ

6648

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМЕЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Х. Х. ЗОҚИРОВ

# А Г Р О К И М Ё



Тошкент  
«Университет»  
1998

Ушбу «Агрокимё» қўлланмаси ўзбек тилида яратилган илк қўлланмалардан бўлиб, Агрокимё фанининг тарихи, қонуниятлари, тупроқнинг кимёвий таркиби, минерал, органик ва микроўғитларни тупроқ типи, физик-кимёвий биологик хоссаларига қараб қўллаш муддатлари, нормалари ва агрокимё фанининг бошқа муаммоларига бағишланади.

Қўлланмада ўғитларни қўллаш техникалари ҳамда ўғитлар билан борлиқ бўлган бир қатор экологик муаммолар ҳам ўз аксиин топган.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Халқаро информатизация академиясиннаг академиги **М. Х. ОРОМОВ**,

кимё фанлари доктори, профессор  
**Р. А. ҚУЛМАТОВ**.

**МАСЬУЛ МУҲАРРИР:** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Б. Ж. ЖУРАҚУЛОВ**.

## ҚИРИШ

Агрономик кимё ёки Агрокимё фанидан ёэилган ушбу қўлланма университетларнинг Агрохимия ва турпроқшунослик, Биология ва қишлоқ хўжалик асослари ва бошқа агрохимия курси ўқитиладиган мутахассисликлар учун мўлжаллангаи. Маълумки, мазкур курсни ўқитида шу кунга қадар, асосан рус тилидаги дарслерлар ва қўлланмалардан фойдаланиб келинмоқда. Рус тилидаги қўлланмалар сабиқ СССРнинг Европа қисмидаги қишлоқ хўжалиги, жумладан агрохимия фани ютуқларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ўша зоналар обҳавоси, турроғи ва унинг химиявий таркиби Ўрта Осиё, жумладан, Узбекистон Республикаси шароитига тўғри келмайди. Шу кабиларни ҳисобга олиб, муаллиф ушбу қўлланмага Ўрта Осиё шароитида, ўзи ва бошқа тплқиқотчилар томонидан ўтказилиб қўлга киритилган илмий-тажриба натижаларини киритишга ҳаракат қилди.

Қўлланма Агрокимённинг предмети, вазифалари, фанинг ривожланиш этаплари, ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, дехқончиликдаги турпроқларнинг қисқача агрохимиявий тавсифномаси, турпроқ таркибидаги муҳим химиявий элементлар, турпроқнинг физик ва физ-кимёвий хоссалари, минерал, микро- ва органик ўғитлар турлари ва уларга қисқача тавсифнома, қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлиш машиналари ва уларнинг турлари ҳамда техника иншлари, сабзавот ва полиз экинлари, донли экинлар, тоқзор, тутзор ва бошқа бир қатор боғларни ўғитлаш нормаси, ўғитлаш ва муддати техникалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Шунингдек, қўлланмага ҳозирги замон кимёси ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш муаммолари ҳам киритилган.

Муаллиф ушбу қўлланмани кўриб чиқиб, ўзининг қимматли фикр, мулоҳазаларини билдирган кимё фанлари доктори, профессор Р. А. Қулматов, қишлоқ хўжа-

лик фанлари доктори, профессор М. Х. Оромов ва тақ-  
ризчиларга самимий ташаккур изҳор этади.

Айни ўқув қўлланма биринчи марта ўзбек тилида  
нашр этилаётганлиги сабабли, бир қатор нуқсон ва кам-  
чиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиий. Шуларни ҳисоб-  
га олиб муаллиф қўлланма ҳақидаги ўз қимматли фикр  
ва мулоҳазаларини билдирувчи ҳамкасларга олдиндан  
миннатдорчилик билдиради.

Муаллиф

## АГРОКИМЕНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ

Агрокиме ёки агрономик киме ўсимлик, ўғит ҳамда тупроқ ҳақидаги фан бўлиб, бу уч муҳим фактор агрокиме фанинг негизини ташкил этади. Агрокиме дехқончиликда моддалар алмашинишини, ўғитлардан фойдаланиш нормалари, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ўсимликлардан юқори ҳосил олиш усуслари билан бевосита шуғулланади.

Агрокиме фанининг бош вазифаларидан бири, ўсимликларни оптимал озуқа бирликларини топиш, минерал ва органик ўғитлар ва уларнинг турларидан тўғри фойдалана олиш, тупроқни химиявий таркиби ва унумдорлик даражасига кўра ўғитлаш, ўғитлаш муддати ва нормаларни аниқлаш ва энг янги истиқболли ўғитларни ўсимликлардан юқори ҳосил олиш борасида синааб кўришдан ҳам иборат. Бу фанинг илдам қадамлар билан ривожланишида, К. А. Тимирязовнинг шогирди, агрокиме мактабининг асосчиси, ўсимликлар физиологияси ва биокиме фанининг атоқли намоёндаси Социалистик Мехнат Қаҳрамони, академик Дмитрий Николаевич Прянишников ҳиссаси жуда катта.

Д. Н. Прянишниковнинг агрокиме фанининг ривожланишидаги энг муҳим хизматларидан бири — «Ўсимликларни озиқланиши ва ўғитларни қўллаш» ҳақидаги таълимоти бўлиб, шу асосда ўсимлик, тупроқ ва ўғитнинг ўзаро чамбарчас алоқаси заминида, Агрокиме (Прянишников) уч бурчагининг (1-расм) илмий асосланишидан иборат бўлди.



1-расм. Агрокиме учбурчаги

зилади ва оқибатда ўсимлик нобуд бўлади. Сув тупроқда турли хил бирикмалар билан таъсиралишиб, ўсимликлар томонидан шимиб олинадиган ва шимиб олинмайдиган сувларга айланади. Масалан, химиявий бириккан сувлар гидроксил бирикмалар  $[Fe(OH)_3]$ ,  $Al(OH)_3$ ,  $Co(OH)_3$ ; гигроскопик сув  $[CaSO_4 \cdot 2H_2O]$ ,  $Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$ ] ва гравитацион сувлардан иборат бўлиб, бу хил сувларни ўсимлик шимиб ололмайдиган сув ёки тупроқ намининг фойдасиз заҳираси деб аталади.

Ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган (шимиладиган) сув тупроқ таркибидаги капилляр сув бўлиб, бундай сув кўтарилиувчи ва муаллақ капилляр сувларга бўлинади. Бу тур сувнинг асосий манбаи сизот ва ариқ сувлари бўлиб, у тупроқ қатламларидағи майда зарралар орасидаги бўшлиқни эгаллаган, нозик қилисимон йўллар орқали пастдан юқорига, юқоридан пастга қараб эркин ҳаракатланади. Айнан мана шундай сувлар осон шимиладиган сувлар деб аталади.

Мазкур жараёнда, илдиз ҳужайраларининг шимувчи кучи ўсимликларга ёрдам беради, илдизлар ана шу ҳужайралар ёрдамида тупроқ эритмасидан сувни шимиб олади.

Яшил баргларда ҳосил бўлган органик моддаларнинг бир қисми (сувда эрийдиган қандлар, кислоталар) сув орқали илдизларга етказилиб, улар ҳужайраларини озиқлантиради). Илдиз ҳужайраларнинг шимувчи кучи (суриш қуввати) уларда эриган органик озиқ моддаларнинг миқдорига боғлиқ, яъни ҳужайра ширасининг концентрацияси қанча юқори бўлса, ҳужайранинг шимувчи кучи ҳам шунчалик жўшқин бўлади.

Ҳужайранинг нормал нафас олиши ва тупроқ ҳаво хоссасининг яхши бўлиши, тупроқдаги озиқ моддаларнинг илдизлар томонидан осон шимилишига ижобий таъсири қилувчи омиллардандир.

Тупроқда ҳаво йўқлиги сабабли тирик ҳужайраларнинг нафас олиши оғирлашиб қолган ҳолларда, илдизлар сувни шимиб ололмайди. Бундай ҳодиса асосан тупроқ ўта зичлашиб қотиб қолганда, тупроқ юзасини кучли қатқалоқ қоплаганда ёки тупроқ ўта ботқоқлашган ҳолларда кузатилади. Тупроқда нам ўта кўпайиб кетганда ҳам илдизларга сув ўтмай қолади.

Сувнинг тупроқдан илдизларга ўтиши тупроқнинг намлиги ва ҳароратига ҳам боғлиқ бўлиб, нам жуда кам

бўлганда, илдизлар сув билан яхши таъминланмайди. Ҳарорат тубан бўлганда эса илдизларнинг сув шимиш фаолияти пасайиб кетади.

Ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган сув бир қатор вазифаларни бажаради. Унинг бир қисми ҳужайралар протоплазмасига шимилиб, ҳаётий жараёнларнинг активлигини ошиrsa, бошқа қисми фотосинтез жараёнида мураккаб органик моддаларнинг синтезланиши учун сарфланади. Сувнинг қолган қисми эса ўсимликлар тўқима ва ҳужайраларнинг қизиб кетиши каби заарли таъсирдан асрайди, яъни транспирация жараёнида иштирок этади. Яшил барглар, транспирация жараёнида сувнинг бир қисмини буғлатиб юбориш билан биргаликда, ҳужайранинг сув шимиш қувватини ошириш хусусиятига ҳам эга. Бу хосса сувда эриган озиқ моддаларнинг ўсимлик органлари бўйлаб ҳаракатланишига ёрдам беради, яъни илдизларга кирган озиқ моддаларнинг ўсимлик ер устки органларига етказиб берилишини таъминлади.

Озиқ моддалар органларда қайта ишланади ва уларнинг озиқланиши учун сарфланади. Ўсимликларнинг ҳаёти давомида буғлантириладиган сув миқдори, уларнинг биологик хусусиятлари ва табиий иқлим шароитларига қараб ўзгариб туради. Масалан, соясевар ўсимликлар сувни кам, тропик зоналарнинг намесевар ўсимликлари эса кўпроқ сарфлайди. Үмуман, ўсимликлар ўсиб ривожланиш даврида сувни буғлантириб туради. Буғланган сувнинг ўрни қопланмаганда, ўсимлик нобуд бўлади. Масалан, Ўрта Осиё шароитида бир туп маккажўхори, мавсумда 240—260 кг гача сувни буғлантиради. Шу сабабли ўсимлик томонидан сарфланган сув қабул қилинган сув миқдори билан тенг (сув баланси) бўлмаса бундай ҳол заарли ҳисобланади.

Ўсимликларнинг сувга бўлган эҳтиёжи бир хил бўлмай, у ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши билан турли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ҳамда мухит шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

## ИССИҚЛИҚНИНГ ТАЪСИРИ

Иссиқлик ўсимликлар яшаининг зарурий шарти бўлиб, фотосинтез ва нафас олиш интенсивлиги, ўсимликнинг илдиз орқали озиқланиши, ўсиши ва ривожланиши айнан ҳаво ҳароратига боғлиқдир.

Ўсимликларда фотосинтез жараёнининг нормал кечиши учун 25—30°C ҳарорат оптимал бўлиб, ҳароратнинг 40—50°C гача кўтарилиши бу жараённинг ёмонлашуви ёки умуман тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Ўсимликларнинг оптимал нафас олиш ҳарорати эса ўртacha 30—40°C тенг бўлиб, ҳарорат кўтарилиб 50°C дан ошганда, нафас олишнинг тўхташи сабабли, салқинпарвар ўсимликлар нобуд бўлади. Ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши ( $-10^{\circ}\text{C}$ ) ҳам зарарли бўлиб, бундай шароитда ўсимлик ҳужайра ва тўқималари музлаб қолади, нафас олиш ҳам батамом тўхтайди.

И. И. Туманов тажрибаларига кўра, ўсимлик қишки совуққа бардош бериши учун икки фазани нормал ўтиши лозим.

Биринчи фазада мураккаб углеводлар (крахмал ва бошқалар) йиғилиб қандга айланади. Иккинчи фазада ҳужайра оралиқларидаги сув йўқолиб, унинг ўрнига етарлича заҳира органик моддалар (қанд, ёғ ва бошқалар) тўпланди ва ўсимлик қишки тинчлик даврига киради. Углеводларнинг тўпланиши, яъни биринчи фаза ёзнинг иккинчи ярмида бошланиб, ўсимлик ўсишдан тўхтагунча (хазонрезегиликкача) давом этади. Хазонрезегилик даврида баланд дарахтлар кўплаб крахмалнинг қанд ва ёғга айланishi бошланади. Шу туфайли дарахтларнинг совуққа чидамлиги ошади.

Баланд дарахтларнинг биринчи фазани ўтиши учун уларни нормал озиқлантириб, суфориш, иккинчи фазани талафотсиз ўтиши учун эса, аксинча сув бермаслик лозим. Ўсимликларда органик моддаларнинг тўпланиши ва уларнинг нормал ўсиб ривожланиши фотосинтез билан нафас олиш орасидаги нисбатга боғлиқ. Чунки фотосинтез натижасида тўпланган органик моддалар, нафас олиш жараённада сарфланади. Бу жараён ҳароратга боғлиқ бўлиб, ҳароратнинг нормада бўлиши ўз навбатида юқори ҳосил гаровларидан бири ҳамдир.

Ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланиши ва органик моддаларнинг жадал тўпланиши учун кундузги ҳарорат тунги ҳароратга нисбатан юқори бўлмоғи керак. Чунки кундузи ассимилянтлар (органик моддалар) тўпланди (улар нафас олиш давомида қисман сарф бўлади ҳам).

Кечаси ассимиляция жараёни тўхтайди, аммо кундузи тўпланган органик моддаларнинг нафас олиш учун

сарфланиши давом этаверади. Ҳароратнинг тунги паса-йиши оқибатида органик моддалар камроқ сарфланади ва нафас олиш энергияси ҳам камаяди. Бир қатор таж-рибалар шуни кўрсатадики, помидор кечакундуз бир хил ( $26^{\circ}\text{C}$ ) ҳарорат бўлганга нисбатан, кундузи  $26^{\circ}\text{C}$  за-кечаси  $17-19^{\circ}\text{C}$  бўлганда яхши ўсиб ривожланади. Демак, иссиқхоналарда ҳам тунги ҳароратни сунъий па-сайтириш мақсадга мувофиқ, албатта.

Ўсимликлар ўсиб ривожланишининг турли фазаларида уларнинг ҳароратга муносабати ҳам турлича. Бир қатор экинлар  $0-5^{\circ}\text{C}$  да уна бошласа, иккинчи бирлари  $12-14^{\circ}\text{C}$ , учинчи хиллари эса,  $15-20^{\circ}\text{C}$  да униб чиқади (1- жадвал).

#### 1- жадвал

Уруғларнинг униб чиқиши учун зарур ҳарорат ( $^{\circ}\text{C}$ )

Экинлар номи	Мини- мум	Опти- мум	Макси- мум	Экинлар номи	Мини- мум	Опти- мум	Макси- мум
Буғдой, арпа	0-5	25-31	31-37	Маккаждӯхори Пахта, шоли,	5-10	37-44	44-50
Жавдар, сули	0-5	25-31	37-44	қовоқ Қовун,	12-14	37-44	44-50
Бүглой	0-5	25-31	37-44	бодринг	15-18	31-37	22-50
Куигабоқар	5-10	31-37	37-44				

Уруғнинг дастлабки униб чиқсан кунларида ҳароратнинг пастроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу пайтда уруғдаги заҳира озуқа деярли сарфланган бўлиб, яхши ривожланмаган илдиз системаси ўсимликни етарлича сув ва озиқ моддалар билан таъминлай олмайди.

Ўсимликнинг иссиқликка бўлган эҳтиёжи, илдиз сис-темасининг ривожланиши билан орта боради. Ўсимлик иссиқликка бўлган эҳтиёжни асосан гуллаш ва мева туғиш пайтида сезсада, бу кўрсаткичнинг оптимумдан ортиб кетиши ва нисбий намликинг кескин пасайиб ке-тиши, ўсимлик ҳаёт фаолиятини минимумга туширади, чангланишни пасайтиради, натижада экинлар ёппасига гул ташлайди.

Ўзбекистон ҳудудининг об-ҳавоси кескин континен-тал бўлиб, ҳарорат йил давомида кескин ўзгариб тура-ди. Қишида ҳарорат  $-20^{\circ}\text{C}$  гача пасайса, ёзда эса  $40-45^{\circ}\text{C}$ , жанубий зоналарда бу кўрсаткич ҳатто 50 дара-жагача ҳам етиб боради.

Баҳорда (март—апрель) бўладиган қисқа муддатли кутилмаган совуқлар ёш майсаларни заарлайди ёки умуман уриб кетади. Бу ҳол, биринчидан, деҳқоннинг мушкулини икки карра оширса, иккинчидан, экилган сара уруғларнинг нобуд бўлнишига олиб келади.

Жанубий районларда экинлар учун гармсел (афғон шамоли) энг хавфли бўлниб, март—апрель ойларида ҳафтасига бир-икки мартадан, баъзан эса, бир кеча-кундуз давомида, секундига 15—20 метр тезлик билан эсиб туради. У биринчидан, узум, боғзорларидаги ёш новдаларини синдириб, мевасини тўкиб кетса, иккинчидан, сабзавот, полиз ва бир қатор техник экинларни қум билан кўмиб ташлайди.

Шимолий районларда (Қорақалпоғистон, Хоразм) баҳорда шимолий-ғарбдан эсадиган совуқ шамол оқими жуда хавфли бўлиб, бу жойларда баъзан апрель ойларида ҳам қор ёғиши кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу районларда вегетация даври нисбатан қисқа, бир йиллик иссиқсевар экинлар — сабзавот, полиз, шоли, маккажӯхори, тамаки ва бошқаларни тўла етиштириб олиш имкони бўлсада, вегетация даври бирмунча узоқ бўлган пахтани, бу зоналарда унинг районлаштирилган навларини экилмаса, албатта ундан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Масалан, жанубий районлар учун районлаштирилган ингичка толали пахтани шимолий районларга экканда, планлаштирилган ҳосилнинг 50% ни ҳам олиш имкони бўлмаслиги мумкин.

Тупроқ ҳарорати — ўсимликлар ўсиб ривожланнишинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Тупроқ ҳароратининг нормадан паст бўлиши, ўсимликнинг илдиз системаси орқали сув ва озуқа олиш қобилиятини кескин пасайтиради ёки умуман тўхтатади. Оқибатда экинларга тупроқдан ўтадиган сув билан барвлар орқали буғлантириладиган сув миқдори орасидаги мувозанат бузилади, натижада ўсимлик ўсишдаи тўхтайди ёки умуман нобуд бўлади.

Ўсимликнинг ер устки қисми илдизига нисбатан бир оз юқори ҳароратда ўсади. Лекин илдиз, поя ва барвларга нисбатан паст ҳароратдан тез шикастланади.

Эдельштейн маълумотлари шундан далолат беради-ки, карамнинг илдизлари  $-3^{\circ}\text{C} \div -5^{\circ}\text{C}$  даражада, умуман совуқ таъсиридан нобуд бўлади, барг ва муртаклари эса қисман заарланади.

Ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги, ҳужайра ширасицинг концентрациясига, шакар ва ёғ миқдорига боғлиқ бўлиб, шакар осмотик босимни оширади. Бу эса ўз навбатида сувнинг ҳужайралар оралиғига ўтишига йўл қўймайди ва оқсил моддаларни ивиб қолишидан ҳимоя қиласди. Ҳужайра ширасидаги ёғ моддалари ҳам ҳимоя вазифасини ўтайди (Н. А. Максимов).

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тўқималарда сув қанчалик кам бўлса, ўсимлик совуққа шунчалик чидамли бўлади. Маълумки, қуруқ ўруғлар  $-100^{\circ}\text{C} \div -200^{\circ}\text{C}$  совуққа бардош берса, ивитилган ва қисман уна бошлаган уруғлар ( $-1^{\circ}\text{C} \div -3^{\circ}\text{C}$ ) ҳароратдаёқ нобуд бўлади.

Сўнгги йилларда ўсимликларниг қаттиқ совуқ ва паст ҳароратга бардошлилигини ошириш учун уларни мазкур зона ҳароратига чиниқтириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Маълум бўлдики, экинларни ўз вақтида минерал ўғитлар (НРК) билан ўғитлаш ҳам уларнинг совуққа чидамлилигини оширади.

Тупроқнинг совуши ўсимликлар учун қанчалик зарарли бўлса, унинг кескин қизиб кетиши ҳам ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши учун шунчалик зарарли ҳисобланади. Тупроқ ҳароратининг юқори бўлиши фотосинтез, нафас олиш ва бошқа бир қатор физиологик жараёнларнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Тупроққа тегиб ва қуёшга қараб турган ўсимлик мевалари куяди ва сифати бузилади. Кўпгина ўсимликлар  $40^{\circ}\text{C} \div 45^{\circ}\text{C}$  ҳароратдаёқ сўлиб нобуд бўла бошлайди. Ҳарорат  $50^{\circ}\text{C}$  дан ошгандан эса, оқсиллар ивий бошлайди. Сўнгги йилларда ўсимликларни ноқулай ҳароратга мослаш учун бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мазкур зона учун иссиқ ёки совуққа чидамли навлар яратиш, иссиқ ёки совуқ бошланишини ҳисобга олиб, экин муддатларини тартибга солиш. Масалан, Сурхондарёning жанубий районларида шолғом, турп, ловия, мош каби экинлар иссиққа чидамли бўлмаганлиги сабабли, уларнинг пишиб етилишини кузги салқинга мўлжаллаш мақсадга мувофиқdir. Ута иссиқсевар ўсимликларни жанубий ёнбағирларга, юқори ҳароратга бардош бера олмайдиган ўсимликларни эса шимолий ёнбағирларга экиш лозим. Иҳоталаш, мульталаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, органик ўғитлардан фойдаланиш, ўз вақтида сувлаб туриш каби тадбирларнинг ўтказнилиши ҳам ўсимликларни ноқулай мұхитдан нобуд бўлишининг олдини олади.

Ўзбекистонда етиштириладиган асосий экинлар, уларнинг иссиққа бўлган муносабатига қараб, 4 групга бўлинади.

1. Совуққа чидамли ўсимликлар — арпа, буғдой, нўхат, беда ва бошқалар. Бу экинлар  $0-4^{\circ}\text{C}$  иссиқликда уна бошлайди.

2. Иссиқсевар ўсимликлар — маккажӯҳори  $8-10^{\circ}\text{C}$  шоли, пахта  $1-14^{\circ}\text{C}$ , тамаки  $10-12^{\circ}\text{C}$ , помидор  $12-15^{\circ}\text{C}$  да уна бошлайди.

3. Иссиққа чидамли ўсимликлар — бодринг, оқ жӯҳори  $11-13^{\circ}\text{C}$ , қовоқ  $12-15^{\circ}\text{C}$ , қовун  $15-18^{\circ}\text{C}$ .

4. Совуқ ва иссиққа чидамли ўсимликларга наша мисол бўлиб,  $0-3^{\circ}\text{C}$  да уна бошлайди ва ўсиш максимуми  $45-50^{\circ}\text{C}$  га тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, ўсимликларнинг уишиб чиқиш ҳарорат оптимумини билиш, дэҳқончилик нуқтаси назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

## ЎСИМЛИҚЛАРНИНГ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИГА ШАМОЛНИНГ ТАЪСИРИ

Майнин шабаданинг эсиб туриши инсон учун қанчалик ёқимили бўлса ўсимлик олами учун ҳам шунчалик фойдали бўлиб, экинларни буқлашдан асрайди. Чангланиш жараёнининг бир меъёрда боришини таъминлайди. Атмосфера жараёни билан тупроқ юза ҳароратини яқинлаштиради ва шунингдек атмосфера ҳавоси билан тупроқ ҳавосиннинг ўзаро алмашиниб туриш (диффузия) жараёнини жадаллаштиради. Сувланган далалардаги тупроқнинг тезроқ топга келишини таъминлайди. Шулар билан биргаликда, шамолнинг тезлиги кучайиб, сеңундига  $8-10$  м ва ундан ҳам юқори тезлик билан эса бошлагандан, у энди ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлайди.

1. Даладаги намликни буғлантириб, тезлик билан камайтиради.

2. Иссиқ ҳавоини (гармселни) олиб келиб, ўсимлик гули ва шоналарини буқлайди ва тўкиб юборади.

3. Шамол тезлиги  $15-20$  м/сек ва ундан ортиқ бўлганда, ўсимликларнинг шох ва меваларини шикастлайди, тўкиб юборади.

4. Ўсимликларда сув танқислигини келтириб чиқариб, фотосинтез жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

5. Эрта баҳорда, очиқ чўл зоналаридаги сабзавотполиз ва ёш ниҳолларни қум, чанг-тўзонлар билан кўмид ташлайди.

6. Шамол ҳарорат мувозанатининг бузилишига сабаб бўлади. Бундай ҳол ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

## ЎСИМЛИКЛАР ҲАЕТИДА ЕРУГЛИКНИНГ РОЛИ

Еруглик барча турдаги организмларнинг яшаш шартни бўлиб, усиз бирорта ҳам яшил ўсимлик яшай олмайди.

Ўсимликлар танасида кечадиган жараёнларни амалга оширувчи энергия қуёш нурларидан олиниб, унинг таъсиридан ўсимликларда органик моддалар ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган органик моддалардан ўсимлик структура материаллари сифатида фойдаланиб, анатомик шаклини брпо этади.

Еругликнинг етишмаслик белгилари ўсимликларда жуда тез сезилади. Ўсимликларнинг барг ва поялари сарғайиб, оқчил раигга киради. Ҳосил шохларининг бўғинлари орасидаги масофа жуда узоқ бўлиб кетади. Масалан, ёруглик етарли бўлганда пахтада ҳосил шохлари ораси 4—5 см, ёруглик етарли бўлмагандан эса бу кўрсаткич 6—8 см, бъязан эса 10 см ни ташкил этади. Еруглик етишмагандан маккажўхори барглари суст ривожланиб, уларнинг юзаси икки мартагача камаяди. Еруглик кам тушадиган жойларда етиштирилган тутларнинг баргидаги оқсил ва қаид моддаларнинг камлиги, барг пластинкаларининг юпқаллашиб, сатҳи эса қисман катталлашиб, тўйимлилик даражаси кескин пасаяди. Сояда етиштирилган тут барглари ипак қуртига берилганда, қуртларнинг яшаш қобилияти пасайиб, пилласи енгил ва сифатсиз бўлганлиги аниқланган.

Кун ва тун узунлиги нисбатинииг ўсимликларга таъсир этиш ҳодисаси фотопериодизм деб аталади. Фотопериодизм хоссаси бўйича ўсимликлар узун кун ўсимликлари, қисқа кун ўсимликлари деб иккита йирик группага бўлинади.

Узун кун ўсимликларига пиёз, нўхат, буғдой, карамлар мансуб бўлиб, улар ёруғ кун 16—18 соат бўлганда тез ривожланади, ва эртароқ гуллайди. Илдиз мевали экинлар пиёз, карам шимолда ҳам, узун кун шароитида, жанубдагига нисбатан тезроқ ўсиб ривожланади. Ҳаттоқи, совуксиз кунлари қисқа бўладиган Заполяръеда ҳам бу экинлар тўла пишиб етилади ва аксарият ҳолларда мўл ҳосил беради.

Қисқа кун ўсимликларига шоли, пахта, жўхорилар ва бошқалар мисол бўлиб, бу ўсимликлар келиб чиқиши

жанубий зона бўлиб, кун узунлиги 12—14 соат бўлганда нормал ўсиб ривожланади ва мўл ҳосил беради, Эдельштейн маълумотлари шундан далолат берадики, бодринг Москва атрофи шароитида 100—110 ц/га гача ҳосил берса, кун узунлиги сунъий равишда 12 соатгacha қисқартирилганда бу кўрсаткич 130 ц/га ни ташкил этган. Бундан шундай холоса қилиш мумкинки, кун узунлигини ўзгартириш йўли билан экинларнинг ўсиб ривожланишини тартибга солиш, яъни гуллаш ва ҳосил туғиш бошланишини тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин. Ноқулай фотопериодизм шароитига тушиб қолган ўсимликлар гулламайди, мева тугмайди ёки кеч гуллаб, кам ҳосил беради. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўсимликларнинг вегетатив органлари (барг, шох, поя) кескин ўсиб, говлаб кетади. Ўсимликларни ривожлантиришда, ҳар бир новдадаги фотопериодизм ҳодисасини қатъий ҳисобга олиш шарт.

Б. С. Мошков тадқиқотлари шундан далолат берадики, филогенези турлича ёруғлик шароитида кечган ўсимликлар, ёруғликнинг таркибий қисмларидан турлича таъсирланади. Уларнинг бир хиллари сариқ-яшил ёки қизил нур таъсирида бақувват ривожланса, иккичи бир хиллари кўк, бинафша нурлар таъсиридан шиддатли ўсади.

Қуёшдан тарқаладиган нурлар спектрал турлича бўлиб, фасллар алмашиши билан, бу нурлар ҳам таъсир этиш муҳлати жиҳатидан кўпайиб камайиб туради. Масалан, ёз фаслида кўк ва бинафша нурлар кўпроқ, қизил нурлар эса, қишидагига нисбатан бир оз камроқ бўлади. Ультрабинафша нурлар ассимиляция жараёнинг даҳлсиз, аммо у С витаминининг синтези жараёнида иштирок этади.

Парник ва иссиқ хоналарда етиштириладиган маҳсулотларда С витаминининг кам бўлишига ойнанинг ультрабинафша нурларни ўтказмаслиги сабаб бўлади.

Қуёш нурлари яшил ўсимликлар баргидага анорганик бирикмалардан органик моддалар ҳосил бўлиш жараёнини (фотосинтез) амалга оширади. Фотосинтез жараёнининг механизми жуда мураккаб бўлсада, унинг мазмунини қўйидагича, схема ёрдамида тасвирлаш мумкин.



Кўриниб турганидек, жараёнда кўп мнқдорда кислород ажралиб, атмосферани кислород билан таъминлайди.

## АГРОКИМЕ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Қишлоқ хұжалик әқинларининг ўсіб ривожланиши ва улардан ҳосил олиш учун ёруғлик (Күёш), иссиқлик, сув ва ҳаво зарур әканлигини қадимги грек философ-материалистлари ўз асарларыда таъкидлаб ўтган бұл-саларда бу зарурий шарт-шароитлар илмий жиҳатдан фақат XVIII асрдан бошлаб өрганила бошланди.

Деҳқончилик биринчи марта әрамиздан 8 минг йил илгари құлланилған бұлсада, әкин майдонларининг тез-кенгайиши ва әкинлар турининг күпайышыға қарамай, олинадиган ҳосилнинг салмоғи жуда пастлигича қола-верди.

Озиқ моддалар ҳақидағи ilk фикрлар 1563- йилда француз табиатшуноси Палисси томонидан билдирилған бўлиб, у бундай деган: «Гўнг таркибидаги әкинларнинг ҳаёті ва ўсіб ривожланиши учун муҳим тузлар бўлмаганда эди, унинг әкин далаларига чиқишига ҳеч қандай ҳожат қолмаган бўлур эди». Бундан кўринадики Палисси гўнгнинг аҳамиятини билсада, у тузнинг айнан нима әканлигини билмас эди. Салкам юз йилдан сўнг (1656- йилда) тупроққа селитра солинганда ҳосилнинг ошганлиги аниқланди. Лекин айнан бу тузнинг азот әканлиги, шундан яна юз йил кейин, 1774- йилда, яъни ҳаводан азот ажратиб олингандан сўнг ҳам анча кечроқ аниқланди.

XVIII аср охирларидан бошлаб илмий деҳқончилик асослари ривожлана бошлади. 1770- йилда рус олими А. Т. Болотов ўз илмий тажрибалари асосида Ван Гель-монтнинг ўсимликларни сув билан озиқланыш назариясими инкор қилиб, ўсимликлар тупроқ таркибидаги озиқ моддалар билан озиқланади, деган назарияни олға сурди ва минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий (гўнг) ўғитларни қўллаш ҳам фойдали әканлигини кўрсатди. Ўсимликларнинг минерал моддалар билан озиқлананишини ҳар томонлама ўрганған олимлардан немис олимлари Ю. Лейбах (1840), И. Кноп (1859), француз олими Ж. Буссенго (1878) ва совет олимлари К. А. Тимирязев (1843—1920), Д. Н. Прянишников (1865—1948), И. В.



Мичурий (1855—1935), К. К. Гедройц, Д. А. Собиний ва бошқаларни санаб ўтиш ўринлидир.

Академик Д. Н. Прянишиков — агрокимё фанининг асосчиси бўлиб, бу фан тараққиётининг қариёб 60 йили унинг номи билан боғлиқ. Унинг «Ўсимликларниң озиқланиши ва ўғитларни қўллаш» тўғрисидаги таълимоти, «Ўсимлик, ўғит ва тупроқ орасидаги боғлиқлик (Агрокимё уч бурчаги) пазарияси», «Ўсимликларда азотли моддаларнинг алмашиниши ва экинларнинг илдиз орқали озиқланиши», «Асиарагинилар ҳақидаги тажрибалари» ва бошқа бир қатор улкан ишларниң санаб ўтиш лозимдир.

Д. Н. Прянишиков, К. А. Тимирязевининг «Ўсимликнинг қурғоқчиликка қарши кураши» мавзуда қилган маъruzасида (1892 йил) таинқи таъсиротлар жумласига аввало ўғитни қўллаш киради. Инсон ани шу воситалар ёрдамида ўсимликни бекорга сув сарфлашини камайтира олади, деган мулоҳазаларни тажрибада сипаб кўрди ва тажрибага кўра, памлиги бир хил бўлган тупроқда ўстирилган сули, ўғитланган ерда (ҳосил бирлиги ҳисобида) ўғит берилмаган ердагига нисбатан, сувни жуда кам сарф қиласди. Масалан, тупроқнинг памлиги 20% бўлганда, ҳар бир вазн бирлиги (циклограмм қуруқ модда) ҳисобида, ўғит солинмаганда 444 литр, ўғит солинганда эса 282 литр сув сарф бўлади, памлик 80% бўлганда ўғитланмагани 505 литр, ўғитлангани 409 литр сув сарфлайди. Шундай қилиб Д. Н. Прянишиков химиявий моддаларни ўғит сифатида кепг қўллаш кераклигини биринчилардан бўлиб илмий жиҳатдан исботлади ва оммага тарғиб қиласди.

VIII асрда азотнинг кашф этилини агрокимёда энг муҳим янгилик бўлса, XIX аср бошларида оқсил моддалар таркибишинг аниқланиши, яъни унинг таркибида 50—55% углерод, 21—25% кислород, ва 6—7% водород ҳамда 15—17% азот борлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Азотнинг аҳамиятига тўхталиб академик Д. Н. Прянишиков «Азотсиз оқсил модда пайдо бўлмайди, оқсил моддаларсиз протоплазма вужудга келмайди — демак, ҳаёт ҳам бўлмайди», деб ёзган эди. Азот билан етарлича таъминланган ўсимлик туплари яхши ривожланиб, барглари йирик, тўқ яшил тусда бўлади. Азот етишмагандан ўсимлик суст ўсади, ҳосил шохлари кам чиқади, бўғинлар ораси анча узоқ бўлади, барглари майда, оч яшил тусда ёки сарғайиб қолади.

Ўзбекистонда мінерал ўғитлар самарадорлигиде текнириш юзасыдан илк ишлар XX аср бошларида Р. Р. Шредер, М. М. Бушуев, И. К. Негодиов томонидан бошланған бўлиб, бу иш кейинчалик Б. П. Мачигин, М. А. Белоусов, П. В. Протасов, Г. И. Яровенко, И. Мадранмов, Б. М. Исаев, Т. Пирохунов, А. Зокиров, Ж. Сатторов, Н. Н. Зеленин, Н. Ниязалев ва бошқа кўплаб агрехимиклар томонидан ривожлантирилди.

Бу олимларниң илмий хулосаларига кўра, пахтачиликда азотли ўғитларниң салмоғи жуда улкан бўлиб, у умумий ҳосилиниң 45—50% га тўғри келади. Пахта таркибидаги азот миқдори бир қатор омиллар, жумладаш, ўсимлик нави, агротехника тадбирлари, об-ҳаво ва тупроқ шаронтларига боғлиқ. Шу сабабли ҳам Ф. Э. Гельцер (1931), А. В. Благовещенский ва бошқалар (1978) маълумотларига кўра, ғўза таркибидаги азот миқдори ҳар хил бўлади.

М. А. Белоусов тадқиқотларига асосан, ўсимлик қаригай сари унинг таркибида азот миқдори камайиб боради. Ўсимлик таркибида азотининг энг кўп бўладиган даври унинг шопалари ва гуллаш фазасига тўғри келади. С. А. Кудрин (1948) маълумотларига кўра, тупроқдан ғўза билан бирга озиқ элементларниң чиқиб кетиши ҳосилиниң ўсимлик умумий маҳсулот массасига иисбатан ташкил этган процентга боғлиқ (2- жадвал).

#### 1- жадвал

**Озиқ элементларининг ғўза билан бирга чиқиб кетиши миқдори  
(бир тона пахта ҳосили ҳисобига, ўсимликнинг умумий  
массасига иисбатан)**

Ўсимлик умумий маҳсулот массаси- га иисбатан пахта ҳосили	Бир тонага сарф бўлган озиқ элемент, кг		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
57 — 48	28 — 38	10 — 13	28 — 33
47 — 42	32 — 46	12 — 15	32 — 43
42 — 35	43 — 61	12 — 17	43 — 57
34 — 26	59 — 61	17 — 20	55 — 58

Жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ элементлари (азот, фосфор, калий) пахта ҳосили, ғўзанинг бошқа қисмларига иисбатан кам бўлган тақдирда, фақат 26—33% ни ташкил қилган ҳолда, кўп сарфланган. Демак, кўп миқдорда солинган ўғит, ҳосил билан бир қаторда

ўсимлик вегетатив органлари (барг, шохлар)нинг масасини ҳам кўпайтиради.

П. В. Протасов (1961) пахтанинг азотга бўлган эҳтиёжини олти даврга бўлиб, ҳар бир даврда пахта учун талаб этиладиган ўғит миқдорини аниқлаб берди. Шу билан бирга у ўз илмий тажрибаларига асосланиб, Узбекистон тупроқлари шароитида, минерал ўғитлар қўлламасдан 10—15 ц/га дан юқори ҳосил олиб бўлмаслигини исботлади.

Ўрта Осиёда пахтани азот билан ўғитлаш муддатларини белгилаш бўйича биринчи тажрибалар М. М. Бушев томонидан 1914 йилда бошланган бўлса, Б. А. Кудрин ва Я. И. Чумановлар 1951 йилда пахта ривжоланишининг биринчи даврларида ўсимлик тупроқнинг табиий унумдорлигидан фойдаланиб, азотли ўғитга муҳтож бўлмайди ва шунинг учун, экишдан олдин азотли ўғит бериш керак эмас, деган хуносага келдилар. Узбекистонда пахтанинг ўсиб ривожланишда фосфорнинг аҳамияти О. Ф. Туева (1935), В. М. Цивинский (1939 йилда), М. А. Белоусов (1955—1964 йиларда), Н. Н. Зеленин ва Т. Пирохуновлар (1960—1990), Х. Болтаев ва Х. Х. Зокиров (1975—1990 йилларда) томонидан ўрганилди ва тажрибалар асосида қўйидагича хуносалар шакллантирилди. «Чигитнинг униб чиқиши ва уруғбаргнинг пайдобўлишига қадар фосфор етишмаса, бундай ҳол ўсимликка салбий таъсир кўрсатади ва бундай ғўзани, кейинчалик қўшимча фосфор бериб, нормал ҳолатга келтириб бўлмайди. Агарда пахта икки-тўрт чинбарг чиқарган даврда фосфор етишмаса, 15—25 ц гача ҳосил йўқолади, кўсакларнинг сони камайиб, вазни ҳам пасаяди».

Муаллиф томонидан 1978—1992 йилларда Сурхон — Шеробод воҳасининг тақир ўтлоқ тупроқларида, фосфорли ўғитларнинг пахта ҳосилдорлиги, касалланиши ва сифатига таъсирини текшириш бўйича ўтказган илмий тадқиқотлари шундан далолат берадики, ингичка толали пахта фосфор бермасдан, азот ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилганда ғўза деярли барча ўлчамлар бўйича тўла озиқлантирилган варианtlарга нисбатан орқада қолади (З- жадвал).

Ўрта Осиё деҳқончилигидаги минерал қаторида, калий кенжা тур ўғит ҳисобланади. Чунки, бу ўлкада тарқалган бўз ва тақир тупроқлар таркибида калий элементи азот ва фосфорга нисбатан бироз кўпроқ, ва айни тупроқлар таркибида бироз шўр бўлганли-

**Хар хил нормадаги фосфорли ўғитларни ингичка толали пахта фаолиятига таъсири (4 йиллик маълумот, муаллиф)**

№	ЎҒИТНИНГ ЙИЛЛИК НОРМАСИ			Бош поя бўйин см.	Кўрак сони, дона	Ҳосил ц/га	Макроспариоз ка-сали барг кўс.	Технологик сифат		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O					саноат нави	тола узунлиги, мм	
1	0	250	125,	81,1	15,0	37,8	53,3	25,7	11	38,6
2	125	250	125,	85,5	16,2	42,0	39,2	20,0	1	40,2
3	250	250	125	89,0	17,7	45,2	38,7	12,5	олий нав	40,6
4	375	250	125	89,0	17,2	45,1	26,5	12,1		40,4

ги сабабли, калийни ўғит сифатида қўллаш шарт эмас, иегаки у тупроқни янада шўрлатиб юборади, деган тушиунча узоқ йиллар мобайнида, ҳаттоти, айрим хўжаликларда ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг ҳосили билан даладан чиқиб кетадиган азот, фосфор ва калий нисбатига назар ташланса, калийнинг аҳамияти ва тупроқнинг калийга нисбатан қанчалик камбағаллашиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин (4- жадвал).

**Бир тонна ҳосил билан тупроқдан чиқиб кетаётган NPK миқдори, кг**

№	Экин тури	Маҳсулот тури	Ҳосил билан чиқиб кетган ўҒИТ МИҚДОРИ, кг		
			N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	Қишки буғдой	дони	37	13	23
2	Баҳори буғдой	—»—	47	12	18
3	Маккажӯхори	дони	34	12	37
4	Зизир	дони	106	53	93
5	Қанд лавлаги	толаси	80	40	70
5	Қанд лавлаги	меваси	5,9	1,8	7,5
6	Беда	пичани	26,0	6,5	15,0
7	Оқ карам	меваси	3,3	1,3	4,4
8	Помидор	меваси	2,6	0,4	3,6
9	Сабзи	меваси	3,2	1,0	5,0
10	Бодринг	меваси	1,7	1,4	2,6
11	Қартошка	меваси	6,2	2,0	8,0
12	Табиий хашак	пичани	17,0	7,0	18,0
13	Пахта	толаси чиғити билин	43—61	12—17	43—57

Бу жадвалга асосан шундай хулоса қилиш мумкини, аҳамияти жиҳатидан калий, энг асосий ўғитлар ҳисобланган азот ва фосфордан қолишмас экан. Ўсимликларга бериладиган калий миқдори оширилса, илдизлар азотни яхши ўзлаштириб, организмдаги органик моддаларнинг салмоғи ортади.

Е. А. Жариков (1940), С. А. Кудрин (1948), П. В. Протасов (1953), М. А. Белоусов (1964), И. И. Мадраимов (1960—1984), Х. Х. Зокиров (1978—1990) маълумотларига қараганда, пахта калийга жуда талабчан ўсимлик ҳисобланади. Азот билан калийнинг миқдор нисбати солиштириб кўрилганда бу нисбат 1:1 га тенг бўлиб чиқди.

И. И. Мадраимов (1976) маълумотларига кўра, тупроқда калий кам бўлса, ўсимликларнинг барги сарфайиб сўлий бошлайди ёки ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 30—35 центнерни ташкил этса, шу ҳосилни етишириш учун 180—220 кг гача калий сарфланади. Муаллифнинг 1978—1981 йиллардаги илмий тажрибаларида калий солинмаган варианtlарда ҳосилдорлик (125 кг/га), калий солинган вариантуга нисбатан (2,5—3,0 ц гача) камайиб, толанинг саноат нави иккинчи навга тушганлиги, тола узунлигининг 0,9 мм гача камайганлиги, кўсакда макроспариоз касаллиги, оптималь вариантуга нисбатан 25—30% гача ортганлиги, бир дона кўсак оғирлигининг эса 0,5—0,7 г гача камайганлиги аниқланди.

И. И. Мадраимов (1980) маълумотларига кўра, калий етишмаган далалардан ўсимликлар 24 кг гача азотни ортиқча олиб кетади. Беда ва маккажӯҳори каби экинлар ҳам бу ўғитга талабчан бўлиб, беда 3 йилда бир гектардаги тупроқдан 700—950 кг калийни олиб кетса, маккажӯҳори донининг ҳосили ҳар гектарига 60 ц ташкил этганда, ундан тайёрланган 700 ц силос массаси ҳар гектар тупроқдан 150—180 кг калийни олиб кетади.

Ўсимликлар учун микроэлементларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини Я. В. Пейве (1950—1970), Узбекистонда Б. М. Исаев, Е. К. Круглова (1970—1980), Г. Рафикова, тақир тупроқларда Х. Болтаевлар (1970—1985) илмий жиҳатдан асосладилар ва ўсимликлар томонидан кам талаб этиладиган 10 дан ортиқ, лекин муҳим бўлган элементларни микроэлементлар қаторига қўшдилар. Бор, рух, кобальт, йод, марганец, молибден, темир, натрий, кальций ва бошқа бир қатор элементлар шулар жумласидан бўлиб, Узбекистоннинг бўз тупроқ-

ли зоналарида бор таъсиридан пахта ҳосили гектарига 1,3—4,7 ц га, марганец таъсиридан эса 0,7—3,7 центнер-гача ошганлиги маълум бўлди. Йод етишмаган тупроқда ўстирилган ўсимлик хашагии истеъмол қилган чорва, мевасини истеъмол қилган одамларнинг касалликка چалинганлиги ва тишларининг заифлашиб тушиб кетганлиги аниқланган.

Х. Болтаев (1975—1981) маълумотларига кўра, тақирик ўтлоқ тупроқларга таркибида рух, элементи бўлган фосфорли ўғитлар қўлланилганда, ингичка толали пахта ҳосили 2,5—3,0 ц гача ортиб, сифати яхшиланган.

Г. Рафикова (1970) тажрибаларидан маълум бўлдиди, микроэлементлар таъсиридан тола ва чигит сифати яхшиланган. Масалан, марганец таъсиридан тола чиқиши 1,3% га, 1000 дона чигит вазни эса 5,2 г гача ошган. Барча микроэлементлар толани 1,3 мм дан 1,8 мм гача узвайтириб, чигитдаги мой миқдорини кўпайтирган.

Ҳозирги кунда республиканинг Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Фарғона водийси вилоятлари ва Сурхон — Қаршии воҳаларининг бир қатор районлари учун кичик масштабли карта-схемалар ишланган бўлиб, таркибида мис, кобальт, рух ва бошқа микроэлементлар кам бўлган ерларнинг талайгина майдонни эгаллаши аниқланди.

## АГРОКИМЁ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Агрокимё барча турдаги ўсимликларнинг ҳар хил турга мансуб ўғитларга бўлган муносабатини ўрганувчи фан бўлиб, унинг вазифаси ўсимликларнинг ўғитга бўлган талаби, ўғитлар етишмаган ёки ортиқча бўлган ҳолларда рўй берадиган касалликлар белгилари, ўғит билан боғлиқ ҳолда ҳосилдорликни ошириш йўлларини излаш, шунингдек, тупроқ таркибидаги ўсимликлар учун муҳим бўлган азот, фосфор, калий ва бир қатор микроэлементларнинг миқдорини аниқлашдан иборатdir.

К. А. Тимириязев агрокимё фанининг аҳамияти ҳақида «Ҳозирги замон деҳқончилигини фақат агрокимё ва ўсимликлар физиологияси заминида тасаввур этиш мумкин», деган эди.

Агрокимё фани кимё ва биологиянинг сўнгги ютуқлари заминида ташкил топган мустақил фан бўлиб, у мазкур фанларни айнан тақорорламасдан, ижодий бойитади ва ривожлантиради. Агрокимё фанининг асосчиси

Д. Н. Прянишников 1906 йилдаёк, мустақил агрокимёфани билан энг яқын алоқада бўлган фанларни санаб ўтган эди. Бу фанлар жумласига ўсимлишунослик, табиатни муҳофаза қилиш, дехқончилик, тупроқшунослик, метеорология, ўсимликлар кимёси, тупроқлар кимёси, минерал ўғитлар кимёси, агрофизика, тупроқлар физикиаси ва бошқа бир қатор фанлар мансубдир.

Агрокимёдехқончиликда шундай бир муҳим фанки, у агроном-агрохимикдан жуда катта масъулият талаб этади. Чунки агрохимик тупроқга ўғит беради. Берилган ўғит ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади ва натижада юқори ҳосил етиширилади. Аксинча, нормадан кам ёки ортиқча берилган ўғит ўсимликларга салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилнинг камайиши ва сифатининг пасайишига, ортиқча миқдордаги нитратларнинг ариқ, канал ва ер ости сизот сувларини ифлослашига, азот, фосфор ва калийли ўғитлар ўртасидаги нисбатни бузиш орқали ўсимликлар томонидан азотли ўғитларнинг бир томонлама ўзлаштирилиши натижасида, меваси истеъмол қилинадиган ҳосилнинг яроқсиз ҳолатга келиши, истеъмол қилинганда эса тирик организмларнинг заҳарланишига сабаб бўлади.

Агрокимё фани ўз фаолиятида кимёвий, биологик, биокимёвий, физикавий методлар ва бир қатор ташқи ва ички факторларга асосланади. Ўсимликни ўғитлаш жараёнида ўғитнинг йиллик ва бир маротабалик нормасини белгилаш учун ўсимликтин кимёвий таркиби, биологик хусусиятлари, тупроқ ва ўсимликлар таркибидаги элементлар миқдори, тупроқнинг физик-механик хоссаларини ҳисобга олиш керак. Ҳарорат, намлик ва ёруғликнинг нормадан паст ёки юқори бўлиши, ўсимлик билан ўғит орасидаги муносабатга кескин таъсир этади. Масалан, намликнинг нормадан паст бўлиши, тупроқдаги ўғитнинг эришига имкон бермайди, ҳароратнинг нормадан паст бўлиши эса, ўсимликтин актив фаолиятини пасайтиради, ўғитнинг сувда эришини секинлаштиради ва шу асосида ҳосилга салбий таъсир этади. Шу сабабли ҳам агроном-агрохимик ҳар бир ички ва ташқи омилларни аниқ ва мукаммал ҳисоб-китоб қилгандагина ўз вазифасига ижобий ёндашган бўлади.

## АСОСИЙ ТУПРОҚ ТИПЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА АГРОКИМЁВИЙ ТАВСИФНОМАСИ

### Ҳамдўстлик мамлакатлари деҳқончилик зоналари тупроқларининг агрокимёвий тавсифномаси

Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида 30 дан ортиқ тупроқ типлари маълум бўлиб, бу тупроқ типлари ўз навбатида бир қатор типчалар ва турларга бўлинади. Илгор деҳқончилик маданиятининг муҳим марказларидан бўлган Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Озарбайжон республикалари дунё пахтачилигига энг шимолийи районлар бўлишига қарамасдан, сўнгги йилларда, деҳқончиликнинг кўп тармоқлари ҳосилдорлиги бўйича салмоқли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Собиқ СССРнинг жанубий саҳро, яrim саҳро ва қурук чўл вилоятлари бўлмиш Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Кавказорти республикаларида пахта, беда, каноп, шоли, маккажӯхори ва бошқалардан юқори ҳосил олиш имкони мавжуд. Бу деҳқончилик ҳудудлари биоклиматик, литолого-геоморфологик, гидрогеологик ва тупроқ шароитлари билан бир-биридан фарқланади. Бундай ҳол ўша зоналарда алмашлаб экишни тўғри жорий этиш, табақалаштирилган агротехника системаси, суфориш режими, ўғитлардан тўғри фойдаланиш ва тупроқ шўрланиши, ботқоқланиши ва эрозиясига қарши мелиорация системаларини тўғри қўллаш учун, биринчи навбатда, тупроқ ва табиий шароитнинг мукаммал таҳлил қилинишини тақозо этади.

А. З. Генусов, Б. В. Горбунов ва Н. В. Кимберг (1962) классификацияси бўйича, саҳро (текислик) зонасига қўйидаги тупроқ типлари киради:

а) Автоморф қаторли — тақирли, қумли ва қумоқ саҳро тупроқлар.

б) Кул ранг қўнғир ва гидроморф қаторли — ўтлоқ, ботқоқ ва шўрхоклар.

Яrim саҳро (адир-тоғолди ва паст тоғлар) зонаси қўйидаги тупроқ типларига ажralади:

а) Автоморф қаторли — бўз тупроқлар (оч тусли, типик, тўқ тусли).

б) Гидроморф қаторли — ўтлоқ, ботқоқ ва шўрхоклар.

Салаев (1965) маълумотларига кўра, мазкур зоналарда бу тупроқлардан ташқари, Кичик Қавказ тизмаси тоғолди зоналарида, бўз жигарранг (тўқ тусли ва оддий) тупроқлар ҳам кенг тарқалган.

Юқорида санаб ўтилган барча тупроқлар ўз навбатида, суғориладиган ва суғорилмайдиган тупроқларга бўлинади. Ўрта Осиё, Жанубий Қозогистон ва Озарбайжон дехқончилик ва пахтачилик районларининг тупроқ турлари ва уларнинг майдони қўйидаги 5- жадвалда келтирилган.

#### 5- жадвал

#### Ҳар хил типдаги тупроқлар майдони, млн.га

№	Тупроқ турлари	Ўзбекистон	Киргизистон	Тожикистон	Туркменистон	Жами
<b>Саҳроли текисликлар</b>						
1	Суғориладиган тақирысимон	0,2	—	—	0,2	0,4
2	Суғориладиган ўтлоқ ва ботқоқ- ўтлоқ	0,6	—	—	0,2	0,8
3	Ўтлоқ, ботқоқ- ўтлоқ ва соҳил тупроқлари	1,0	—	—	0,7	1,7
4	Тақирысимон тупроқлар ва тақирлар	2,6	—	—	5,2	7,8
5	Саҳро сур-қўнғир	11,0	0,2	—	8,5	19,7
6	Саҳро қум тупроқлар	13,3	—	—	24,3	37,6
7	Шўрхоклар ва шўркўллар	1,5	—	0,1	2,4	4,0
Жами		30,3	0,2	0,1	41,5	72,1
<b>Саҳро-даштили топ этаклари</b>						
1	Бўз тупроқлар	3,8	1,4	1,3	4,9	11,4
2	Суғориладиган бўз тупроқлар	1,0	0,7	0,3	0,1	2,1
3	Суғориладиган ўтлоқ ва ботқоқ- ўтлоқ тупроқлар	0,9	0,2	0,1	—	1,2
4	Ўтлоқ, ботқоқ- ўтлоқ ва соҳил тупроқлари	0,2	0,1	0,1	—	0,4
Жами		5,9	2,4	1,8	5,0	15,1

Кимберг (1965) бу тупроқларнинг қўйидаги систематик рўйхатини тузди.

Бўз тупроқ минтақаси тупроқлари.

Автоморф тупроқлар — Ўрта Осиё бўз тупроқлари: оч тусли (жумладан, гипсли), суғориладиган оч тусли,

типик, сүфориладиган түқ тусли, бұз-жигарранг тупроқлар.

Оралиқ тупроқлар — глейли бұз тупроқлар (бұз ўтлоқ тупроқлар), оч тусли, сүфориладиган оч тусли, типик, сүфориладиган типик, ўтлоқ бұз тупроқлар, сүфориладиган бұз-ўтлоқ тупроқлари.

Гидроморф тупроқлар (бұз тупроқ миңтақаси) — ўтлоқ тупроқлар, ботқоқ тупроқлар, сүфориладиган ботқоқ тупроқлар, типик, ўтлоқ ва ботқоқ шұрхоклар, саро зонаси тупроқлари.

Автоморф тупроқлар (ер ости суви чуқур жойлашған) — бұз құнғир, сүфориладиган бұз құнғир, қумли саҳро, сүфориладиган қумли саҳро, тақыр тупроқлар, сүфориладиган тақыр тупроқлари, тақырлар, қолдик шұрхоклар.

Оралиқ тупроқлар (ер ости суви чуқурлиги 3 м) — ўтлоқ бұзқұнғир, ўтлоқ саҳро, сүфориладиган ўтлоқ саҳро тақырли тупроқлар, сүфориладиган тақырли тупроқлар.

Саҳро зонасининг гидроморф тупроқлари (ер ости суви яқин жойлашған) — ўтлоқ тупроқлар, сүфориладиган ўтлоқ тупроқлар, ботқоқ ўтлоқ тупроқлар, типик, ўтлоқ ва ботқоқ шұрхоклар.

## ҚОРА ТУПРОҚЛАР

Тупроқшунос олим В. В. Докучаев — серунум, чириндига бой ва чириндили қатлами қалин, мустақкам донадор-кесаксимон структурага әга қора тупроқларни «Тупроқларнинг подшоси» деб атаган әди.

Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институты ишлаб чиққан тавсияга асосан, қора тупроқлар типи құйидаги группаларга (типчаларга) бүлинади.

1. Подзоллашган ва ишқорсизлашган қора тупроқлар.

2. Типик (қалин, ўрта ва юпқа қаватлы) қора тупроқлар.

3. Оддий қора тупроқлар.

4. Жанубий қора тупроқлар.

Подзол қора тупроқларнинг ранги түқ құнғир бүлиб, таркибидаги гумус миқдори 4—6%, pH 5,5—6,2; асослар сингдириш ҳажми 80—90% ни ташкил этади.

Тупроқнинг юза қатламларида күп миқдорда  $\text{SiO}_2$  тұпланиб, уч оксидли элементлар асосан пастта юви-

лади. Азот миқдори 0,4—0,5% гача бўлиб, ғарбдан шарққа томон кўпая боради. (5<sup>а</sup>- жадвал).

5<sup>а</sup>- жадвал

**Подзоллашган қора тупроқларнинг ялпи кимёвий таркиби  
(% ҳисобида)**

Қатлам чуқурлиги, см	Чиринди	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O
0—10	7,80	70,1	16,4	1,3	1,2	0,15	0,35	0,90
48—56	3,10	69,1	18,8	1,2	1,5	0,13	0,40	0,83
64—72	1,94	64,4	18,6	1,6	1,8	0,12	0,39	0,90
90—95	0,92	65,9	20,1	1,9	1,8	0,13	0,42	0,98
140—150	—	63,7	18,6	1,7	1,6	0,13	0,50	1,03

Ишқорсизланган қора тупроқлар сернам територияларда учраб, сернам шароитда органик моддаларнинг тез чириб пастки қатламларига ювилиши туфайли, тупроқдаги чиринди миқдори ўртacha 5—10% ни ташкил этади, қалинлиги эса 90—110 см га етиб боради. Донадор структураси, тўқ сур рангда 110—120 см чуқурликдан бошлаб кислота таъсиридан қайнайди, pH—6—6,5 teng, яъни кучсиз кислотали. Деярли барча типдаги қора тупроқлар калий билан яхши таъминланган бўлиб, унинг миқдори 2,5—3% ёки бир гектардаги ялпи миқдори 75—90 т ни ташкил этади. Азот ва фосфорнинг миқдори эскидан экин экилиб келинаётган тупроқларда нисбатан кам бўлиб, тупроққа қўшимча азот ва фосфорли ўғитлар берилишини талаб этади (6- жадвал).

6- жадвал

**Қора тупроқларнинг агрокимёвий тавсифномаси**

Қора тупроқ типлари	0—20 см қатламда, гектарига т ҳисобида			
	чиринди	азот	фосфор	калий
Типик	120—220	7—15	3,5—4,5	50—60
Оддий	80—140	5—7	3—4	50—55
Жанубий	60—110	3—6	2—2,5	50—60

6- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қора тупроқлар зонасининг жанубига борган сари, яъни иссиқликнинг ортиши нам миқдорини камайиши билан

тупроқ таркибидаги чиринди, азот ва фосфор миқдори кескин камайиб боради.

Жанубий қора тупроқлардан ташқари, бошқа зоналардаги тупроқлар шүрләнмаган бўлиб, чириндига бой ва таркибидаги озиқ элементлари ўсимликлар учун етарли. Шунинг учун, қора тупроқ зоналарида асосан ғалла, маккажӯхори, зифир, қанд лавлаги, соя, кунгабоқар ва канакунжут каби техник ва мойли экинлар экилади.

Қора тупроқ зонаси әгаллаган умумий майдонининг 90% экин экиш учун яроқли бўлиб, унинг 80—85% майдонидан дехқончилик ва чорвачиликда фойдаланилади. Зонанинг жанубий ва шарқий қисмида иқлим қуруқ бўлганлигини ҳисобга олиб, айни зоналарда қишида кўпроқ нам тўплаш мақсадида экин далалари атрофини иҳоталаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда айни тупроқларда озиқ элементлар етарли бўлсада, намнинг камлиги туфайли, тупроқнинг юза қатлами қуриб қолади. Натижада ҳосилдорлик кескин камаяди. Жанубий қора тупроқ зоналарида ўғитлардан гўнг турли хил компостлар ёки гўнг билан фосфор аралашмаси солиш энг ижобий натижалар беради.

## БЎЗ ТУПРОҚЛАР

Бўз тупроқлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар, 1881-йилда Н. Тейх томонидан Тошкент атрофида ўтказилган текширишлар натижасида берилди. А. Миддендорф 1882-йилда Фарғона водийси тупроқларини текшириб, уни сариқ тупроқлар деб атади.

Бўз тупроқларни Н. А. Димо дастлаб оч тупроқ деб атаган бўлса, С. С. Неуструев эса (1908) мазкур тупроқни «бўз тупроқ», деб аташни илк бор таклиф этди ва шундан бошлаб, атама кенг миқёсда қабул қилинди. Бўз тупроқлар биологик ва иқлим шароитларига кўра, агрокимёвий тавсифномаси жиҳатдан хилма-хилдир (6<sup>а</sup>- жадвал).

Бўз тупроқлар — бўз тупроқлар зонасида энг кўп тарқалган тупроқ бўлиб, ўз минтақасида икки қисмга ажратилади.

1. Урта Осиё ёки Турон бўз тупроқлари.
2. Марказий Қозогистон — шимолий бўз тупроқлар (кам карбонатли).

6<sup>a</sup>- жадвал

**Үрта Осиё республикалари тупроқларидаги чиринди, азот,  
фосфор ва калийнинг миқдори**

Тупроклар	Катлам чукур- личини, см	Миқдори, %		Фосфор		Калий		С
		ЧИРИН- ДИ	УМУМ. АЗОТ	УМУМ. % АММО-	АММОН- ИЙ КОРТ МГ/КГ	УМУМ. % АММО- ИЙ КОРТ МГ/КГ		
Сур-жигарранг	0—8	4,0	0,3	—«—	—«—	—«—	—«—	—«—
	0—15	3,6	0,23	—«—	—«—	—«—	—«—	7,9
	15—43	1,6	0,14	—«—	—«—	—«—	—«—	6,8
	47—77	1,2	0,06	—«—	—«—	—«—	—«—	11,5
Тұқ түсли	8—15	1,5	0,19	—«—	—«—	—«—	—«—	апиқ- лайма- ған
Бұз тупроқ	15—40	0,8	0,10	—«—	—«—	—«—	—«—	апиқ- лайма- ған
Типик бұз тупроқ	0—5	2,88	0,19	0,17	—«—	2,46	—«—	8,6
	5—10	1,63	0,12	0,15	—«—	2,36	—«—	8,1
	10—20	0,90	0,07	0,14	—«—	2,32	—«—	6,6
	30—45	0,26	0,04	0,10	—«—	2,65	—«—	3,1
Саҳро	0—17	0,48	0,03	0,03	7,5	1,22	215,5	8,9
	17—40	0,24	0,02	0,06	5,0	1,25	225,1	8,2
Құмлы	40—80	0,18	0,01	0,05	4,0	1,24	212,5	9,5
Сур-құңгир	0—15	0,39	0,03	0,15	15,0	1,22	230,0	8,4
	5—12	0,29	0,02	0,11	11,2	1,42	250,0	9,3
	12—28	0,23	0,02	0,08	1,5	1,82	250,0	8,8
	0—20	2,7	0,17	0,18	—«—	апиқланмаган	14,4	
Ұтлоқ-ботқоқ	20—45	1,6	0,09	0,15	—«—	—«—	—«—	12,0
	50—70	0,9	0,05	0,11	—«—	—«—	—«—	10,4
	36—60	2,2	0,13	0,16	—«—	—«—	—«—	9,8
Суғориладиган	0—27	1,3	0,08	0,12	—«—	—«—	—«—	—«—
Ұтлоқ	30—40	0,6	0,03	0,11	—«—	—«—	—«—	—«—
	60—70	0,6	0,03	0,11	—«—	—«—	—«—	—«—
	0—5	1,28	0,16	0,15	27,0	1,60	302,0	8,0
	5—28	0,61	0,05	0,13	10,0	1,84	375,0	7,7
Күриқ	28—52	0,30	0,03	0,13	10,0	1,76	212,0	6,4
Суғориладиган	0—25	1,04	0,08	0,15	22,0	1,83	541,0	7,8
	25—55	0,45	0,04	0,13	28,6	1,80	346,0	7,1
	55—90	0,49	0,04	0,13	4,75	1,50	83,0	7,0
Гипсели	0—5	0,77	0,05	0,12	20,7	1,29	200,0	8,9
бұз тупроқ	5—33	0,59	0,02	0,08	4,0	1,24	260,0	7,7
	33—60	0,22	0,02	0,08	2,1	1,18	120,0	7,0
күриқ	0—12	0,68	5,05	0,12	22,0	1,83	365,0	7,4
12—30	0,48	0,04	0,11	15,0	1,90	166,0	6,8	
Тақир	30—58	0,36	0,03	0,11	4,0	2,00	183,0	5,0
	0—1,5	1,30	апиқланмаган	—«—	—«—	—«—	—«—	
	1,5—6,0	1,25	0,08	—«—	—«—	—«—	—«—	
	6—15	1,00	0,07	—«—	—«—	—«—	—«—	
Тақир	15—35	0,53	0,04	—«—	—«—	—«—	—«—	
	0—2	0,76	0,05	1,14	57,5	1,81	400,5	8,8
	2—13	0,63	0,04	1,14	25,5	2,16	428,5	8,4
	13—63	0,39	0,06	1,12	8,7	2,05	250,0	8,1

## ОЧ ТУСЛИ БҮЗ ТУПРОҚЛАР.

Оч тусли бүз тупроқлар Сирдарё, Келес дарёсининг жапубий, гарбий ҳавзаларида, Чимкент, Тошкент, Мирзачўл, Қарши ва Сурхондарё ҳавзаларида, Ҳисор тизмасининг төғ этакларида, Ҷу, Талас, Қемин водийларида учрайди.

Оч тусли бүз тупроқлар рельефи ва иқлими, типик бүз түпроқли районлардан тубдас фарқ қиласди. Шунингдек, ранглиниг очлиги, гумус қатламишиниг камлиги, шўрлапишига мойнлиги билан ҳам ажралиб туради. Таркибида озиқ элементлар миқдори жуда кам бўлиб, умумий азот, фосфор, калий миқдори, уларга мувофиқ  $0,02-0,16\%$ ;  $0,13-0,15\%$ ;  $1,65-1,89\%$  ни ташкил этади.

## ТИПИК (ОДДИЙ) БҮЗ ТУПРОҚЛАР.

Типик (оддий) бүз тупроқлар төғ этаклари, адирлар, паст тиэма төғ этакларида кепг тарқалган. Бу хил тупроқлар сингдириш қобилияти, унумдорлиги, сув ва шамол эрозиясига мойнлиги жиҳатидан оч тусли бүз тупроқ билан тўқ тусли бүз тупроқлар орасидан ўрин олади.

Типик бүз тупроқлари 2—3 м чуқурликкача шўрланмаган бўлиб, 0—10 см қатламида гумус миқдори  $1,5-3,0\%$  дан ошмайди, азот— $0,15-0,26\%$ ; умумий фосфор— $0,13-0,23\%$ ; калий— $2,0-2,5\%$  гача. Бу хил тупроқлар чўкиш хусусиятига эга бўлганилиги учун сугориш, шўр ювиш ва зовур тармоқларини қуриш шамалирида кўриладиган ишоатларниг чўкиш эҳтимоллигини ҳисобга олиш керак, албатта.

Типик бүз тупроқларни сугориш ва шўрини ювиш уларниг физик-кимёвий хоссаларини кескин ўзгартиради. Масалан, уни минераллашган (шўр) сув билан сугорилганда шўрланиш даражаси орта боради.

## ТҮҚ ТУСЛИ БҮЗ ТУПРОҚЛАР.

Тўқ тусли бүз тупроқлар төғ ёнбағирларининг пастки қисмларида учраб, бошқа тур бүз тупроқларга нисбатан физика-кимёвий, сингдириш хоссаларининг яхшилиги, таркибида гумуснинг кўплиги, рангининг тўқроқлиги билан фарқланади. Шунингдек, генетик қатламининг қалинроқлиги, структурасининг (донадорлигининг) яхшироқлиги ва карбонатли қатламининг

нисбатан чүкүр жойлашиши билан ҳам ажралиб турди. Бу хил тупроқ зонасидаги иқлимининг юмшоқлиги, намнинг нисбатан кўплиги, ўсимликлар дунёсининг бой бўлишини таъминлайди. Эфемерлар, бошоқлилар ва майда буталар кўплаб ўсади, натижада гумуснинг нисбатан кўп 2,5—5,5% бўлиши таъминланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айни тупроқ зоналарида рельефнинг нотекислиги, эрозия жараёнининг авж олишига сабаб бўлади. Тўқ тусли бўз тупроқларнинг чимли қатламида гумус миқдори 2,5—5,5% гача бўлса, бу кўрсаткич чимости қатламда 1,5—2,5% бўлиб, оралиқ қатламда 0,5—2,0% ташкил этади. Азот миқдори эса, уларга мувофиқ 0,15—0,50; 0,11—0,19; 0,04—0,10% билан характерланади. Ҳажм оғирлиги 1,07—1,30 дан 1,24—1,51 г/см<sup>3</sup> гача, сув сифими эса 19,3—30,5% гача ўзгаради. Тез эрувчи туз ва гипс қўйиқатламлар томон силжиган бўлади.

Тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг карбонатлиги 7—11% ни ташкил этади. Донадорлик (структуратаркиби) кўра, чимли ва чим ости қатламларда, ўлчами 1 мм дан каттароқ, сувда эримайдиган агрегатлар миқдори 45—55% гача етади. Демак, бу кўрсаткичлар оч тусли бўз тупроқларнига нисбатан 2—3 марта катта.

## ЧУЛ ЗОНАСИ ТУПРОҚЛАРИ

Чўл зонаси тупроқлари иқлимининг ўта аридлиги, йиллик ёғингарчиликнинг жуда камлиги (100—130 мм) ва буғланиш даражасининг жуда катталиги (850—1500 мм), унинг устига гумуснинг жуда камлиги тифайли эфемер ва эфмероид ўсимликларнинг деярли бўлмаслиги ёки ўта кам ривожланиши билан ажралиб туради.

## ТАҚИРЛИ ТУПРОҚЛАР

Тақир тупроқлар дарёларнинг қадимги дельталарида ва водийларнинг оғир механик таркибли аллювиал терассалари ва оғир механик таркибли пролювиал ётқизиқли қияликларида учрайди. Тақирли тупроқларнинг кўп тарқалган районларига Муғроб, Тажан, Шерободдарё, Қашқадарё, Амударё, Атрек дарёларининг дельталари ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Тақирли тупроқлар устки қатлами юзасининг нотекислиги, ёриқларнинг ўта нафислигига қарамасдан

чүл зонасидаги бошқа тур тупроқларга нисбатан озиқ элементлари миқдорининг кўплиги билан характерланади. Тупроқнинг умумий қалинлиги 30—60 см бўлиб, гумус миқдори 0,5—1% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич сугориладиган тақири тупроқларга нисбатан сугорилмайдиган тақири тупроқларда кам. Муҳити ишқорий характерга эга бўлиб, сингдирувчи комплекси кальций, магний, натрий, калий каби асослардан иборат. Юза қатлами ўта зич бўлганлиги учун қуий қатламларидаги капилляр ғовакчалари жуда ҳам кам ва шунинг учун сув устки қатламдан қуий қатлам томон жуда секин шимилади.

Кимёвий таркибига кўра, шўрланмаган, шўрхоклашган ва шўртоблашган бўлади.

Шўрланмаган тақири тупроқлар таркибида сувда осон эрийдиган тузлар 0,25—0,30% дан кам бўлиб, муҳити кучсиз ишқорийдир.

Шўрхоклашган тақири тупроқлар таркибида сульфат ва хлорид каби тузлар салмоғи юқори бўлиб, асосий шўрланишни сульфатлар беради.

Шўртоблашган тупроқларнинг устки қатламида сувда эрувчи тузлар деярли бўлмасада, қуий қатламга силжиши сари оғир механик таркибли, ўта зичлашиб кетган қатлам авж ола боради ва бундай ҳол шўртоблашнишни асосий морфологик белгиларидан бирини ташкил этади. pH муҳити эса 8,2—8,4 га teng.

Тақири тупроқларни унумдор тупроқлар қаторига киритиш учун алмашлаб экишни йўлга қўйиш, органик ўғитлар билан ўғитлаш, сидратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## ТАҚИР ТУПРОҚЛАР

И. П. Герасимов тақиrlарни, ер юзасини даврий равишда сув босиши натижасида шўрланиб, шўри ювилиши натижасида пайдо бўлган зонал тупроқ деса, С. С. Неуструев тақиrlарни, узоқ вақтлар давомида сувнинг бир жойда туриб қолиши натижасида, вақт ўтиши билан лойқа чўкиб қолиши натижасида ҳосил бўлган тупроқлар, деб ҳисоблайди.

Тақири тупроқлар химиявий таркиби жиҳатдан кам бағал бўлиб, чиринчи миқдори 0,4—1,3%; азот 0,02—0,5%, фосфор 0,15%, калий 2%. Кўриниб турибдики, тақири тупроқлар чиринди ва азот билан жуда кам,

аммо калий билан эса анча юқори даражада таъминланган. Механик таркиби оғир бўлган тупроқларда туз миқдори 1—2% ва ундан ҳам юқори бўлса, механик таркиб енгил, яъни қумли тупроқларда бу кўрсаткич анча кам бўлади. Қарбонат миқдори кўп (8—10%), гипс кам (0,2—1%) учрайди. Сингдириш сифими катта эмас, сингдирилган катионлар орасида кальцийнинг салмоғи катта. Тақир тупроқларнинг унумдорлигини ошириш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

1. Органик, маҳаллий ўғитларни (пахта, каноп чиқитлари, эски деворлар, аланг тупроқлари, ариқ-ҳовуз лойқалари, гўнг ва ҳоказолар) мунтазам солиш, сидратлардан фойдаланиш.

2. Ўт далали алмашлаб экишни жорий қилиш.

3. Минерал ўғитлардан тўғри нисбатда, картограмма асосида фойдаланиш.

4. Тупроққа ўз вақтида ишлов бериш, шўр ювиш, сизот сувларнинг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик.

## БЎЗ-ҚЎНФИР ТУПРОҚЛАР

Суғориладиган бўз-қўнфир тупроқлар Туркманистоннинг жануби-ғарбий ҳудудидаги тоғ этакларидан тортиб Малик чўли, Қоракўл ноҳияси, Самарқанд вилоятининг ғарбий ноҳияларида, Амударёнинг ўрта ва қуий оқимлари, Қарши чўли ва Шеробод воҳаларида, жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудудларида тарқалган. С. С. Неуструев дастлаб уни структурали бўз тупроқ деб номлаган бўлса, кейинчалик чуқур текширишлар хулосасига асосланиб, бўз-қўнфир (сур-қўнфир) тупроқ деб аташни таклиф этди. Бу тупроқлар комплекс характерли бўлиб, шўрхоклик, тақирлик, шўртоблик, карбонатлилик даражаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Бу хил тупроқларнинг характеристилиларидан бири шўрхокли сур қўнфир тупроқ бўлиб, унинг оч сур тусли юзасида кўпроқ шувоқлар ўсади. Тупроқнинг 0—30 см горизонти кам шўрланган, яъни 0,1—0,5%, паст томонга силжиган сари, бу кўрсаткич 5 м гача боргунча орта (1—2,5%) боради, 5 м дан чуқурлашгандан кейин эса, туз миқдори аксинча 0,1—0,5% гача камая боради. Тузларнинг 85—90% асосан 0,5—5 м қатламда учрайди.

Бу тупроқларни ўзлаштириш жараёнида шўр ювиш

ва зах қочириш иншоотларини ҳисобга олиш ва 1—3 м чуқурликда гипс миқдори кўп бўлганлиги сабабли, чўкиши ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Бўз-кўнгир тупроқларни унумдор тупроқлар қаторига ўтказиш учун мелиорация, агротехника ва бошқа бир қатор тадбирлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқdir.

## ЎТЛОҚ ВА ЎТЛОҚИ-БОТҶОҚ ТУПРОҚЛАР

Бу хил тупроқлар бошқа тупроқлардан сизот сувларнинг нисбатан жуда юза (0,7—1 м) жойлашганлиги билан фарқланиб, кўпроқ дарё ва кўллар атрофалирида тарқалган.

Ўтлоқ ва ўтлоқи-ботҶоқ тупроқларнинг энг характерли белгиларидан бири биологик боғланган азот, фосфор, органик қолдиқлар ва чириндининг нисбатан кўплигидир. Айни тупроқ ҳам таркибидаги чиринди (гумус) моддасининг миқдорига қараб, оч ва тўқ тусли тупроқларга бўлинади. Оч тусли ботҶоқ-ўтлоқ тупроқлардаги чиринди миқдори 1,5—3,0% атрофида бўлса, тўқ тусли ботҶоқ-ўтлоқ тупроқларда бу кўрсаткич 3—8% ни ташкил этади. Азот миқдори 0,4—0,5%, фосфор эса 0,17—0,22% га teng. Иккинчи бир характерли белгиси глейлашганлиги (берчлиги) бўлиб, глейлашган қатлам бевосита чимли қатлам остида жойлашган. Глейлашган қатлам мавжуд бўлган берч тупроқларда ўсимликларнинг илдиз системаси яхши ўсиб ривожланиши учун етарлича имконият бўлмаганлиги сабабли, табиийки айни тупроқлар агротехникаси ва ўғитлаш системаси олдиндан ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқdir.

Физик хоссалари ҳам жуда ёмон бўлиб, қўйи қатламга ўтган сари ўта ёмонлашиб боради. Масалан, ҳажмий оғирлиги тупроқнинг 0—14 см чуқурлигига 1,38 г/см<sup>3</sup> бўлса, 22,7 см чуқурликда бу кўрсаткич 2,13 г/см<sup>3</sup> га teng. Солиштирма оғирлик 0—14 см чуқурликда 2,65 г/см<sup>3</sup> бўлса, 22,7 см чуқурликда у 2,69 г/см<sup>3</sup> га teng. Демак, умумий ғоваклиги ҳам 49% дан 13% гача пасайган.

Деҳқончилик нуқтаи назаридан ботҶоқ ва ўтлоқи-ботҶоқ тупроқли зоналарга шоли экиш мақсадга мувофиқ бўлсада, бу тупроқларга пахта экиш учун зовурлар қазиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб эти-

лади, чеклар олиб шўрланган тупроқлар айирмалари ни ювиш тавсия қилинади. Тупроқларниң шўрланганлик даражаси қўйидаги 7-жадвал бўйича аниқланади.

#### 7- жадвал

#### Шўрланганлик даражаси бўйича тупроқлар классификацияси

Тупроқнинг шўрланиш даражаси	Куруқ қолдиқ, %	SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup> , %	Куруқ қолдиқ, %	Cl, %
Шўрланмаган	0,3	0,01	0,2	0,01
Кучсиз шўрланган	0,3—1,0	0,01	0,5	0,05
Ўртача шўрланган	1,0—2,0	0,1	1,0	0,1
Кучли шўрланган	2,0—3,0	0,1	1,0	0,1
Шўрхоклар	3,0	0,1	2,0	0,1

### УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ ТУПРОҚЛАРНИҢ УМУМИЙ ХОССАЛАРИ

Узбекистон Республикаси тупроқлари чўл зона тупроқларига мансуб бўлиб, асосий қисмини бўз тупроқлар эгалласада, суғориладиган районлар тупроғи хилма-хилдир, яъни бу ҳудудларда бўз тупроқ билан биргаликда ўтлоқ, ўтлоқи-ботқоқ, тақир, тақир-ўтлоқ, қум, қумлоқ, тошлоқ, шўр ва шўрхоксимон тупроқлар учрайди. Айни тупроқлар унумдорлиги жиҳатидан бирбиридан фарқ қиласада, улар учун энг муҳим умумий хоссалар қўйидагилардан иборат.

1. Қисман бўлсада шўрланишга мойиллиги, pH нинг нейтрал ёки ишқорий муҳит томон силжиши, юқори карбонатлилиги, яъни тупроқда кальций карбонатнинг кўп миқдорда бўлиши, нитрификация жараёнининг интенсивлиги.

2. Зона тупроқлари иқлимининг кескин континенталлиги, яъни ҳавонинг ёзда жуда иссиқлиги ва қуруқлилиги, қишида эса совуқлиги, нисбий намликнинг ёз ойларида 33—34% гача пасайиб кетиши ва тупроқ устки қисмининг жуда қуриб қолиши, йиллик ёғин-миқдорини 100—120 мм дан, тоғ этакларига томон 350—400 мм гача орта бориши, баҳор ойларида тупроқ эритмаси таркибидаги эрувчан тузларнинг ишқорланиши ва уларнинг ёз ойларида тупроқ юзига жўтарилиши.

3. Рельефининг асосан текисликлардан иборат бўлиши, ўсимлик ва микроорганизмлар колдиқларининг

йил давомида деярли чириб бўлиши, синг'дирувчи комплекснинг кальций катионлари билан тўйинганлиги, тупроқ қатламларида капилляр йўлларнинг мавжудлиги ва бу капиллярлар орқали намининг қўйидан юқори ёки юқоридан пастга қараб силжиши, буғланиш (дражасининг юқори бўлиши.

4. Тупроқларнинг пайдо бўлишида микроорганизм, чувалчанг, ҳар хил қўнғизлар, калтакесак, илон, тошбақа, юронқозиқ ва сичқонларнинг иштироки, химиявий таркибининг бир-бирига яқинлиги, ётқизиқларнинг ўхашлиги, минерал ва органик ўғитларга нисбатан талабчанлиги.

## ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ МУҲИМ ҚИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР ВА ЎСИМЛИК

Д. И. Менделеев даврий системасидаги деярли барча кимёвий элементлар тупроқ таркибидаги мавжуд бўлиб, литосфера ва тупроқ таркибидаги элементлар нисбий миқдори жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, тупроқ таркибидаги кислород ва водород миқдори литосферага нисбатан кўп бўлиб, калий, натрий, алюминий, темир, кальций каби элементлар миқдори анча кам. Тупроқда азот, углерод, фосфор, калий ва бир қатор микроэлементларнинг бўлиши дехқончилик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга (8- жадвал).

8- жадвал

**Литосфера ва тупроқ таркибидаги кимёвий элементларнинг уртacha нисбий миқдори, % ҳисобида (А. Н. Виноградов маълумоти)**

Элемент-лар	Литос-ферада	Тупроқда лар	Элемент-лар	Литосферада	Тупроқда
O	47,2	49,0		2,10	0,60
Si	27,6	20,0		0,60	0,46
Al	8,8	7,13		0,15	5,40
Fe	5,1	3,80		0,10	2,00
Ca	3,6	1,37		0,09	0,085
Na	2,64	0,63		0,08	0,09
K	2,60	1,36		0,01	0,10

Лёсс сингари она жинслардан кўп миқдорда кальций бўлган серкабонатли тупроқлар ҳамда таркибидаги хлорид ва сульфат тузлари бўлган шўрланган тупроқлар пайдо бўлади. Шўрланган тупроқлар эса, дехқон-

чилик учун салбий ҳолат ҳисобланиб, ўсимликлар ҳосилдорлигининг пасайишига ва сифатсиз бўлишига сабабчи бўлади.


**Кислород (O).** Тупроқ таркибида энг кўп учрайдиған (49%) элемент бўлиб, чиринди ва бир қатор минерал бирикмалар таркибиға кирган. Тирик организмлар фаолиятида (жумладан, ўсимликларда ҳам), барча жараёнларнинг амалга ошишида муҳим роль ўйнайди.

**Кремний (Si).** Бу элемент миқдори жиҳатдан кислороддан сўнгги иккинчи ўринда туриб, кварц ( $\text{SiO}_2$ ) ҳолатида (60—90%) учрайди. Кремний тупроқдаги силикат, алюмосиликат ва феррисиликатлар таркибиға кириб, кремнийли бирикмаларнинг нураши ва тупроқ пайдо бўлиши жараёнида улар таркибидаги кремнеземнинг бир қисми эритмага ўтади. Қолган қисми эса, гель ҳолидаги коллоид чўкма ( $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) ҳосил қиласди. Тупроқ эритмасидаги кремнеземнинг бир қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади, қолган қисми эса, сув билан тупроқнинг қуий қатламлариға ювилиб жетади. Қишлоқ хўжалик экинлари учун кремнийнинг ҳам ўз салмоғи бўлиб, донли экинлар таркибида ўзлаштириладиган кремний миқдори 3% гача етиб боради.


**Азот (N).** Тупроқ таркибининг 0,1% ни ташкил этиб, ҳар хил органик қолдиқлар, чиринди ва азот тўпловчи бактериялар таркибида учрайди. Тупроқда органик моддалар, жумладан чиринди (гумус)нинг қўпайиши билан азотнинг миқдори ҳам мутаносиб равишда ошиб боради.

**Нитрификация.** Азот ўсимликлар таркибиға нитрит ва нитрат сингари минерал бирикмалар ҳолатида ўтади. Бунда махсус бактерияларнинг фаолияти таъсирида, кетма-кет жекадиган икки хил биокимёвий жараёнлар натижасида, тупроқдаги аммиак дастлаб нитрит кислота, кейин эса нитрат кислотасига айланади. Аммиакнинг шу тарзда оксидланиши нитрификация жараёни, деб аталади. Икки босқичда амалга ошадиган нитрификация жараёни қўйидагича тасвирланади.


1. Дастлаб аммиак оксидланиб, нитрит кислота ҳосил қиласди.



2. Нитрит кислота оксидланиб, нитрат кислота ҳосил бўлади:




3. Нитрификация жараёни натижасида ҳосил бўлган нитрат кислота бир зумда тупроқдаги катионлар билан реакцияга киришиб,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  каби азотли тузлар ҳосил қиласди.



$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  каби азотли тузлар сувда осон эрувчан бўлиб, ўсимликлар илдизига тез сингади ва ўсимликларнинг азотга бўлган эҳтиёжини таъминлайди.

## АММОНИФИКАЦИЯ

Аммонификация табиат ва қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга жараён бўлиб, биокимёвий жараёнилар натижасида ҳосил бўлган аммиак, тупроқдаги ҳархил кислоталар билан реакцияга киришади. Масалан,  $\text{H}_2\text{SO}_4$  билан реакцияга киришиб, аммоний сульфат тузини ҳосил қиласди.



Ҳосил бўлган аммоний сульфат, ўсимликлар учун азот манбаи ҳисобланади.

Ўсимликлар азотни бошқа элементларга нисбатан кўпроқ талаб этади. Шу сабабли тупроқ таркибидаги азотни кўпайтириш тадбирларига алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг асосий йўли тупроқдаги чиринди миқдорини кўпайтириш бўлиб, чириндининг асосий манбаи эса, органик ўғитлардир.

**Фосфор (Р).** Тупроқ таркибида фосфор, биоген элемент сифатида, органик бирикмалар (чиринди) таркибида тўпланади. Тупроқнинг 0,09% ни ташкил этади. Минерал бирикма ҳолатидаги фосфор эса, тупроқ скелетидаги ёпатит  $[\text{Ca}_{10}(\text{FeCl})_6(\text{PO}_4)_6]$ , фосфорит  $[\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2]$ , вивианит  $[\text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot 8\text{H}_2\text{O}]$  каби минераллар таркибида учрайди. Апатит тупроқдаги фосфорли бирикмаларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бу минерал, асосан, магматик тоғ жинслари таркибида учраб, ер қобиғидаги фосфорнинг 95% га яқин қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда, агрокимё соҳасида тупроқдаги мураккаб ҳолатдаги фосфорни ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган ҳолатга ўтказиш бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, бу соҳада Тожикистон

олимларидан А. Сушиницининг ишлари таҳсинга сазовордир.

**Темир (Fe).** Литосферанинг 5,1% ни, тупроқнинг эса 3,80% ни ташкил этади. Темир тупроқ таркибида феррасиликатлар, пирит, магнетит, лимонит каби минераллар таркибида учрайди. Темир элементи ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, яшил ўсимликларда хлорофиллнинг ҳосил бўлишида иштирок этади.

**Калий (K).** Тупроқнинг 1,36% ни, литосферанинг 2,60% ни ташкил этиб, тупроқдаги сувда деярли ёримайдиган алюмосиликатлар ( $K_2Al_2SiO_6$ ,  $KN_2Al_2S_3O_{12}$ ) таркибида ва осон ёримайдиган оддий тузлар ( $KCl$ ,  $K_2SO_4$ ,  $K_2CO_3$ ) шаклида ҳамда сингдирилган ҳолда учрайди.

Калий ўсимликларда муҳим физиологик вазифани бажарганилиги учун ҳам ўсимликлар томонидан, ҳаттоқи, азотдан ҳам кўп талаб этилади.

Тупроқ таркибидаги калий сувда деярли ёримайдиган алюмосиликатлар ҳолатида бўлгани учун тупроққа агрохимкартограмма асосида калий ўғити солиш тавсия этилади.

**Калций ва магний (Ca, Mg).** Литосферанинг 3,6% ва 2,10% ни, тупроқнинг эса 1,37% ва 0,60% ни ташкил этади. Бу элементлар тупроқда кальций, магнезит каби карбонатлар, доломит ва мусковит, биотит, апоритт сингари минераллар таркибида учрайди.

Кальций ва магнийнинг асосий қисми тупроқдаги коллоидларга сингган ҳолатда ва сувда осон ёримайдиган  $CaCl_2$ ,  $CaSO_4$  ва  $MgSO_4$ ,  $MgCl_2$  каби) оддий тузлар шаклида ва карбонатли тупроқларда эса кальций фосфат [ $Ca_3(PO_4)_2$ ] ҳолатида ҳам учрайди. Ўрта Осиё ҳудуди тупроқлари ўсимликларнинг кальцийга бўлган эҳтиёжини деярли қондирадиган даражада таъминланганилиги учун ҳам у ўғит сифатида тупроққа қўшимча берилмайди. Аслида ўсимликлар учун муҳим озуқа ҳисобланади.

**Олтингугурт (S).** Бу элементнинг ўсимликлар учун аҳамияти азот ва фосфорга нисбатан камроқ бўлсада, муҳим биоген элементлардан ҳисобланади. Тупроқ таркибидаги органик моддалар ва минерал бирикмалар таркибида учрайди.  $MgSO_4$ ,  $K_2SO_4$ ,  $Na_2SO_4$  каби сулфатли тузлар сувда яхши ёрийди. Қуруқ иқлимли зона тупроқларида олтингугурт миқдори бошқа иқлим тупроқларига нисбатан бироз кўпроқ бўлади. Унинг тупроқ таркибидаги миқдори ўсимликлар эҳтиёжи учун етар-

ли бўлганлиги сабабли, у билан тупроқни қўшимча озиқлаш талаб этилмайди.

**Мис (Си).** Тупроқнинг ўртача 0,002% ни ташкил этиб, тупроқлар турининг ўзгариши билан мис миқдори ҳам бири иккинчисидан фарқ қиласди. Масалан, Мирзачўлнинг экин экилмаган оч тусли бўз тупроқларининг чириндили қатламида мис 0,002% бўлса, суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг юқори қаватида у 0,0028%, типик бўз тупроқларида 0,0031%, суғориладиган типик бўз тупроқларида 0,0048%, ўтлоқи тупроқларида эса 0,0031—0,0040% ни ташкил этади (Е. К. Круглова).

Мис тупроқда, тупроқ минераллари таркибиغا кириб, кислота муҳитли тупроқларда эрувчан шаклда бўлади. Нейтрал ва ишқорий муҳитли тупроқларда эса, мураккаб минерал ҳолатда бўлгани учун ўсимликлар ундан етарлича фойдалана олмайди.

Мис ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, углевод ва оқсиллар алмашинувида, ўсимликнинг турли замбуруғ касалликларга чидамлилигини оширишда ижобий роль ўйнайди.

**Руҳ (Zn).** Тупроқнинг чириндили қатламида чиринди билан биргаликда мураккаб органик бирикма ҳосил қиласди. Тупроқда руҳ миқдори 0,005% бўлиб, жумладан, бўз тупроқда унинг миқдори 0,006—0,012% ни ташкил этади. Руҳ элементи ўсимликларда биологик жараёнларни активлаштириб, нафас олиш ва ферментлар фаолиятини яхшилайди.

**Кобальт (Co).** Тупроқда ҳар хил алюмосиликатлар таркибида, коллоид заррачаларга сингган ҳолда турли органо-минерал бирикмалар шаклида учрайди. Кобальт тупроқнинг ўртача 0,0003% ни ташкил этиб, бўз, қора ва каштан тупроқларда, бошқа тупроқларга нисбатан миқдори бироз кўпроқдир. Кобальт ўсимликларда оқсил алмашинуви ва фотосинтез жараёнини яхшилайди.

**Бор (B).** Алюмокислоталар ва чириндили қатламдаги органик бирикмалар таркибида мавжуд бўлиб, тупроқнинг 0,001% ни ташкил этади. Борнинг тупроқдаги миқдори иссиқ иқлим зоналар тупроқларида бироз кўпроқ бўлиб, жумладан, серчиринди ўтлоқ ва бўз тупроқларда унинг миқдори 250 мг/кг ни ташкил этади. Бор ўсимликларда углеводлар алмашинувини яхшилайди, касалликларга чидамлилигини оширади, энг муҳими ҳосил камайиб кетишининг олдини олади.

**Молибден (Mo).** Тупроқдаги чиринди ва бир қатор минераллар таркибида учраб, ўртаса 0,0003% ни ташкил этади. Молибден мұхым биоген микроэлемент сифатида, үсімликлардаги азот алмашинуvida, азот бактериялари ва туганаш бактерияларнинг азотни ушлаш фаолиятини яхшилаш ва азот түплаш жараёнларидан ижобий роль үйнайды.

**Марганец (Mn).** Тупроқнинг 0,05% ни ташкил этиб, бу миқдор серчиринди тупроқларда бироз күпроқ. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги гидроморф бўз тупроқларда у 0,06—0,07%, тўқ тусли тупроқларда эса 0,07—0,08% ни ташкил этади. Үсімликлар сувда эрийдиган нитратли, сульфатли ва хлоридли бирикмалар таркибидаги марганецни яхшии ўзлаштиради. Сувда эримайдиган минераллар таркибидаги марганец мураккаб ҳолатида бўлгани учун ундан үсімликлар фойдалана олмайди. Марганец үсімликларнинг бошқа элементларни ўзлаштиришида катализаторлик қилади, ферментлар фаолиятини активлаштириш, фотосинтез жараёнини жуҷайтириш ва оқсиллар синтезида мұхим аҳамиятга эга.

**Йод (I).** Тупроқнинг 0,0005% ни ташкил этиб, чиринди қатламида бироз күпроқ бўлади, Чиринди миқдорининг ортиб бориши билан йоднинг миқдори ҳам ошади. Йод үсімликлар, инсонлар, ҳайвонларнинг бир қатор касалликларга чалинишининг олдини олади. Үсімликларда физиологик жараёнларнинг нормаллашишида ижобий роль үйнайди.

## РАДИОАКТИВЛИК

Тупроқ таркибидаги радиоактив элементларнинг ўзидан нур чиқариши натижасида тупроқда радиоактивлиги пайдо бўлади. Тупроқдаги табиий радиоактив элементларга уран ( $U^{238}$ ,  $U^{235}$ ) торий ( $Th^{232}$ ), радон ( $Rn^{222}$ ,  $Rn^{220}$ ), радий ( $Ra^{226}$ ) ва оддий изотоплар — калий ( $K^{40}$ ), рубидий ( $Rb^{87}$ ), самарий ( $Sm^{151}$ ), кальций ( $Ca^{48}$ ), цирконий ( $Zr^{96}$ ) лардир. Қосмик нурлари таъсирида ҳосил бўлган радиоактив изотоплардан тритий ( $H^3$ ), бериллий ( $Be^7$ ,  $Be^{10}$ ), углерод ( $C^{14}$ ) шунингдек, узоқ ( $10^8$ — $10^{16}$  йил) яшовчи изотоплар ҳам киради. Бу элементлар табиий радиоактив элементлар бўлиб, тупроқдаги умумий миқдори тупроқ она жинси ва механик таркибига боғлиқдир. Масалан, тупроқнинг механик таркиби оғир

бұлса, радиоактивлик юқори бұлади. Радиоактивлик тупроқ профилида күп ҳолларда текис тарқалади. Глейли ва иллювиал қатламда эса улар бироз күп ҳам бұлды.

Тупроқда сунъий радиоактивлик атом ва термоядро қуролларининг портлатилиши, таркибида радиоактив элементлари бўлган саноат чиқиндиарининг тупроқ-қа ташлаши натижасида, плутоний ( $Pu^{237}$ ) ва уранлар ( $U^{235}$ ,  $U^{233}$ ), биологик жиҳатдан энг хавфли стронций ( $Sr_{90}$ ) ва цезий ( $Cs^{137}$ ) радиоактив изотоплари пайдо бўлиб, ўз навбатида ўсимлик ва ҳайвонларни, қолаверса маҳсулотларни истеъмол қилган инсонларни ҳам заралайди.

Сунъий радиоактив  $Sr^{90}$  нинг 80—90% тупроқнинг 0—5 см қатламида, қолган 10—20% и эса тупроқнинг 25—30 см чуқурлигида тўпланади. Сунъий радиоактив элементлар ўсимликларнинг илдиз системаси орқали ўтиб, асосан, унинг ҳосилида тўпланади. Сунъий радиоактив элементлар механик таркиби оғир тупроқларда механик таркиби енгил ва серчиридили тупроқларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Тупроқлар таркибида табиий ва сунъий радиоактив элементларнинг бўлиши, унинг заарли хусусиятини ташкил этиб, уларнинг тупроқ таркибидаги миқдорини камайтириш учун, тупроқнинг физик-механик хусусиятларини яхшилаш, унумдорлигини ошириш учун эса, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш ҳамда органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ишқорий ( $pH > 7$ ) муҳитга эга тупроқларни гипслаш ва кислотали ( $pH < 7$ ) тупроқларни оҳаклаш зарур.

# ТУПРОҚНИНГ ФИЗИҚ ВА ФИЗ-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

## ТУПРОҚ ЭРИТМАСИ

Сув таркибидаги бир қатор кимёвий элементлар (кислород, азот, карбонат ангидрид, қисман аммиак ва ҳоказо) тупроқ қатламига сүрилгач, ундаги моддалар эриб тупроқ әритмасини ҳосил қиласади. Ҳосил бұлған тупроқ әритмаси тупроқ ва органик-минерал комплекслар пайдо бўлишида содир бўладиган турли хил физик-кимёвий, кимёвий ва биокимёвий жараёнларнинг амалга ошиши ва шунингдек, ўсимликларнинг тупроқдан озиқланишида муҳим аҳамиятга эга. Н. Г. Висоцкий тупроқ әритмасининг ўсимликлар озиқланишидаги аҳамиятини ҳайвон организми учун энг муҳим қон билан тенглаштирган эди. Шу боисдан тупроқ әритмасининг хоссалари, таркиби ва миқдорини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш муҳимдир. Чунки, әритма таркиби ўрганилганда, биринчидан, қайси элементлар борлиги ва унинг миқдори аниқланса, иккинчидан, ўсимликлар учун заарали элементларнинг бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилинади. Бу эса ўсимликларни нормал парваришилаш учун имкон беради.

Тупроқ әритмасининг таркиби ва концентрациясини аниқлаш шу сабабли ҳам мұхымки, у үсімлік илдизлари билан ұзаро узлуксиз муносабатда бұлади. Тупроқ әритмаси концентрацияси сув, ҳаво, иссиқлик ва биологик режимларға боғлиқ равишда мавсумий үзгариб туради. Тупроқ әритмаси таркибіда молекуляр ёки коллоид минераллардан ташқари, органоминерал ва хаттоқи бир қатор әрувчан газлар ҳам бұлиши мүмкін.

Тупроқ эритмасининг муҳити водород ( $H^+$ ) ва гидроксил ( $OH^-$ ) ионлари миқдорига боғлиқ.  $H^+$  ионининг концентрацияси  $OH^-$  иони концентрацияга тенг бўлганда, тупроқ эритмаси муҳити нейтрал, яъни  $pH=7$  бўлади. Водород ионининг концентрацияси гидроксил ионининг концентрациясидан юқори бўлганда, тупроқ эритмаси муҳити кислотали, яъни  $pH < 7$  бўлади. Аксинча водород ионининг концентрацияси гидроксил ио-

иининг концентрациясидан кам бўлганда тупроқ эритмаси муҳити ишқорий рН>7 бўлади.

Тупроқ муҳити микроорганизмлар ва ўсимликлар ҳаётидаги муҳим бўлиб, бир қатор ўсимлик ва микроорганизмлар кислотали муҳитда яхши ривожланса, иккичи бирлари ишқорий ёки нейтрал муҳитда яхши ривожланади. Ўсимликлар рН 3,5 дан кичик ва 9 дан катта бўлганда нормал ўсиб ривожлана олмайди. Масалан, чой, сули, жавдар, картошка, кислотали муҳитда ҳам яхши ривожланса, пахта, буғдой, лавлаги, кунгабоқар каби ўсимликлар рН даражаси нейтралга яқин бўлганда (рН 6,5—8,0) яхши ривожланади.

## ТУПРОҚ ВА УНИНГ БУФЕРЛИК ХУСУСИЯТИ

Ўсимлик ва микроорганизмларнинг яхши ўсиб ривожланиши ва тупроқ унумдорлиги, аввало, тупроқ эритмасининг муҳитига боғлиқ. Бунда тупроқ эритмаси муҳитининг кислотали ёки ишқорий томонга ўзгариб кетмаслиги, яъни турғун ҳолатда бўлиши муҳимdir.

Тупроқнинг тупроқ эритмаси реакцияларига бардош бера олиш қобилияти тупроқнинг буферлик хусуси деб аталади.



Тупроқнинг буферлик хусусияти жуда муҳим бўлиб, ташқаридан бўладиган барча кимёвий ва физик-кимёвий таъсирларни нейтраллаб туради.

Тупроқ эритмасининг кислотали муҳитга нисбатан буферлиги, тупроқ таркибидаги карбонатлар миқдорига боғлиқ. Масалан, таркибida карбонат кўп бўлган бўз тупроқларга солинган, кислотали хоссага эга аммоний сульфат ўгити, тупроқ таркибидаги кальций карбонат билан реакцияга киришиб уни нейтралланади.



1. Каштан, бўз, қора тупроқларнинг сингдирувчи комплекси, асослар билан тўйинган. Шунинг учун у кислотали муҳитга қарши буферликка эга.

2. Подзол, қизил тупроқларнинг сингдирувчи комплекси кислотали хоссага эга бўлганлиги учун ишқорий муҳитга қарши буферлик хусусиятига эга бўлади.



Тупроқнинг сингдириш сифими қанча катта бўлса, унинг буферлик хусусияти ҳам шунча кучли бўлади.

Тупроқнинг буферлик хусусиятидан ташқари, тупроқ таркибида ҳайвон ва ўсимликлар ҳисобига пайдо бўлиб турадиган оқсиллар ҳам тупроқ эритмасини нейтраллаб туришда муҳим ҳисобланади. Оқсил, кислота ёки ишқор тупроқ эритмаси билан реакцияга киришиб, айни муҳитни нейтраллайди.

Хулоса қилиб айтганда, тупроқда буферлик хусусияти бўлмаганда, ташқаридан ҳамда тупроқнинг ўзида ҳосил бўлиб турадиган турли хил кимёвий жараёнлар таъсирида унда доимий кислотали ёки ишқорий муҳит вужудга келган бўлар эди. Натижада тупроқда ўсиб ривожланувчи ўсимлик ва микроорганизмлар яшай олмаган бўларди. Хуллас, тупроқнинг буферлик хусусияти унинг сифати ва унумдорлигига кафолат беради. Тупроқ буферлиги унинг органик ва минерал моддалар билан қай даражада таъминланганлиги ҳамда унинг механик таркибида боғлиқ бўлиб, бу хосса қуromoқ ва соз таркибли чириндига бой тупроқларда кучли бўлади. Тупроқнинг буферлик даражасини ошириш учун, механик таркиби енгил тупроқларга лойқа бостириш, маҳаллий, органик ва минерал ўғитлар солиш мақсадга мувофиқдир.

## ТУПРОҚНИНГ СИНГДИРИШ ҚОБИЛИЯТИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Тупроқнинг сингдириш қобилияти, механизми жиҳатидан жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг сув билан оқиб келган, сувда эриган ёки эримаган ҳар хил моддалар, газлар ва микроорганизмларни ўзида ушлаб қолиш хоссасини ифодалайди.

Тупроқнинг сингдириш қобилиятини, академик К. К. Гедройц илмий жиҳатдан асослаб, механик, физиқавий, кимёвий, физик-кимёвий ва биологикдан иборат беш турга бўлди.

**Механик сингдириш.** Ариқ ва ёмғир сувлари орқали оқиб келган лойқа ва сувда эриган ҳар хил минерал моддаларнинг тупроқ қатламининг қуий қисмида сингиб ушланиб қолиш ҳодисаси механик сингиш деб аталади.

Механик сингдириш тупроқнинг физик-механик ҳолатига, яъни ғоваклик ва зичлик даражаси ҳамда структурасига боғлиқ бўлиб, соз ва қумоқ тупроқлар қумлоқ тупроқларга нисбатан эритма таркибидаги турли хил минерал модда ва лойқаларни кўпроқ ушлаб қолади.

Механик сингдириш қобилияти барча турдаги тупроқларга хос бўлиб, унинг даражаси айни тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқдир. Тош ва тошлоқ ерларга лойқа чўқтириш усули механик сингдиришга асосланган бўлиб, дэҳқончилик нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга. Тошлоқ ерларга лойқа чўқтиришни бир неча бор тақорланиши натижасида тошлоқ устида тақир тупроқ ҳосил бўлади ва ўз навбатида бундай тупроқларда дэҳқончилик қилиш имкони яратилади. Бунинг учун лойқа сувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тупроқ лойқа сувни сузгувчи (фильтр) вазифасини ўтайди.


**Физикавий сингдириш.** Тупроқда амалга ошадиган физик сингдириш сувда эриган турли хил моддалар, микроорганизмлар, газ, буғ кабиларнинг тупроқдаги майдо заррачалар сирт юза энергияси таъсирида ушланиб қолиш ҳодисасидир.

Физик сингдириш даражаси тупроқнинг механик таркиби, унумдорлик даражаси ва заррачаларнинг катта-кичиклигига боғлиқ. Физикавий сингдириш серчиринди (унумдор) қумоқ оғир соз тупроқларда, унумсиз енгил тупроқларга нисбатан кучлироқ бўлади.

Газ ҳолатидаги физик сингдириш йўли билан тупроқ юзасига бир қатор моддалар ва азотли (аммиак) бирикмалар сингади. Тупроқ эритмасидаги эриган моддаларнинг физик сингдириш оқибатида тупроққа ушланиб қолиши ўсимликлар ва бир қатор микроорганизмларнинг озиқланишида мухимdir. Физик сингдириш туфайли азотли бирикмалардан аммиак тупроққа сингади, аммо нитрат каби баъзи бир азотли моддаларни тупроқ ўзида ушлаб қола олмайди. Шунинг учун ўсим-

ликларни ўғитлашда бу каби ўғитларни бир неча бор, бўлиб-бўлиб бериш тавсия этилади.

**Кимёвий сингдириш.** Кимёвий сингдириш деб, сингдириш оқибатида сингган моддалар билан тупроқ таркибидаги кимёвий моддаларнинг ўзаро реакцияга киришиши натижасида, сувда жуда қийин ёки умуман эримайдиган моддалар ҳосил бўлиб, бу бирикмаларнинг қатламларда ушланиб қолиш ҳодисасига айтилади. Бунда гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ), оҳак тош ( $\text{CaCO}_3$ ) каби тупроқ таркибидаги сувда эримайдиган кимёвий моддалар, сув билан келган  $\text{Na}_3\text{PO}_4$  билан реакцияга киришиб, сувда қийин эрийдиган бирикмалар ҳосил қиласади:




Кимёвий сингдириш, анионлар ( $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{PO}_4^{3-}$ ,  $\text{CO}_3^{2-}$ ) ва катионлариинг ( $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{Al}^{3+}$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ ) ўзаро бирикиб, сувда қийин эрийдиган тузлар ҳосил бўлишига асосланган бўлиб, дехқончиликда муҳим аҳамиятга эга. Сувда осон эрувчи анионлар ( $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{Cl}^-$ ) билан катионлар осон бирикиб тузлар ҳосил қилсада, аммо ҳосил бўлган тузлар барқарор бўлмаганлиги учун нам таъсиридан осонгина парчаланиб, нам ва сув билан қўшилиб тез ювилиб кетади.



Кимёвий сингдириш нуқтаи назаридан фосфорли бирикмалар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар сув билан тез ювилиб кетмайди, тупроқнинг устки қисмида узоқ сақланади. Лекин бир қисми карбонатли тупроқ зоналарда, карбонатлар билан ўзаро реакцияга киришиб, тупроқнинг қути қисмига сингиб, ўғитлик хусусияти кам, сувда деярли эримайдиган бирикмалар ҳосил қиласади.

Чимли подзол, подзол ва қизил тупроқли, кислотали муҳитга эга тупроқларда эса, темир ва алюминийлар салмоғи кўп бўлганлиги сабабли, фосфатлар катионлар билан бирикиб, қийин эрийдиган темир ва алюминий тузлари ҳосил қиласади.






**Физико-кимёвий сингдириш.** Тупроқ таркибida со-

дир бўладиган физико-кимёвий сингдириш ёки ўрин алмашиш адсорбцияси ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тупроқнинг бу қобилиятига асосан, бир қатор озиқ элементлар тупроқда ушланиб қолади ва пастки қатламларга ювилиб кетмайди.

Кимёвий мелиорациялашда кислотали ва ишқорли тупроқларни оҳак ёки гипс ёрдамида нейтраллаш ҳам тупроқда бўладиган айни жаён асосида амалга ошиб, сингдириш вақтида золь ҳолатидаги коллоидларнинг гелга ўтиши сабабли, тупроқ структураси яхшиланади.

Физико-кимёвий сингдириш ёки ўрин алмашиш адсорбцияси диссоциация қонунига асосан, молекулаларнинг ионларга ажралиши, ишқор, кислота ва тузлар сувли муҳитда катион ( $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Al}^{3+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ ) ва анионларга ( $\text{Cl}^-$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{CO}_2$ ) парча ниши, ионларнинг тупроқ таркибидаги коллоидлар билан таъсирлашишлари оқибатида тупроқ манфий зарядли коллоидлари катионлар билан бирикади ёки ўрин алмашинади. Тупроқ зарралари билан кимёвий бирималарнинг ўзаро таъсирлашишларини қўйидагича ифодалаш мумкин.



**Биологик сингдириш.** Ер шарида микроорганизмларнинг 3 млн га яқин турлари мавжуд бўлиб, шундан 2 млн. дан ортиқроғи тупроқ билан боғланган ҳолда ҳаёт кечиради. Тупроқни эгаллаган тирик организмлар, уни ўзларининг яшаш маконига айлантириб, қайта қуриб, ўзгартириб бориши давомида, тупроқ ҳам тирикди.

организмлар эволюциясига ижобий гаъсир этиб бора-

Тупроқ таркибидаги ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар фаолияти туфайли, тупроқда озиқ моддалари-нинг ушланиб қолиш ҳодисаси биологик сингдириш деб аталади.

Биологик сингдиришнинг аҳамияти шундан нборатки, бу жараён тупроқ таркибидаги озиқ элементлар, айниқса, сувда яхши эрувчи, ўсимликлар учун жуда зарур бўлган азот ва азотли ўғитларнинг сув билан тупроқнинг қуи қатламига ювилиб кетишдан сақлади.

Биологик сингдиришда азот тўпловчи микроорганизмлар (азотбактерин, нитрогенбактерин) ўсимлик илдизлари, турроқ эритмасидаги ионлардан ташқари, тупроқнинг қаттиқ қисмидаги озиқ элементларни ҳам сингдиради. Баъзи бир микроорганизмлар тупроқ ҳавоси таркибидаги азотни ҳам ўзига сингдириб, мураккаб тузилишга эга оқсиллар ҳосил қила олади.

Тупроқ таркибида юз берадиган биологик сингдириш шуниси билан ҳам аҳамиятлики, ҳар бир микроорганизм ёки ўсимликнинг илдиз системаси зарур озиқ элементлар ёки ионларни ўз организмига сингдириб олади. Федоров А. Н. маълумотларига кўра, бир гектар ердаги азот тўпловчи бактериялар, бир йилда ўртача 25—60 кг гача азотни ҳаводан тупроққа ўтказади. Энг муҳими, адсорбция пайтида сингдирилмаган ҳар хил нитратлар ёки аммиак биологик ёки танлаб сингдириш туфайли тупроқда ушланиб қолади.

Биологик сингдириш сернам иқлимли унумдор, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган енгил таркибли қумлоқ, ўтлоқ тупроқлар учун жуда кўл келади.

## **КИМЕ ФАНИ ЮТУҚЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Инсониятни озиқ-овқат билан таъминлаш, доимо кун тартибидаги бош масала бўлиб, инсонлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб, атрофдаги табиий ресурслардан фойдаланиб келмоқда. Лекин бугунги кунга келиб, планетада тўхтовсиз ўсиб бораётган халқларнинг фаровон яшashi учун озиқ-овқат етиширишда кимё фани ютуқларидан фойдаланмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Англиялик иқтисодчи Томас Мальтус (1766—1834) «Аҳоли ҳақидаги қонун тажрибаси» номли китобида аҳолининг тез кўпайишини кузата бориб, шундай деб ёзган эди: «Фақатгина чегараланган миқдорда туғилиш, никоҳдан ўтиш, аҳоли сонини урушлар, эпидемия, очлик ва шу кабилар ҳисобига табиий равишда тўғирлаб борилгандагина озиқ моддалар аҳоли сонига етиб турди». Унинг бу назарияси табиий фанлар билан шуғулланувчи бир қатор олимларнинг эътирозига сабаб бўлди. Чунки, Мальтус ерларнинг ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, тупроқдан янада кўпроқ юқори ҳосил олиш мумкин эканлигини олдиндан кўра олмади.

Т. Мальтус назариясини «Мальтус уйдирмаси» деб атаган химик олим Д. И. Менделеев бундай дейди: «Фақат 10 миллиард эмас, балки ундан ҳам кўпроқ халқлар ер шаридаги яшай олади, бунинг учун фақат меҳнатнигина сарф қилмасдан, илмга асосланган кашфиётларни тинимсиз ихтиро қилиш керак».

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг муҳим йўналишлари қўйидагилардан иборатdir.

1. Тупроқ ҳосилдорлигини мелиорациялаш восита-лари ва ўйтлаш ёрдамида ошириш,

2. Ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлар ва ка-саликлардан кимёвий воситалар (инсектицидлар, зооцидлар, фунгицидлар) ёрдамида ҳимоя қилиш,

3. Ёввойи ўтларга қарши гербицидлар ва ўсиб ривожланишни тартибга солувчи стимулаторлар (дефолиантлар) дан оқилона фойдаланиш,

4. Чорва ва паррандачилик маҳсулотларини, кимёвий озиқ қўшимчалар қўшиш ва санитария воситалари ҳисобига ошириш,

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш,

6. Үрмон ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларини кимёвий қайта ишлаш, ўсимлик ва чорва маҳсулотларидан самарали фойдаланиш,

7. Тупроқ донадорлигини яхшилаш, иссиқхоналардан унумли фойдаланиш, гидропоникани амалда жорий этиш.

Ўғитлаш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ни механизациялаш, кимёвий механизациялаш ва бошқа бир қатор агротехник чора-тадбирлар асосида ҳосилдорликни ошириш, ҳалқ фаровонлигини яхшилаш демакдир. Айни вақтда, ҳосилдорликнинг муттасил ошиши муносабати билан ҳосил тупроқдан, тупроққа берилган ўғитга нисбатан кўпроқ озиқни олиб кетмоқда. Йилдан йилга тупроқ унумдорлиги пасайиб бормоқда. Ўғитлар таркибидаги концентратлар (керакли соф элементлар) миқдори жуда кам. Масалан, 1965—1980 йиллар давомида ўғитлардаги концентранган озиқ моддаларнинг миқдори ўртacha 26,7 % дан 38,4 % гача ошди. Концентранган ва мураккаб ўғитлар миқдори эса, шунга мувофиқ 58,4 % дан 80 % гача кўпайди. Бу анализ шундан далолат берадики, мавжуд ўғитларнинг ҳозирги ассортименти асосида қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган минерал ўғитлардаги озиқ моддалар концентрациясини ошириб бўлмайди. Оддий суперфосфат, фосфарит уни, амиакли селитра, аммоний сульфат каби таркибида тегишли элементлар миқдори кам бўлган ўғитлар ўрнига, полимер фосфатлар, суюқ комплекс ўғитлар ҳамда сувсиз амиакни тез фурсатларда оммавийлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Полифосфатларнинг афзалиги шундаки, унинг таркабида соф фосфор миқдори кўп. Иккинчи бир афзалиги унинг тупроқ—ўғит—ўсимлик системасидаги ўзига хослигидир. Булар ўз навбати—фосфордан фойдаланиш коэффициентини оширишга имкон беради. Ўсимликлар ҳозирги маълум фосфорли ўғитларнинг 15—20% ни, азотли ва калийли ўғитларнинг эса 40—60% ни ўзлаштиради, холос. Полифосфатлар эса, тупроқ таркибидаги металлар билан бирикиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган комплекслар ҳосил қиласи, яъни ўсимликлар фақат фосфат ионларигина эмас, комплекс

таркибидаги микроэлемент катионларидан ҳам фойдаланади.

Сувда эримайдиган полифосфатлардан (кальций, магний, калий) фойдаланишинг муҳимлиги шундаки, улар тупроқдан ювилиб кетмасдан секинлик билан гидролизланиб, ўсимлик томонидан ўзлаштирилади ва узоқ муддат давомида ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган форма сақланади. Ҳозирги кунда, технологияда суперфосфат кислота деб аталувчи, таркибида 70 % дан кўпроқ  $P_2O_5$  тутган полифосфат кислота ўғитларидан фойдаланиш истиқболлидир.

Тупроқ таркибидаги озиқ элементларнинг ёмғир ва сугориш сувларида ювилиб кетмаслиги учун узоқ муддатда секинлик билан таъсир этувчи фосфорли ўғитлардан — суперфос, азотли ўғитлардан — уреаформ ёки мочевиноформальдегидли (МФУ) ўғитлар, шунингдек, мочевиноформальдегидли бирикмалар ва аммофос асосидаги полимер ўғитларни саноат миқёсида кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, аммоний полифосфат ( $(NH_4)_n \cdot H_2P_n O_{3n}^+$ ) карбомид полифосфат ( $[Co(NH_2)_2HPO_3]_n$ ), калий полифосфат ( $KPO_3$ )<sub>n</sub>, кальций полифосфат ва бошқа фосфатлар олиш жараёни истиқболлидир.

Ҳозирги давр фан ютуқларидан унумли фойдаланиб, атмосфера ҳавосидаги чексиз миқдордаги азотни азотли ўғитларга айлантириш бош муаммолардан биридир. Чунки, мавжуд тупроқларнинг (қора тупроқдан ташқари) деярли ҳаммасининг такибида азот кам. Еримиз атмосферасида эса  $4-10^{15}$  т азот бор, яъни мавжуд экин экиладиган ҳар бир гектар ерга ҳаво азотининг 80 минг тоннаси тўғри келади.— Бу катталик эса 1 гектар ерга экилган ўсимлик билан чиқиб кетадиган азот миқдоридан миллион марта кўп демакликдир.

Дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб ўсимликлар билан симбиоз яшовчи азот бактериялари ҳаво азотини боғланган ҳолатга ўтказиб туради. Улар бир йилда 1 гектар ҳайдалган ерда ўртача 50 кг гача боғланган азот тўплайди. Бу жараённи схематик равишда қўйида-гича тасвиirlаш мумкин.

Бактериал ўғитларнинг яратилиши ва амалий кимёвий истиқболларини олдиндан кўра олган Д. И. Менделеев 1867 йилдаёқ ҳаводан азот бирикмалари олишнинг техник қулай усулларини излаб топиш зарурлигини айтиб шундай деган эди: «Ҳаводаги фойдасиз азотни



2-расм. Туганак бактериялар фаолияти натижасида эркин азотнинг боғланган ҳолатга ўтиш схемаси.

аммиак ёки нитрат кислотага айлантириб бера оладиган шароит ва уларни ерга қўшишга тайёрлаб берадиган усулларнинг яратилишига кўп вақт қолмаган бўлса керак» (соч. 1954, Т. XVIII, 13-бет).

Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш, аммиак синтезига асосланган бўлиб, жараён жуда юқори босим ва ҳароратда жуда кўп энергия сарфланиб амалга оширилади. Айни пайтда ҳаво азотини осонроқ йўл билан азотли ўғитларга айлантириш масаласи устида А. Н. Несмиянов номидаги элемент-органик бириммалар институти олимлари, туганак бактерияларга хос жараён асосида, функционал комплекслар синтез қилмоқдалар. Шунингдек, минерал ўғитларни гранулалаш, юқори мустаҳкамликка эга гранулалар олиш, ўғитлар қотиб қолишининг олдини олиш ва тайёр маҳсулотдаги озиқлантирувчи модданинг концентрацияси ва тур (ассортимент) сонини оширишга доир ишлар олиб борилмоқда.

#### 9-жадвал

##### Ишлаб чиқарилгаётган асосий ўғитлар тури

Ўғитлар	Масса бўйича,
1	2

Азотли ўғитлар	миқдори, масса бўйича
Суюқ аммиак	82
Аммиакли сув	20—21

Аммоний нитрат ёки аммиакли селитра			34—35		
Мочевина (карбамид)			46		
Оқак-аммиакли селитра			26		
Аммоний сульфат			21		
Кальцийли селитра			15—17		
Натрийли селитра			15—16		
Уреаформ (мочевина-формальдегидли ўғит)			40—42		
Фосфорли ўғитлар				P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдори	
Фосфорит уни			18—20		
Күкун суперфосфат			14—19,5		
Гранулали (донадор) суперфосфат			19,5—21		
Құш суперфосфат			44—52		
Перципітат			32—40		
Суқұлантирилган фторсизлантирилган фосфатлар			18—34		
Калийлы ўғитлар				K <sub>2</sub> O миқдори	
Калий хлорид			60—62		
Калий сульфат			—52		
Аралаш тузлар			30—40		
Калийлы магнезия			28—30		
Кайнит			10—16		
Комплекс ўғитлар				миқдори, масса бўйича	
Аммофос	10—11		43—50	—	
Нитроаммофоска	16		16	16	
Нитроаммофос	16		16	—	
Нитрофоска	24		14	12	
СҚУ	10		34	—	
Аммоний полифосфат	16		62	—	

Собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон агросаноат комплексининг ривожлантиришда, кимё саноати ишлаб чиқаралётган энг муҳим маҳсулотларнинг салмоғини қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

#### 10- жадвал

##### Собиқ СССР агросаноат комплексининг кимёвий маҳсулотлар билан таъминланниши

Кимёвий маҳсулот турлари	1970 йил	1980 йил	1986 йил	1986 йилда	
				1970	1980
1	2	3	4	5	6

Минерал ўғитлар иш лаб чиқариш ва етка-

	1	2	3	4	5	6
зид бериш (100% физик ҳолатда) ҳамаси бўлиб:						
млн т	13,2	24,8	34,7	261,1	139,9	
кг/га	46,8	83,9	118,1	252,4	140,8	
шундан:						
азотли ўғитлар	5,4 20,9	10,2 36,9	15,2 51,1	281,5 244,5	149 138,5	
фосфорли ўғитлар	3,6	6,5	9,3	258,3	143,1	
ва фосфорит уни	14,2	25,0	37,2	261,9	148,8	
Калийли ўғитлар	4,1 11,7	8,1 21,9	10,2 29,8	248,8 254,7	125,9 136,0	
Пестицидлар ишлаб чиқариш (100% таъсир қилувчи модда ҳисобида Ҳамаси бўлиб						
минг т	165	282	332	201,	117,7	
минг т	170	279	346	203,5	124,0	
шундан гербицидлар	46,7 50	111 127	147 172	314,8 344,0	132,4 135,4	
Кимёвий озиқ қўшимчалар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш (100% физик ҳолатда)	261 51	923 518	1601 1027	6,2 марта 20,1 марта	173, 198,2	
Қишлоқ ҳўжалиги учун ўғит сепувчи машиналар етказиб бериш, минг дона	55,8	48,7	43,8	-21,5	-10,1	
Қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги учун кимё маҳсулотларини сепишдаги авиация хизмати, млн га	83,83	100,30	108,05	129,7	107,7	

11- жадвал

Собиқ СССРда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришининг ўсиши  
(млн т, соғ ҳолда)

Ииллар	Азотли (100%)	Фосфорли (100%)	Фосфорит уни (100%)	Калийли (100%)	Жами
1940	0,2	0,3	0,1	0,2	0,8
1950	0,4	0,4	0,1	0,3	1,2
1960	1,0	0,9	0,3	1,1	3,3
1965	2,7	1,6	0,3	2,4	7,4
1970	5,4	2,5	0,7	4,1	13,1
1975	8,6	4,4	1,1	7,9	22,0
1980	10,2	5,6	1,1	8,1	24,8
1985	14,2	7,8	0,8	10,4	33,2
1990 (план)					41—43

Шунингдек, бир қатор капиталистик мамлакатларда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини қуидаги 12- жадвалдан кўриш мумкин.

12- жадвал

Мамлакатлар	млн т ҳисобида, соғ ҳояда					
	Йиллар					
	1960	1965	1970	1975	1980	1985
АҚШ	7,4	11,0	14,6	21,9	22,4	19,4
ГФР	3,7	4,3	4,7	6,7	4,9	4,2
Франция	2,8	3,1	4,4	6,6	5,1	4,7
Япония	1,1	1,9	2,9	3,2	2,2	1,7
Буюк Британия	0,8	1,0	1,1	2,6	2,1	2,0

13- жадвал

Узбекистон республикаси агросаноат комплексининг минерал ўғитлар билан таъминланиши, минг тоннга ҳисобида (кимёвий озиқ қўшимчаси кирмайди)

Кимёвий маҳсулот турлари	Йиллар бўйича				
	1970	1975	1980	1983	1985
Жами етказиб берилган минерал ўғитлар шундан:					
азотли	728	925	1102	1158	1211
фосфорли	409	507	624	688	702
калийли	244	305	358	369	335
	75	113	120	101	174

П. В. Протасов (1961) маълумотларига кўра, пахтачиликда азотли ўғитлар ва кейинроқ фосфорли ҳамда калийли ўғитларнинг самарадорлигини текшириш юзасидан асримиз бошларидан бошлаб, Р. Р. Шредер, М. М. Бушуев, И. К. Негоднов ва бошқалар томонидан бир қатор ишлар қилинди.

Асримизнинг дастлабки йилларида, мамлакатимизда кимё саноати қудрати жуда пастлиги сабабли, минерал ўғитларнинг қўлланиш нормаси жуда кам эди. Сўнгги йилларда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг салмоғи кескин кўпайганлиги туфайли деҳқончиликда азот, фосфор ва калийли ўғитларни қўллаш нормаси йилдан-йилга кескин оша борди (14- жадвал).

**Ҳар гектар пахта майдонига ишлатилган минерал ўғитлар нормаси (соғ ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрилиги маълумоти)**

Инллар	Гектарига солинган ўғит миқдори, кг			1 т пахта етишириш учун сарфланган ўғит, кг		Азотиниғ фосфорга писбати
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	
1935	21	20	—	18	17	1 : 0,96
1940	47	57	—	32	38	1 : 1,22
1945	13	4	—	12	0,38	1 : 0,34
1950	74	65	—	37	30	1 : 0,87
1955	94	82	—	31	44	1 : 0,87
1960	122	93	—	31	45	1 : 0,76
1965	165	85	16	68	35	1 : 0,50
1970	210	117	34	80	44	1 : 0,56
1975	222	123	40	78	44	1 : 0,56
1980	243	131	42	73	39	1 : 0,54
1983	242	124	47	77	40	1 : 0,51

Жумхуриятимиз агросаноат комплексини ривожлантиришда кимё саноати маҳсулотларининг салмоғи беқиёс бўлиб, хўжаликларга минерал ўғит етказиб бериш 1965 йилдаги 728 минг тоннадан 1985 йилга келиб 1407 минг тоннагача кўпайди. Жумладан, азотли ўғитлар 1,9, фосфорли ўғитлар 1,7 ва калийли ўғитлар салмоғи эса салкам 3 мартаға ошди. Ёки мамлакатимизда 1940 йилда жами 11 тур, 1960 йилда 20 тур ўғит ишлаб чиқарилган бўлса, 1990 йилга келиб, бу кўрсаткич деярли 60 турни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида қўлланилган 28—30 миллион тонна минерал ўғит, қўшимча равища 35 миллион, 40 миллион тонна картошка, 20—21 миллион тонна қанд лавлаги ва 3,5—4,0 миллион тонна пахта етиширишга имкон берди. 1983 йилда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида 120 миллион тонна минерал ўғитлар қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич мамлакатимизда 23 миллион тоннани ташкил этиб, унинг 10,3 миллион тоннаси азотли 6,4 ва 6,2 миллион тоннаси фосфорли ва калийли ўғитлардир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бўлимининг маълумотига кўра, 80- йилларда жаҳон бўйича 445 миллион тонна буғдой, 400 миллион тонна шоли, 392 миллион тонна маккажӯхори, 226 миллион тонна картошка, 162 млн тонна арпа, 65 млн т узум, 54 млн т шакарқамниш, 50 млн т помидор, 36 млн т олма, 19 млн т пиёз, 15 млн т кунгабоқар, 11 млн т нўхат ва

бошқалар етиштирилган бўлиб, бу каби катта миқдордаги маҳсулотларни етказишда минерал ўғитларнинг аҳамияти чексиздир ёки барча етиштирилаётгай қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 45—50% миқдори минерал ўғитлар улушига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ва органик ўғитлар қўллашни кенгайтириш асосида, тупроқ унумдорлигини ошириш ишларини планли равишда амалга ошириш, ўғитлар ҳамда ўсимликни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини сақлаш ишларини, уларни тупроққа солиш усулларини такомиллаштириш, қўлланиш самародорлигини ошириш, ўсимликлар ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш, касалликларга чалинишининг олдини олиш билан биргаликда, тупроқ унумдорлигини бир меъёрда сақлаш ва ошириш учун муҳимдир. Чунки ҳар йили ҳосил билан биргаликда тупроқдан жуда кўп миқдорда минерал ўғитлар чиқиб кетади (15- жадвал).

### 15- жадвал

**Озиқ элементларнинг 1 т маҳсулот (ҳосила) билан тупроқдан чиқиб кетиши**

Экин тури	Маҳсулот тури	1 т ҳосил билан чиқиб кетган ўғитлар, кг		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
<b>Умумий ўсимлик маҳсулот массасига нисбатан</b>				
Пахта ҳосили	57—48	пахта	28—38	10—13
	47—42	толаси,	32—46	12—15
	42—35	чигит	43—61	12—17
	33—26	билин	59—61	17—20
		биргаликда		
Кузги буғдой		дени	37	13
Баҳорги буғдой		—“—	47	12
Арпа		—“—	29	11
Маккажӯҳори		—“—	34	12
Каноп		толаси	100	62
Беда		пичани	26	65
Помидор		ҳосили	2,6	0,4
Сабзи		—“—	3,2	1,0
Картошка		—“—	6,2	2,0
Канд лавлаги		—“—	5,9	1,8
Карам		—“—	3,3	1,3
Зифир		дени	106	53
		толаси	80	40
Бодринг		ҳосили	1,7	1,4
				2,6

Мазкур жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринишича, озиқ элементлар (азот, фосфор, калий) пахта ҳосили, ғўзанинг бошқа органларига нисбатан кам бўлган тақдирда, яъни фақат 26—33 ни ташкил қилганда, кўп сарфланганлиги аниқланган. Ёки ҳар 10 центнер макажӯхори дони ўзи билан ўртacha 83 кг азот, фосфор, калийни олиб кетса, маккажӯхоридан ўртacha 70—80 центнер ҳосил олинганда эса, озиқ моддаларининг турроқдан олиниш миқдори ҳам 7—8 мартаға ортади. Бу эса ўз навбатида турпроқ унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун эса, турпроқни ўз вақтида ўғитлаб туриш зарур ёки донолар сўзи билан айтганда «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади». Кимё фанининг асосчиси Д. И. Менделеев — «ўғитлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти, чўян ишлаб чиқаришга тенг» деган эди. Буни Узбекистон мисолида ҳам кўриш ѡмумкин. Масалан, 1940 йилда жами 3 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилган бўлса, 1960 йилда 220,3 минг т, 1980 йилда 1290,6 минг т ва 1986 йилда эса 1764,0 минг тонна ўғит тайёрланди. Бунда Навоий, Олмалиқ ва Чирчиқ каби кимё корхоналарининг хизмати катта. Сўнгги йилларда, минерал ўғитлар билан бир қаторда, микроэлементларнинг ўсимликлар ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнаши исботланди. Турпроқда микроўғитлар етишмаганда, ўсимликларнинг турли касалликларга чалиниши исботланди.

Инсон ва ҳайвонларда учровчи баъзи бир касалликларнинг сабаби, асосан ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларида микроэлементларнинг етишмаслигидир. Бу эса ўз навбатида, турпроқда микроэлементларнинг етишмаслигидан далолат беради. Сўнгги йилларгача ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун 10 та элемент (углерод, кислород, водород, азот, фосфор, калий, кальций, магний, темир ва олtingугурт) етарли деб ҳисобланар эди. Ҳозир эса, ўсимликлар таркибида 80 га яқин элементлар борлиги аниқланди. Усумликларнинг фақатгина яшashi учун бор, мис, марганец, рух, молибден ва хлорнинг бўлиши шарт эканлиги иммий жиҳатдан исботланди. Баъзи бир ўсимликлар учун эса, кремний, алюминий, фтор, йод, галлий ва бошқа бир қатор элементларнинг зарурлиги маълум бўлди. Самарқанд Давлат университетида олиб борилган тажрибалар, аллюминийнинг пахта физиологиясига таъсир этиб, фотосинтез жараёнини теззатишини кўрсатди.

Мис, бор ва марганец каби микроэлементлар, биргаликда құлланилганда пахтанинг совуққа ва қурғоқчиликча чидамлилигины ошириш маълум бўлди. Марганец қандлавлаги ҳосилини гектарига 25—30 ц, донли экинлар ҳосилини 2,5 ва пахта ҳосилини 2,5—3,0 центнерга ошириши тажрибада исботланди.

Ўсимликларни турли касалликлар, зааркунанда ва ҳашаротлардан асрash учун уруғларни кимёвий препаратлар билан ишлаш, донли ўсимликлар ётиб қолишининг олдини олиш учун «Тур» препаратидан, жавдари буғдой учун эса «Қампазин» билан «Тур» препаратини аралаштириб фойдаланиш ўсимликтининг бақувват бўлишини таъминлайди, ўсиши тезлашади, озиқ моддаларни қабул қилиш хусусияти яхшиланади. Баргларда хлорофилл ҳосил бўлиш жараёни тезлашади, касалликка кам берилади, натижада намга ва қурғоқчиликка чидамили булиб, мўл ва сифатли ҳосил беради.

Маданий ўсимликларни ёввойи ўтлардан тозалаш мashaқатли, кўп меҳнат талаб этадиган тадбир бўлиб, ҳозирги кунда бу ишлар ҳам А. Н. Несмянов сўзин билан айтганда, кам меҳнат талаб қилувчи —«кимёвий ўтоқ» ка ўтказилди, Масалан, «симазин» номли гербицид ёввойи ўтларга таъсир этиб, маданий ўтларга таъсир қиласлини билан муҳимdir.

Хулоса қилиб айтганда, шу кунда агрономия соҳасида қўлланилаётган барча кимёвий моддалар ўсимликлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, азот, фосфор, калий ва бир қатор микроўфтитлар ўғит сифатида ерга солинса, иккинчи бирлари ўсимликлар касалликлари, зааркундалари ҳамда бегона ўтларга қирон келтиради. Бошқалари эса, ўсиб ривожланишини тўхтатиб, ҳосилнинг пишишини тезлаштиради ва ўсимликлар баргларини тўқишига хизмат қиласи. Демак, қишлоқ хўжалиги (агрономия) соҳасида кимёвий моддалар, асосан, ўғит, инсектицид ва фунгицид (зааркунанда ва касалликларга қарши ишлатиладиган моддалар), гербицид (бегона ўтларга қарши ишлатилувчи заҳарли моддалар), дефолиант ва десикант (ўсимликлар баргларини тўқтириш ва поясини қуритиш учун ишлатиладиган химикатлар) сифатида ишлатилади.

## МИНЕРАЛ ҮФИТЛАР

Үсимликлар учун углерод, кислород, водород, азот, фосфор, калий, олтингугурт, кальций, магний, темир ва ҳаммаси бўлиб 80 дан ортиқ кимёвий элементлар, озми-кўпми талаб этиладиган озиқ моддалар ҳисобланади. Үсимликларнинг озиқланиши учун энг кўп талаб этиладиган элементлар, асосан азот, фосфор ва калий бўлиб, улар макроэлементлар ёки макроўфитлар деб аталади. Булардан ташқари, экинлар ҳаётида бор, рух, молибден, мис, марганец ва бошқа бир қатор элементлар маълум аҳамиятга эга бўлиб, үсимликлар томонидан кам миқдорда талаб этилади ва улар микроэлементлар ёки микропўфитлар деб аталади.

Кимёвий моддаларни ўфит сифатида кенг қўллаш масаласини биринчилардан бўлиб Д. Н. Прянишников атрофлича ўрганди ва оммалаштириди. Қишлоқ хўжалигига барча экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни системали равишда озиқ моддалар билан таъминлаб туриш керак эканлигини илмий асосда исботлади. Агар үсимликтининг ўсиш даврида озиқланиш режими бузилса, бундай ҳол ҳосилнинг камайиши ёки сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлади. Барча турдаги ўфитларнинг үсимлика кўрсатадиган таъсирининг ижобий бўлиши учун маълум шартларга амал қилиш талаб этилади. Агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш; суғориш тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш; ҳар бир ўфитнинг үсимлик томонидан кўп талаб этиладиган вақтини аниқ билиш, ўфитларни үсимлик илдиз системасидан маълум узоқликда ва чуқурликда солиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Минерал ўфитлар кимё заводларида минераллар, тузлар, шлаклар ва бир қатор бошқа хом ашёдан тайёрланиб, таркибида үсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган минерал ҳолидаги элементлари бўлган анорганик моддалар ёки сунъий ўфитлардир. Сунъий ўфитлар сувда осон эрийдиганлиги сабабли, үсимликлар томонидан органик ўфитларга нисбатан яхшироқ ўзлаштирилади.

Минерал ўғитларни сақлаганда, уларнинг сифати бузилмаслиги учун тегишли қоидалар ва хавфсизлик чораларига ҳам қатъий риоя қилиш керак. Масалан, аммиак селитраси портловчи хусусиятга эга бўлса, калий ва натрийли селитралар ёнишга жуда мойилдир. Шу сабабли ҳам минерал ўғитларни маҳсус дориҳоналарда сақламоқ керак.

## АЗОТ


### АЗОТНИНГ ЎСИМЛИҚЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

«Азот» сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, «ҳаётни тўхтатмоқ» ёки «ҳаёт тўсиғи» маъносини билдиради. Азот илк бор 1774 йилда ҳаводан олинган. Ўтказилган бир қатор кузатишларда ёниб турган чироқ азот билан тўлдирилган идишга туширилганда ўчган. Азотли муҳитга солинган тирик жониворлар эса, ҳалок бўлган. Ана шу хусусиятлар унинг азот деб номлашга асос бўлган. Лекин азотсиз оқсил бўлмайди, оқсилсиз эса, ҳаёт йўқ. Оқсилнинг кимёвий таркиби (XIX аср бошларида) аниқланганда, унда 50—55% углерод; 21—25% кислород, 15—17% азот ва 6—7% водород борлиги аниқланди. Мазкур маълумотларга асосланиб, Ф. Энгельс оқсилнинг ҳаётдаги аҳамиятини қўйидагича таърифлади. «Ҳаёт оқсилнинг мавжудлигидир... (ёки оқсил таналарнинг яаш усули ҳаёт демакдир... (Биз қай ерда ҳаёт борлигини билсак, унинг оқсил билан боғлиқлигини ва аксинча, оқсил мавжуд ерда албатта, урчиш ҳамда ҳаёт борлигини биламиз». Ёки агрокимё фанининг асосчиси Д. Н. Прянишников азотнинг ўсимликлар ҳаётидаги вазифасини илмий жиҳатдан ўрганиб, «Азотсиз оқсил модда пайдо бўлмайди, оқсил моддаларсиз протоплазма вужудга келмайди, демак ҳаёт ҳам бўлмайди», деган эди.

Азот барча турдаги организмларда моддалар алмасиши жараёни ва оқсил ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга рибуклеин (РНК) ва дезоксирибонуклеин (ДНК) кислоталарининг таркибига ҳам киради. Любовин қатор тажрибалари асосида (1871 йилда) биринчи бор оқсилнинг «аминокислоталаридан иборат эканлигини фараз қилган эди. Айни фаразни А. Д. Данилевский илмий жиҳатдан янада чуқурроқ текши-

риб, унинг ҳақиқат эканлигини (1891 йилда) тұла тасдиқлади.


Азотни, ўсимликлар тупроқдаги ўзлари учун синтетикалыки осон бўлган нитрат ҳамда аммоний тузларидан иборат бирикмалардан олади. Ўсимлик нитрат ва нитритларнинг қайта тикланиши натижасида, ўсимликда ҳосил бўлган амиак азотини аминокислоталар ва амидлар (аспирагин ва глютамин) синтезлашга сарфлайди. Ўсимлик таркибида тўпланадиган аспирагин ва глютамин ўсимлик учун заарарли эмас, лекин аммиакнинг тўпланиши эса ўсимлик учун заарарли ва хавфлидир. Ўсимликларда оқсил моддаларнинг ҳсоил бўлиши билан бир қаторда, уларнинг аминокислоталар орқали аммиакгача парчаланиш ҳоллари ҳам кузатилади. Шу сабабли ҳам амиак ўсимликлар таркибида, бир тарафдан, оқсил ҳосил бўлиши учун хизмат қиласа, иккинчи томондан, ўсимлик таркибидаги оқсилининг парчаланиш жараёнида ҳосил бўладиган сўнгги маҳсулот ҳам ҳисобланади.



Бу жараён қуйидаги босқичларда амалга ошади. Биринчи босқичда нитратлар нитратредуктоза ферменти ёрдамида нитритгача қайтарилади:



Иккинчи босқичда нитрит айни шу фермент ёрдамида гипонитритгача қайтарилади:



Учинчи босқичда ферментлар таъсирида (гипонитритредуктазага икки атом водород қўшилиб) гидроксиламин ҳосил бўлади:



Тўртинчи босқичда гидроксиламин гидроксиламинредуктаза ферментлари иштирокида аммиакгача қайтарилади:



Шунингдек, азот фотосинтез жараёнида иштирок қиливчи хлорофилл, алкалоидлар, фосфатидлар таркибида ҳам учрайди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб ту-

рибдики, ўсимликлар учун ўта зарур бўлган элементлар орасида азот алоҳида ўрин тутади. Ўсимликнинг азотга бўлган эҳтиёжини ўсимлик таркибидаги азот миқдорига қараб ҳам баҳолаш мумкин.

### 16- жадвал

#### Ўсимликларнинг турли қисмларидағи азот миқдори (қуруқ моддаларга нисбатан % ҳисобида)

Экинлар тури	Ҳосилида		Самони, пояс-си, шохида		Баргода		Чаногида	
	ўрит-ланган да	ўрит-ланманга-	ўрит-ланган да	ўрит-ланманга-	ўрит-ланган да	ўрит-ланманга-	ўрит-ланган да	ўрит-ланманга-
Буғдој	2,6	2,0	0,6	0,3	—	—	—	—
Қанд лавлаги	0,9	0,5	1,5	1,1	—	—	—	—
Нұхат	3,7	3,2	1,5	1,2	—	—	—	—
Пахта	2,2	0,9	0,7	0,5	1,6	1,3	1,1	0,7

Ўсимлик органлари таркибидаги азот миқдори бир қатор факторларга боғлиқ. Масалан, у ўсимликнинг тури, нави, агротехника тадбирлари, тупроқ ва об-ҳаво шароити ҳамда тупроққа солинаётган азотли ўғитлар миқдорига қараб ҳар хил бўлади. Азот ўсимликлар ҳаётининг ҳамма даврларда, деярли талаб этилади. Азот билан нормада таъминланган ўсимликларнинг поялари бақувват бўлиб, тез ўсиб ривожланади ва барглари тўқ яшил рангда бўлади. Аксинча азот етишмаган ҳолларда барглар оч яшил рангда бўлиб, сарфайиб қолади. Бундай ҳолатда ўсимлик ўсиб ривожланишдан орқада қолади ва барг, гул ҳамда ҳосил элементлари тўкилиб кетади ва булар ўз навбатида ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Бу ҳолатни қўйидаги 17- жадвалдан яққол кўриш мумкин.

Ўсимликлар фаолиятидаги азотнинг аҳамиятини биринчилардан бўлиб, ўрганган олимлардан Д. Н. Прянишников, Д. А. Сабинин, О. Ф. Туева, Б. П. Мачигин, В. М. Цивинский, М. А. Белоусов, П. В. Протасов, Н. В. Малиннин ҳамда Т. С. Зокиров, Ж. Сатторов ва бошқа кўплаб агрохимиклар, бу соҳада улкан хизматлар қилди ва қилмоқдалар.

Ҳар хил нормадаги азотли ўғитларни ва сув режимининг ингичка толали пахтанинг ўсиб ривожланишига ва ҳосилига таъсири (ўртача 4 йиллик маълумот асосида, муаллифдан)

№	Ўритнинг йиллик нормаси, кг/га		Бош поянинг ба-ландлиги	Барглар сони	Ҳосил шоҳлар сони	Қўчатлар сони	Ҳосил ўзга
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O					
			1,09	1,06	1,09	1,09	

### Сув режими 65—65—60 ППВ

0	259	125	52,9	4,2	10,1	9,7	23,7
125	250	125	71,0	4,8	13,6	13,3	34,2
250	250	125	85,1	5,2	16,5	15,9	42,8
375	250	125	91,0	5,6	17,6	17,9	43,8

### Сув режими 70—70—60 ППВ

0	250	125	53,7	4,6	11,4	11,2	25,8
125	250	125	75,8	4,8	15,1	14,3	38,3
250	250	125	90,8	5,5	17,6	17,9	45,8
375	250	125	101,0	5,9	19,2	19,3	46,9

## ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ АЗОТ МИҚДОРИ ВА УНИНГ БИРИҚМАЛАРИ

Тупроқ таркибида азот, фосфор ва углерод каби элементларнинг кўпроқ бўлиши характерли ҳол бўлиб, бу каби элементлар тупроқ пайдо бўлиши жараёнида тўпландади. Шунингдек, тупроқлар типи ва турига боғлиқ ҳолда унинг генетик горизонтларида ҳам кимёвий элементларнинг миқдори турлича бўлади. Айниқса, чириндили қатламдаги азот миқдори, қуйи қатламларга нисбатан жуда ҳам кўп бўлади (18- жадвал).

### Тупроқлар тури ва горизонтига қараб чиринди ва азот миқдорининг ўзгариши

Тупроқлар	Гори- зонт- лар чу- курли, см	Чирин- ди	Азот	Тупроқлар	Гори- zonт- лар чу- курли, см	Чирин- ди	Азот
Подзол тупроқ	5—10	0,50	0,05	Кумли туп- роқ (Қар- ши чўли))	0—7	0,48	0,031
	15—20	0,43	0,04		7—40	0,24	0,017
	30—40	0,28	0,03		40—80	0,18	0,011
					80—95	0,10	0,005

Тұқ тусли	0—10	4,04	0,24	Оч тусли	0—10	1,12	0,07
каштан	30—40	3,65	0,15	бұз тупроқ	10—31	0,51	0,04
тупроқ	50—60	2,34	0,13	(Қарши чүли)	31—70	0,24	0,02
	85—95	0,85	0,08	70—110	0,16	0,02	
Тақир	0—6	0,64	0,067	Типик бұз тупроқ	0—5	2,88	0,194
(Қарши чүли)	6—15	0,70	0,067		5—10	1,63	0,116
	15—22	0,72	0,075		20—30	0,50	0,055
	25—30	0,73	0,070		50—60	0,26	0,047
Тақир (Амударе)	0—2	0,47	0,052				
	0—25	0,65	0,056	Қадимдан сугориладиган типик бұз тупроқ (100 йилдан ортиқ вақтдан бері) сугори- либ келинаётган	0—28	1,587	0,105
	25—48	0,73	0,059		28—40	1,291	0,088
	48—53	0,54	0,048		40—50	0,963	0,058
	53—77	0,27	0,054				

Сугориладиган тупроқларга муттасил әкин экилганды ҳам тупроқ таркибидаги азот миқдори кескин камайиб кетади ва тупроқнинг донадорлиги бузилиб, унумдорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлади. Буларнинг олдини олиш учун эса, алмашлаб әкишни йўлга қўйиш, органик ва минерал ўғитлар солиб туриш мақсаддага мувофиқдир (19- жадвал).

#### 19- жадвал

Бир метрли тупроқ қатламида чиринди ва азот заҳираси, ц/га

Тажриба варианты	Чиринди	Ялпи азот
Ўғит солмасдан муттасил пахта экилгандада	118,9	8,27
Ўғит солиниб муттасил пахта экилгандада	119,4	8,36
Гўнг солиниб муттасил пахта экилгандада	168,8	10,76

А. П. Виноградов маълумотига асосан, Ер шаридаги азот миқдори  $2,3 \cdot 10^{-2} \%$  га тенг бўлиб, тупроқ таркибидаги азотнинг асосий қисми органик бирикмалар шаклида бўлади. Барча тип ва турдаги тупроқлар таркибидаги азотнинг ўртача миқдори 0,05—0,5% гача бўлиб, унинг энг кўп қисми, тупроқ қатламишининг 0—25 см қатламида жойлашган. 18- жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, азот миқдори ҳар хил тупроқларда ҳар хил. Шунингдек, айнан бир хил типдаги тупроқда ҳам экилган әкин тури, ўғитлаш миқдори ва ҳоказоларга қараб, азот миқдори турлича бўлиши мумкин.

Тупроқ таркибидаги азотли органик бирикмаларнинг парчаланишини қўйидаги схема тарзида кўрсатиш мумкин.



Оқсиллар → гуминли моддалар → аминокислоталар, амидлар → аммиак → нитритлар → нитратлар

Тупроқ таркибида органик моддалар, айниқса, чириндининг кўпайиши билан азотнинг миқдори ҳам кўпайиб боради. Азот ўсимликка асосан, нитрит ва нитрат сингари минерал бирикмалар тарзида сингади. Бу бирикмалар эса, тупроқдаги турли органик қолдиқлар, жумладан, чиринди моддаларнинг парчаланиши жараёнида вужудга келади.

**Аммонификация.** Тупроқ таркибидаги азотли органик моддаларнинг аммиакгача парчаланиш жараёни аммо-нификация дейилади.

Бунда, яъни азотли органик моддалар, айниқса оксилларнинг парчаланишидан аммиак пайдо бўлишини таъминлайдиган микробиологик жараёнда, бир қатор аэроб, гетеротроф бактериялар иштирок этади. Аммонификация жараёнида бактериялардан ташқари, актиномицетлар ва мөғор замбуруғлари ҳам иштирок этади.

Табиатда аммонификация жараёни юз бериб турмаганда, Ер юзини ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари босиб кетган бўлур эди. Аммонификация жараёни табиат ва қишлоқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур биокимёвий жараён натижасида ҳосил бўлган аммиак тупроқдаги ҳар хил кислоталар ( $\text{HNO}_3$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{H}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{HCl}$ ) билан реакцияга киришиб, аммоний тузларини ҳосил қилади.




Бу тузлар ўз навбатида ўсимликлар учун азот манбаи ҳисобланади.

Демак, аммонификация жараёни табиатда азотнинг айланишида муҳим бўлиб, жараёнда иштирок этувчи бактериялар жуда хилма-хил. Уларнинг баъзилари аэроб шароитда ҳаёт кечирса иккинчи бирлари анаэроб шароитда ривожланади. Жараёнда, яна факультатив анаэроб бактериялар ҳам иштирок этади.


Аммонификация жараёни қайси муҳитда бўлишидан қатъий назар барча турдаги тупроқларда ва турли хил шароитда узлуксиз давом этиб туради. Жараённинг тез

ёки секин амалга ошиши тупроқ намлиги ва унинг ҳароратига боғлиқ.

Тупроқ таркибидаги барча азотли органик бирикмалар анаэроб шароитда аммиакгача парчаланади:



Аэроб шароитда эса, тупроқ таркибидаги барча азотли органик бирикмалар (аммоний тузлари) нитратгача аксидланади:




**Нитрификация.** Оқсил моддасининг чириши натижасида ҳосил бўлган тупроқдаги аммиак ва аммоний тузлари, ўзига хос микроорганизмлар иштирокида оксидланниб, нитрит ҳамда нитрат қислота ва уларнинг тузларини ҳосил қиласди. Аммиакнинг шу тарзда оксидланишига нитрификация дейилади. Нитрификация жараёнида иштирок этадиган микроорганизмларни бошқа бактериялардан ажратиб олиш методикасини 1888—1890 йилларда С. Н. Виноградский яратди ва у нитрификация жараёнининг икки босқичдан иборат эканлигини ҳамда унда икки хил бактериялар иштирок этишини исботлаб берди.

Нитрификациянинг биринчи босқичида аммиак ва аммоний тузлари нитрит кислотагача оксидланади, яъни



Биринчи босқичда, нитрит кислота ҳосил бўлгунча, бир қатор оралиқ реакциялар юз беради, яъни:




Нитрификация жараёнининг биринчи босқичини, овал шаклидаги нитрозомонас (*Nitrosomonasi*) бактериялари қўзғатади.



Нитрификациянинг иккинчи босқичида нитрит кислота нитрит кислотагача оксидланади ва жараёнда учбурчак шаклидаги майдо таёқчасимон нитробактер (*Nitrobacter*) иштирок этади, яъни



Иккинчи босқичнинг оралиқ реакциялари қуийдагида тасвирланади:



Нитрификация жараёнида пайдо бўлган нитрат кислота, бир зумда тупроқдаги  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{+2}$  катионлари билан кимёвий реакцияга киришиб, (нейтралланиб), кальций ва магнийли тузлар ҳосил қиласди, яъни



Ҳосил бўлган бу тузлар сувда яхши эрувчан бўлганлиги сабабли, ўсимлик илдизлари томонидан осон ўзлаштирилади ва уни азот билан таъминлайди. Ҳарорати  $25-30^\circ\text{C}$ , муҳити  $\text{pH}=6-8$  (нейтрал ёки нейтралга яқин бўлганда), намлиги 60—70% бўлган тупроқларда, нитрификация жараёни тез ва соз кечади.

Нитрификация жараёнида энергия ажралиб чиқади ва бу энергия ҳисобига бактериялар карбонат ангидридни ўзлаштириб, ўз танасини тиклаш учун зарур бўлган органик моддалар (углеводлар) ҳосил қиласди. Бундан кўринадики, бу бактериялар ҳам яшил ўсимликлар каби озиқланиш жараёнида карбонат ангидридни қабул қилиб, кислород чиқаради.

Яшил ўсимликлар эса  $\text{CO}_2$  ни ўзлаштириш жараёнида Қўёш (ёруғлик) энергиясидан фойдаланиб, органик моддалар синтезлайди ва бу жараёнга фотосинтез дейилади.

Нитробактериялар  $\text{CO}_2$  ўзлаштириб, органик моддалар ҳосил қилишда, кимёвий реакциялар жараёнида ажралиб чиқсан энергиядан фойдаланади ва бу жараёнга хемосинтез дейилади. Бу жараён ҳам икки босқичда боради:


1. { a.  $2\text{NH}_3 + 3\text{O}_2 = 2\text{HNO}_2 + 2\text{H}_2\text{O} + 158 \text{ ккал}$   
b.  $\text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O} + 112 \text{ ккал} = 1/6\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 + \text{O}_2$
2. { a.  $2\text{HNO}_2 + \text{O}_2 = 2\text{HNO}_3 + 48 \text{ ккал}$   
b.  $\text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O} + 112 \text{ ккал} = 1/6 \text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 + \text{O}_2.$

Тупроқни ўз вақтида агротехника қоидалари асосида ишлаш, органик ва минерал үғитлар билан үғитлаш, обитобида сугориш, сернам, ботқоқ тупроқлар сувни қочириш ва тупроқнинг донадорлик даражасини яхшилаш каби қатор тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, нитрификация жараёни учун энг қулай шароит ҳисобланади. Нитрификация жараёни учун нормал шарт-шароит бўлганда ҳар гектар тупроқда, ўртача 500—1500 кг гача нитрат ( $\text{NO}_3^-$ ) тўпланади.

**ДЕНИТРИФИКАЦИЯ (Азотсизланиш).** Тупроқ таркибидаги азотли бирималарнинг (нитрат, нитрит, аммиак, аминларнинг) анаэроб шароитда, айrim бактериялар иштирокида молекуляр азотгача қайтарилиш жараёни денитрификация деб аталади.




Нитрат кислотасининг азотгача қайтарилиш жараёнини қўйидагича ифодалаш мумкин:



Денитрификаторлар баҳор ва куз фаслларида кўпайиб, ёз фаслида камаяди, уларнинг асосий қисми тупроқ қатламишининг 10—15 см чуқурлигига жойлашади (Потапов маълумоти). Денитрификация қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи жараён бўлиб, бу жараён туфайли тупроқдаги азотли бирималарнинг парчаланиши натижасида, азот молекуляр ҳолатга ўтади ва газ ҳолатда атмосферага чиқиб кетади.

Иккинчидан, аммиак ва турли аминокислоталарнинг нитрит кислота билан ўзаро таъсирланишлари натижасида ҳам азотли бирималар парчаланиб ҳосил бўлган азот атмосферага чиқиб кетади:



Гидроксиламин билан нитрат кислотанинг кимёвий реакцияга киришиши натижасида ҳам азот ажralиб чиқади:



Тупроқда кечадиган денитрификация жараёнининг олдини олиш учун тупроқса сифатли ишлов бериш, ме-

лиоратив ҳолатини яхшилаш, таркибини азотли ва органик маҳаллий ўғитлар билан бойитиш тавсия этилади.

## АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ


Азот атмосфера ҳавосининг 78—79% ини ташкил этсада, ўсимликлар уни эркин ҳолатда қабул қила олмайди. Азот ўсимлик умумий вазнининг (қуруқ модда ҳисобида) 1—3% ни ташкил этиб, тириклик хусусиятига эга оқсил таркибининг асосий қисмини эгаллади. У факт оқсиллар, ферментлар ҳосил бўлишида иштирок этмасдан, балки хлорофилл молекуласи, витаминалар, алкалоидлар таркибида ҳам мавжуддир. Ўсимликлар азотни озиқ сифатида нитрит ( $\text{NO}_2^-$ ), нитрат ( $\text{NO}_3^-$ ) анионлари ва аммоний катион ( $\text{NH}_4^+$ ) шаклида ўзлаштиради. Ҳаводаги  $\text{NO}_2$  ва  $\text{NH}_3$  газларни ўсимликлар ўзлаштирасада, уларниг ҳаводаги миқдори ўсимликларнинг азотга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмайди ва шу сабабли азот турли ўғитлар шаклида тупроққа солинади. Тупроққа солинадиган азотли ўғитлар З группага бўлиниади:

1. Нитрат кислота тузлари— $\text{KNO}_3$ ,  $\text{NaNO}_3$ ,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ .
2. Аммонийли тузлар —  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ,  $\text{NH}_4\text{NO}_3$ .
3. Органик моддалар таркибидаги азот.

### Аммиак ( $\text{NH}_3$ ) синтези.

Аммиак олишда ишлатиладиган азотнинг асосий манбаи ҳаводир. Ҳаво совутилиб ( $-90^\circ\text{C}$ ), унинг таркибидаги газ ҳолатидаги азот ажратиб олинади. Водород эса, асосий ҳом ашё метан( $\text{CH}_4$ ) газидан олинади.

Азот кислотаси олиш эса газсимон аммиак ҳаво билан қўшилиб, жараён 300—1000 атмосфера босими ва 400—500°C ҳароратда амалга оширилади.



Шу тарзда ҳосил қилинган аммиак, азот кислотаси олиш учун ҳам асосий ҳом ашё бўлиб хизмат қиласди.

Азот кислотаси олиш эса, газсимон аммиак ҳаво билан бирга аралаштирилиб  $800^\circ\text{C}$  ҳарорат ва бироз пастроқ босимда, платина катализатори ёрдамида, контакт аппаратида амалга оширилади.




Ҳосил бұлған азот 1 оксида ҳаво иштироқида сови-  
тилганды, азот (IV) оксидига айланады.  $2\text{NO} + \text{O}_2 = 2\text{NO}_2$ .  
Азот (IV) оксида сув билан құшилиб нитрит ва нитрат  
кислотаси ҳосил қиласы.



Азот кислотаси сувда яхши эрийди. Үфитлаш учун  
солиширма оғирлиги 1,29—1,37 бұлған, 47—57% ли  
азот кислотаси ишлатылады.

### Аммиакли селитра — $\text{NH}_4\text{NO}_3$ .

Аммиакли селитра газсімден аммиакни азот кислота  
эритмасыга таъсир эттирилиб олинады.



Аммиакли селитра таркибида 34% азот бұлғын, дона-  
дор (диаметри 1—3 мм) қилиб ишлаб чиқарылады. Оқ  
әки сарғыш рангда бұлғады. Сувда яхши эрийди, ҳаводан  
намни осон тортады. Шу сабаблы ҳам беш қаватлы қофоз  
әки полиэтилен қолпаратта жойланып, нам тортмайдыган,  
усти ёпиқ жойларда сақланады. Нам тортганды әки ба-  
ланд таҳлаб сақланғанда, босылып қотып қолады. Амми-  
акли селитра бошқа үфитлар билан бирга ерга солиши  
олдидан аралаштырылады. Осон эриб, тез таъсир этувчи  
үфит бұлғаны учун әкінларни вегетация даврида у билан  
озиқлаш тавсия этилады.

### Аммоний сульфат — $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ .

Сульфат кислотасини аммиак билан нейтраллаб оли-  
нады.



Уни гипсдан ҳам олиш мүмкін:



Әки



Аммоний сульфат ранги оқ, кул ранг да яшил рангга-  
ча бұлған кристалл үфит бұлғын, таркибида 20,5% азот  
бор. Ҳаводан намни жуда кам тортады да кам босылады.  
Заводдан ёпиқ вагонларға ортиб, жұнатылады. Уни куз-  
ги әкінларға, шунингдек, сабзапот да шолига құлласа  
самара юқори бұлғады.

### Аммоний карбонат — $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ .

Таркибида 24% азот бұлғын, бу үфиттің камчилигі,  
үннинг үтес бекарорлығынан дегенде. У 58°C да парчаланиб,

аммоний карбонат ва газсимон аммиак ҳосил қиласи. Унинг ўсимликлар учун аҳамияти, таркибида карбонат ангидриднинг борлигидадир.

**Карбамид (мочевина) —  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ .**

Карбамид қуидаги схемага мувофиқ олинади.



Карбамид (мочевина) оқ рангли донадор шаклда бўлиб, таркибида 46% амид шаклдаги азот бор. Аммиакли селитрага нисбатан анча майда бўлиб, намни кам тортади ва кам босилади. Заводлардан идишларга жойлаб ёки ёпиқ вагонларга юкланиб жўнатилади. У деҳқончилик учун энг тежамли ўғит ҳисобланади. Экинларни ўғитлашда самарадорлиги жиҳатидан, экишдан олдин ҳамда вегетация даврида қўлланиладиган аммиакли селитрага тенгdir. Уни бошқа турдаги ўғитлар билан ерга солишдан олдин бевосита аралаштириш керак.



**Аммиакли сув (аммиакнинг сувдаги эритмаси).** Сарғищ рангли ёки рангсиз суюқлик бўлиб, таркибида 16,4—20,5% азот мавжуд. Самарадорлиги жиҳатидан бошқа азотли ўғитларга тенг. Заводга яқин бўлган хўжаликлар учун арzon ва қулай. Тупроққа маҳсус машиналар ёрдамида, экишдан олдин ҳамда вегетация даврида, қўшимча озиқ сифатида солинади. Аммиак учебкетмаслиги учун аммиакли сувни тупроқнинг 18—20 см чуқурлигига солиш керак. Бу ўғитни сақлаш, ташиб ва ишлатиш учун маҳсус техникалар талаб этилади. Ўғитнинг заҳарли бўлиши, унинг ишлаб чиқаришда кенг йўл олишига тўсқинлик қиласи.

**Кальций селитраси —  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ .**

Кальций нитрат таркибида 13—15% азот бўлиб, у 40—48% ли азот кислотасини оҳак ёки бўр билан пейт-раллаб олинади.

Кальций селитраси биринчи бор Норвегияда ишлаб чиқарилганлиги туфайли, Норвегия селитраси деб ҳам аталади. Бу ўғит анча беқарор. Ҳаводан нам тортиб, эриб кетади. Кальций селитраси полиэтилен қопларда ташилади. Бу ўғитнинг беқарорлигини ҳисобга олиб, вегетация даврида қўшимча озиқ сифатида қўллаш тавсия этилади. Нордонлик даражаси юқори бўлганлиги учун уни кислотали муҳитга эга тупроқларда қўллаш ижобий натижада беради.

Кальций ва натрийли селитралар тупроқ билан қуидагича таъсирашади:



Кальций цианамид —  $\text{CaCN}_2$ .

Бу ўғит 1000—1100°C даражада кальций карбидга ( $\text{CaC}_2$ ) молекулар азот таъсириб олинади:



Хом ашё сифатидаги азот ҳаводан,  $\text{CaC}_2$  эса оҳак ва кўмирдан олинади ( $\text{CaO} + 3\text{C} = \text{CaC}_2$ ). Бу ўғит таркибида 20—22% азот бор. Кальций цианамид ташки кўриниши жиҳатидан, енгил, қора ёки қорамтири-сариқ рангли кујун бўлиб, ортиш пайтида кучли чанғийди, занг кўзга ва терига текканда кўзни ёшлатиб, терини қизартириб, яра ҳосил қиласи. Бу ўғит билан ишлаганда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кальций цианамиднинг бошқа ўғитлардан фарқи шуки, у сувда ёмон эрийди. Тупроққа солинганда гидролизланади ва аста-секин мочевинага, кейин эса аммоний карбонатга айланади. Бу ўғитнинг физик хусусиятларини ҳисобга олиб, сернам тупроқларга, кузги экинларга, шолига солиш тавсия этилади. Азотли ўғитлар тупроққа ўқайи шаклда солинмасин, улар ниҳоясида нитратлар ёки аммонийли формага ўтиб, кейин ўсимликлар томондан ўзлаштирилади. Азотли ўғитларнинг энг муҳим хусусиятларини қуидаги 20-жадвалдан кўриш мумкин.

#### 20- жадвал

#### Азотли ўғитларнинг энг муҳим хусусиятлари

Ўғитлар	Асосий бирик-малари	Азот-нинг миқдори, %	Бошқа озиқ молда-лар миқдо-ри, %	Сувда зрув-чани-ти	Нам торти-ши	Қотиши
Аммиакли селитра $\text{NH}_4\text{NO}_3$		34—35	—	жуда тез	тез	тез
Кальций селитра $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$		13—15	20Ca	тез тез тез	—	ёпиқ идишда
					—	қотмайди
Натрийли селитра $\text{NaNO}_3$		16,0	27Na	тез	ўргача	унча эмас
Сувсиз аммиак $\text{NH}_3$		82	—	тез	—	—
Сувли аммиак $\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{O}$		20	—	тез	—	—

Сульфат аммоний	$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$	20—21	—	тез	жуда	секин
Мочевина (карбамид)	$(\text{NH}_2)_2\text{CO}$	46	—	жуда	тез	секин
Кальций цианамид	$\text{CaCN}_2$	20—21	39Ca	сувда	жуда	—

16- жадвал

Кенг құлланиладиган азотли ўғитларнинг массасини  
тахминий ўлчаш усууллари, г

Ўғитлар түри	Стакан (200 см <sup>3</sup> )	Гүгүрт кутиси	Ош қоши (15 см <sup>3</sup> )	Чой қошиқ (5 см <sup>3</sup> )
Аммоний сульфат	186	19	14	5
Аммиак селитраси	165	17	12	4
Мочевина	130	13	10	3

## ФОСФОР

### ҮСИМЛИҚЛАР ҲАЕТИДА ФОСФОРНИНГ РОЛИ

Фосфор үсимликлар озиқланишида энг муҳим элементлардан бўлиб, ҳар қандай организм фосфорсиз ҳаёт кечира олмайди. Чунки үсимликларда кечадиган модда алмашув жараёнининг асосий қисми (синтетик жараёнлар) фақат фосфор кислотасининг иштироқида амалга ошади.

Үсимликларда фосфор органик ва минерал моддалар таркибида бўлади. Минерал формадаги фосфор үсимликларда ортафосфат кислотасининг кальций, калий ва магний тузлари шаклида учрайди. Үсимликлар фосфорни тупроқдан ортафосфат кислотасининг анионлари шаклида ўзлаштиради. Фосфорнинг бир қисми үсимликларга органик бирикмалар (эфир, қанд, кислота ва спиртлар) ҳолида киради. Үсимликлар томонидан ўзлаштирилган фосфорнинг бир қисми үсимлик таркибида эркин ион ҳолда қолади. Иккинчи бир қисми эса, таркибида фосфори бўлган мураккаб бирикмалар ҳосил бўлишида қатнашади. Үсимликлар таркибида ДНК ва РНК мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида, асосан азот ва фосфор мавжуд бўлса, липоидлар, фосфатидлар, фитинлар каби бир қатор органик моддалар таркибини асосан фосфор ташкил этади. Фосфатидлар физик ва кимёвий хоссалари билан мойларга ўхшайди ва улардан таркибида фосфор ва азот борлиги билан фарқ қиласи.

**Фосфатидлар** ўсимликларнинг хужайра мембраналари структурасини ҳосил қилишда иштирок этади.

Ўсимликларни фосфор билан озиқлаш нормасининг ортиши билан ўсимлик таркибидаги фосфатидлар миқдори ҳам оша боради. Улар протоплазмага ижобий таъсир этиб, ўсимликнинг сув режими ва модда алмашув жараёнини яхшилайди.

**Фитин** — захира модда бўлиб, инозитфосфат кислотасининг магнийли тузидир. Унинг таркибидаги фосфор миқдори салмоқли бўлиб, ўсимликларнинг ёш органлари, тўқималари ва уруғида кўп бўлади. Чигит таркибida 1,13—2,64% фитин моддаси бўлади.

Фитин осон гидролизланиб, фосфат кислотаси ҳосил қиласди. Фосфат кислотаси ўсимликларни униб чиқиши даврида фосфор элементи билан таъминлаб туради.

Ўсимлик тўқималарида мавжуд яна бир фосфор бирикмаси глюкофосфатитdir. Бу бирикма ўсимликнинг нафас олиши, фотосинтез жараёни, оддий моддалардан мураккаб углеводларнинг биосинтезланишида, углеводларнинг ўзгаришида ва бошқа бир қатор ҳаётий ҳодисаларда муҳим роль ўйнайди.

Глюкофосфатларнинг миқдори ўсимлик ёши ва озиқланиш шароитига қараб, 0,1—1,0% атрофида бўлади. Шунингдек, синтетик жараёнларнинг бориши, яъни оқсиллар, ёғлар, крахмал ва сахарозанинг биосинтез қилинишда анча энергия сарф бўлади. Ўсимликларда фосфор етишмаган шароитда фотосинтез, нафас олиш ва модда алмашув жараёнлари бузилади. Ўсимликларда органик моддалар таркибидаги фосфордан ташқари, анерганик фосфатлар ҳам бўлади. Ўсимликларда фосфорнинг аҳамияти яна шундан иборатки, у организмда азотли моддаларнинг алмашинувини тартибга солиб туради. Ўсимликларни озиқлантиришда азот билан фосфор орасидаги нисбати маълум миқдорда бўлиши лозим.

Демак, фосфор ўсимлика кечадиган деярли ҳамма жараёнларда бевосита иштирок этиб, ўсимликлар фосфор билан етарлича таъминланганда гина, ундан юқори ҳосил олиш мумкин бўлади.

## **ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ФОСФОРГА ТАЛАБЧАНЛИГИ. ФОСФОРНИНГ ТАБИИЙ МАНБАСИ**

Ўсимликлар учун фосфорнинг асосий манбаи ортофосфат кислотасининг кальций ва магнийли тузлари бўлиб, ўсимликлар бу тузлардан турли даражада фойдала-

нади. Шунингдек, ўсимликлар мета-ва пирофосфатлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Тупроқда учрайдиган бир валентли катионларнинг ортофосфат кислотаси билан ҳосил қиласидиган тузлари сувда яхши эрийди. Уни ўсимликлар осон ўзлаштиради. Метафосфат кислотанинг бир валентли катионлари билан ҳосил қиласидиган тузлари ҳам сувда яхши эрийди. Икки валентли катион фосфатлардан ортафосфат кислотасининг баъзи бир тузлари сувда эриса, бошқа тузлари сувда эримайди ва уларни ўсимликлар қийинчилик билан ўзлаштиради ёки мутлақо ўзлаштира олмайди.

Ўсимликлар ҳаётининг бошланғич даврида, фосфорга ўта талабчан бўлади. Ўсимлик уруғдан (чигитдан) униб чиқиши фазасида фосфор билан тўла таъминланмаса, кейин қўшимча озиқ бериш билан бу камчилик ўрнини қоплаб бўлмайди. Бу ҳол эса ўсимликларда кечадиган ўсиб ривожланиш жараёнини сусайтиради, органик кислоталар ҳосил бўлиш жараёнини секинлаштиради ёки умуман тўхтатади, тупроқдан азотнинг ўзлаштирилишга ҳалакит беради ва ниҳоят ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларни пахтада ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ғўза чигит таркибидаги мавжуд фосфор ҳисобидан униб чиқади. Агар экиш билан бирга фосфорли ўғит солинмаса ҳамда тупроқда фосфорнинг сувда эрувчи формалари етарли миқдорда бўлмаса, ёш ниҳолнинг ўсиб ривожланиши сустлашади ёки ривожланишдан умуман тўхтайди.

М. А. Белоусов томонидан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, пахта уруғбарг чиқарган пайтдан, бир жуфт чинбарг чиқарадиган даврга қадар, фосфорли ўғити берилмагандан пахтанинг ўсиб ривожланиши кескин сусайган, ҳосил бўлган барглар рангизланган ва ҳосил сезиларли даражада камайган. Пахтанинг ўсиб ривожланиши даврида ўғитлар турига қараб, таркибида қанча миқдорда фосфор сақлай олишини 21-жадвалдан кўриш мумкин.

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, пахта органларидаги фосфор миқдори, азот миқдорига нисбатан фарқ қиласиди. Ўғитланмаган (контроль) ва минерал ўғит солинган вариантларда, ғўза баргларида фосфор миқдори икки-уч чинбаргдан сўнгги фазалар томон камайиб борган. Гўнг солинган вариантда эса, бундай ҳол кузатилмаган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида

**Пахтанинг ўсиб ривожланиши даврида унинг органларида  
тўпланган азот ва фосфор миқдори (куруқ моддага  
нисбатан % ҳисобида Белоусов маълумоти)**

Анализ учун ўсимлик наму- наси олинган муддат	Пахта қисм- лари	Ўғитланма- ганда		Минерал ўғит солингандага		Гўнг солин- ганда	
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
2—3 чин барг- да (20- май) Ёппасига шо- налашув дав- рида (26 июнь) Қийғос гуллаши даврида (27- июль)	пояда баргда	1,228 2,670	0,615 0,825	1,403 2,800	6,662 0,871	1,573 3,475	0,655 0,921
Ҳосил туғиши даврида (28- август)	пояда баргда чаноқ- да ҳосилда	0,984 2,660 0,491 2,021	0,654 0,977 0,428 0,795	1,300 3,252 0,786 2,904	0,648 1,102 0,452 0,742	0,994 2,952 0,574 2,313	0,655 1,074 0,502 0,978
Ҳосил туғиши даврида (17- сентябрь)	пояда баргда чаноқ- да ҳосилда	0,412 1,450 0,720 1,286	0,266 0,758 0,505 0,951	0,605 2,027 1,932 1,650	0,381 0,602 0,670 0,944	0,554 1,797 0,889 1,471	0,422 1,429 0,863 1,037
Қўсак очилиши даврида (17- сентябрь)	пояда шохда баргда чаноқ- да ҳосилда	0,466 0,466 1,361 0,656	0,227 0,227 0,569 0,370	0,612 0,357 1,604 1,140	0,357 0,534 0,466 0,479	0,534 0,391 1,382 0,763	0,391 0,832 1,262 0,994

агрокимё хизмати лабораториялари мавжуд бўлиб, ҳар бир хўжаликнинг экин экиласидиган майдонларидағи фосфор, калий ва бошқа бир қатор элементлар миқдори аниқланиб, агрохимкартограммалар тузилган. Фосфор ўғитининг тупроқдаги йиллик нормасини белгилашда, агрокимё анализ натижалари ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, фосфор нормаси, азот нормасига мос келиш ҳам муҳимдир. Масалан, ҳар гектаридан 35—40 центнер ҳосил олиш учун азотга нисбатан фосфорнинг миқдори 1 : 0,7 нисбатда бўлиши керак. Пахтачиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш, айниқса, пахта-беда алмашлаб экишда, беданинг тупроқ таркибидағи азот миқдорини оширишини ҳисобга олиб, азотга нисбатан фосфор миқдорини қўйидагича белгилаш тавсия этилади. (22- жадвал).

**Ҳар хил нормадаги фосфорли ўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири  
(муаллиф маълумоти, Термиз—7 навида)**

т. р №	Минерал ўғитнинг йиллик нормаси, кг/га			Бош поя ба- ланда, см	Барг- лар сони	Ҳосил шохлар сони	Қўсак- лар сони	Ҳосил, ц/га
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	K <sub>2</sub> O					
1	2	3	4	5	6	7	8	9

**Бедадан кейинги биринчи йил (1978 й)**

1	0	250	125	77,2	5,1	15,9	16,1	37,5
2	125	250	125	80,5	5,2	16,6	16,7	39,7
3	250	250	125	82,8	5,8	16,6	17,5	43,9
4	375	250	125	85,5	6,1	17,4	18,1	44,5

**Бедадан кейинги иккинчи йил (1979 й)**

1	0	250	125	80,2	5,0	16,7	17,0	39,8
2	125	250	125	93,2	5,1	16,4	17,4	43,5
3	250	250	125	88,1	5,7	17,9	17,8	43,4
4	375	250	125	90,7	6,3	17,8	18,4	44,0

**Бедадан кейинги учинчи йил (1980 й)**

1	0	250	125	84,5	5,0	17,4	14,9	39,1
2	125	250	125	87,4	5,2	17,6	15,7	43,5
3	250	250	125	89,8	5,5	18,1	17,6	46,1
4	375	250	125	90,5	5,3	18,0	17,8	46,3

**Бедадан кейинги тўртинчи йил (1981 й)**

1	0	250	125	82,5	4,6	14,6	13,9	34,6
2	125	250	125	86,0	5,0	16,4	15,1	41,2
3	250	250	125	90,4	5,3	17,9	17,9	47,6
4	375	250	125	88,9	5,0	18,2	17,7	45,8

Жадвалдан кўриниб турибдики, бедадан кейинги биринчи ва иккинчи йилларда ҳақиқатан ҳам фосфорнинг азотга нисбати 1,5 : 1, яъни гектарига 250 кг азот ва 375 кг фосфор солингандা, 250 кг фосфор солинганига ёки 1:1 нисбатга нисбатан фосфор ҳисобидан, гектарига 0,6 центнердан юқори ҳосил олинган бўлса, тўртинчи йилга бориб, бу кўрсаткич 1,8 центнерга камайиб кетган (3—4 вариант). Бунга сабаб, йил ўтиши билан тупроқ таркибидаги беда ҳисобидан тўплангандаги азотнинг миқдори камайиб, тупроқда солингандаги фосфор ҳисобидан фосфорнинг миқдори азотга нисбатан орта борган. На-

тижада азот ва фосфор орасидаги нисбат бузилиб, ҳо-  
силининг камайишига сабаб бўлган.

## ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ ФОСФОР МАНБАЛАРИ

Фосфор литосферада кимёвий элементларнинг 0,08% ни, тупроқда эса 0,09% ни ташкил этиб, тупроқ таркибида асосан биоген элемент сифатида органик бирикмалар, жумладан гумус (чиринди) таркибида тўпланади. Тупроқ таркибидаги фосфор апатит —  $[Ca_{10}(FeCl)(PO_4)_2]$ , виванит —  $[Fe_3(PO_4)_2 \cdot 8H_2O]$ , фосфорит  $[Ca_3(PO_4)_2]$  ва бошқа бир қатор минераллар таркибида учрайди. Апатит  $Ca_{10}(FeCl)(PO_4)_6$  тупроқ таркибидаги фосфорли бирикмаларнинг асосий манбаи ҳисобланаб, Ер қобигида тарқалган фосфорнинг деярли 95% ни ташкил этади. Фосфорнинг асосий қисми тупроқнинг устки қатламида тўпланади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонни фосфорли ўғитлар билан таъминловчи табиий кон Қоратов кони бўлиб, бу кондаги фосфорит заҳираси бир миллиард тоннани ташкил этади. Қоратов конидаги фосфоритлар ўзининг минералогик ва кимёвий таркиби жиҳатидан МДҲ нинг бошқа конларидағи апатитлардан фарқ қиласи. Қоратов фосфоритларининг кимёвий таркиби қўйидагича  $P_2O_5$ —26÷30%; Fe, Al,  $R_2O_3$ —2,0÷2,5%; MgO—1,2÷5,7%; CaO—42,0—48,0%; CuO—2,2÷12,4%; MnO—0,1÷0,7%.

Петрографик таркиби жиҳатидан Қоратов фосфоритлари ранг-баранг бўлиб, асосан кальций, доломит, темир оксидлари ва кам миқдорда органик моддалар аралашган майда кристалл фосфоритлардан иборатdir. Оддий нордон суперфосфат ишлаб чиқарадиган суперфосфат заводларида фосфоритлар кислота билан ишланади. Бунда фосфорит рудасида доломитлашган оҳактош мавжудлиги, олинадиган суперфосфат таркибida намни кучли ўзига тортиб оладиган (гигроскопик) мономагнитфосфат тузининг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли ҳам Қоратов фосфоритларидан тайёрланган суперфосфатлар тезда бурда-бурда бўлиб, қотиб қолиш хусусиятига эга. Физик хоссаси апатитли хом ашёдан таёrlанган суперфосфатларга нисбатан ёмонроқ. Бундан ташқари, табиий фосфор конлари Белоруссия, Кавказ, Калуга, Эстония, Сахалин ва Бошқирдистонда бор. Бу конлардан олинадиган фосфоритлар тар-


кибидаги соф фосфор миқдори турлича. Масалан, Қоратов фосфор конидан олинадиган фосфорит таркибида  $P_2O_5$  нинг миқдори 26—30% ни ташкил этса, бу кўрсаткич Егорьев фосфор конида 16—25% ни ташкил этади. Хулоса қилиб айтганда, барча фосфорли ўғитлар асосан, апатит ва фосфоритлардан олинади. Ҳозирги кунда фосфорли ўғитларнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улардан қишлоқ хўжалигига энг муҳимлари қўйидагилардир.

**Фосфорит ёки апатит уни** ( $[Ca_{10}(PO_4)_6 \cdot (OH) \cdot F]_2$ ) таркибида 16—35%  $P_2O_5$  мавжуд.

Фосфорнинг табиий бирикмалари, кукун ҳолатдаги фосфорит ёки апатитдан иборат бўлиб, ундаги фосфор сувда жуда ёмон эрийдиган, демак, ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган учламчи фосфат  $Ca_3(PO_4)_2$  ҳолида бўлади. Бу ўғит кислотали муҳитга эга тупроқларга солинса, аста-секин эриб, ўсимликнинг фосфорга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Кислотали муҳитга эга бўлмаган тупроқларга бу ўғитни солиш ярамайди. Чунки уни ўсимликлар ўзлаштира олмайди. Ўрта Осиёнинг карбонатли бўз ва тақир тупроқларида, қалин қора тупроқларда у ижобий натижга бермайди. Аммо кислотали муҳитга эга подзол тупроқларда у жуда фойдали бўлиб, ўсимлик томонидан яхши ўзлаштирилиши билан биргаликда, тупроқнинг кислоталигини ҳам пасайтиради. Агарда бу ўғит айни тупроқларга етарли миқдорда солинса, унинг ижобий таъсири сўнгги йилларда ҳам сақланади.

Горький тажриба станциясининг маълумотларига кўра, гектарига 3,0—4,5 ц фосфорит уни солингандা, баҳори буғдойдан ҳар гектардан 4,3 ц; кузги буғдойдан 3,2; картошкадан 51,0; буғдой сомонидан 9,0 центнердан қўшимча ҳосил олинган. Мазкур ўғит ҳар гектар ерга 60—90 кг (соф ҳолда) белгиланиб, гўнг ёки торф билан аралашиб солинса янада самарали бўлади.

Фосфорит уни кислота муҳитли тупроқларга солингандা, кислоталарда эриб, иккиласми фосфат ҳолатига ўтади ва шундан сўнг у ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади:



Бу ўғитнинг табиий конлари Егорьевск, Вятск, Попинск ва Эстониядадир.

**Оддий суперфосфат**  $[(\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O} + \text{H}_3\text{PO}_4 + \text{CaSO}_4)]$ .

Оддий суперфосфат муҳим фосфорли ўғит бўлиб, 57% ли сульфат кислотани майдаланган фосфорли хом ашёга таъсир эттирилиб олинади. Бунда 1 т хом ашё учун 1 т сульфат кислота сарф бўлади. Натижада 2 та фосфорли ўғит ҳосил бўлади.

( $[\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot \text{CaF}_2] + 7\text{H}_2\text{SO}_4 + 3\text{H}_2\text{O} = 3\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 + \text{H}_2\text{O} + 7\text{CaSO}_4 + 2\text{HF} \uparrow$ )



Реакция натижасида ҳосил бўлган гипс ва кальций дигидрофосфатдан иборат аралашма оддий суперфосфат деб аталади. Оддий суперфосфат — сувда яхши эрийдиган туз бўлиб, уни ўсимлик осон ўзлаштиради. Шу сабабли ҳам у муҳим фосфорли ўғит ҳисобланади. Лекин таркибида гипс ( $\text{CaSO}_4$ ) ўсимликлар учун фойдасиз модда бўлганлиги учун, бу ўғитни транспортлар ёрдамида ташишда ортиқча юк ҳисобланади. Бу ўғит оқ рангли бўлиб, босилиб қолмайди, бошқа минерал ўғитлар билан яхши аралашади. Асосан, ёпиқ вагонларга уюб олиб келинади. Талқонсимон суперфосфат таркибида 19,0—19,5 фоиз, донадорида эса 20% миқдорида соф фосфор бор.

**Қўш суперфосфат**  $[\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O} + \text{H}_3\text{PO}_4]$ .

Таркиби фақат кальций дигидрофосфатдан иборат қимматли ўғитdir. Қўш суперфосфат таркибида гипс бўлмайди, яъни ўғит гипссиз тайёрланади. Бунда бир молекула табиий фосфоритга ( $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ) уч молекула  $\text{H}_2\text{SO}_4$  — йульфат кислота таъсир эттирилади.



Ҳосил бўлган фосфат кислота  $\text{CaSO}_4$  чўкмасидан ажратиб олинади ва фосфоритга таъсир эттирилади:




Бундай усул билан олинган суперфосфат таркибида  $\text{CaSO}_4$  — гипс бўлмайди. Фақат кальций дигидрофосфатдан иборат бўлган ўғит қўш суперфосфат деб аталади. Бу ўғит оқ рангли донадор бўлиб, таркибида ўртacha 45% соф фосфор мавжуд. Суперфосфат Ўзбекистонда Самарқанд ва Қўқон, Қозогистонда Жамбул ва Туркманистанда Чоржуй суперфосфат заводларида тайёр-

ланади. Құш суперфосфатнинг асосий афзаллиги шундаки, унинг таркибида кераксиз (балласт) моддалар нисбатан кам. Бу эса, озиқ модда бирлигини ташиб келтириш, юлаш, тушириш ва сақлаш учун кетган ҳаражатни камайтиради, кам жой талаб этади, үғитни тупроққа солиши учун кетган ҳаражатни камайтиради. Демек, құш суперфосфатни ишлатиш оддий суперфосфатга нисбатан, иқтисодий жиҳатдан анча фойдалиди.

**Аммиаклаштирилган суперфосфат** ( $\text{CaHPO}_4 + \text{NH}_4 \text{H}_2\text{PO}_4 + \text{CaSO}_4$ ).

Аммиаклаштирилган суперфосфат — апатит ва Қоратов фосфоритларидан олинади. У физик ва кимёвий хусусиятларининг афзаллиги, агрокимёвий самарадорлининг юқорилиги билан ажралиб туради. Аммиаклаштирилган суперфосфат қуруқ, сочилувчан маҳсулот бўлиб, маълум даражада доналаштирилган. Таркибида 14,0—18,7% фосфор ва 2,0—2,5% азот бор.


Бу тур суперфосфат қўйидаги схемага биноан олинади:



Бу үғит Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларида ишлаб чиқарилади. Бир қатор илмий текшириш муассасаларида үтказилган тажрибалар натижасига кўра аммиаклаштирилган суперфосфат оддий суперфосфатга қараганда, пахта ҳосилини гектарига 3 ц, картошкани эса 9—16 ц га оширади.

**Преципитат** —  $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ .

Преципитат сувда кам эрийдиган кальций гидрофосфатдан иборат бўлиб, кукун ҳолатдаги оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ ) ёки сўндирилган оҳак ( $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ) фосфат кислота таъсир эттириб олинади.



Преципитат оқ кукун бўлиб, ҳавода сақланганда нам тортиб, ёпишиб қолмайди. Таркибида 30—35%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бор. Бу үғит кучсиз кислотали тупроқларга солинганда, юқори самара беради, яъни ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади, оқ қуруқ кукун ҳолида бўлади. Преципитатни чорва озиғи ва фосфорли үғитларга кўшимча қилиб ишлатса ҳам бўлади.

Преципитатнинг қимматли хусусияти шундаки, бу ўғит тупроқнинг кислоталигини пасайтиради. Уни аралаш ва мураккаб ўғит олишда ҳам ишлатса бўлади. У нисбатан нейтралdir.

**Термик фосфат** (фтордан тозаланган фосфатлар).

Табиий фосфоритни турли қўшимчалар (сода, натрий сульфат) билан бирга, юқори ҳароратда суюқлаштириб, фосфорит таркибидаги фтор ажратиб ташланади. Натижада таркибида 32% га қадар  $P_2O_5$  бўлган ўғит — термофосфат ҳосил бўлади.

**Томасшлак.** Темир рудаларини қайта ишлашда фосфорга бой қўшимча маҳсулот, кальций оксиди ва фосфат ангидридлари — томасшлак ҳосил қиласди. Бу усул томас усули деб аталади. Томасшлак алюминий, темир, магний, ванадий, марганец, молибден ва бошқа элементларга бой бўлиб, у ўғит сифатида ишлатилса ўсимликларнинг микроэлементларга бўлган эҳтиёжи камаяди. Томасшлак ишқорий муҳитга эга бўлиб, кислотали тупроқларга солинганда анча ижобий натижа беради.

## ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ортофосфат тузлари фосфор манбаи бўлиб, ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу тузларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига қараб бир, икки ва уч ҳиссали бирикмаларга бўлинади. Ўсимликлар учун бир ва икки суперфосфат ( $Ca(H_2PO_4)_2$ ) ва преципитат ( $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$ ) бирикмалар анча қулай бўлиб, уч ҳиссали бирикма фосфоритни ( $Ca_3(PO_4)_2$ ) ўсимликлар яхши ўзлаштира олмайди.

Ўрта Осиёning карбонатли бўз тупроқлари таркибида уч ҳисса кальций бўлган фосфорит уни яхши натижа бермайди. Лекин кислотали подзоллашган ва ишқорланган қора тупроқлари учун у жуда самарали ҳисобланади. Фосфорит уни подзоллашган тупроқларнинг кислоталигини пасайтиради ва ўсимликка ижобий таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё тупроқлари учун энг самарали ҳисобланган суперфосфатларда, фосфор асосан кальций монофосфат  $Ca(H_2PO_4)_2$  шаклида учрайди ва бу бирикма сувда яхши эрийди. Преципитатда фосфор иккиламчи кальций тузи ҳолатида бўлиб, сувда деярли эримайди, лимон — оксидли аммоний эритмасида яхши эрийди. Ҳозирги кунда етказиб бериладиган фосфорли ўғитлар

Қоратовдан олинадиган фосфорит ва Қольск ярим оролидан олинадиган апатитдан тайёрланади. Суперфосфатли ўғитлардаги озиқ моддалар миқдори рудалар таркибидаги фосфор миқдори ва уларнинг тайёрланиши усулига боғлиқ бўлиб, фосфорли ўғитлар таркибидаги соф фосфор миқдори турличадир. Оддий фосфорли ўғитлар таркибида соф фосфор миқдори кам ва уларни узоқ жойларга ташиб нокулади. Чунки уларнинг таркибидаги кераксиз баластлар 80% ни ташкил этади. Ҳозирги кунда фосфатли ўғитлар таркибидаги фосфор миқдорини ошириб, ташибга қулай ва арzon қилиш мақсадида, қўш суперфосфат шаклида ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Қўш суперфосфат таркибидаги соф фосфор миқдори 40—50% ни ташкил этади. Қўш суперфосфатлар сувга эрувчанлиги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши жиҳатидан оддий суперфосфатлардан фарқ қилмайди (23- жадвал).

Ҳамма турдаги фосфорли ўғитлар таркибида эркин кислота бўлганлиги сабабли, кислотали реакция беради, бу эса ўз навбатида, улар сифатининг насайишига

### 23- жадвал

#### Фосфорли ўғитларнинг энг муҳим хоссалари

Ўғитлар тури	Кимёвий таркиби	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдори, %	Сувдан ёрувчанлиги	Нам тортиши	Коғиб колиши
Оддий суперфосфат	Ca(H <sub>2</sub> PO <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> · H <sub>2</sub> O + H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub> + CaSO <sub>4</sub>	1 сорт 19,5 2 сорт 19,0 3 сорт 14,0	эрийди —«— —«—	яхши —«— —«—	кам —«— —«—
Донадор суперфосфат	—«—	19,5	—«—	—«—	—«—
Қўш суперфосфат	Ca(H <sub>2</sub> PO <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> · H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub> + H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub>	42—52	—«—	ўртacha қисман	
Преципитат	CaHPO <sub>4</sub> · H <sub>2</sub> O	38—40	лимон оксидли аммоний- да эрийди	нам торт- майди	қот- майди
Термофосфат	N <sub>2</sub> O · 3CaO · P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> + O <sub>2</sub>	20—25	—«—	—«—	—«—
Фосфорит уни	Ca <sub>10</sub> (PO <sub>4</sub> ) <sub>6</sub> [OH,F] <sub>2</sub>	16—35	эрийди	—«—	—«—
Фосфорили шлак	4CaO · P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> 5CaO · P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	14—20	ўртacha	ўртacha	қисман
Фторсизлантирилган фосфат	3CaO · P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> + 4CaO · P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	20—38	яхши	—«—	қисман

сабаб бўлади. Бу хил ўғитларнинг физик хоссаларини яхшилаш учун уларни нейтраллаш (донадорлаш) муҳимдир. Нейтраллаш жараёнида аммиак ишлатилса, унда ўғит таркибида фосфор билан биргаликда азот ҳам пайдо бўлиб, ўғит мураккаб ўғитга айланади.

Фосфорли ўғитлар тупроққа солингдан тузлар ўзаро таъсирашиб тез эрийдиган шаклдан суст эрийдиган формага ўтади ва шу сабабли фосфор тупроққа солингдан сўнг, унинг горизонтал ва вертикал силжиши суст кечади, яъни у тупроққа солинган жойидагина сингади (24- жадвал).

#### 24- жадвал

**Фосфорли ўғитларнинг сув таъсиридан тупроқда силжиши, мг/кг**

Фосфорли ўғитлар турни	Горизонт, см							
	0—2	2—4	4—6	6—8	8—10	10—12	12—14	14—16
Суперфосфат солингдана	16,3	25,0	87,0	63,0	23,3	25,0	21,6	21,0
Аммофос солингдана	23,3	19,5	87,5	31,8	23,1	16,5	16,5	16,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, фосфорли ўғитларнинг асосий қисми тупроққа солинган жойида қолади. Қуйи ва юқори қатламларга эса у жуда кам миқдорда ўтади.

## ЎСИМЛИҚЛАРНИНГ ФОСФОРГА ТАЛАБЧАНЛИҚ ЭТАПЛАРИ

Фосфор ҳам азот сингари мураккаб оқсиллар таркибида мавжуд бўлиб, ҳар қандай тирик ҳужайралар учун муҳим озуқа ҳисобланади. Ўсимликлар фосфорни минерал бирикмалар билан бир қаторда, фитин, глицерофосфат, глюкофосфат каби органик бирикмалар ҳолида ҳам ўзлаштиради. Фосфор ҳужайра ядрои ферментлар ва моддалар алмашиниши жараёнининг оралиқ бирикмалари таркибига киради. Демак, ўсимлик озиқ моддалари таркибидаги фосфор миқдорини ўзгартириб, ўсиш ва ривожлантириш суръати ҳамда ҳосил сифати-

ни маълум даражада ўзлаштириш ҳам мумкин. Масалан, пахтада чигитнинг униб чиқиши ва уругбарги пайдо бўлишига қадар даврда фосфор етишмаса, бундай ҳол ўсимликка ўта салбий таъсир кўрсатиб, бу ҳолатни кейинчалик қўшимча фосфор бериш йўли билан нормал ҳолатга келтириб бўлмайди. Гўза 2—4 чинбарг чиқарган даврда, фосфор етишмаса кўсаклар сони кескин камайиб, вазни ҳам сезиларли даражада енгиллашади, умумий ҳосилдорлик 20—25% гача камайиб кетади. Бу даврда пахта кам-кам миқдорда фосфор билан барвақт озиқлантирилса нормал ўсиб ривожланади.

Ўсимликнинг нормал ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаши учун фосфорли ўғитларни шудгор остидан, чигит экиш билан бир вақтда етарли нормада бериш керак. Лекин фосфор нормаси азотдан кўп бўлмаслиги лозим. Асосан, ўсимликларда фосфорга нисбатан ўта талабчанлик икки даврга бўлинади.

Биринчи давр — чигит (уруг) экилгандан кейинги майса униб чиқиш даврига тўғри келади. Бу даврда тупроқдан энди униб чиқсан майса нимжон ривожланади ва илдизлари атрофида фосфорнинг етарли бўлишини талаб этади.

Иккинчи давр — гуллаш ва кўсак тугиши фазасига тўғри келади ва бу даврда ўсимлик фосфорни нисбатан кам миқдорда талаб этади. Чунки бу даврда вегетация давомида гўза ўзлаштирган жами фосфорнинг ярмидан кўпроғи чигит (уруг)да тўпланади. Ўсимликлар азот билан етарли даражада таъминланганда фосфорди ўғитлар илдиз системасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ўз навбатида бу экиннинг ўсиб ривожланишини тезлаштиради. Ўсимликнинг ўсиши дастлабки ўсиш давриданоқ унинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

Бу ўғитларнинг тупроқдаги миқдорига қараб уни азот, фосфор ва калий билан 1:0, 7:0,5 нисбатда таъмин этганда натижа янада ижобий бўлади. Ўсимлик фосфор билан етарли даражада таъминланганда, кўсакнинг етилиши тезлашади ва у эрта очилади. Толанинг технологик сифати ҳам ғўзанинг минерал ўғитлар билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлиб, азот — толанинг узун бўлишини, фосфор эса пишиқлигини таъмин этади. Фосфор танқислигига ўслан пахтадан олинган уруглик чигит жуда суст унади ва секин кўкаради.

## КАЛИЙ

### ҚАЛИЙНИНГ ҮСИМЛИҚЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Калий ўсимлик таркибидан, биринчи марта 1807 йили Деви томонидан соф ҳолда ажратиб олинган. Калий ўсимликлар учун энг муҳим элементлардан бири ҳисобланыб, у ўсимлик ишқори (поташ) сифатида қадимдан маълум.

Калий ўсимликларнинг модда алмашув жараёни амалга ошадиган орган ва тўқималарида, ёш шохларнинг ўсиш нуқтасида ва мева ҳосил қилувчи қисмларида, яъни янги ҳужайра ва ўсимталар атрофида кўп тўпланди. Ўсимлик таркибидаги калийнинг бешдан тўрт қисми ўсимликнинг ҳужайра суюқлиги таркибида мавжуд.

У ўсимлик тўқимлари коллоидларининг физикавий ва кимёвий хоссаларига актив таъсир этади. Калийли коллоидлар ўсимлик ҳужайраларни сув билан таъмин этиб, ўсимлик организмидаги бир қатор биокимёвий жароёнларнинг нормал кечишини тартибга солиб туради. Ўсимликларни сув билан таъминлаш калийнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Калий ферментлар таркибиға кирмасада, уларнинг фаолиятини ўйғунлаштиради, фотосинтез жараёнининг нормада кечишини тартибга солиб туради, углеводларнинг баргдан бошқа органларга ўтишини жадаллаштиради, айрим витаминларнинг синтезлашиши ва уларнинг ўсимликларда тўпланишида воситачи (катализатор) вазифасини бажаради.

Ўсимликлар етарли миқдорда калий билан таъминлангандагина ҳужайралар сув билан тўла таъмин этилиб, организм сув чанқоқлигига нисбатан чидамли бўлади. Калийнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, унинг оқсил синтезига кўрсатадиган таъсири бўлиб, озиқада калий етарли бўлмаса, ўсимлик баргларидаги оқсил азоти кескин камайиб, унинг ўрнини амид ва нитрат азоти эгаллайди. Калий юксак ўсимликларнинг модда алманидиган, кучли ўсадиган ва янги ҳужайра ҳосил қиладиган қисмларида тўпланади.

Калий ўсимликлар ҳужайрасида асосан, ион бирикмалари шаклида бўлади. Калий плазма ҳосил қилишда, қисман адсорбланган ва ҳужайра плазмаси ҳамда ҳу-

жайра деворлари таркибиға киравчи коллоидларда кечадиган физик-кимёвий жараёнларга таъсир этади.

Биокимёвий жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур коллоидларнинг сувли бўлиши, ўсимлик таркибидаги калийнинг муҳим функцияларидандир. Шунингдек, ўсимлик танасига сувнинг кўтарилиши ва ҳужайраларда осмотик босимнинг мавжуд бўлишида ҳам калийнинг роли муҳим. Коллоидлар таркибida сув қанчалик кўп бўлса, протоплазманинг сингдириш қобилияти шунчалик катта бўлиб, ҳужайралардаги синтетик жараёнларнинг кучайиши учун қулай шароит яратади. Калий углеводларнинг ҳосил бўлиши ва ҳаракатланишида ҳам муҳим ҳисобланади. Ўсимликларнинг калий билан етарлича таъминланиши, баргларнинг хлорофилл синтезини интенсивлади ва ассимиляция активлигини кучайтиради. Ўсимлик таркибida калий етишмаганда углеводларнинг ҳосил бўладиган жойидан (барглардан) ўсимликнинг ўсаётган қисмига йўналган ҳаракатланиши бузилади. Фотосинтез жараёнининг нормал ҳолати бузилади ва углеводлар нормадагидан кўпроқ тўпланиб, барглар йўғонлашади ва дағаллашади. Янги пайдо бўлган ўсимлик тўқималарига қанд ва органик моддаларнинг кам ўтиши, бир қатор мураккаб углеводлар (клетчатка, гемицеллюзоза) синтезини кескин секинлатиб, ўсимликни ўсишдан, қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўяди, поялар нимжонлашади, илдизлар ҳажми кичраяди (25-жадвал).

Ўсимликлар калий билан нормал таъминланганда уларнинг пояси яхши ривожланади. Эски (қари) илдизларнинг янгиланиши (ёшлиши) тезлашади ва вилт

#### 25- жадвал

**Пахта илдизининг калий билан таъминланишига боғлиқ ҳолда ҳосил туғиш давридаги оғирлиги (бир ўсимликка, қуруқ модда ҳисобида, г)**

Илдизлик ўғит нормаси, кг/га			Қатламлар чуқурулиги, см			
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	0—25	25—40	40—60	0—60
150	100	—	12,5	5,8	2,7	21,0
150	100	100	28,7	8,0	4,6	41,3
150	100	150	30,9	9,4	4,8	45,1

касаллигига (вертициллийз ва фузариоз) чидамлилиги ортади.

Пахтачилликда пахта барги ва күсагининг макроспориоз касаллиги билиан касалланиши ўсимликнинг қаймиқдорда калий билан таъминланганлигига боғлиқ бўлиб, муаллиф томонидан ўтказилган кўп йиллик тажрибалардан шу нарса аниқландикси, калий билан ўғитланмаган варианларда бу касалик калий билан ўғитланган вариантларга нисбатан 1,5—2 баробар кўпайиб кетди ва ўз навбатида ҳосилнинг технологик сифатининг ҳам кескин пасайишига сабаб бўлди (26, 27- жадваллар).

#### 26- жадвал

**Ингичка толали пахтанинг макроспориоз касаллиги билан касалланишига ҳар хил нормада берилган калий ўғитининг таъсири**

т.р	Минерал ўғит нинг йиллик нормаси			18. VIII. Касалланиш даражаси, %							
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	1978 й.		1979 й.		1980 й.		ўртача уч йилда	
				барг	кўсак	барг	кўсак	барг	кўсак	барг	кўсак
Энг паст нам сифимга нитбатан 65—65—60%											
1	250	250	0	44,3	20,2	52,5	22,4	58,3	28,1	51,7	22,9
2	250	250	125	28,2	10,4	32,3	11,2	29,4	11,8	30,0	11,1
3	250	250	250	26,5	10,8	29,2	11,3	26,6	10,7	27,4	10,9
4	250	250	375	20,0	9,6	23,1	9,3	25,9	9,6	23,0	9,5
Энг паст нам сифимга нисбатан 70—70—60%											
1	250	250	0	48,1	22,8	55,1	23,2	62,4	29,1	55,2	25,0
2	250	250	125	34,1	11,6	27,5	10,7	34,9	12,1	32,2	11,5
3	250	250	250	33,7	11,2	31,3	10,1	32,1	10,3	32,4	10,5
4	250	250	375	24,0	10,1	25,1	10,2	27,1	10,0	25,4	10,1

#### 27- жадвал

**Ҳар хил нормадаги калий ўғитларнинг ингичка толали пахта ҳосили сифатига таъсири (азот 250, фосфор 250 кг/га)**

т.р	K <sub>2</sub> O кг/га	Толанинг саноат нави	Толанинг узилиш нағруз-каси, грамм куч	Толанинг меирик номери	Толанинг узилиш узунлиги, см	Толанинг узунлиги, мм
1	0	1	4,77	7200	33,8	38,3
2	125	1	4,8	7170	34,0	39,7
3	250	1	4,8	7120	34,2	39,9
4	375	1	4,8	7140	38,3	38,5

**Энг паст нам соримга нисбатан 65—65—60%**

1	0	1	4,77	7200	33,8	38,3
2	125	1	4,8	7170	34,0	39,7
3	250	1	4,8	7120	34,2	39,9
4	375	1	4,8	7140	38,3	38,5

Энг паст нам сифимга нисбатан 70—70—60%

1	0	1	4,7	7130	33,5	39,4
2	250	аъло	5,0	7030	35,1	40,5
3	250	аъло	5,0	6990	35,0	40,4
4	375	1	4,8	7150	34,3	40,0

27- жадвалдан кўриниб турибдики, суғориш режими ни 70—70—60 гача оширганда калийли ўғитнинг тола сифатига кўрсатадиган таъсири янада самаралироқ бўлади. Белоусов М. А. Мадраимов И. И. лар тажрибала-ридан шу нарса исботландиди, калий етарли бўлган далаларда ўстирилган пахтанинг ҳар 100 дона кўсаги-дан 92 таси беш паллали, калий берилмасдан фақат азотли ва фосфорли ўғитлар берилганда эса, ҳар 100 дона кўсакдан фақат 58 тасигина беш паллали бўлди.

Усимлик ва тупроқ таркибидаги калийни миқдорини  $K_2O$  (оксиди) шаклида ифодалаш қабул қилинган бўлиб, бир қатор қишлоқ хўжалик экинлари таркибидаги калийнинг миқдори 28- жадвалда келтирилган.

28- жадвал

Бир қатор қишлоқ хўжалик экинлари таркибидаги калийнинг ўртacha миқдори (қуруқ мoddага нисбатан, % ҳисобида)

Экин тури	Маҳсулот тури	$K_2O$ , %	Экин тури	Маҳсулот тури	$K_2O$ , %
Пахта	баргода	2,07	Картошка	мевасида	2,40
	поясида	1,25		поясида	3,70
	чигитда	1,07	Помидор	мевасида	5,60
	кўсак пал-		Бодринг	мевасида	5,65
	ласида	3,50	Беда	пичанида	1,8
	толасида	0,55	Сабзи	мевасида	3,2
Кузги	донида	0,65	Оқбош		
буғдой	сомонида	1,10	карам	мевасида	4,6
Баҳорги	сомонида	1,30			
буғдой	донида	0,67			
Макка-	донида	0,43			
жўхори	поясида	1,93			

Пахта, буғдой ва маккажўхорига нисбатан картошка, помидор ва бодринг каби сабзавотлар таркибида калийнинг миқдори анча кўп. Масалан, 10 ц ҳосил учун ғалла экинларига 25—37 кг, дуккакли экинлар 15—20 кг, картошка, 7,0—10,0 кг, хашаки ва қанд лавлаги 6,0—8,0 кг.

сабзавотлар 4,0—5,0 кг, пахта 40—60 кг калий истеъмол қилади ёки гектаридан 30—35 центнердан пахта ҳосили етишириш учун тупроқта ўртача 150—175 кг калийли ( $K_2O$ ) ўғит бериш лозим. Бир тонна пахта олиш учун ғўзага бериладиган азот, фосфор ва калий ҳосили миқдорига боғлиқ бўлади. (29- жадвал).

#### 29- жадвал

Ғўзанинг ривожланиш даражасига кўра озиқ элементларга бўлган эҳтиёжи, (1 т пахта олиш учун, кг)

Пахтанинг ер усти қисмiga нисбатан пахта ҳосилининг миқдори, %	Ўсимликнинг ривожланиши	N	$P_2O_5$	$K_2O$
50—60	ўртача туп ғўза яхши ҳосил бер- гандан	30—40	10—15	30—35
40—50	ўртача ривожла- ниб ҳосил тук- канда	35—50	12—16	40—50
35—40	пахтанинг вегета- тив қисми кучли ривожланганда	45—50	12—18	50—55
25—35	ғовланган пахта	60 ва ундан ортиқ	18 ва ундан ортиқ	60 ва ундан ортиқ

Ғўза ўртача ривожланганда ва ўртача ҳосил туккандан 1 т пахта етишириш учун 40—45 кг азот, 13—15 кг фосфор, 45—48 кг калий сарфланади.

Пахта кучли ривожланиб, ўсимликнинг бўйи 90—100 см етганда, унинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи яна-да ошиб, бир тонна ҳосил олиш учун 50—55 кг азот, 16—18 кг фосфор ва 50—60 кг калий талаб қилади. Пахта териб олингач, чаноқлар билан ғўзапоя ҳам йиғиширилади. Уларнинг таркибида ғўзанинг ер усти қисмидаги калийнинг ярмидан кўпроғи кетади. Ерда фақат барг билан илдиз қолиб, уларнинг таркибида 30% дан камроқ калий бўлади. Демак, ўсимлик фойдаланган калийнинг қарийб 70% ҳосил билан бирга дала-дан чиқарилиб кетилади.

## Калийнинг ўсимликлар ҳосили билан тупроқдан чиқиб кетиши

Экин тури	Ҳосил, ц/га	Ҳосил билан тупроқдан чиқиб кетган $K_2O$ , кг/га
Пахта	30	150—180
Картошка	200	180—200
Қанд лавлаги	200	140—160
Хашак лавлаги	420	280—320
Беда пичани	80	160—180
Карам	600	240—260
Сабзи	400	180—200
Кунгабоқар	55	990

## ТУПРОҚДАГИ ҚАЛИЙ МИҚДОРИ

Тупроқ таркибидаги калийнинг асосий манбаи калий минераллари бўлиб, Ўрта Осиё тупроқларида 1—3% ни ташкил этади. Калийнинг тупроқдаги умумий миқдори азотга нисбатан 5—50, фосфорга нисбатан эса 8—40 марта кўп. Оғир тупроқларда калий кўп бўлиб, қумлоқ ва торфли тупроқларда у кам.

Пахтачилик зонаси тупроқларидаги калий силикат, шпат ва тупроқдаги бошқа минераллари таркибида бўлиб, ўсимликлар улардан фойдалана олмайди. Минераллар парчаланиб, алмашувчи формага ўтгандагина у сувда эрийди ва ундан ўсимликлар фойдалана олади. Ўғит сифатида тупроққа солинган калийнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилганидан қолган қисми тупроқ остида сақланиб қолаверади. У ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмайдиган формага ўтмайди. Алмашувчи калий миқдори тупроқда айни элементнинг миқдорини кўрсатади. Бўз ва ўтлоқ тупроқларнинг 0—40 см қатламида алмашувчи калийнинг умумий миқдори гектарига 150—450 кг гача бўлади. Бу кўрсаткич 1 метрли қатламга айлантирилганда гектарига 700—13000 кг ни ташкил этади. Алмашинадиган калий тупроқнинг устки қатламида кўп бўлиб, ҳайдалма қатламдан пастга тушган сари унинг миқдори камайиб боради.

Балябо Н. К. бир хил тупроқли Зарафшон дарёси соҳилидаги сизот сувлари эркин ҳаракат қиласидиган (силжийдиган) районлар — Самарқанд ва сизот сувлари яхши милжимай йиғилиб қоладиган районлар — Бухоро тупроқларининг таркибидаги калийнинг миқдори-

ни таққослаб, сизот сувлари юза жойлашган ва сувлари йиғилиб қоладиган районларнинг тупроқлари таркибида калий заҳирасининг кўп бўлишини исботлаб берди (31- жадвал).

### 31- жадвал

#### Турли зоналар тупроғи таркибидаги калийнинг умумий миқдори

Агротупроқли районлар	Ернинг тупроқ характери	Қатлам, см	Тупроқ ваз- нига нисба- тани калий- нинг умум- ий миқдори, %
Чирчиқ, Ангрен, Пскент	Қадимдан сугорилиб кел- ган қумоқ-бўз тупроқли	0—20 20—40	2,00 2,48
Фарғона, Андижон	Қадимдан сугорилиб кел- ган бўз тупроқли	0—20 20—40	1,93 1,86
Мирзачўл	Қумоқ бўз тупроқли	0—20	2,34
Зарабшон,	Бироз шўрланган бўз	0—17	1,81
Самарқанд	тупроқли	17—32	1,88
Зарабшон,		32—52	1,63
Бухоро	Қадимдан сугорилиб келган ўтлоқ, шўрлан- ган	0—20 20—40	2,99 3,27
Вахш	Нишабликнинг ўртаси- да жойлашган қумоқ ва бўз тупроқли паст ер	0—20 30—35 0—20 35—40	1,75 1,89 2,32 2,59
Термиз	Қисман шўрланган та- қир-ўтлоқ тупроқли	0—29 30—40 50—60	2,12 2,08 2,08

Оғир тупроқли пастлик ерларда, ариқ ва сизот сувлари тўпланадиган қатламдаги тупроқ таркибида, сувда ҳаракатчан ва алмашина диган шаклдаги калий нисбатан кўп бўлади.

Рельефи паст, ариқ ва сизот сувлари тўпланадиган ерларда, сувда эрувчан калийнинг тупроқ заррачалари билан аралашиб эриши натижасида ҳаракатчан калий заҳираси кўпаяди. Калий билан натрийнинг камайиши ва сингдирилган кальций ва магнийнинг ортиши ҳисобига ишқорли тупроқ ишқорий ер катионлари орасидаги нисбат ўзгаради (32- жадвал).

Тупроқ таркибидаги калий 100 йилдан кўпроқ муддат давомида сугорилганда ернинг 1 метрли қатламида кескин камайган. Жориков А. Е. маълумотларига асоссан, ўрта минтақали бўз тупроқларнинг ҳайдалма қат-

**Оддий бўз тупроққа сингдирилган асослар таркиби (100 г тупроққа мг-экв ҳисобида)**

Суғорилиш муддати	Қатламлар чукурлиги, см	Ca	Mg	K	Na	Умумий синг- дириш ҳажми
100 йилдан кўпроқ	0—25	14,74	5,10	0,33	0,20	20,37
	25—40	13,56	3,23	0,13	0,23	17,15
	40—50	12,85	4,31	0,12	0,32	17,60
	50—60	11,08	6,82	0,08	0,27	18,25
	70—80	10,47	7,54	0,05	0,24	18,30
Кўриқ	90—100	10,94	6,26	0,08	0,07	17,45
	0—8*	6,19	4,48	0,99	—	11,66
	8—16	8,09	3,41	0,92	—	12,42
	16—32	6,87	3,41	1,86	—	12,14
	35—45	5,21	2,82	1,66	—	9,74
	60—70	5,68	1,75	1,47	—	8,90
	90—100	5,94	1,23	1,04	—	8,21

ламида ўртача бир килограмм тупроқда 139—165 мг гача алмашинувчи калий бўлади. Сўнгги йилларда, сурункасига, бир неча йиллар давомида экин экилиб келинаётган Ўрта Осиё тупроқларида алмашинувчи калийнинг миқдори тобора камайиб бормоқда. Бунинг сабаби тупроққа ҳар йили азот билан фосфор катта нормада солинсада, калийли ўғитлар етарлича берилмаятганлигидадир. (33- жадвал).

33- жадвалга эътибор берилса, маълум бўладики, тупроқдаги алмашинадиган калий миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг яна бир сабаби, юқори

## 33- жадвал

**Текширув турлари бўйича тупроқдаги алмашинувчи калий миқдорининг ўзгариши**

Йиллар	Текши- рилган майдон	Шу жумладан, 1 кг тупроқдаги калий миқдори бўйича текши- рилган майдон,					1 кг туп- роқда 1 кг туп- роқда 301 мгдан ортк.
		0—100	101—200	201—300	301—400	401 дан орт.	

Бухоро, Навоий областлари бўйича

1966—1968	151,3	0,3	15,5	52,4	23,1	8,7	68,2	31,8
1969—1972	214,7	1,2	30,8	42,6	17,1	8,0	74,1	25,9
1973—1976	213,3	0,4	30,1	52,2	13,7	3,6	82,7	17,3
1977—1981	152,0	1,1	49,3	40,3	8,4	0,9	90,7	9,3

ҳосилли районларда, пахта ва бошқа экинлар томонидан истеъмол қилиниши ҳамда коллектор-дренаж (захкаш) тармоқларининг узайиб кетганлиги туфайли, шур ювишда унинг дренаж сувлари билан бошқа жойларга чиқиб кетиши ҳамдир. Масалан, 1966—1968 йиллардаги текширувга биноан, 1 килограмм тупроқда 301 мг дан ортиқ калий бўлган тупроқ, 31,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1977—1981 йилларга келиб бу кўрсаткич бор-йўғи 9,3 минг гектарни ташкил этган, яъни ўтган 9—10 йил ичидаги 22,6 минг гектардаги тупроқда алмашинувдаги калийнинг миқдори камайганлиги аниқланган.

Таркибида 106—159 мг/кг алмашинадиган калий бўлган қумоқ тупроқларда юқори азот-фосфор ( $N_{250} P_{175}$  ёки  $N_{250} P_{250}$ ) фонида калий ўғитларнинг 75 дан 500 кг гача норма билан олиб борилган тажрибалар, пахтага калийли ўғит солиш унинг нормал ўсиб ривожланиши, технологик сифатининг яхшиланиши ва касалликларга нисбатан чидамлилигини оширишини кўрсатди.

Сурхон—Шеробод воҳасининг тақир ва тақир-ўтлоқ тупроқларида гектарига 100—125 кг дан калий ўғити солингандан, ҳар гектардан ўртacha қўшимча 3,0—4,2 ц ҳосил олинганлиги намойиш этилди.

Калий ўғитларини тупроқнинг хили ва алмашлаб экиш далаларига қараб, тўғри тақсимлаш учун тупроқ таркибидаги ўсимликлар фойдалана оладиган калий миқдори агрокимё лабораторияларида аниқланади. Бу усул билан олинган эритмадаги алмашиниб турадиган калийнинг миқдори қўйидагича тузилади (34- жадвал).

#### 34- жадвал

##### Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги алмашинувчи калий миқдори ва калий ўғитининг нормалари

Тупроқнинг калий билан таъминлашни даражаси	Тупроқдаги алмашинувчи калий, мг/кг	Калий ўғитининг нормаси	
		пахта ҳосили 25—30 ц/га бўлганда	пахта ҳосили 35—40 ц/га бўлганда
Жуда кам	100 дан кам	100	—
Кам	101—200	80	120
Ўртacha	201—300	60	100
Кўпроқ	301—400	40	80
Жуда кўп	400 дан ортиқ	—	60

Қадимдан суғорилиб келинаётган ерлар ва юқори ҳосил олинаётган тупроқларга доимий равишда калий солинмаса ёки керагидан кам миқдорда солинса азот, фосфор ва калий орасидаги нисбат бузилади ва тупроқ ўсимликни озиқ моддалар билан етарлича таъмин эта олмайды. Ҳозир, сурункасига 15—20 йил давомида, бир хил экин экилгандардаги ўсимликка зарур бўлган калийнинг миқдори анча камайганлиги аниқланмоқда. Бунга сабаб, ҳар йили азот билан фосфорни ерга нормадан кўп солиб, калийнинг назардан тушиб қолиши дир. Бундай ҳолни қуидаги 35- жадвалдан кўриш мумкин.

### 35- жадвал

**Оддий бўз тупроқ таркибидаги алмашувчи калийнинг миқдори (мг/кг)**

Тажриба номи	Делянка (участка)	Қатлам чуқулиги, см				
		0—25	25—40	40—60	60—80	80—100
Калий ўғити таъсирини ўрганиш	NP NPK	73 84	63 63	39 52	35 52	35 41
Тупроққа қўшимча ишлов берилганда	NPK	107	93	57	57	49
Тупроқнинг ўсимликни калий билан сезиллаштирилиши	ўғит-сиз, ми-	112 157	95 129	83 105	72 83	55 60
таъминлаштирилиши	нерал	332	349	271	242	200
	ўғит, гўнг					

35- жадвалдан шу нарса кўриниб турибдики, тупроқнинг ўсимликни таъминлаш қобилияти ўрганилганда, калийни минерал ўғитлар ва гўнг билан аралаш ҳолда, ҳар йили тупроққа солиб турганда, алмашувчи калийнинг миқдори сезиларли даражада ошган. Гектарига ҳар йили 50—100 кг калий бошқа минерал ўғитлар билан солинганда, калийнинг эрийдиган шакли сақланади ва қишлоқ хўжалик экинларининг нормал ривожланиши учун етарлича бўлади. Ҳар йили гектарига 30 тоннадан гўнг солинган тупроқлар калий билан яхши таъминланган бўлиб, бунда ҳар гектарига тупроққа 30 тонна гўнг ҳисобидан 150 килограммгача калий тушади.

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЭҚИНЛАРИНИҢ КАЛИЙГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖИНИ АНИҚЛАШ

Қишлоқ хұжалик әқинларининг калийга бүлган әхтиёжи, уларнинг қийғос гулга кириб ҳосил тугиши даврида янада пайдо бүлади ва сариқ доғлар кун сайин күпая боради, эски барглар эса, оч жигар рангга киради. Үсимликларнинг пастки ва ўрта қисмидаги барглар аввал яшил ва сариқ-яшил рангда бўлиб, сўнг тез орада қўнғир рангли доғларга айланади. Барг шапологи билан омирлари ўртасида ва баргларнинг четларидаги қўнғир рангли тўқималар ўлади. Үсимлик барг системасининг ҳамма қисми қорайиб, қуриши ҳамда тўкилиши, калийнинг деярли етишмаганигидан дарак беради. Баргларнинг эрта тўкилиши эса, ҳосилнинг нормал ривожланиши ва сифатига салбий таъсир этади. Мевалар ҳажми майдаланади, кўсак атрофида ҳар хил катталиктаги ширали доғлар ҳосил бўлади (макроспориоз касаллиги), тола сифати паст бўлади, толаси қорайиб тез узилувчан бўлиб қолади, яъни алътернариоз касаллигига дучор бўлади, углевол алмашинуви бузилади, ҳосилнинг саноат навлари бир баллга пасаяди. Калий нормадан паст бўлганда, әқинларнинг асосий пояси нозик бўлиб, ерга ётиб қолади. Юксак үсимликлар (дараҳтлар)нинг шохлари мўртлайди.

Бир қатор мамлакатлар олимларининг маълумотларига кўра, калий пахтанинг вилт касаллигига бўлган чидамлилигини оширади.

Тупроқ таркибидаги озиқ моддалар миқдорининг турлича, унумдорлигининг эса, ҳар хил бўлиши қишлоқ хўжалик мутахассисларидан үсимликларнинг ўғитларга бўлган әхтиёжини тўғри аниқлашни талаб этади.

Үсимликларнинг илдиз орқали озиқланишини текшириш мақсадида бир қатор жадал (экспресс) кимёвий анализ методлари ишлаб чиқилган. Ҳужайра ширасининг кимёвий таркиби, ўсиш даврининг турли пайтида үсимликларнинг озиқ моддаларга бўлган әхтиёжини аниқлашга имкон беради.

Үсимлик ширасидаги озиқ элементлар таркибини анализ қилиш усули уларнинг маълум реактивлар билан бўялиши ёки чўкма ҳосил қилиш хусусиятига асосланандир. Олинган эритмалар таркиби маълум (стандарт) эритмалар билан солиштириб кўрилади.

Үсимликларга жумладан, пахтага калийли ўғитлар-

нинг фойдаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 1936 йилдан бошлаб собиқ Союз НИХИ ва бошқа бир қатор илмий текшириш муассасалари ходимлари томонидан колхоз ва совхозларда ўтказилган тажрибаларда исботлаб берилган. Шу маълумотларга асосан, гектаридан 25 ц ва ундан ортиқ ҳосил олиш учун албатта калий ўфити қўллаш керак.

## КАЛИЙНИ ТУПРОҚКА СОЛИШ МУДДАТЛАРИ

Ўтказилган бир қатор тажрибалар шуни кўрсатдики, калийли ўфитларнинг қишлоқ хўжалик экинларига ижобий таъсири, қадимдан экин экилиб, суфорилиб келинаётган тупроқларда таркибидаги ҳаракатчан калий миқдори нормадан кам шароитларда яққол сезилади. Айниқса, Ўзбекистонда пахта-беда алмашлаб экилган далаларда ҳамда азот ва фосфор етарлича қўлланган далалардан юқори ҳосил олингандан, тупроқдаги калий миқдорининг йилдан-йилга камайиб бориши аниқ сезилиб туради, яъни ҳосил анча юқори бўлсада, унинг сифати стандарт талабларга жавоб бераолмайди.

Сурхондарё шароитида ўтказилган тажрибаларга асосан, калий ҳисобидан 3—4 ц, Андижон обlastida 5—6 ц, Бухоро обlastida 4—5 ц қўшимча ҳосил олганда Самарқанд обlastinin «Деҳбед» совхозида ўтказилган тажрибада гектарига 60 кг дан калий ( $K_2O$ ) берилганда, пахта ҳосили 5,7 центнергача ошган.

Мадраимов И. И. ўзининг узоқ йиллар давомида калийли ўфитлар билан олиб борган тажрибалари билан бедапоядан бўшаган далаларга гектарига 150 кг гача калий ўфити солиш керак эканлигини исботлади. Чунки, бунга сабаб, яхши ўстирилган беда илдизда азот тўпловчи нитрогин бактериялар кўп бўлиб, улар тупроқни азот билан бойитади ва шу билан бир қаторда калийни камайтиради.

Сўнгги йиллардаги энг муҳим масалалардан яна бири шўрланган тупроқларда калий ўфитларини қўллашдир. Чунки, узоқ йиллар давомида шўрланган тупроқларга калий ўфитини ишлатиб бўлмайди, деган фикр мавжуд эди. Ленин йўли ва Термиз районларида, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида ўтказилган қатор илмий ишлар натижасида, шўр сифатли ювилган майдонларда калий ўфити ижобий самара бориши аниқланди. Масалан, Хоразм вилояти тупроқ-

ларидан калийли ўгитлар қўлланилиши натижасида, бир центнердан тўрт центнергача юқори пахта ҳосили олинган. Хайитбоев X. томонидан ўtkазилган тадқиқотларда азот, фосфор нормаси гектарига 200 кг ни, калий эса, 100 кг ни ташкил этгани учун самара юқори бўлган. Шу билан бирга калийни Хоразм шароитининг шўри ювиладиган тупроқларга икки муддатда, яъни пахтанинг шоналаш ва гуллаш даврларида бериш самарали экинлигини кўрсатди. Калий ўғити таркибидаги хлор шўрланган тупроқлар яхши ювилгандан сўнг берилса, экинларнинг нормал ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Экинларни калийли ўғитлар билан ўгитлаш муддати ва унинг тупроққа солиниши бўйича ҳам жуда кўплаб тажрибалар ўtkазилган. Ўtkазилган тажрибалар шундан далолат берадики, калийни тупроққа солиш муддати, шароити, тупроқнинг калий билан таъминланиш даражаси ва ўғит нормасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги бўз ва тақир тупроқларда техник экинлар экиладиган майдонларга калийли ўғитларнинг 55—65% кузги шудгор остидан, қолган қисми эса шоналаш ҳосил туғиш олдидан берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Вегетация даврида кечикиб берилган калий экинларнинг ғовлаб, ҳосили етилишининг кечикишига сабаб бўлади.

Қодирхўжаев Ф. маълумотларига кўра, пахтани шоналаш даврида калийли ўғитлар билан ўғитланганда ҳосилдорлик контроль вариатга нисбатан гектарига 7,5 центнергача ошади (36- жадвал).

### 36- жадвал

**Калий ўғитларнинг тупроққа солишни муддатига қараб,  
пахта ҳосилини ўзгариши ц/га (гектарига 150 кг азот ва  
120 кг фосфор берилган)**

Калий миқдори, кг/га				Ҳосил ц/га	Қўшимча олинган ҳосил, ц/га
Шудгор остидан	Чигит униб чиққандан сўнг	Шоналаш даврида	Гуллаш даврида		
45	—	—	—	42,4	—
45	45	—	—	44,5	2,1
45	—	45	—	45,6	3,2
45	—	—	45	44,3	1,9

## КАЛИЙЛИ ЎГИТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Калийли ўгитлар қазиб олинадиган асосий кон Соликамск туз кони бўлиб, бу қонлардаги калийли тузлари хлорли минераллар — корнналлит ва сильвинитлар шаклидадир. Сильвинит ( $KCl/NaCl$ ) бевосита ишлатиладиган ўгит бўлиб, таркибида 12—15% миқдорда соф калий мавжуд.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёning қишлоқ ҳўжалик экинлари билан шуғулланадиган районлари калий хлорид, юқори концентрацияли калий тузлари ва калийли ўгитларниң хлорли тузларидан ташқари, сульфат ва азотнинг нордон калийли тузлари ҳам келтирилмоқда.

Калий хлориди ва сульфат тузлари таркибида озиқ моддалар миқдори кам бўлса, ундаги калий нитрат балластсиз ўгит ҳисобланиб, таркибида 13% азот мавжуд мураккаб ўгитлар жумласига киради. Ўзбекистондаги бир қатор илмий текшириш институтлари, жумладан, собиқ Союз НИХИ да ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, Ўрта Осиёning қисман шўрланган тупроқларида етиштириладиган экинлар учун калий хлоридига нисбатан калий сульфат тузи анча самаралидир. Пахта ниҳоллари юқори концентрацияли калийли ўгитларга унчалик талабчан бўлмасдан, аксинча сульфатли калийли ўгитлардан фойдаланишга мойилдир. Пахтанинг бу хусусиятини ҳисобга олиб, шўрланган тупроқларга хлорли калий солмасдан сульфатли калий ўгитлар солиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда хлорли тузлар ёш ниҳолларга салбий таъсир этиши мумкин. Калийли ўгитларниң энг муҳим хоссаларини қуйидаги 37- жадвалдан кўриш мумкин.

37- жадвал

### Калийли ўгитларниң энг муҳим хоссалари

Ўгитлар тури	Кимёвий формуласи	Соф калий миқдори, %	Намлананиши зичлашиши	Сувда эрувчанилиги
40% ли калий тузи	$KCl$	40	кам	яхши
Калий хлорид	$KCl$ , қисман $NaCl$	50—60	кам	яхши
Калий сульфат	$K_2SO_4$	45—60	намланмайди зичлашмайди	яхши
Сильвинит	$KCl \cdot NaCl$ (35—80%)	12—15	намланади зичлашади	яхши
Поташ	$K_2CO_3$	55—56	намланади зичлашади	яхши

Бир қатор минераллар калий ажратувчи манба бўлиб, уларнинг кимёвий формуласи қўйидагича:  
каинит —  $KCl \cdot MgSO_4 \cdot 3H_2O$ , карналлит —  $KCl \cdot MgSO_4 \cdot 6H_2O$ , шенит —  $K_2SO_4 \cdot MgSO_4 \cdot 6H_2O$ , лангбейнит —  $K_2SO_4 \cdot 2MgSO_4$ , полигалит —  $K_2SO_4 \cdot MgSO_4 \cdot CaSO_4 \cdot 2H_2O$ , алуният ( $K, Na)_2 \cdot SO_4 \cdot Al_2(SO_4)_3 \cdot 4Al(OH)_3$ , нефелинли концентратлари —  $(K, Na)_2O \cdot Al_2O_3 \cdot SiO_2$ . Нефелинли концентратлардан калийли ўғитлардан ташқари, алюминий оксиди, цемент, сода ва поташ ҳам олинади.

**Калий хлорид (KCl)** — асосий калийли ўғит бўлиб, ишлаб чиқариладиган калийли ўғитларнинг 80—90% ини ташкил этади. У майда кристалл, оқ ёки қизғишибўнғир рангли кукун бўлиб, таркибида 50—60% соф калий мавжуд, нам миқдори 1% га яқин. Заводлардан ёпиқ вагонларга ортилади. Бу ўғит узоқ вақт сақланса босилиб, зичлашиб қолади.

**Калий сульфат ( $K_4SO_4$ )** — таркибида 46—50% соф калий бўлиб, нам миқдорда 1,2% ни ташкил этади. Қисман нам тортувчан, заводлардан халталанган ёки вагонларга уюб ортилган ҳолатда келтирилади. Хўжаликларда усти ёпиқ шипонлар остида сақланади.

**Электролит калий хлор (KCl)** — физикавий хусусиятлари ва самарарадорлиги жиҳатидан калий хлоридга ўншаш бўлиб, таркибида 45,5% соф калий мавжуддир.

**Калий туз ( $KCl + NaCl$ )** — калий хлориднинг сильвинит ёки каинит билан аралашмаси, Майда кристалл, кулранг-қўнғир ўғит, таркибида 40% соф калий мавжуд. Бу ўғит натрий элементига талабчан хашаки ва қанд лавлаги учун қимматлидир. Таркибида 2% гача нам бўлиб, заводлардан вагонларга уюб ортиб келтирилади. Шунингдек, калийли ўғитларга калимагнезия  $K_2SO_4 \cdot MgSO_4$  ( $K_2O$ —29%,  $MgO$ —9%), калий-магнезияли концентрат ( $K_2O$ —18,5%,  $MgO$ —9%); табиий каинит  $KCl \cdot MgSO_4 \cdot 3H_2O$ , натрий хлорид аралашмаси ( $K_2O$ —10%), цемент чанги ( $K_2O$ —10÷15%), корналлит —  $KCl \cdot MgCl \cdot 6H_2O$  ( $K_2O$ —12—13%) мансуб бўлсада таркибида соф калий миқдори кам бўлганлиги туфайли, заводлардан хўжаликларга қадар ташиб келтириш анча қимматга тушади. Заводлар яқинида жойлашган хўжаликлар бу ўғитлардан бемалол калийли ўғитлар сифатида фойдаланишлари мумкин.

**Поташ ( $K_2CO_3$ )** — таркибида 63—67% гача калий мавжуд. Бу ўғит ишқорий муҳитга эга калийли ўғит бўлгани сабабли ҳам кислотали тупроқларга қўллаш жуда

муҳимдир .Шунингдек, бу ўғит сомон ёки ёғоч куллари таркибида ҳам мавжуд. Кул таркибидаги калий поташ ёки калий бикорбонат (KHCO) шаклида бўлади. Калий биокарбонат таркибида 47% K<sub>2</sub>O мавжуд.

**Сильвинит (KCl·NaCl).** Бу ўғит таркибида 12—15% K<sub>2</sub>O ва 75—80% NaCl бўлиб, калийли ўғит сифатида жуда кам миқдорда қўлланилади. Бу ўғит таркибида натрий кўп бўлганлиги сабабли уни натрийга талабчан экинлар учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. Таркибидаги калий миқдорининг камлигини ҳисобга олиб, заводдан узоқ бўлган хўжаликларга ташиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уни калийли ўғит сифатида ташиб келтириш анча қимматга тушади.

## КОМПЛЕКС ҮФИТЛАР

Таркибида үсімліклар учун зарур бўлган икки ёки ундан кўп озиқ элементлари бўлган үфитлар комплекс үфитлар деб аталади.

Комплекс үфитлар табиий фосфатларни азот кислотаси билан аралаштириб (нитрофос, нитрофоска) ёки сульфат кислотани аммоний фосфат ва калий нитрат билан, суперфосфатни аммиак ёки аммиакатлар билан ишлаб олинади. Бу муҳим тавсия 1910 йилдаёқ академик Прянишников Д. Н. томонидан илгари сурилган бўлиб, ҳозирги кунда кенг кўламда қўлланилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган комплекс үфитларга аммофос, диаммофос, нитроаммофос, нитрофоска ва бошқа нитрофосфатлар, калий-фосфорли ва микроэлементли үфитлар мансубдир (38- жадвал).

38- жадвал

Саноатда ишлаб чиқариладиган асосий комплекс үфитлар

Комплекс үфит турлари	Озиқ элементлар нисбати	Озиқ элементларнинг умумий миқдори, % ҳисобида
Аммофос	1 : 4 : 0	56—63
Диаммофос	1 : 2,5 : 0	66—68
Нитрофоска	1 : 1 : 1	48
Нитроаммофоска	1 : 1 : 1	33—35
Нитроаммофос	1 : 1 : 1	50

**Аммофос ( $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4 + (\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ ).** Оқ ёки кулранг тусли түзсімін кристалл модда, фосфор-азотли донадор үфит, босилиб қолмайды, сувда яхши эрийди. Ўрта Осиё заводларида, Қоратов фосфоритларидан ишлаб чиқариладиган аммофос кул ранг бўлиб, таркибида 46—55% фосфор ва 16—18% азот мавжуд.

Апатитли концентрат аммофос нисбатан оч рангли бўлиб, таркибида 49% фосфор ва 11,5% азот бор.

Аммофос кузги шудгор остидан, әкиш билан биргаликда ва вегетация даврида қўшимча озиқлантиришда қўлланилади. Бошқа минерал үфитлар билан яхши аралашади. Кузги шудгордан кейин катта нормада ювиладиган шўр тупронли ерларга шўр ювилгандан сўнг үғир-

ловчи культиватор ёки чизеллар ёрдамида солинади. Аммофос юқори даражали концентрацияланган ўғит сифатида, оддий ўғитларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан катта афзалликка эга. Масалан биргаликда олган уч тонна аммонийлашган суперфосфат билан 20 кг амиакли селитрада қанча озиқ модда (азот, фосфор) бўлса, бир тонна аммофосда ҳам шунча озиқ моддалари бор.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз хўжаликларига келтирилаётган фосфорли ўғитларнинг 75% ни аммофос ташкил этади.

**Диаммофос** ( $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4 + \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ ). Таркибида 46—48 фосфор ва 16—18 азот бўлган, оқ рангли донадор ўғит, сувда яхши эрийди, намни кам тортади, тез қотиб қолмайди. Бу ўғит ҳам аммофос сингари ишлатилади.

**Нитрофоска.** Донадор шаклдаги аралаш ўғит бўлиб, оқ тусли кукусимон модда, сувда ўртача эрийди. Унинг таркибидаги азот, фосфор, калий 1:1:1 нисбатда олинган жами 33—36% ни ташкил этади. Бу ўғитни ҳамма ўсимликлар ва ҳар хил тупроқларга қўллаш мумкин. Кенг тарқалган (В) маркаси таркибида 10—12% азот, 10—11% фосфор ва 11—12% калий мавжуд, бу ўғит донадор, оқ рангли. Бошқа ўғитлар билан яхши аралашади.

**Нитроаммофоска.** Донадор ўғит бўлиб, полиэтилен халталарда чиқарилади. Таркибидаги азот, фосфор ва калий биргаликда 48% ни ташкил этади. Уни ҳамма тур ўсимлик ва тупроқлар учун қўллаш мумкин. Асосий озиқ модда сифатида  $1\text{m}^2$  ерга 40—45 г, қўшимча озиқ сифатида эса 12—15 г ўғит ишлатилади.

**Микроэлементли тўла минерал ўғит.** Бу ўғит кукун шаклида бўлиб, таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдори биргаликда 25% ни ташкил этиб, булардан ташқари унда бор, кобальт, молибден, мис, рух, марганец каби микроэлементлар ҳам мавжуд. Қўшимча озиқ модда сифатида  $10\text{ m}^2$  тупроққа 300—500 г ўғит солиш мумкин, бу ўғитдан 10 л сувга бир ош қошиқ солиб, айни эритмада уруғ 8—12 соат давомида ивитиб, сўнг экилса, экилган уруғ тез униб чиқади. Ўғит заводлардан полиэтилен ёки полихлорвинил халталарда келтирилади.

**Калийли селитра (калий нитрат).** Таркибида 13,5% азот ва 45,6% калий мавжуд. Толқонсимон бўлиб, полиэтилен халта ёки картон қутиларда чиқарилади. Бу ўғитни ҳар хил тупроқлар ва ҳамма тур ўсимликлар учун ишлатиш мумкин. Асосий озиқ модда сифатида  $10\text{ m}^2$

ерга 100—150 г, құшымча озиқ модда сифатида эса 15—20 г солинади.

**Флора.** Хоналарда ўстириладиган ўсимликларни ўғиглашга мұлжалланган, таблетка күринишидаги ўғит. Полиэтилен ёки целлофан пакетларда (0,5 г дан 10 та таблетка) чиқарилади. Таркибидаги азот, фосфор за калий, биргаликда 25% ташкил этади. Таркиби бор элементи билан бойитилган. Бу ўғитдан ёз ойларида хонаки ўсимликларни құшымча озиқлаш учун фойдаланилади, яъни 1 л сувда бир дона таблетка эритилиб, бу эритмадан гул тувагига ҳафтасига бир марта қўйилади.

Комплекс ўғитлардан фойдаланишнинг яхши самара беришини собиқ Союз НИХИ да Фофуров Д. ва Эргашев Э. лар томонидан ўтказилган тажрибалар ҳам тасдиқлади (39- жадвал).

#### 39- жадвал

##### Экишдан олдин ерга солинган оддий ва комплекс ўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири

Тажриба вариантлари	Ҳосил ц/га	Құшымча ҳосил ц/га
Экишдан олдин ўғит солинмаган (контроль)	23,2	—
Оддий (NPK) ўғитлар аралашмасы	26,4	3,2
Нитрофоска (NPK)	28,0	4,8
Диаммонитрофоска	28,9	5,7

Экишдан олдин ерга солинадиган оддий ўғитлар ара-лашмаси ўрнига унга эквивалент комплекс ўғитлардан фойдаланиш анча самарлидир. Жўмҳуриятимизда гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни оширишнинг мавжуд имкониятларидан бири, оддий ўғитлар аралашмаси ўрнига унга эквивалент бўлган комплекс ўғитлардан фойдаланишdir. Иккинчидан, комплекс ўғитларни ташиш ва сақлаш учун қилинадиган ҳаражатлар ҳам нисбатан кам. Таққослаб қараганда, бир тонна диаммофос, бир тонна аммоний сульфат ва уч тонна оддий суперфосфат ўрнини босади. Бу эса транспорт ҳаражатларини тўрт марта қисқартириш имконини беради. Минерал ўғитларни хўжаликларда аралаштиришга қараганда, уларни саноат асосида тайёрлаш ҳам анча арzonга тушади.

## МИКРОЎҒИТЛАР

Ўсимликлар томонидан жуда кам миқдорда талаб этиладиган элементлар микроэлементлар ёки микроўғитлар деб аталади.

Микроэлементлар ҳаётин жараённинг асосий омиларидан. Улар ферментлар таркиби кириб, уларнинг биологик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу туфайли, микроэлементлар таъсирида ўсимликдаги фотосинтез ва нафас олиш жараёни тезлашади, барги ва поясида унинг ҳаёти учун зарур оқсиллар, углеводлар, нуклеин кислоталар керакли миқдорда тўпланади.

Микроэлементларнинг яна бир фойдали хусусияти шундаки, улар ўсимликлардаги модда алмашув жараёнларини тубдан яхшилайди, тупроқдан макроўғитларни (азот, фосфор ва калий) кўпроқ олиш ва уларни осон ўзластиришга ёрдам беради.

Ферментлар таркиби кирмайдиган айрим микроэлементлар эса катализатор вазифасини ўтайди. Маълумки, оқсил синтези жараёнида ферментлар катализаторлик вазифасини бажарса, микроэлементлар катализаторларнинг катализатори бўлиб хизмат қилади.

Микроэлементлар вилт касаллигини 12—15% гача камайтиради, ҳосилдорликни оширади, чигит ва тола сифатини яхшилайди. Тупроқда микроэлементлар кам

40- жадвал

**Микроўғитларнинг энг муҳим хусусиятлари**

Кимёвий моддалар номи	Кимёвий формуласи	Ўғит сифатида таъсир қилувчи модда миқдори, %	Сувда эрувчанилиги	Намга муносабати
Борнодатолитли	$P_2O_3$ , $H_3BO_3$ $CaSO_4$ , $SiO_2$	1,7—2,2	эрийди	нам тортмайди
Бўр кислотаси	$H_3BO_3$	17,5	«	«
Бура	$Na_2B_2O_7 \cdot 10H_2O$	11,3	«	«
Марганец сульфат	$MnSO_4 \cdot 4H_2O$	24,6	«	«
Мис сульфат	$CuSO_4 \cdot 5H_2O$		«	«
Молибден аммоний	$(NH_4)_6Mo_7O_{24} \cdot 4H_2O$			

Аммоний натрий молибдати	—	36	«	«
Темир купороси	FeSO <sub>4</sub> ·7H <sub>2</sub> O	20	«	«
Молибден суперфосфати		0,1—0,2	«	«
Кобальт сульфат	CoSO <sub>4</sub> ·7H <sub>2</sub> O	21,0	«	«
Марганец шлами (руда уюқлари)—марганец и-ч. заводи чиқитлари		9,15	«	«

бүлса, агротехник тадбирлар қанчалик сифатли ўтказилмасин, сув ва минерал ўғитлар билан етарли ва ўз вақтида таъминланмасин, экинлардан юқори ҳосил олиб бўлмайди.

## МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунга келиб, ўсимликлар таркибида кимёвий элементлардан 74 тасининг мавжудлиги аниқланган бўлиб, шулардан 16 таси ўсимликлар учун зарур озиқ модда ҳисобланади.

Ўсимлик қуритиб текширилганда, унинг таркибида 45% кислород, 42% углерод, 6,5% водород ва 1,5% агрофида азот бўлиб, бу тўртта элемент ўсимлик таркибидаги кимёвий моддаларнинг 95% ини ташкил этади. Қолган 12 та элемент жуда оз миқдорда бўлиб, атиги 5% ни ташкил этади. Ўсимлик таркибидаги 87% углерод ва кислородни фотосинтез жараёнида барглари орқали ҳаводан, водородни сувдан, бошқа қолган озиқ моддаларни эса тупроқдан олади.

Ўсимликлар таркибида микроэлементлар миқдорини қўйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин. Бир гектардан олинган 270 ц қанд лавлаги таркибидаги марко-ва микроэлементларнинг улуши қўйидагича; азот — 166 кг, фосфор — 42, калий — 157, бор — 0,162, марганец — 0,502, мис — 0,053, рух — 0,188, кобальт — 0,002 кг.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ўсимликлар таркибида бу элементларнинг улуши қанчалик бўлишидан қатъий назар, уларнинг аҳамияти бир хил. Баъзан ҳамма тур озуқа етарли бўлсада, бирон-бир микроэлементнинг этишмаслиги, айни ўсимликнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилига салбий таъсир этади.

Бор, марганец, мис, рух, молибден, кобальт, йод, рух ва бошқалар ўсимлик организмининг юз, минг ва ҳэтто ундан ҳам кам улушкини ташкил қилганидан, улар м и к-р оэлементлар деб аталган.

Бор, рух, мис, марганец, молибден, кобальт ўсимлик-

лар учун, инсон ва ҳайвон ҳаёти учун рух, мис марганец, темир, йод ва кобалт энг зарур моддалар ҳисобланади.

Саналган б та элемент организмида етарли бўлмаса, инсон ва ҳайвон учун бундай ҳол уларнинг касалланиши, ҳаттоки ҳалок бўлишига олиб келади. Масалан, айрим районларда, озиқ моддалар ва ичимлик сув таркибида йоднинг камлиги туфайли одам ва ҳайвонларда бўқоқ касалига пайдо бўлади. Тупроқда ва яйловларда кобалт элементи етишмаса «схотка» касаллиги пайдо бўлади. Ҳайвонларнинг жуни тўкила бошлайди. Тупроқда мис бўлмаганда қўй ва қорамолларнинг касалланиши, ўсимликлар ҳосилининг кескин камайиб кетиши илмий жиҳатдан исботланган.

Маълумки, ферментлар биологик катализатор вазифасини бажаради. Модда алмашуви синтез ва парчаланиш сингари ҳаётий жараёнлар уларнинг бевосита иштироки билан кечади.

Ўсимликлар ҳаётининг муҳим шарти ҳисобланган нуклеин кислоталар ва оқсиллар синтезининг таъминлашида ҳам микроэлементлар муҳим роль ўйнайди.

Молибден нитротредуктаза ферменти таркибиغا киради. Агар нитротредуктаза ферменти бўлмаса, ўсимлик азотнинг нитрат туздан озиқ сифатида фойдалана олмайди. Натижада оқсил синтезланмайди. Мис эса, оксидланиш жараёнини активлаштирувчи полифеноксидаза ва аскорбиноксидаза ферментлари таркибиغا киради. Рух, марганец ҳам кўпчилик ферментлар фаолиятини яхшилади.

Микроэлементлар фотосинтез, нафас олиш ва бошқа бир қатор жараёнларда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Шу сабабли ҳам улар (микроэлементлар) ўғит сифатида тупроққа солинганда, экинларнинг ҳосилдорлигини оширибина қолмасдан, уларнинг сифатини ҳам яхшилади, шунингдек, ҳосил шохларини шаклланишини, шоналаш, гуллаш ва ҳосилни эрта пишиб етилишини тезлаштиради. Натижада совуқ кунлар бошланганга қадар ҳосил йиғиб-териб олинади.

## МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ТУПРОҚДА ТАРҚАЛИШИ

Пейве Я. В. маълумотига кўра, 1 кг тупроқдаги микроэлементларнинг умумий миқдори қўйидагича:  
бор — 1,5—55 мг, мис — 1,5—30,0 мг, рух — 2,50—6,50

мг, марганец — 100—250 мг, молибден — 0,2—7,5 мг, кобальт — 0,4 дан 4,0 мг гача.

Микроэлементлар органик моддаларга бириккан ҳолда, турли хил карбонатлар ва минераллар таркибида ҳам учрайди. Ўсимликлар уларни фақат сув ва кучсиз кислоталарда эриган эритмалар ҳолида тупроқдан олади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёning эскидай экилиб келинган унумдор тупроқлари сув ва шамол эрозиясига учраган. Механик таркиби енгил тупроқларда эса, микроэлементлар миқдори нормадагидан анча кам.

Микроэлементларнинг тупроқда кўп ёки кам бўлиши ҳам салбий ҳол ҳисобланади. Масалан, 1 кг тупроқда бор миқдори 0,3 мг, марганец 10,0 мг, рух 1,5—2,0, мис 2—3, кобальт 1,5—3,0, молибден 0,20—0,25 миллиграммдан кам бўлгандагина микроэлементлардан фойдаланиш тавсия этилади. Тупроқнинг микроэлементлар билан таъминланиш даражасини қўйидаги 41- жадвалдан кўриш мумкин.

41-жадвал

**Тупроқ таркибидаги микроэлементлар миқдори  
(Ринкису Г. Я. бўйича)**

Тупроқнинг микроэле- ментлар б-н таъ- минланиш даражаси	Тупроқдаги микроэлементлар миқдори, мг/кг					
	В сувлі сурим	Cu	Mn	Mo оксалт сурими	Zn I <sub>H</sub> HCl да	Co н H <sub>N</sub> <sub>3</sub> да
Жуда кам 0,1 гача	0,3	1 гача	0,05 гача	0,2	0,2 гача	
Кам	0,1—0,2	0,3—1,5	1—10	0,05—0,15	0,2— 10	0,2—1,0
Уртacha	0,3—0,5	2—3	20—50	0,20—0,25	2—3	1,5—3,0
Кўпроқ	0,6—1,0	4—7	60—100	0,3—0,5	4—5	4—5
Жуда куп	1 дан куп	7 дан куп	100 дан куп	0,5 дан куп	5 дан куп	5 дан куп

Круглова Е. К. маълумотларига асосан, бир турга мансуб тупроқларда ҳам турли бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир туман ва хўжалик бўйича микроэлементлар миқдорини аниқлаб, агрокимёвий каритаграммалар тузиш ва микроўғитларни айни харитаграммалар асосида тупроққа солиш мақсаддага мувофиқдир. Тупроқ таркибидаги микроэлементлар миқдорини бир меъёрда ушлаб туриш учун далаларни органик ўғитлар

**Бир кг курук ўсимилик массаси таркибидаги микроэлементларнинг (мг ҳисобида) мидори  
(Пейе Я. В., Ковалский Р. В., Ринькис Г. Я. маълумотлари)**

Экин турлари	М и к р о э л е м е н т л а р					
	В (бор)	Mo (моибден)	Мп (марганец)	C <sub>H</sub> (мнс)	Zn (рүх)	C <sub>O</sub> (коабальт) (%о)
Кишкі бүгдей донида	0,20—0,55	12—78	3,7—10,2	8,7—35,3	0,06—0,1	—
Баҳори бүгдей донида	0,25—0,50	11—120	4,0—13,0	11,4—75,0	0,05—0,13	1,35
Сомонида	—	60—146	1,5—3,0	10—50,0	—	1,56
Сули донида	0,20—0,54	8—94	3,4—18,3	9,8—35,8	0,05—0,21	0,69
Арпа донида	0,39—0,46	8—140	3,9—14,3	9,6—50,0	0,05—0,11	—
Сомонида	—	37—90	3,8—6,6	10—55	—	—
Нұхат хосилида	0,70—8,4	7—25	5,2—23,3	14,1—56,1	0,12—0,35	0,05
Иүнгічка	12—40,0	0,28—3,50	10—278	4,5—20,8	14,0—18,0	1,13—0,42
Манқажұхори (кук масса)	1—2	0,20—0,80	21—197	3,0—11,5	5—36,0	0,07—0,40
Беда пичани	68	—	13—86	6,2—20,3	11—37,0	0,20—0,85
Қанд лавлаги илдизида	12—17	0,1—0,2	50—190	5,0—7,0	15—84,0	0,05—0,29
Мевасида	20—35	0,4—0,6	120—325	6,9—8,4	147—124	0,25—0,5
Хашаки лавлаги илдизида	12—20	—	15—123	6,5—8,3	12—70	0,06—0,31
Мевасида	35—50	—	35—458	6,5—12,4	17—110	0,14—0,69
Картопша	6	—	8—21	4,7—6,0	6,0—20	0,04—0,2
Карам	5—20	1—1,6	25—135	3,5—6,9	5—35,0	0,1

(гүнг) билан ўғитлаб туриш яхши натижа беради. Чунки гүнг таркибида деярли ҳамма турдаги макро- ва микроэлементлар мавжуд. Тажрибалар шуни кўрсатадики, аксарият кўп ҳолларда гүнг солинмай макроўғитлар катта миқдорда берилиб, юқори ҳосил олиш мўлжалланган далаларда, ўсимликларнинг ва тупроқнинг микроэлементларга бўлган муҳтожлиги яққол сезилади.

## МИКРОЎҒИТЛАРНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Микроўғитларнинг пахта ҳосилига таъсирини текшириш бўйича, Республикада, бир қатор тажрибалар ўтказилган бўлиб, яна шу тажрибаларнинг кўрсатишича микроэлементлар пахта ҳосилини оширишда муҳим аҳамиятга эга (43- жадвал).

43- жадвал

### Микроўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири (Исаев Б. М. маълумоти)

Микроэлементлар	Ўтказилган тажриблар сони	Олинган ўртача қўшимча ҳосил, ц/га
Рух	22	3,6
Мис	16	2,9
Молибден	11	2,8
Бор	8	2,3
Марганец	8	2,4
Кобальт	8	3,1

Микроэлементларни чигитни экиш олдидан ёки вегетация даврида намлаш, пахтани барги орқали озиқлантириш, шунингдек, уни макроўғитлар билан бирга бериш лозим. Масалан, чигит бор кислотасининг 0,25% ли эритмаси, марганец сульфатнинг 0,05% мис, рух ва молибден тузларининг 0,01—0,04% ли эритмаси билан намланганда, унинг униб чиқиши 17—22% га тезлашган. Ёш ниҳоллар тез илдиз отган. Ривожланиши яхши бўлган ва умумий ҳосилдорлик гектарига 1,5—3,0 центнерга ошган.

Союз НИХИ нинг бўз тупроқли экспериментал базасида ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, чигит экишдан олдин намланиб, тупроққа молибден, бор ва

марганец микроўфитлари солинганда пахта ҳосили 1,7—3,4 ц га ошган. Вилт касали эса 50% га камайган. Тажриба натижаларига кўра, микроэлементлар пахта ҳосилини 8,6—25,0% кўпайтиради, вилт касаллигининг таъсирини сезиларли даражада камайтиради. (44- жадвал).

44- жадвал

**Микроэлементларнинг вилт касаллиги ва пахта ҳосилига таъсири (Исаев Б. М. маълумоти)**

Тажриба вариантлари	Вилт касалли- нинг авж олиши, %	Ҳар туп ғу- здан олин- ган ҳосил, г	Кўшимча ҳосил, контрол- га нисба- тан	Касалланган ғуздан олин- ган ҳосил, соглом ғуз- га нисбатан
Вилт билан касалланмаган тупроққа NPK берилгандан	—	133,8	—	100,0
Вилт билан касалланган тупроққа NPK берилгандан	78,8	97,5	—	72,9
+ марганец	33,3	121,8	25,0	91,0
+ бор	58,3	106,1	8,6	79,3
+ молибден	40,0	117,3	20,3	87,7
+ рух	46,6	—		

Ғуза органларидаги микроэлементлар миқдорини қўйидаги 45- жадвалдан кўриш мумкин.

Микроэлементларнинг техник тузларини гектарига 0,1—6 кг дан (соф ҳолда) солиш тавсия этилади. Лекин, ҳозирги кунда, бундай кичик нормадаги ўфитларни сепувчи техникалар бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Химия институтида микроэлементларни заводлардаёқ азотли, фосфорли ўфитлар таркибида жиритиш усули ишлаб чиқарил-

45- жадвал

**Ғуза органлари таркибидаги микроэлементларнинг миқдори,  
(1 мг/кг қуруқ моддага нисбатан)**

Ғуза органлари	Mn	B	Cu	Zn	Al
Барг	240	33	2,5	10,0	310
Поя	20	2,0	1,0	0,6	190
Чаноқ	40	5,0	4,8	7,3	60,0
Чигит	20	2,0	4,2	10,3	10,0
Тола	10	—	0,2	1,0	30,0

ди ва бу усул ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, мис микроэлементи билан бойитилган аммофос ўғити Союз НИХИ далаларида қўлланилганда, контролга нисбатан, гектарига 2,9—3,8 ц га кўп ҳосил олинган. Фарғона вилояти Киров ноҳияси далаларида мис билан бойитилган аммофос қўлланилганда, ҳосилдорлик контролга нисбатан 2,0 ц/га ошган. Шунингдек, сабиқ Союз НИХИ нинг бўз тупроқларида мис билан бойитилган аммофос сепилганда ҳам ижобий натижалар олинган (46- жадвал).

#### 46- жадвал

##### Мис билан бойитилган аммофоснинг пахта ҳосилига таъсири

Вариантлар	1973 й.		1974 й.	
	олинган ҳосил, ц/га	қўшимча ҳосил, ц/га	олинган ҳосил, ц/га	қўшимча ҳосил ц/га
Мис қўшилмаган аммофос шоналаш олдидан солинганда (контроль)	41,4	—	42,5	—
2 кг мис қўшилган аммофос шоналаш олдидан солинганда	43,4	+2,0	45,5	+3,0
Мис қўшилмаган аммофос чигитни экиш билан бирга солинганда (контроль)	—	—	41,7	—
2 кг мис қўшилган аммофос чигитни экиш пайтида олинганда	—	—	45,5	+3,8

Аммофосни мис микроэлементи билан бойитиш технологияси Олмалиқ химия заводида жорий этилган бўлиб, бу комплекс ўғитнинг нархи, соф аммофос ўғитининг нархига нисбатан 8—10 сўмга (бир тонна ҳисобига) баланд, лекин ундан келаётган фойда эса харажатга нисбатан бир неча марта юқори.

Микроэлементларнинг органик бирикмалари сувда яхши эрувчан бўлиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлашибтирилади. Органик бирикма ҳолидаги микроэлементнинг биологик таъсири ҳам жуда юқори бўлиб, оддий анерганик туздаги микроэлементларга нисбатан ўсимликка ижобий таъсир этади. Бундай ҳол микроэлементлар тупроқга солинганда ўсимлик фойдалана олмайдиган бирикмага айланмайди. Шунинг учун ҳам бундай бирикмадаги микроэлементларни ғўзага солиш нормаси, од-

дий тузлардаги микроэлементлар нормасига нисбатан кам бўлади (47- жадвал).

47- жадвал

**Мис ва рух микроэлементларининг оддий тузи ва комплекс органик бирималарининг пахта ҳосилига таъсири, ц/га  
(Союз НИХИ ва фармацевтика институти маълумотлари)**

Вариантлар	Ялпи ҳосил	Кўшимча ҳосил
NPK контроль	39,5	—
NPK рух — 1	44,8	5,3
NPK рух — 41	42,9	3,4
NPK мис — 26	42,4	2,9
NPK мис — 72	44,4	4,9

Жадвалдаги рух — 1 ва мис — 72 ва рух микроэлементларининг органик комплекс биримаси, рух — 41 ва мис — 26 айни микроэлементларнинг оддий анорганик тузларидир. Мазкур тажрибалар чигитни экишдан олдин микроэлементлар тузларининг эритмаси билан намлаш ва ёзанинг шоналаш даврида уларни тупроққа солиш йўли билан олиб борилган.

Бўз тупроқларда бор ва марганец микроэлементининг пахта ҳосилига таъсири бўйича бир қатор илмий ишлар ўтказилди, улар нормада берилганда, бор пахта ҳосилини гектарига 1,3—4,7, марганец эса 0,7—3,7 центнергача оширганлиги аниқланди. Ўзбекистон илмий-техшириш институтларининг (ЦИНОА, Союз НИХИ, Тупроқшунослик ва Агрокимё) маълумотларига кўра, пахта экиладиган зона тупроқларида бор, марганец, молибден, мис, кобальт каби микроэлементларнинг етарли эмаслиги аниқланди. Микроэлементларнинг ўсимликлар фаoliyatiдаги иштирокини ўрганиш бўйича ҳам маҳсус тажрибалар ўтказилди (48- жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, бор ва марганец берилмаган вариантда ўсимликнинг вегетатив массаси ортсада, пахта ҳосилдорлиги контролга нисбатан кескин камайган. Бундан шу нарса аниқки, микроэлементларнинг етишмаслиги сабабли, органик моддаларнинг синтезланиш жараёни бузилиб, натижада, пахта ҳосилининг ошиши ўрнига унинг илдиз, поя системаси яхши ривожланган.

Рафиқова Г. А. ўз тажрибаларида марганец таъсирида тола чиқиши 1,3% га, 1000 дона чигитнинг вазни 5,2 га кўпайганлигини, барча турдаги микроэлементлар

**Бор ва марганецнинг ўсимлик массаси ва пахтага,  
органлари қуруқ модда ҳолидаги оғирлигига  
(г ҳисобида, Белоусов М. А. маълумотлари)**

Озуқа аралашмаси (эритмаси)	Ўсимликнинг умумий оғир- лиги	Пахта	Пахта сиз ўсим- лик	Барг	Поя	Илдан	Чаноқ ва бо- шоқ- лар
Тўла аралашма (контроль)	203,0	75,7	127,3	36,2	26,8	22,2	42,1
Бор гуллашдан бош- лаб берилмаган	169,2	46,4	122,8	42,5	31,2	20,6	28,5
Марганец гуллаш- дан бошлаб берилмаган	163,2	45,0	118,2	36,4	30,2	21,0	30,6

қўлланилганда толанинг 1,3 мм дан 1,8 мм гача узай-  
ганлиги, пахта ҳосилдорлигининг эса 0,2 центнердан  
5,8 центнергacha ошганлигини аниқлади (49- жадвал).

Рафиқова Г. А. дала тажрибаларида пахтанинг шо-  
налаш даврида ҳар гектар ерга 4 кг рух, 6 кг бор, 10 кг  
молибден ва уларнинг ҳар хил аралашмалари берилган  
(49- жадвал).

Жадвалдан куриниб турибдики, энг юқори ҳосил  
марганец ва рух берилган вариантида олинган.

**Микроэлементларнинг пахта ҳосилига таъсири  
(ц/га ҳисобида)**

Тажриба вариантлари	Умумий пахта ҳосилидан				
	Умумий пахта ҳосили	Кўшичча олинган ҳосил	Умумий совуқ тушунга қадар ол- ган ҳосил	Совуқдан кейин олинган ҳосил	совуқ тушунга қадар олинган ҳосил, %
Контроль (микроэле- мент берилмаган)	45,3		27,4	17,9	60,0
Бор	47,7	2,8	3,4	15,3	67,6
Рух	47,1	1,8	32,7	14,4	69,6
Марганец	51,1	5,8	35,8	15,3	70,0
Молибден	48,8	3,5	33,9	14,9	69,4
Марганец—бор	46,7	1,4	30,8	15,9	65,9
Марганец—молибден	45,1	0,2	33,0	12,1	73,1
Марганец—рух	51,7	6,6	35,8	15,9	69,2
Марганец—молиб- ден—бор—рух	46,1	0,8	32,8	13,3	71,1

Микроэлементлар яқин йилларгача қишлоқ хўжалик экинларига қўлланилмас эди. Чунки унинг тупроқдаги миқдори қишлоқ хўжалик экинларининг эҳтиёжи учун етарли деб ҳисобланарди. Сўнгги йилларда дехқончилик ва пахтачилик маданиятининг ошиши билан ҳосилдорлик ҳам сезиларли даражада ортди, аммо тупроқдаги минерал моддалар миқдори камайиб кетди.

Ҳар йили солинган макроўғитлар улар ўсимликларнинг тупроқдан олган ҳиссаси тўлдирилиб борди. Микроэлементларнинг миқдори эса, ташқи қўшимча бўлмаганлиги сабабли камайиб бораверади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистоннинг асосий экин майдонларининг анчагина қисмида микроэлементлар, айниқса, рух ва миснинг етишмаслиги аниқланди (50- жадвал). Аёнки, бундай тупроқлардан юқори ҳосил олиш учун микроўғитлар қўшимча берилишини талаб этилади.

50- жадвал

#### Пахта ҳосилига рух ва мис микроўғитларининг таъсири

Тупроқлар тuri	Тажрибалар сони	Контролга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га
Рухли ўғитлар		
Үтлоқ — аллювиал тупроқда	7	3,3
Тақир тупроқда	7	2,5
Оч бўз тупроқда	2	3,0
Соз ўтлоқ тупроқда	4	2,7
Аллювиал—ўтлоқ тупроқда	6	4,2
Типик бўз тупроқда	14	3,2
Ўртacha	47	3,1
Мисли ўғитлар		
Үтлоқ аллювиал тупроқда	8	2,9
Тақир тупроқда	8	3,3
Соз ўтлоқ тупроқда	6	2,2
Оч бўз тупроқда	12	2,3
Аллювиал—ўтлоқ тупроқда	6	2,5
Типик бўз тупроқда	14	3,1
Ўртacha	54	2,7

#### САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН МИКРОУФИТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистонда қазилма бойликлар жуда кўп бўлиб, уларни қайта ишлаш жараёнида жуда кўп чиқиндилар ҳосил бўлади. Бу чиқиндилар таркибида кўплаб микроэлементлар мавжуд.

Чиқиндилардан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, улар арzonга тушади. Союз НИХИ маълумотларига қараганда, бу чиқиндилар пахтанинг ўсиш ва ривожланишига яхши таъсир кўрсатади, кўсаклар сонини кўпайтириб ҳосилни оширади, толанинг сифатини яхшилайди. Масалан, Оҳангарон цемент заводининг чиқиндиси пахтадаласига уч йил давомида солинганд, пахта ҳосили 1,2—3,8 ц/га, Олмалиқ ва Олтинтопган бойитиш фабрикаларининг чиқиндиси эса ҳосилни 1,8—3,7 ц/га оширган.

Саноат чиқиндиларини аралаш ҳолда қўллаш айниқса, яхши самара беради. Масалан, Олмалиқ ва Олтинтопган заводларининг чиқиндиси алоҳида-алоҳида гектарига 500 кг дан солинганд ҳосилдорлик 3,6 ва 2,7 ц/га улар аралаштириб, биргаликда қўллаганд эса ҳосилдорлик 5,5 ц ни ташкил қилган. Шунингдек, бу чиқиндилар фақат тупроққа солинганд йилда ҳосилни ошириб қолмасдан, уларнинг таъсири кейинги 2—4 йилларда ҳам давом этган. Демак, бу чиқиндиларни 3—4 йилда бир марта қўллаш мақсадга мувофиқdir.

Саноат чиқиндилари ерни шудгорлашдан ёки чигит-экишдан олдин тупроқнинг 16—18 см чуқурлигига гектарига 400—500 кг ҳисобидан берилади. Айниқса, бу чиқиндилар уларга яқин районларда маҳаллий ўғит сифатида ишлатса, иқтисодий самараси янада юқори бўлади..

## МИКРОЎҒИТЛАРНИНГ УЗУМЧИЛИҚДАГИ АҲАМИЯТИ

Ток бор, рух, молибден, марганец, мис каби микроэлементларни тупроқдан жуда кам миқдорда олсада, уларнинг узумчиликдаги аҳамияти улкандир. Чунки уларнинг кўпчилиги токдаги ферментлар, витаминалтаркибига кириб, ўсимликлардаги физиологик ва биокимёвий жараёнларни тартибга солиб туради. Мевадаги қанд ва витаминаларни кўпайтиради, касаллик ва ноқулай об-ҳаво шароитига чидамлилигини оширадг.

Нимранг, Первомайский ток навлари гуллашдан олдин, гуллашдан кейин ва ҳосил пишиши арафасида, барглари орқали бор эритмаси (1 л сувга 35—55 мг бор аралаштириб тайёрланади) билан озиқлантирилганда ҳосилдорлик 20—23,3 % ва 14,1—15,8 % га ортади.

Марганец микроэлементларнинг 0,1 % ли эритмаси юқоридаги муддатларда қўлланилганда (ҳар туп токка 1,5 л дан) нимранг узум ғужумлари 16,1% га катташа-

шади, ҳосили эса 3,4% га күпаяди. Первомайский навида эса бу күрсаткичлар 8,6 ва 34,1% ни ташкил этади. Шунингдек, ток меваси таркибидаги қуруқ модда, қанд миқдори ошиб, кислота сезиларли даражада камаяди.

**Гиббереллин.** Гиббереллин 1957 йили собиқ СССР Фанлар академиясининг физиология институтида синаб кўрилган. У бактериялар маҳсулоти бўлиб, таркиби жуда мураккаб, оқ тусли кристалл порошок, спиртда яхши, эфир ва хлорофоромда қисман эрийди.

Гиббереллиннинг ( $A_1$ ,  $A_2$ ,  $A_3 \dots A_{10}$ ) турлари мавжуд бўлиб, улардан  $A_3$  гиббереллин кислотаси узумчиликда ижобий натижа беради.

Гиббереллин навда, барг ва меванинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштиради. Гиббереллин қўлланилган 1 гектар узумзордан 3—5 тоннагача қўшимча узум олиш мумкин.

Оқ ва қора кишииш узум навлари учун 10 литр сувга бир грамм гиббереллин аралаштириб тайёрланади. Ҳосилга кирган узумзорларга ўртacha бир гектарга 400 литр эритма сарфланади.

Оналик гулига эга бўлган узум навлари — Каттақўрғон, Нимранг, Чаросга сепиш учун 10 литр сувга 0,5 грамм гиббереллин аралаштирилади ва бир гектарга ўртacha 20 г сарфланади. Оталик ва оналик гули чиқарадиган навларига эса, салбий таъсир кўрсатмайди. Тайёрланган эритма «Автомакс» аппарати билан эрталаб ёки кечқурун, умуман ҳаво салқин пайтларда сепилади. Аксинча, гиббереллин эритмаси қуёш нури таъсиридан учиб кетиши мумкин, уни ёғингарчилик олдидан сепиш ҳам тавсия этилмайди. Узум гиббереллинни 10 соат давомида ўзлаштиради. Бу эритма билан ишлов берилганда токнинг гул ва ғужумларини бир текис намланиши лозим. Акс ҳолда эритма тегмай қолган ғужумлар яхши ривожланмай қолади. Шу нарсани эсда тутиш керакки, эритма юқори маданиятли агротехника қўлланилган пайкалларда ижобий натижа беради.

**Бор.** Бор, бура ва бор кислота таркибida (17%) бўлиб, бўз тупроқларга 0,5—1,0 кг/га, ўтлоқ тупроқларга 1,5—2,0 кг/га ҳисобидан минерал ўғитлар билан аралаштириб кузги шудгор остидан экиш билан ёки биринчи озиқлантириш пайтида берилади.

Кўп йиллик ўтлар ва сабзвотларнинг уруғи касаллаймаслик учун уларнинг 1 ц/га 100 г бор кислотаси билан ишлов берилади.

Бор ўсимликлар чангланишида мұхым ҳисобланади, бор етишмаганда чанг найчалари ривожланмай, гуллар чангланимай түкилиб кетади. Шох, поя ва илдизнинг ўсиш нуқталари шкастланиши каби турли касалликларга дучор бўлади. Бор танқислиги тундра, торфли ва чимли, (глейли), ботқоқлашган ва кислотали тупроқлар оҳаклангандан сўнг кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири, юқоридаги тупроқлар оҳакланиши на-тижасида ундан бор қийин ўзлаштириладиган ҳолатга ўтиб қолади.

Бор танқислиги гул карами, узунтолали зиғир, сельдерей, помидор, узум ва дуккакли экинларда яққол сезилади. Бошоқли экинларда борга эҳтиёж унчалик сезмайди.

Ғўза бор элементига ўта талабчан бўлиб, у толасидан бошқа ҳамма органларида мавжуд. Шу сабабли ҳам бор ўта камчил бўлганда ғўза, ҳатто кўриб қолиши ҳам мумкин.

**Мис.** Мис оксидловчи ферментлар полифенолоксиддазалар таркибида киради. Мис В группага мансуб витаминаларнинг синтезланишида иштирок этади. Ўсимликларда миснинг етишмаслиги, оқсилининг кам синтезланишига сабаб бўлади.

Микроўғит сифатида мис купороси таркибида (21—22%) мис бўлиб, шу шаклида ёки аммофос мис билан 0,25—1,0% гача бойитилиб қўлланилади. Олмалиқ химия заводида ишлаб чиқарилаётган таркибида 45% фосфор, 11% азот ва 0,3% мис бўлган «Аммофос» қишлоқ хўжалиги экинларининг мис микроўғитига бўлган талабини қондириши мумкин.

Уруғни 2:1 нисбатда 0,03% ли мис сульфат эритмаси билан 12 соат давомида намлаш ёки уни ўсимликларни биринчи озиқлантириш пайтида, гектарига 1—2 кг дан микроўғитларга қўшиб бериш мумкин.

Мис билан бойитилган аммофос эса, экишдан олдин ЧҚҮ-4 аппарати билан гектарига 200 кг дан ёки экиш билан бирга гектарига 100 кг дан берилади.

Бошоқли экинларда мис етишмаганда, уларнинг барглари оч яшилрангга киради, барг учлари оқаради, барглар буралиб, бужмайиб қолади. Бошоқлар букилиб, дони пуч бўлади, сифати кескин пасайиб кетади ва буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ҳосилнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Мис етишмаслиги торфли ботқоқ, қумли, қумоқ ва карбонатли тупроқларда кўпроқ сезилади.

Пейве Я. В. тавсиясига биноан 1 кг тупроқда 4—6 мг мис бўлиши нормал ҳолат ҳисобланаби, тупроқ таркибида озиқлантириш тавсия этилади. Унинг миқдори 1 кг тупроқда 0,5—1,0 мг гача тушиб қолса, тупроқ мис билан жуда кам таъминланган ҳисобланади.

**Молибден.** Молибден ўсимликларда аминокислоталар ва оксил ҳосил қилишда нитратларнинг аммиакга айланиш жараёнида қатнашади. У фермент—нитратредуктаза таркибига киради. Молибден кислотали ва карбонатли тупроқларда ижобий натижа беради, пахта ҳосилдорлигини 3—3,5 центнергacha оширади, беда пи чанининг сифати ва оқсил таркибини яхшилади. Молибден ўғит сифатида таркибида 53% молибден бўлган аммоний молибдат қўлланилади.

Молибден уругни намлаш йўли ва шунингдек, ўсимликларни биринчи озиқлантириш пайтида, гектарига 0,5 кг дан макроўғитлар билан аралаштирилиб қўлланилади. Молибден ўсимликларда азот алмашинуvida ва бир қатор физиологик жараёnlарда—фотосинтез, нуклеин кислоталар, пигментлар ва витаминлар синтезида иштирок этади. Ўсимликларда молибден етишмаслиги, уларнинг азотга бўлган эҳтиёжининг қондирилмаслигига ўз аксини топади. Бундай ҳолда дуккакли ўсимликларнинг илдиз туганаклари тараққий этмайди ва ўсишдан тўхтайди. Барглари тўкилади ва яшил ранги йўқолиб оқара бошлайди. Ўсимлик маҳсулотининг 1 кг қуруқ массада 1 мг дан ортиқ молибден бўлса, айни маҳсулот одам ва ҳайвонлар учун заҳарли ҳисобланади. Молибденли ўғит беда, илдиз мева, гулкарам, сабзавот ва рапс каби қишлоқ хўжалик экинлари учун анча ижобий натижалар беради.

Молибден танқислиги натижасида ўсимликларнинг баргларида сариқ доғларнинг пайдо бўлиши, дуккаклиларда эса баргларнинг ёппасига хлороз касаллигига учраши, бодрингларда барг чеккаларининг хлорози, барглар ривожининг пастлиги ва барг пластинкаларининг буралиб қолиши, барг чеккаларининг қуриши ва уларнинг юқорига қараб буралиши каби белгилар пайдо қиласди.

**Марганец.** Француз биохимиги Берtron Г. (1897) марганецнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан аниқлади. Марганец ўсимликларда оксидланиш-қайтарилиш жараёнини тартибга солиб туришиб, аскорбин кислотасининг синтезланиши, қанд моддасининг

йиғилиши, С витаминининг синтез қилиниши, бошоқли экинларда эса оқсилнинг йиғилиш жараёнида актив иштирок этади.

Марганецнинг ўсимликлар фаолиятидаги ролини, бир қатор илмий тажрибалар асосида, академик Власюк П. А. ўз шогирдлари билан ўрганди ва олинган натижаларни қишлоқ хұжалик экинларига кенг табдиқ қилды. Власюк П. А. марганец элементини қанд лавлагига құллаб, ундан 9—16 ц/га, илдиз мевалардан эса 0,1—0,6%, бошоқли экинлардан 1,5—3,5 ц/га, маккаждүхоридан 40—70 ц/га, картошкадан 25—35 ц/га, помидордан 30—40 ц/га гача құшымча ҳосил олди. Марганец сабзавот, полиз, қанд лавлаги ва техник экинларнинг ҳосилини ҳам сезиларлы даражада оширади. Марганец ўғит сифатида, асосан, таркибида 24,6—32,5% марганеци бўлган марганец сульфат ( $MnSO_4 \cdot 7H_2O$ ) қўлланилади.

Марганец сульфат сувда яхши эрийди, нам тортиб мушталашиб қолмайди, экин далаларига 3—3,5 кг/га дан сепилади. Марганецли микроўғит айниқса, ишқорий, нейтрал ва карбонатли, механик жиҳатдан енгил тупроқларда ижобий натижада беради.

Сўнгги йилларда, марганец нитрофоска (0,9%) ёки суперфосфат таркибиға киритилиб, фосфорли ўғитлар билан бирга қўлланилмоқда. Шунингдек, экинларнинг уруғ ёки чигитларига экиш олдидан марганецли эритмалар ёки кукунлари билан ишлов берилмоқда. Масалан, 1 ц буғдой, маккаждүхори ва горох уруғи экишдан олдин 50 г марганец сульфат билан, зигир 100—200 г ёки 1 ц қанд лавлаги уруғи 100—450 г марганец сульфат билан аралаштирилади. Бунда 450—200 г марганец сульфат 100 л сув билан аралаштирилиб, тракторлар ёрдамида, барглар орқали озиқлантириш мумкин. Марганец танқислиги торфли, карбонатли, қумли, қайир ва ўтлоқи қора, нейтрал ва ишқорий тупроқлардаги экинларда кескин сезилиши мумкин. Марганец танқислиги, айниқса, темирнинг эрувчан бирикмалари кўп бўлган тупроқларда яққол сезилади. Ўсимликларда марганец танқислиги, унинг кам ҳаракатчанлиги туфайли қўпроқ ёш баргларда сезилади. Ёзга барғининг қуруқ массасида 240 мг гача марганец бўлади. Пахта баргларида оқ-сариқ рангли доғлар пайдо бўлиб, тўкила бошлайди. Картопка, сули, нұхат, ловия, лавлаги, карам, шафтоли, олча, олхўри, олма, ўрик, лимон

каби таъсирчан ўсимликларда марганец танқислиги тез сезилади.

Рух. Рух нафас олиш ферменти карбонгидраза таркибиға кириб, ўсимликларда ауксинлар (фитогормонлар) ҳосил бўлишини активлаштиради. Ҳозирги вақтда 30 дан ортиқ рух тутувчи ферментлар маълум. Рух тутувчи карбонгидраза, нўхат, петрушка ва помидор хлоропластида аниқланган. Ўсимликларда рух етишмаса сахароза ва крахмаллар ҳосил бўлиши кескин камаяди, оқсилинг парчаланишига сабабчи бўлади.

Рух ўғитлари сифатида асосан рух сульфат ва таркибида рух бўлган бир қанча тузлари ишлатилиши мумкин. Шунингдек, аммофос 0,3—0,5% гача рух билан бойитилиб, уни экин далаларига, экишдан олдин шудгор остидан, гектарига 3—4 кг дан сепиш мумкин, ёки макроўғитларга аралаشتариб, гектарига 1—2 кг нормада пахтанинг шоналаш даврида бериш тавсия этилади.

Ургуни экишдан олдин рух сульфатнинг концентранган (0,03—0,04% ли) эритмаси билан 10—12 соат давомида, 2:1 нисбатда намлаш ҳам ижобий натижа беради.

Рух енгил (қумли), нейтрал ва кучсиз ишқорий (карбонатли паст унумдор тупроқларда ва шунингдек, бўз тупроқларда ижобий натижалар беради.

Кучсиз кислотали муҳитга эга бўлган подзол, торфли ва чимли-подзол, чимли-глейли тупроқлар руҳли микроўғитга нисбатан унчалик танқислик сезилмайди.

Ўрта Осиё ҳудудидаги бўз тупроқларда, руҳли микроўғитларни қўллаб, ҳар гектаридан пахтадан 2—4, маккажўхоридан 5—7 ва буғдойнинг 1,5—2,0 центнер-гача қўшимча ҳосил олиш мумкин.

«Дон» қишлоқ ҳўжалиги институтининг маълумотига кўра, шимолий Азов ҳудудидаги қора тупроқларга гектарига 5 кг гача рух микроўғити солингандан, маккажўхоридан (кўк масса ҳисобида) 9,5—18,7 ц/га гача қўшимча ҳосил олинган. Руҳли микроўғит солинмаган контроль вариантда эса, рух танқислиги белгилари пайдо бўлиб, ҳосилдорлик 10% гача камайиб кетган.

Ўсимликлардаги рух танқислиги қўйидаги ташқи белгилар билан характерланади. Ўсимликларда хлороз доғлар пайдо бўлади, улар оч яшил рангда ёки деярли оқариб қолади. Барглар шаклида ўзгариш пайдо бўлади, улар оч яшил рангда ёки деярли оқариб қолади.

Барглар шаклида ўзгариш пайдо бўлади, тугунлар ораси қисқаради, мевалар шакли беўхшов бўлади ёки умуман ҳосил бермайди, кўп йиллик мевали дараҳтлар, ҳатто қуриб қолиши ҳам мумкин.

**Кобальт.** Кобальт 1 кг тупроқда 0,12—6 мг дан кам бўлганда, тупроқда ўстириладиган ўсимликлар ўғитга танқислик сезади. Кобальтли ўғитлар таъсири кўпроқ вегетация методи ёрдамида (идишларда) ўрганилган бўлиб, 1 ц картошка уруғи 0,05% ли 2 л кобальт эритмаси билан ишланганда, 6—8 центнергача қўшимча ҳосил олиш мумкин эканлиги исботланган. Бу ўғит дуккакли ўсимликларнинг ҳаво азотини ўзлаштириш жараёнини яхшилайди.

Ўсимликлар таркибида кобальт асосий ўринлардан бирни эгаллайди, яъни 1 г қуруқ моддаси таркибида, ўртacha 0,2—0,6 мг гача бўлади. Кобальт, тупроқга гектарига 0,3—0,5 кг ҳисобида, фосфорли ўғитлар билан аралаштирилиб солинади ёки унинг 0,02—0,05% ли эритмаси тайёрланиб, экиладиган уруғлар, экишдан олдин, ўша эритма билан аралаштирилиб сўнг экилади.

## ОРГАНИК ҮФИТЛАР

Органик үфитлар ўсимликларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини таъминлаш ва тупроқ хоссасини яхшилахда муҳим аҳамиятга эга. Органик үфитларга гўнг ва ҳайвон қолдиқлари, яшил үфитлар, шаҳар чиқитлари ва бактериал үфитлар киради.

Органик үфитлар, тупроқнинг ҳайдалма қатлами структурасини яхшилаш билан бирга, ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун шароит яратади ва тупроқ таркибида микроорганизмлар фаолиятини яхшилади. Собиқ Союз НИХИ да ўtkазилган тажрибалар шуни кўрсатдики, тупроққа фақат минерал үфитлар солингандан, микроорганизмлар миқдори 10—15 марта ошган бўлса, органик үфитлар ишлатилганда эса, бу кўрсаткич 100—120 мартаға кўпайган. Вильт касаллигини тарқатувчи замбуруғлар миқдори эса кескин камайган.

Органик үфитлар тупроққа солингандан сўнг тупроқ ҳавоси таъсирида чириндига айланади. Ҳосил бўлган чиринди ўз навбатида тупроқ унумдорлигини оширади ва тупроқ таркbidагi минерал үфитларнинг самарасини ҳам оширади. Тупроқнинг сув ўtkазувчаник ва намлик сақлаш қобилияти яхшиланади.

Органик үфитлар қўлланилган далаларда  $B_{12}$ , рибофлавин, пеницилин, терамицин, никотин кислотаси, стрептомицин каби витамин ва физиологик актив моддалар миқдори тупроқда сезиларли даражада кўпайган. Бу хил физиологик актив моддаларнинг тупроқда бўлиши, биринчидан, тупроқдаги касаллик тарқатувчи микроорганизмларни йўқотса, иккинчидан, айни тупроқдаги ўсимликлар ва улар илдиз системаларининг турли касалликлар билан касалланишининг олдини олади.

Органик үфитлар тупроқнинг озиқ режимини сезиларли даражада яхшилади. Органик үфитларнинг яна бир вакили яшил үфитлар бўлиб, улар таркибида озиқ элеменtlар миқдори яна ҳам кўп. Масалан, улардаги азот миқдори 2% дан ошади. Органик үфитлар тупроқнинг озиқ режимга бевосита ва билвосита таъсири кўрсатади. Микроорганизмлар азотли үфитларни ўзлаштириб, ўз

танасида түплади. Натижада микроорганизмларнинг тупроқдаги активлиги анча пасаяди. Тупроқ қатламида ушланиб турган бу азотдан ўсимликларнинг илдиз системаси эркин фойдалана олади.

Органик ўғитлар тупроққа солинганда азотли ўғитларнинг исрофи камайиб, самарадорлиги ошади. Органик ўғитлар фосфорли ўғитлар фаолиятида ҳам ижобий роль ўйнайди. Микроорганизмлар органик ўғитлар таркибидаги фосфорни ўзлаштириб, тузларнинг қийин эрийдиган ҳолатга ўтишига йўл қўймайди. Микроорганизмларнинг нафас олиш жараёнида ажралган карбонат ангидриди ва органик ўғитларнинг парчаланишидан пайдо бўладиган органик кислоталар таъсирида, тупроқдаги фосфорнинг эрувчанлиги кучайиб, ўсимлик томонидан осон ўзлаштириладиган формага ўтади.

## ГҮНГ

Гўнг муҳим органик ўғит бўлиб, таркибида ўсимликлар учун керакли бўлган озиқ моддаларнинг деярли ҳаммаси мавжуд. Энг муҳим элементлардан азот 0,3—0,5%; фосфор 0,2—0,3% ва калий 0,5—0,6% ни ташкил этади. (51- жадвал). Шунингдек, гўнг таркибида бир қатор микроэлементлар ҳам мавжуд. (52- жадвал). Гўнг таркибида азот, фосфор ва калийдан ташқари углерод бўлганлиги учун ҳам қимматли органик ўғитdir. Тупроққа солинган гўнг микроорганизмлар ёрдамида парчаланади. Таркибидаги углеродли бирикмалар парчаланиб карбонат ангидрид ҳосил қиласиди. Ҳосил бўлган карбонат ангидрид тупроқдаги фосфатларга таъсир этиб, уларнинг сувда эрувчанлигини яхшилади. Натижада улар ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади. Гўнг тупроқни гумусга (чиринди) бойитувчи манбаи бўлиб, тупроқдаги физиологик жараёнларни тезлаштиради. Соғбиқ Союз НИХИ да ўтказилган тажрибалардан шу нарса маълумки, ғўзани биринчи сугориш пайтида гўнг солинмаган вариантда, бир гектарга бир соатда 120 м<sup>3</sup> сув шимишланлиги, ҳар йили гўнг солинган вариантда эса, бир соат давомида 200,5 м<sup>3</sup>, 20 йил давомида гўнг солинган бўз тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги органик углерод миқдори, гўнг солинмаган вариантларига нисбатан 70%, умумий азот миқдори эса 88% га кўпайганлиги, гўнгнинг тупроқ ҳоссаларини яхшилашдаги аҳамиятининг бекиёс эканлигини тасдиқлайди.

**Турли хил ҳайвонлар хўл ҳолатдаги чиқитининг  
кимёвий таркиби (% ҳисобида)**

Гўнг таркибидаги кимёвий моддалар	Гўнг, сомонли тушамада				Гўнг торфли тушамада	
	қора мол	от	кўй, эчки	чўнга	қора мол	от
Сув	77,30	71,30	64,60	72,40	77,50	67,00
Органик моддалар	20,50	25,40	31,8	25,0	—	—
Умумий азот	0,45	0,58	0,83	0,45	0,60	0,80
Аммиак азоти	0,14	0,19	—	0,20	0,18	0,28
Фосфор ( $P_2O_5$ )	0,23	0,28	0,23	0,19	0,22	0,25
Калий ( $K_2O$ )	0,50	0,63	0,67	0,60	0,48	0,53
Оҳак ( $CaO$ )	0,40	0,21	0,33	0,18	0,45	0,44
Магний ( $MgO$ )	0,11	0,14	0,18	0,09	—	—
Олтингугурт ( $SO_3$ )	0,06	0,07	0,15	0,08	—	—
Хлор ( $Cl$ )	0,10	0,04	0,17	0,17	—	—
Кремний кислотаси ( $SiO_2$ )	0,85	1,77	1,45	1,08	—	—
Темир ва алюминий оксиди ( $R_2O_3$ )	0,05	0,11	0,24	0,07	—	—

**Гўнг таркибидаги микроэлементлар миқдори мг/кг  
(куруқ модда ҳисобида)**

Микроэлементлар	Миқдори		
	энг ками	ўртача	энг кўп
Бор (B))	4,5	20,2	52,0
Марганец (Mn)	75,0	201,1	549,0
Кобальт (Co)	0,25	1,04	4,7
Мис (Cu)	7,6	15,6	40,8
Рух (Zn)	43,0	96,2	247,0
Молибден (Mo)	0,84	2,06	4,18

Мол ва паррандалардан бир кеча-кундузда олиандиган гўнг миқдори, тўшама билан ҳисобланганда, тахминан қўйидагича (53- жадвал).

Молларга бериладиган ем-хашак қанчалик тўйимли бўлса, гўнг таркиби микро-ва макроэлементларга шунчалик бой бўлади. Тушама молларнинг суюқ ажралмаларини ўзига шимиб олиб, озиқ моддаларнинг, жумладан, аммиак азотининг исроф бўлишини камайтира-

**Бир кечакундузда қорамол ва паррандалардан олинадиган гүнг миқдори (тушама билан биргаликда), кг ҳисобида**

Хайвонлар түри	Гүнг миқдори, кг	Хайвонлар түри	Гүнг миқдори, кг
Қорамол	15—20	Той	5—10
Бузоқ	5—10	Құй, әчки, чүчқа	1,5—2,5
От	15—20	Парранда	20,30 г.

ди. Хұжаликларда тушама солиш ҳисобидан гүнг миқдорини 30—40% ошириш мүмкін. Тушама гүнг миқдорини күпайтириш ва бойитиш билан биргаликда, мол тагини юмшоқ, қуруқ ҳолда тоза тутиб, санитария шароитларини яхшилайды. Бир суткада ўртача ҳар бир бош қорамол ва от тагига 3—6, құй ва әчки учун 0,5—1,0, чүчқа (болалари билан биргаликда) учун эса 6—8 кг тушама солса мақсадға мувофиқ бўлади.

Үрта Осиё жумхуриятлари шароитида тушама учун сомон, похол, беда қолдиқлари, шоли похол, майдаланған қамиш, ёғоч қипиқлари ва пахта чиқитларидан фойдаланилади. Гүнгхоналар молхонадан 60—100 метр узоқликда, транспорт кириб-чиқиши учун қулай жойлардан махсус чуқурлар (ўралар) қазиб тайёрланади. Ҳар бир чуқур 70—75 тонна гүнгга мўлжалланилиб, чуқур тагининг эни 3,5—4, чуқур тепасининг эни 4,0—4,5, чуқурлиги 2 метргача бўлади. Узунлиги эса, гүнг миқдорига қараб ҳар хил (20—25 метргача) бўлиши мумкин. Транспорт воситалари әркин кириб чиқиши учун, гүнгхонанинг икки томони қия бўлиши керак. Гүнг уюмининг баландлиги 2 метргача бўлиши шарт. Чуқурга ҳар ярим метр қалинликда гүнг солингандан сўнг, техника ёрдамида зичланади.

Гүнг таркибидаги баъзи элементларнинг иссиқ ёки совук таъсиридан ҳавога чиқиб кетмаслиги учун чуқур тўлгандан кейин унинг устига 15—20 см қалинликда тупроқ ташаланади. Чуқурга гүнгни солиш давомида, 1 тонна гүнгга 30—40 кг ҳисобидан суперфосфат сепилади. Бу ишни гүнгни молхоналардан олиб чиқиши вақтида бажариш мақсадға мувофиқдир. Чунки бунда гүнг билан фосфорли ўғитнинг бир текис аралашшиши таъминланади. Суперфосфат билан гүнг аралаштирилганда би-

ринчидан, гүнг таркибидаги азотниң ҳавога учиб кетишининг олди олинади, иккинчидан, гүнг сепиладиган далаға фосфорлы ўғит камроқ берилади. Гүнгни ярим чириган ҳолатда шудгор остидан сепишиш керак. Акс ҳолда тупроққа сепилгандан сүнг 24 соат давомида шудгорланмаса, гүнг таркибидаги фойдалы элементлар миқдори 88% тушиб қолади.

Маҳсус чуқурлардаги гүнгни далаларга чиқариб сепищдан олдин чуқур пастидаги гүнг, устидагиси билан яхшилаб аралаشتырылмоги лозим.

Гүнгни биринчи навбатда, қадымдан деҳқончилик қилиніб келипаётган, шұри ювилган далаларга 15—20 тоннадан сепиши тавсия этилади. Алмашлаб әкиш схемасидаги далаларда эса, бедадан сүнг, 4 йил пахта экилгандан кейин 10—15 тоннадан шудгор остига солиш лозим. Гүнгни шудгор устидан бериш мақсадға мувофиқ әмас, чунки бунда гүнг таркибидаги енгил учувчи элементлар (азот) ҳавога учиб кетади ва гүнгнинг кул қисмигина тупроқда қолади.

Тұла чириган гүнгни вегетация даврида азотли ўғиттар билан 1:2, 1:2,5 нисбатда маҳсус техника билан бериш мүмкін. Гүнг уч хил усулда сақларапади:

1. Шиббаланған (совуқ) ҳолда сақлаш. Бу усулда сақлаш үчүн гүнг чуқурға солиніб, бирдаптың бостирилади. Бунда гүнгнинг ҳарорати 35—50°C оралиғида бўлади.

2. Қиздиріб сақлаш. Бунда гүнг гүнхоналарга солинғандан кейин, унинг ҳарорати 60—70°C етмагунча бостирилмайди.

3. Юмшоқ ҳолда (шиббаламасдан) сақлаш. Бу усул гүнгнинг тартибсиз ҳолда сақланыш усулидир. Усул хўжаликларда ҳозирги кунда ҳам кенг қулланилади.

Гүнг таркибидаги ялпи азот, у шиббаланған ҳолда сақланса жуда кам, шиббаламасдан сақланғанда эса жуда күп ўқолади. Қиздиріб сақлаш усули эса, ўртача самара беради. Гүнг 9—10 ой сақланғанда, ундағы құруқ модданинг камайиши, совуқ усулда 39,7%, қиздиріш усулида эса, азотниң камайиши дастлабки миқдорға нисбатан 45,2—52,7% гача етади. Гүнг сақлашнинг уча-ла усулидан энг самаралиси, совуқ ҳолда сақлаш бўлиб, юмшоқ ҳолда сақлаш эса кам самарали усулидир. Гүнг ҳарорати 40—50°C даражада атрофика бўлғанда зарпечак уруғи побуд бўлади. Ўрта Осиё шароитида совуқ ҳолда сақларападиган гүнгнинг ўртача ҳарорати ҳам шу атроф-

да бўлади. Бундай гўнг таркибида, уч ойдан сўнг зарпек чак уруғининг атиги 0,04% қолади. Демак, бу усулда сақланган гўнгни экин далаларида тўғридан-тўғри қўллаш мумкин. Агарда гўнг кичик-кичик уюмларда, зичланмасдан, ҳар-ҳар жойда сақланса, унинг юқори қисмига иссиқлик яхши таъсир қила олмайди. Натижада гўнг яхши чиримайди. Бундай усулда сақланган гўнг уюмлари таркибида, биринчидан, кўп миқдорда бегона ўт уруғлари сақланниб қолса, иккинчидан, унда касаллик тарқатувчи микроорганизмлар кўпайиб кетади.

Серхашак гўнгларни тез чиритиш зарур бўлганда ёки молларда гижжа ва бошқа касалликлар борлиги аниқланган ҳолда, гўнгни қиздириш усулида сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Скрябин Ф. А. маълумотига кўра, гўнг катта уюмларда сақланганда, ундаги озиқ моддалари кичик уюмларда сақлангандагига нисбатан кам нобуд бўлади. Масалан, 10 т гўнг уюмида, шу миқдорга нисбатан озиқ моддаларниң камайиши, қуруқ моддада 23,6 ва умумий азот 44,1% бўлса, 2,5 т гўнг уюмида эса бу кўрсаткич қуруқ модда ҳисобида 40,9%, умумий азот ҳисобида эса 57,4% ни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғитлар гўнг билан биргаликда солинганда, ўсимликлар турли хил касалликларга камроқ чалинади. Масалан, айни тажриба пахтада синаб кўрилганда минерал ўғит билан гўнг аралаштирилиб солинган вариантда вилт касаллиги соғ минерал ўғит солинган вариантга нисбатан 15—20% гача камайган.

Иссиқ иқлим шароитида, ёз пайтида гўнг намлиги нормадан паст бўлади, шу даврда унга сув сепилганда яхши натижа беради ёки сув сепилган гўнгдан фойдаланилган далалардаги пахта ҳосили сув сепилмаган гўнгдан фойдаланилгандалага нисбатан 2,8 ц/га ёки 7% гача ортади (54- жадвал).

54- жадвал

Сув сепилган гўнгнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га  
(Шевчук Н. С. ва Скрябин Ф. А. маълумотлари)

Тажриба вариантлари	Ҳосил, ц/га
Фақат минерал ўғит солинганда	41,4
Ўғит+сув сепилмаган гўнг солинганда	43,7
Ўғит+сув сепилган гўнг солинганда	45,8

Гүнгнинг усти (15—20 см қалинилкда) тупроқ билан беркитилгандың органик моддаларнинг камайиб кетишенинг олди олинади, бу күрсаткични 55% дан 25—30% гача, яъни иккى баробаргача камайтириш мумкин ва бу усул ўз павбатида экиплар ҳосилини оширишда ижобий роль ўйнайди (55- жадвал).

55- жадвал

**Махсус гүнгхоналарда сақланыптырылған гүнг усти тупроқ билан беркитилгандың озиқ моддаларнинг сақланып қолиши ва бундай гүнгнинг пахта ҳосилига таъсири**

Гүнг шиббалаб (совуқ ҳолда) сақланғанда				Хосил, ц/га	
Күрүк модда		Умумий азот		күмилмай сақланғанда гүнг таъсири	күмилганса ғүнг таъсири
күмилмайдында	күмилганды	күмилмайдында	күмилганды		
40,9	6,3	57,4	30,4	42,6	44,2
27,4 үртата	18,3	7,2	4,5	43,7	46,2
34,2	12,13	32,3	17,5	43,2	45,2

Собиқ Союз НИХИ нинг қатор маълумотларига асосан, пахтага ўсув даврида, 500—700 кг/га гүнг оралиқ минерал ўғит ҳолида солинганда ўртата ҳосил гектарига 1—2 ц/га ошган. Узоқ муддат давомида нотұғри сақлаш натижасыда қотиб қолған гүнг минерал ўғитларга ара-лаштирилиб махсус мосламалар ёки культиватор «СУЗ» ёрдамида вегетация даврида берилади. Хұжаликда құй қиий, парранда ахлати ва пилла қурти чиқитлари ҳам минерал ўғитларга ара-лаштириб солинади. Органик-минерал ара-лашмалар қуидаги тайёрланади: қуруқ гүнг майдаланиб,  $5 \times 5$  күзли элакда әланади ва әланган гүнгни далага сепишдан олдин әкинга ажратилған нормадаги ҳар килограмм азот ўғитига 2—3 кг (1 : 2, 1 : 3 нисбатда) қўшилади.

## БОШҚА ХИЛ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНИК ЎҒИТЛАР

Гүнгдан ташқари бир қатор маҳаллий ўғитлар ҳам мавжуд бўлиб, буларга қуидагилар киради: шаҳар уй-рўзгор, чиқиндилари, ҳожатхона ахлати, парранда гүнги, чигит кунжараси, пахта, шоли, канапа қолдиқлари ипак

құрти чиқиндиси, алант ға эски девор тупроқлари, гумин ўғитлар, күкіт ғитлар, турли хил ўсимлик қолдиқлари ва ҳоказолар. Бу турдаги маңаллар органик ўғитлар тәссирида тупроқда гумус (чиринді) миқдори күпаяды, микроорганизмлар фаблияты активлашади ва ўсимликларнинг озиқланиши яхшиланади.

**Фекал ға уни компостлаш.** Ҳожатхона ахлатини санитария нұқтаи назаридан түғридан-түғри шарбат ҳолатыда ғекин майдонларига солиш мүмкін әмас. Шу сабабли ҳам бу ҳолатдаги чикитдан компост тайёрланиб, шундан сүнг ға далаларга ўғит сифатида құлланилади.

Одам бир кече-кундузда ўртаса 130-135 г қаттық ға 1000—1200 г суюқ чиқинди модда чиқаради. Фекал таркибида асосан қуйидаги моддалар мавжуд (56- жадвал).

56- жадвал

#### Ҳожатхона ахлатининг кимёвий таркиби (хүл модда, % ҳисобида)

Кимёвий таркиби	Сийдикда	Ахлатда	Аралашмада
Сув	94,8	77,2	93,0
Куруқ модда	5,2	22,8	7,0
Органик модда	4,2	19,4	5,7
Кул	1,0	3,4	1,8
Азот	1,0	1,6	1,1
Фосфор	0,15	1,23	0,26
Калий	0,18	0,55	0,22

Суюқ ҳолатдаги фекалда азот осон эрийдиган шаклда бүләди ға уни ўсимлик ўғит сифатида тупроқдан әркин ўзлаштиради.

**Компост тайёрлаш.** Фекалдан компост тайёрлаш учун әни 2,0—2,5 м, чуқурлиги 0,5—0,7 м чуқур қазилиб, 1 : 1 нисбатда фекал билан тупроқ ёки торф аралаштирилиб (турли хил ҳашаклардан ҳам фойдаланиш мүмкін) күмилади ға бу күмма ҳар уч-түрт ҳафтада аралаштирилиб турилади. Бу жараён аралашманинг ранги тұла тупроқ рангига ўтиб (қора ҳолатда), кишини беқузур құлувчи хиди йүқолғунча (уч-түрт ой) сақланади. Компостлаштириш натижасыда аъло сифатлы органик ўғит олинади ға күзги шудгор олдидан худди гүнг сингари (гүнг нормасы 15—20 %) сепилиб, сүнг ға икки яруслы плуглар ёрдамида, 35—40 см чуқурликда шудгорланади.

Хайвои, ўсимлик, уй-рўзгор чикитларидан ҳам компост тайёрлаш мумкин. Компост тайёрлашдан олдин бу чиқинидилар яхшилаб майдаланади, уй-рўзгор чиқитлари таркибида ҳар хил металлар, шишалар бўлса, улар териб ташланиб, тупроқ, гўнг, торф билан аралаштирилади ва сув ёки гўнг шалтоғи билан намланади. Компост яхши чириб сифатли бўлиши учун белкурак ёки техника ёрдамида бир неча бор (ҳаво кириб туриши учун) аралаштирилиб турилади. Орадан 5—8 ой ўтганидан сўнг, айни компост органик ўғит сифатида ҳудди гўнг ёки фекал компост сингари шудгор олдидан гектарига 15—20 тоннадан солинади.

## ПАРРАНДА ЧИҚИТИ

Парранда чиқити жуда тез таъсир этувчи муҳим органик ўғит бўлиб, унда ўсимликларнинг тез ўсиб ривожланиши учун керакли бўлган деярли барча элементлар мавжуддир (57- жадвал). Бир йилда ҳар бир товуқдан ўртача 5—6 кг, ўрдакдан 8—9, ғоздан 10—11 кг ахлат тўпланди. Парранда ахлати таркибидаги озиқ моддалар ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган ҳолатда бўлиб, азот сийдик кислотаси шаклида мавжуд. У аммиак ва карбонат кислотасигача парчаланади, яъни сийдик кислотаси →  $\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{CO}_3$ . Ахлат таркибидаги азот камайишининг олдини олиш учун паррандахона полига қуруқ тупроқ ёки битта товуқ учун 10—15 г, ўрдак ва ғоз учун 20—25 г тўшама солинади. Паррандалар буфдои дони билан озиқлантирилганда ахлатида азот ва фосфорнинг миқдори нисбатан ортади. Парранда ахлати юмшоқ ҳолда (шиббаламасдан) сақланганда, 2—3 ойда таркибидаги азотнинг тенг ярмини йўқотади. Шу сабабли бу ҳолдаги ахлатларга 20—40% қуруқ торф порошоги ёки 25—50% ли қуруқ торф ва 7—10% (умумий миқдорига нисбатан) кукун ҳолатдаги суперфосфат аралаштирилиб, шиббаланган (совуқ) ҳолда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда бажарилган тажрибалар натижаларига кўра, парранда ахлатлари маҳсус қуритувчи аппаратлар ёрдамида қуритилиб сақланганда, унинг таркибидаги макроўғитларнинг миқдорини янада кўпаяди, яъни N — 5%, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> — 4%, K<sub>2</sub>O — 2—3%. Бу ҳолатда сақлашнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, бундан органик

ўғитни узоқ вақт сақлаш мүмкін бўлса, иккинчидан, транспорт харажати анча кам бўлади.

Парранда ахлати тупроқ ёки торф билан компостлашганда, экин далаларига 12—15 т, суперфосфат билан компостлашганда эса 8—10 т/га дан кузги шудгор олдидан солинади. Вегетация даврида, қўшимча озиқлантиришда 3—5 ц/га дан, асосий озиқлантиришда эса 5—10 ц/га дан солинади.

Парранда ахлатидан тайёрланган компост полиз ва сабзавот ва бошқа экинлар учун ҳам жуда муҳим бўлиб, кенг кўламда, (5—8 т/га) фойдаланилади.

57- жадвал

**Паррандалар ахлатининг кимёвий таркиби  
(хўл ахлат оғирлигига нисбатан % ҳисобида)**

Парранда тури	H <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>
Товуқ	56	1,6	1,5	0,3	2,4	0,7	0,4
Ўрдак	70	0,7	0,9	0,6	1,1	0,2	0,3
Фоз	76	0,5	0,5	0,9	0,8	0,2	1,1

## ШАҲАР, УЙ-РЎЗГОР ЧИҚИТЛАРИ ВА САНОАТ ҚОЛДИҚЛАРИ

Шаҳар, уй-рўзгор чиқитларини муҳим маҳаллий органик ўғитлардан булиб, шаҳардаги ўсимликлар, ошхоналар ва уйлардан чиққан турли хил чиқитлардан иборат. Бу чиқитлар таркибидаги (қуруқ модда ҳисобида) ўртача 0,6—0,7% азот, 0,6—0,8 калий ва 0,5—0,6% фосфор мавжуд. Бу чиқиндиilarни бирданига маҳаллий ўғит сифатида қўллаб бўлмаганлиги сабабди таркибидаги шиша ёки металл қолдиқлар териб ташланиб, экин майдонлариға яқин жойлардан (ёки шаҳар чиқитлари тўкиладиган махсус жойларда) чуқурлар қазилиб комнастлар тайёрланади. Айни чиқитларни 8—9 ойдан сўнг маҳаллий ўғит сифатида кузги шудгор остидан экин далалари ва парник учун ажратилган майдонларга 15—20 т/га дан, техник экинлар экиладиган майдонларга эса, алмашлаб экиш схемаси асосида, 20—60 т/га дан солиш тавсия этилади.

Шаҳар, шаҳар уй-рўзгори ҳамда саноат чиқитлари қишлоқ хўжалиги учун энг катта қўшимча ўғит манба

ҳисобланиб, РРФ шаҳарларидан бир йилда ўртача 6—7 млн т ни, биргина Тошкент шаҳрида эса, бу кўрсатич 50—60 минг тоннани ташкил этади. Шаҳар саноат қолдиқлари шаҳар ҳудудида жойлашган балиқ, тери, тамаки, пилла, ёғ, пиво, пахта саноати ёки фабрикаларидан чиққан чиқитлардан иборат бўлиб, бу чиқитларнинг таркиби азот, фосфор ва калийга анча бой ҳисобланади (58- жадвал).

58- жадвал

**Шаҳар саноати қолдиқлари таркибидаги миқдори  
(% ҳисобида)**

Саноат қолдиқларининг турлари	% ҳисобида		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Тери ишлаб чиқариш саноати қолдиқлари	2,0	—	—
Пиллани қайта ишлаш саноати қолдиқлари	12,1	2,3	—
Тамакини қайта ишлаш саноати қолдиқлари	2,4	0,4	3,0
Кунжут ва зигирдан ёғ олиш саноати қолдиқлари	7,1	2,2	1,2
Пиво ишлаб чиқариш саноати қолдиқлари	0,76	0,15	—
Балиқни қайта ишлаш саноати қолдиқлари	2,5	2,0	—

Бу каби қолдиқларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, биринчидан, улар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширса, иккинчидан, бу қолдиқларнинг ишлатилиши ҳисобига шаҳар ҳавоси ифлосланишининг, қисман бўлсада, камайиши таъминланади, учинчидан, хўжаликнинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи, қисман бўлсада, шулар ҳисобига таъминланади.

### ЧИГИТ КУНЖАРАСИ

Чигит кунжараси концентрлаштирилган органик ўғит бўлиб, унинг таркибида 25% азот, 6,5—7,0% фосфор ва 2—2,3% гача калий мавжуд. Чигит кунжарасидан экинларга минерал ўғит сифатида, чорва учун эса озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.

## ЧУЧУК СУВ ЛОЙҚАСИ

Чучук сув лойқаси дарё, ҳовуз ва күл тубида тұпланған органо-минерал лойсимон қолдиқ бўлиб, таркибида 6—30% чиринди, 0,25—2% азот, 0,25—5% фосфор ва 0,2—0,8% гача калий мавжуд. Бу хил лойқаларни ўғит сифатида бевосита ёки турли хил органик моддалар билан компостлаштирилган ҳолда фойдаланиш мумкин. Сув лойқаларини әкин далаларига қўллашдан олдин шамоллатиб, ундаги нам иш қуролларига ёпишмайдиган, далаларга чиқарилганда кесак бўлиб қолмайдиган дара жагача буғлантирилади ва шундан сўнг кузги шудгор олдидан гектарига 40—60 т дан махсус гўнсепгичлар ёрдамида далаларга солинади. Агарда турли хил органик массалар билан қўшиб компост тайёрланса, унда у кузги шудгор олдидан гектарига 15—20 тоннадан берилади.

Азот, фосфор ва калийning миқдори турли иншоот лойқаларида турлича бўлади (59- жадвал).

59- жадвал

Лойқалар таркибидаги NPK миқдори, % ҳисобида

Иншоотлар номи	N, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> , %	K <sub>2</sub> O, %
Күл лойқалари	1,8—2,5	0,27—0,33	0,25 гача
Ҳовуз лойқалари	0,3—1,0	0,26—0,60	0,13—0,44
Дарё лойқалари	1,0 гача	0,25 гача	0,7 гача

## ИПАК ҚУРТИ ЧИҚИНДИСИ.

Органик моддалар ва минерал ўғитларга жуда бой бўлиб, бу ўғит, әкин далаларига әкин турига қараб, 120—200 кг/га дан минерал ўғитларга аралаштирилиб солинади. Ипак қурти чиқиндисидаги азот, қишлоқ хўжалик экинларига солинадиган азотнинг умумий йиллик нормасига қўшиб ҳисобланади. Бу чиқинди донадор бўлиб, культиватор-ўғитлагич (СУЗ) лардан яхши ўтганлиги учун, айнан шу аппарат ёрдамида, экинларга вегетация даврида берилса бўлади. Бу ўғитни қуруқ ҳолда ёпиқ хоналарда сақлаш лозим. Ипак қурти чиқиндиси ва гумбагининг кимёвий таркиби қуйида келтирилган (60- жадвал).

**Ипак қурти чиқиндиси ва гумбагининг кимёвий  
таркиби, % ҳисобида**

Чиқит номи	Умумий		
	азот	фосфор	калий
Куруқ ипак қурти чиқинди- си	2,8	0,5	3,2
Куруқ гумбаги	10,0	2,0	1,5

**ҒЎЗАПОЯ, ҒЎЗАПОЯ ҚУЛИ ВА ҚОВОЧОК**

Муҳим маҳаллий ўғит ҳисобланиб, бир қатор хўжаликлар пахта ҳосилини йиғиб олингандан сўнг, уни маҳсус техника ёрдамида жойида майдалаб ташлайдилар ёки тўғридан-тўғри шудгорлаб юборадилар. Шунарсага эътибор қилиш керакки, вилт билан касалланган далалардаги ғўзапоялардан ўғит сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ғўзаноя кули фосфор ва калийга бой бўлиб, беда экинлари учун жуда фойдалидир. Кулни дастлаб беда ёки ўт аралашмаси экиладиган далаларга кузги шудгор остидан 1—2 т/га дан, эски бедапояларга эса, эрта баҳорда беда ўсиб чиққунча, гектарига 0,8—1,0 т дан солинади. Қуйидаги 61- жадвалдан ғўзапоя, ковочок ва кул таркибидаги НРК миқдорини кўриш мумкин.

Озиқ моддалар	Ғўзапояда, %	қовочоқда, %	кулида, т/кг
Азот	0,929	1,026	—
Фосфор	0,575	0,486	80
Калий	2,760	3,020	31

**ТОРФ**

Урта Осиё шароитида энг кўп тарқалгани қамиш қиёқли торф бўлиб, бу торфдан қишлоқ хўжалик экинлари учун ўғит сифатида фойдаланилмайди. Чунки ундағи озиқ моддаларини экинлар яхши ўзлаштира олмайди. Шу сабабли ундан молларга тўшама сифатида, гўнгни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин. Унинг кимёвий таркиби қуйидагичадир (62- жадвал).

**Торфнинг кимёвий таркиби, % ҳисобида  
(Союз НИХИ маълумотлари)**

Торф тури	гигроскопик кул намлиги	калий	азот	фосфор
Қиёқ торфи	15,22	34,3	1,2	0,23
Қамиш-қиёқ торфи	15,0	29,4	1,4	0,19

Турли хил маҳаллий органик ўғитлар таркибидаги азот, фосфор ва калийнинг миқдорини қўйидаги 63- жадвалдан кўриш мумкин.

**Турли хил маҳаллий ўғитлар таркибидаги азот,  
фосфор ва калий миқдори (кг/т ҳисобида)**

Маҳаллий-органик ўғитлар тури	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Қўй қуруқ кийиқ	16,0	5,0	14,0
Қўй хўл кийиқ	8,0	2,5	7,0
От гўнги	6,0	3,0	5,0
Қорамол гўнги	4,0	2,5	5,0
Ҳар хил молларнинг аралаш гўнги	4,0	2,0	6,0
2/3 ҳисса тупроқ тўшама аралашгак гўнг	4,0	2,0	5,0
Шунинг ўзи, лекин тўшамада тупроқ	1,8	0,9	9,0
4/5 ҳисса аралаштирилган гўнг	1,1	0,6	1,2
Янги қир тупроғи, ариқ лойқаси	0,6	1,2	0,7
Ҳожатхона ахлати	36,0	2,0	2,0
Йпак қурти чиқиндиси: қуритилгани	50,0	10,0	—
Ҳўли	25,0	5,0	—
Паррандалар қуруқ гўнги	30,0	16,0	8,0
Чигит шелухаси ва чигит гўнги	20,0	90	16,0
Ғўзапоя кули	—	80	31
Торф	10—12	2,1	22,3—8,4

**ҚЎКАТ ЎГИТЛАР (СИДРАТЛАР)**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жумхуриятидаги чорвадан олинаётган гўнгнинг миқдори мавжуд дехқончилик қилинаётган, сугориладиган ерларга гектарига ўртacha 5—3 тоннадан тўғри келади. Бу эса дехқончиликда талаб қилинадиган гўнгнинг бор-йўғи 15—20% ини ташкил

этади. Бундай ҳол тупроқ таркибини органик моддалар билан бойитишда құшимча манбалардан фойдаланишиң тақозо этади.

Бу муаммони фақат қўкат ўсимликлардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бир қатор илмий текшириш институтларнинг маълумотларига кўра, қўкат ўғит сифатида кузги жавдар, рапс, хантал, арпа, хашаки нўхат, нўхат, чини люпин, астрагал, хашаки дуккаклилар, йўнгичқа, қизил себарга, шабдор (эрон бедаси) мөш каби оралиқ экинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу оралиқ экинлардан гектарига 350—400 центнердан кўк масса олингандা, айни масса таркибида 150—200 кг азот бўлиб, ўз навбатида бу ўртача 35—40 тонна гўнгга эквивалент (64- жадвал).

64- жадвал

Дуккакли экинлардаги озиқ моддалар миқдори,  
(қўклигидаги оғирлигига нисбатан, % ҳисобида)

Кўкат ўғитлар тури	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO	H <sub>2</sub> O	Кўк масса ц/га	Азот кг/га
Нўхат	0,50	0,15	0,50	0,30	85	130—250	75—130
Хашаки нўхат	0,50	0,15	0,50	0,30	85	160—250	80—130
Хашаки дуккаклилар	0,50	0,15	0,50	0,32	87	150—250	80—140
Чина	0,48	0,14	0,49	0,30	82	100—180	50—90
Қизил себарга (эрон бедаси)	0,48	0,13	0,44	0,40	80	130—260	70—140
Шабдор	0,50	0,14	0,50	0,40	82	180—350	70—140
Мөш	0,50	0,15	0,50	0,40	80	180—220	75—130

Кўкат ўғитларнинг устки массасини чорва учун фойдаланиб, илдизини ҳайдаб ташлаганда ҳам, ўртача, 10—12 тонна илдизи ерда қолади.

Кўкат ўғитлар ҳосилни ошириш билан биргаликда, тупроқнинг физик, механик хоссаларини яхшилайди, чиринди миқдорини кўпайтиради ва энг муҳими енгил тупроқларнинг сув хоссаларининг мувозанатлашишида катта аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиё районларида кўкат ўғитлар (сидратлар) оралиқ экин сифатида сентябрь-октябрь ойларида экилиб, келгуси йилнинг баҳорида ундан чорва учун 350—400 центнергача кўк масса ўриб ҳам олиш мумкин. Ўғит сифатида чуқур ҳайдаб, ўрнига сабзавот ёки техник экинлар (пахта, канап) экиш ҳам мумкин.

Күкат ўғитлар ишлатиб, сулидан қумоқ тупроқда гектарига 4,0 центнергача, құмлоқ тупроқлардан эса 7,7 центнергача құшимча ҳосил олиш мүмкін. Пахтадан эса күкат ўғитлар ҳисобига ўртаса гектарига 2—3 центнергача құшимча ҳосил олиш мүмкін. Тоғлық ва сершамол районларда, айникса, тупроқ әрозиясини олдини олишда, люпин, астрагал, йүнғичқа, себарга каби күкат ўғитлар катта аҳамиятга эга.

Хашаки, дуккакли ва дон әқинларидан ҳам күкат ўғитлар сифатида фойдаланиш мүмкін.

## БАКТЕРИАЛ ҮҒИТЛАР АЗОТОБАКТЕРИН, НИТРОГИНБАКТЕРИН

Тупроқ таркибида шундай бактериялар мавжудки, улар ҳаво азотини ўзлаштириб, тупроқни азот билан таъминлаб туради. Бу бактериялар жумласыға нитрагин ва азотобактеринлар киради. Тупроқ таркибида әркін яшайдыган бактерияга азотобактерин, дуккакли үсімліклар илдизіде яшайдыган бактериялар тұғанак (нитрагин) бактериялар деб аталади.

Бу бактерияларни махсус күпайтириб, ўғит сифатида фойдаланылғанда, пахта ҳосилдорлиги 1—3 центнерга, арпа ҳосили 28%, бұғдой 23%, помидор 31%, картошка 23%, лавлаги 8% ошған (Шелоуомова В. маълумотлари).

Бактериал үғитлар шүрләнмаган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда ижобий нағижалар беради. Улар, айникса, янги ўзлаштирилған ерларнинг тупроқ таркибини бойитишда катта аҳамиятга эга. Азотобактерин ҳаводаги әркін азотни ўзлаштириш билан бирга тупроқда бир қатор витаминлар ва ўстирувчи моддалар ҳам ҳосил қиласы. Азотобактерин үғити торфли чиринди тупроқли ва агар-агар шаклида ҳам ишлаб чиқарылади.

Қишлоқ хұжалигыда құлланыладыган сабзавотлар ва техник әқин уруғлари ва чигит турли хил касалликларға қарши дориланиб, уч ой ўтгандан кейин, азотобактерин билан ишланади. Бунда 1 гектарга мұлжалланған уруғ ёки чигит махсус майдончага (усти ёпік жойға) ўтказылған, 3 л азотобактерин 2—3 л сувга солиниб, аралаشتрылиб сүңг әкілади. Азотобактерин билан аралаشتрылған уруғларни тезда әкиш тавсия этилади. Чунки азотобактерин ва нитрагинлар қүёш нурига чидамсизdir. Ишлов берилған уруғларни димлаш ярамайды.

Федоров М. В. маълумотига күра, тупроқ таркибида-

ги азот тўпловчи бактериялар бир йилда ўртача 25—60 кг дан азот тўплайди. Воронин М. С. 1866 йилда дуккакли ўсимликлар илдизидаги туганакларни текшириб, таркибида микроорганизмлар борлигини аниқлаган.

Бейрник эса, ўсимлик илдизини туганакчасидан ҳаво азотини ўзлаштириш қобилиятига эга, туганак бактерияни (*Bacterium radicicola*) ни ажратди. Ўсимликларнинг илдиз туганаклари турли шакл ва катта-кичикликда бўлиб, улар илдизнинг шохчаларида ёки ўқ илдизда ҳосил бўлади.

Туганак бактериялар ловия, беда, нўхат, соя, хашаки нўхат ва ўйнигичқа илдизларида яшаб, улар узаро морфологик хусусиятлари билан эмас, дуккакли ўсимликлар илдизида ҳосил қиласиган туганаклари сонининг оз-кўплиги билан фарқланади.

Нитрогин бактериялар, биринчи йил, дуккакли экинлар экилган ботқоқ ва кислотали муҳитга эга тупроқларда актив фаолият кўрсата олмайди.

Нитрогин бактерияларни кислота муҳитли тупроқларга қўллашда тупроқ олдин оҳакланиш орқали пейтрал муҳитга яқинлаштирилиб, сўнг фойдаланилса яхши натижа беради.

Нитрогин бактериялар хўжаликларга банкалар ёки шиша идишларда келади. Уларни соя ва салқин жойларда сақлаш тавсия этилади.

Нитрогин, бактерин беда илдизидаги туганаклар миқдорини 50—70% гача кўпайтиради. Бунинг учун 1 литр сувга 0,5—1,0 кг нитрогин қўшилиб, 14—16 кг беда уруғи билан аралаштирилиб экилади.

## ФОСФОРОБАКТЕРИН

Фосфоробактерин *Bacterium mesentericus* туркумига мансуб бактерия бўлиб, у тупроқ таркибидағи фосфор органик бирикмаларни минерал ҳолатига, яъни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилладиган формага ўтказиш ҳусусиятига эга.

Фосфоробактерин қуруқ ва суюқ ҳолатда тайёрланади. Қуруқ ҳолатдаги фосфоробактериндан 1 гектарига 250 г дан олинади. Олинган 250 г қуруқ порошок ҳолатдаги бактерини актив формага ўтказиш учун у 2,5—3 литр тоза илиқ сувга аралаштириб, яхшилаб чайқатилади ва 2—3 соат давомида хона ҳароратида, вақти-вақти билан чайқатилиб турилади. Шундан сўнг бир гектарга

мүлжалланган уураг экишдан олдин бактерии билан ишланади (аралаштирилади). Суюқ ҳолатдаги фосфоробактериндан пахта, картошка учун 1 гектарга экиладиган уурага 40 мл, бошқа тур уураглар учун эса 20 мл дан аралаштирилиб экилади.

## СИЛИКАБАКТЕРИН

Силикат бактеринлар тупроқ таркибидаги алюомосиликатларни калий ва кулга айлантириш қобилиятига эга. Бу жараён натижасыда ажралган калий ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади. Силикат бактерияларни ҳам бошқа бактериялар каби уурагларга аралаштириб құллаш мумкин.

## ГУМИН ҮФИТЛАР

Гүмин үфитлар мұхим органик үфитлардан бўлиб, бу хил үфитлар тошкүмир, тұқымачилик ва қофоз санаоти циқиндилари, күмирли сланецлар ва паст навли күмир кукунларидан олинади. Ҳозирги кунда торфаммиакли, күмир-гуминли, натрий гумоти, гумофос, нитрогумофос каби гуминли үфитлар ишлаб циқилмоқда. Булардан энг мұхим гумофос бўлиб, таркибида 5,5% азот, 13% фосфор ва 7,5% гуминли моддалар ва қисман темир, марганец ва мис ҳам мавжуд. Гумин үфитларни минерал үфитлар билан аралаштириб ишлатса самарадорлиги янада яхши бўлади. Гумин үфитлар пахта, маккажӯхори ва сабзавот экинлари учун жуда смарали бўлиб, үфитлаш нормаси экишдан олдин гектарига 400—500 кг, вегетация даврида 150—250 кг дан белгиланади.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ ЭКИНЛАРИНИ ҮФИТЛАШ МАШИНАЛАРИ

Мамлакат озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш қишлоқ хўжалигининг барча звеноларидан юксак унумдорликка эришишни талаб этади. Бунинг энг мұхим соҳаларидан бўлмиш сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва шунингдек, пахтачилик тармоқларининг ҳосилдорлигини ошириш ўша соҳаларнинг қай даражада механизациялаштиришга боғлиқдир. Мазкур тармоқлар, яъни сабзавотчилик, пахтачилик, боғ-

дорчилик ва узумчиликда меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий манбай, янги техника ва технологияни жорий этиш ва комплекс механизациялашдан иборатdir.

Ҳозирги кунда дехқонларнинг юмушлари қўйидаги техникалар ёрдамида осонлаштирилмоқда.

#### РТО-4—ОРГАНИК ЎФИТ СЕПАДИГАН АППАРАТ

РТО-4 аппаратидан боғдорчилик, сабзавотчилик ва пахтачилик далаларига органик ва органик-минерал ўфитларни аралашмаларини сепиш учун фойдаланилади. Бу аппарат Т-40М ва МТЗ-80Х маркали тракторлар ёрдамида ишлатилади. Иш унуми соатига 2,2—2,5 гектарни ташкил этади. Бир гектарга бир вақтнинг ўзида ўфит сепиш нормаси 10—45 тонна (65- жадвал).

65- жадвал

Қриношип шқаласининг бўлимлари	Гўнг сепиш нормаси, т/га					
	МТЗ трактори узатмалари					
	II	III	IV	V	VI	
1	15,6	8	6,6	5,4	4,6	
2	31,0	15,6	13,0	10,7	9,0	
3	47,0	23,6	19,7	16,0	13,7	
4	62,3	31,0	26,0	21,4	18,3	

#### 1-РГМ-4 МАРКАЛИ ЎФИТ СЕПГИЧ

Бу аппарат далага минерал ўфит сепишга мўлжалланган бўлиб, МТЗ-80Х маркали трактор ёрдамида ишлатилади. Унинг чивиқли транспортёри прицепнинг чап томонидаги юриш ғиддигари сиқувчи ролиги ёрдамида ҳаракатлантиради; икки дискли, марказдан қочирма усуlda ўфит сепадиган қурилмасини тракторнинг гидросистемасини таъминловчи гидравлик мотор айлантиради. Ўфит сепиш нормасини тўғрилаш учун до залаш заслонкасининг туртиш ҳолати, шунингдек, транспортёрнинг ҳаракат тезлиги тегишлича ўзгартирилади.

## РТТ- 4,2 ҮФИТ СЕЯЛҚАСИ

Бу сеялқа ерга шудгорлашдан олдин минерал үфитлар сепиши учун мұлжаллаиган бўлиб, шароитга қараб 0,9—1,4 ТК класс тракторларга қўшиб ишлатилади. РТТ- 4,2 үфит сепгичнинг тахминий үфит сепиши нормаси 66- жадвалда келтирилган.

РТТ- 4,2 нинг хақиқий үфит сепиши нормаси кейинги иккала филдиракни бирданига 10,6 марта айлантириш йўли билан аниқланади. Бу эса 0,01 гектарга үфит сепиши билан баробар.

Үфит сепадиган куракчалар билан тарелкалар оралиги (зозор) 1—3 мм бўлиши лозим.

66- жадвал

### Редукторнинг узатиш сонига кўра үфит сепиши нормаси, кг/га

Регулятор шқаласи- нинг бў- лимлари	Донадор суперфосфат				Кукунсизмон суперфосфат			
	редукторнинг узатиш сони							
	15,5	29	46,5	87	15,5	29	46,5	87
5	295	185	120	50	260	140	90	45
10	490	240	180	110	465	250	160	85
15	685	400	240	140	675	360	225	120
20	875	510	305	170	885	470	290	155
25	1270	620	365	205	1080	575	355	185
30	1070	730	425	235	1270	680	425	215

## ЧҚУ- 4 МАРҚАЛИ ЧИЗЕЛЬ-КУЛЬТИВАТОР ҮФИТЛАГИЧ

Кузда үфитланмай қолган, шўри ювилган ва яхоб берилган далаларда чигит экиш ёки тупроқни юмшатиш билан бир вақтда ЧҚУ- 4 аппарати ёрдамида ерга үфит ҳам солинади.

Юмшатувчи панжараларга бириктирилган маҳсус сошниклар ёрдамида минерал ва органик үфитлар 12—18 см кенгликда, тасма кўринишида, бир-биридан 40 см узоқликда сепилади. Үфитлагичнинг үфит сепиши нормасини қўйидагича ўзgartариш мумкин:

минерал үфитлар —300—600 кг/га;

органик-минерал үфитлар аралашмаси —400—1000 кг/га;

үфит солиш чуқурлиги —12—25 см.

## **КХМ-65 МАРКАЛИ ҮФИТЛАШ АППАРАТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШИ**

Бу аппарат экинларнинг усиб ривожланиш даврида органик үфитлар солишига мўлжалланган бўлиб, ҳамма турдаги пахта культиваторларига ва ЧКУ-4 чизелига ўрнатилади. Үфитлаш аппарати қўйидаги қисмлардан тузилган: қопқоқ, бункер, юқоридаги туширгич, конусли цилиндр, халқасимон шестерна, асос, туширгич, воронка.

КХМ-65 маркали үфитлаш аппарати үфитлагич фидиракларини икки поғонали занжирили узатма ёрдамида айлантиради. Агрегатни ишга туширишдан олдин үфитлаш аппаратлари белгиланган нормага мосланади. Минерал үфитлар, ерга солинишдан олдин, диаметри 5 мм ғалвирларда эланиши керак.

### **ПЭ-0,8Б ЮКЛАГИЧ ЭКСКАВАТОРИ**

Бу машина сомон, гўнг, силосни 2,5 метр чуқурликкача бўлган ўралардан олиш ва араваларга ортишга мўлжалланган. Айни экскаватор бир неча тур ишларни бажариш қобилиятига эга бўлиб, унда қўйидаги алмашинувчи ички органлар мавжуд. Улар

1. ҳажми  $0,44 \text{ м}^3$  чўмич,
  2. 230 см чуқурликда ўра қазий оладиган экскаватор кураги ( $0,8 \text{ т}$  юк кўтара олади, иш унуми соатига 80 тонна);
  3. Бульдозер ўрнатмаси;
  4. Пашаха илгаклар,
- МТЗ тракторига агрегатланган ҳолатда ишлатилади.

### **ПБ-35 ЮКЛАГИЧ БУЛЬДОЗЕРИ**

Торф, компаст гунг ёки бошқа турдаги маҳаллий үфитларни суреб тудалаш ёки тепасидан ошириб ортишга мўлжалланган. Сомонли гунг ёки пахта чиқитлари каби енгил маҳаллий үфитларни ортиш учун ковш ўрнига тишли илгаклар ўрнатилади. Бу аппаратни ДТ-75, МТЗ-80 Х, Т-28 ХУМ тракторларига ҳам ўрнатиш мумкин бўлиб, 1—2 тоннагача юкни 2—3 метр баландликкача кўтариб бера олади (юклайди).

### **Э-153А ЭКСКАВАТОРИ**

Бу аппарат «Белорусь» тракторига ўрнатилиб, 0,4 тонна юк кўтара олади, юклаш баландлиги 260 см, ковшиннинг ҳажми  $0,15 \text{ м}^3$ , иш унуми 20—25 тонна.

## **СПУ-40М ҮФИТ АРАЛАШТИРГИЧ-ЮКЛАГИЧ**

Бу аппарат маҳаллий ва минерал үфитларни түплашга, ортишга ва аралаштиришга мүлжалланган бўлиб, ДТ- 25 ва Т- 54 В тракторларга ўрнатилади, олдига бульдозер тақилади. Иш унуми соатига 40 тоннагача бўлиб, юкни 3,1 метр баландликгача орта олади.

## **СТШ-2,8 ҮФИТ СЕЯЛҚАСИ**

Сеялканинг экиш аппарати тарелкасимон бўлиб, ўфит ташлагичи айланувчан. Ўфит нормасини белгилаш учун ўфит қутиси деворларидағи дарчалар очиб созланади. Ишлана кенглиги 2,8 м. Иш унуми соатига 1,2 гектар, ўфит қутисининг ҳажми 30 м<sup>3</sup>.

## **СТН- 2,8 ҮФИТ СЕЯЛҚАСИ**

СТН- 2,8 ва СТШ- 2,8 сеялкаларининг ўфитлаш технологик жараёни бир хил бўлиб, сеялканинг иш унуми соатига 2,1 гектар.

## **РУ-4-10 ЎРНАТМА ҮФИТ СОЧГИЧИ**

Бу машина боғ қатор ораларининг устки қисмига ўфит сочишга мүлжалланган бўлиб, бу аппарат ёрдамида сидрат экинлар уруфини ҳам экиш мумкин. Боғда ишлатилганда, асосан, минерал үфитларни дараҳтлар тагига сочади (бунда қатор ораларига ўфит сочилмайди). Сидрат экинлари экиш ва донадор ўфит сепиш кенглиги 10—12 метр бўлиб, кукунсимон ўфитларни сепиш кенглиги 5,5—6 метр. Бу аппарат «Белорусь» ва Т- 54 В тракторларига ўрнатилади, иш унуми боғ орасида 4,64 га/соат.

## **РПТУ-2А ПРИЦЕП (ТИРҚАМА) ҮФИТ СОЧГИЧ**

Прицеп (тирқалма) ўфит сочгич бўлиб, торф, компост, гүнг ва оҳак ташиш ҳамда ер бетига сочишга мүлжалланган. Бу аппарат маҳсус арава (прицеп)га жойлашган бўлиб, мосламалари олиб ташлаб, араванинг орқасига борт ўрнатиб, ундан турли юкларни ўзи туширадиган арава (прицеп) сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу арава Т- 28×4, Т- 40 ва МТЗ- 80 тракторларига тақилади.

## РСШ-6 ЎФИТ СОЧГИЧИ

Гүнг, торф, компост ва минерал ўфитлар ҳамда турли хил аралашмаларни сочишга мұлжалланган бўлиб, бир соатда 0,4—1 гектарга 16—40 тонна ўфит сочиш қобилиятига эга.

### УОМ-50 УНИВЕРСАЛ МАШИНАСИ

Бу машина кўчатлар илдиз системасини юмшатиш ва қатор ораларини чуқур ўфитлашга мұлжалланган. Маҳаллий ўфитлар, чириган гўнглар ёки аралашмаларни, намлиги 45% гача бўлган минерал ўфитларни тупроқ остидан беришга асосланган. Машина боғ ва кўчатзорларга ўфит беришга мұлжалланган. Қум тупроқларда ишлатилганда, умумий босимни камайтириш учун машина фиддираги гупчаги кенгайтирилади, минерал ўфит солиш учун маҳсус қўшимча кичик сифимли бункер ўрнатилади. Иш жараёнида сошник (муки) ариқча ҳосил қилиш билан бирга, тупроқни 40—50 см чуқурликда юмшатади ва айни шу чуқурликка ўфит ҳам беради.

УОМ-50 универсал машинасининг техник характеристикалари:

Қатор оралари, м	2—2,5
Иш унуми соатига, га	0,6—0,8
Юмшатиш чуқурлиги, см	55 гача
Ўфит солиш чуқурлиги, см	30—50
Ўфит солиш нормаси:	
а) маҳаллий ўфит, тонна/га	15—90
б) минерал ўфит, ц/га	1—10
Бункернинг сифими, м <sup>3</sup>	
а) маҳаллий ўфит учун	0,9
б) минерал ўфит учун	2
Сошникни ўлчамлари, мм:	
а) бўйи	970
б) эни	160
Ўфит тушиш трубасининг эни, мм	145
Тракторлар билан агрегатланиши	Т- 74, ДТ- 75 М.
Иш тезлиги соатига, км	4—5
Оғирлиги, кг	1500

## КИР-1,5 РОТОРЛИ ҚОСИЛКАСИ

Оралиқ, сидрот әкинларни ўриб, майдалаб ташлаш үчүн мұлжалланған аппарат. Т-40 ва МТЗ-80 тракторлари билан тортилади. Иш кенглиги 1,5 метр, иш унуми 0,7—0,8 га соат. Тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатлантирилади.

### МАШИНАНИ ҮФИТ СЕПИШГА МОСЛАШ

Экинларни озиқлантиришда, қатор оралари 60 см бўлганда, КРХ-4 ва 90 см бўлганда, КРТ-4 ва КРХ-3,6 маркали культиватор озиқлантиргичлардан фойдаланиш мумкин. Үфит сепувчи аппаратларнинг үфитлаш нормаси қўйидагича созланади.

1. Үфит ўтказгичларнинг (трубалар) ҳаммаси аппаратдан узилади.

2. Аппаратнинг ҳар бир воронкасига кичик-кичик ҳалтачалар осилади.

3. Аппаратнинг үфит ўтказувчи тирқишлари бир хил катталиқда очилади.

4. Аппаратнинг тўртала бункерига минерал үфит солинади.

5. Тракторнинг чоп томонидаги етакчи ғилдирак дамкрат билан кўтариб қўйилади ва үфитлаш аппарати ишлатилади.

6. Ғилдиракнинг маълум бир жойига белги қўйиб, сербар шинали бўлса 11 марта, кабар шинали бўлса 11,5 марта айлантирилади, бу 50 метр масофага тенг демакликдир.

7. Ғилдирак 11—11,5 марта айлантирилгандан сўнг, тўхтатилиб, тўртала воронкада ҳалтачалар олинади ва ҳар бири алоҳида-алоҳида тарозида ўлчанади.

8. Ғилдиракнинг 11—11,5 марта айланиши, культиваторнинг қамраш кенглиги 2,4 м бўлганда, агрегат 50 масофани босиб ўтган бўлади ва 0,012 гектар ерни үфитлаган ҳисобланади. Масалан, бир гектарга белгиланган үфит нормаси 100 кг бўлса, ғилдираклар 11—11,5 марта айланганда ёки трактор 50 метр масофага борганда ҳар ҳалтачага 300 граммдан, тўртала ҳалтачага 1200 грамм үфит тушиши керак (67- жадвал). Агар ҳар бир воронкадан тушадиган минерал үфит миқдори белгиланган нормадан  $\pm 8\%$  фарқ қиласа, қониқарли ҳисобланади.

**Ғұза ҳамда чопиқ қилинадиган бөшқа әкінларни үғит солиш нормасында күра озиқлантириш учун үғитлайдын аппараттарни созлаш жадвали**

Минерал үғиттар солиши нормасы,- кг/га	Катор ораларига күра 25 мға сарф қилин. үрит			
	60 см		90 см	
	бір қатор- га, г	жами, кг	бір қатор- га, г	жами, кг
1	2	3	4	5
100	150	0,60	225	0,900
125	188	0,75	281	1,125
150	225	0,90	338	1,350
175	263	1,05	394	1,575
200	300	1,20	450	1,800
225	338	1,35	506	2,025
250	375	1,50	563	2,250
275	413	1,65	619	2,475
300*	450	1,80	675	2,700
325	488	1,95	731	2,925
350	525	2,10	788	3,150
375	563	2,25	844	3,375
400	600	240	900	3,600

Әслатма: Жадвал 25 метр учун ҳисобланған, 50 метр масофага ҳисоблаш учун иккиге күпайтириш керак.

### **ҮҒИТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАШИШ ВОСИТАЛАРИ**

Тупроққа солинадиган минерал ва органик үғитлар, бир жинсли, майда заррачали, лекин қуқун ҳолатида бұлмаган, құмоқлашиб қолмаган, донадор бұлмоғи лозим. Шу сабабли бу турдаги үғитларни құллашдан олдин тайёрлаш керак бұлади, яғни нам тортиб қотиб қолған үғитлар махсус үғит майдалагичлар ёрдамида майдаланади ва әланади.

Үғит омборларыда ишлатиладиган майдалагичларға 7 кВт құвваттаға зерттеуден көзіндеңдегі электр двигателлар үрнатылади.

ИСУ-4 соатига 6 тоннагача қотиб қолған үғитларни майдалай олади ва тешикчалари катталиги 1—5 мм бўлган элакдан ўтказилади. Үғитларни ерга солиши олдидан майдалаш лозим.

Үғит омбори үғитланадиган даладан 4—5 км гача узоқликда бўлса, майдаланған үғитга сепгичларга ортиб

келса бўлади. Минерал ўғитларни майдалаш ва сепишга тайёрлаш ишлари билан шугулланувчи шахслар техника хавфсизлиги маҳсус ўқув курси ва тиббиёт куригидан ўтган бўлишлари керак.

Маҳаллий ва минерал ўғитларни гўнгхона ҳамда ўғитхонадан экин далаларига келтиришда турли транспортлардан фойдаланилади. Масалан, бир ўқли 1 ПТС-2, 1 ПТС-9, икки ўқли 2 ПТС-4, 2 ПТС-6, 2 ПТС-4-793 ва уч ўқли 3 ПТС-12 трактор прицепларига ва шунингдек, ГАЗ-93 Б, ЗИЛ-555, ЗИЛ-130, ГАЗ-53 Б ўзи тўкар автомобиллардан фойдаланилади. Ўғитни ортиш ва ташишда узвийликни таъминлаш учун фойдаланилаётган транспортнинг унумдорлиги, юклагич ва майдалагичнинг унумдорлигидан юқори бўлмаслиги керак. Акс ҳолда транспортнинг бир маромда ишлашига путуретказади.

Маҳаллий ва минерал ўғит ортиладиган юклагичлар сони—К қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K = \frac{Y}{P}$$

У — бир кунда сарфланадиган ўғит миқдори (тошна), П — юклагичнинг бир сменадаги иш унуми (тонна).

Юклагич воситалари таинланганда, уларнинг иш унуми ўғит солгичнинг иш унумига мувофиқ келишини таъминланиши керак. Масалан: 2 тонна юк кўтараоладиган ўғитлагичлар ишлатилганда ПГ-0,5 Д типидаги юк ортувчидан фойдаланилади. 2 тоннадан ортик юк кўтарадиган ўғитлагичлардан фойдаланганда эса ПЭ-0,8, ПБ-35 каби юклагичлар ишлатилади.

Қанча транспорт Д кераклиги қўйидаги формула асосида аниқланади:

$$D = \frac{P_p}{P_t}$$

Пп — юкловчи техникаларнинг бир сменадаги иш унуми (тонна). Пт — битта транспортнинг сменадаги иш унуми (тонна).

## ПАХТАЧИЛИКДА МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ҮФИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўрта Осиё тупроқлари таркибидаги чиринди (гумус), озиқ моддалар миқдори кам бўлганлиги учун ҳам асосий тармоқ бўлган пахта ҳосилини оширишда минерал, органик ва микроўфитлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, пахта кўпгина экинларга нисбатан макро—, микро— ва маҳаллий үфитларга ўта талабчан ўсимликлардан бўлиб, қанча кўп ҳосил берса, шунча кўпроқ миқдорда минерал үфитларни тупроқдан олади. Масалан, 1 тонна пахта ҳосили ўзи билан, ўртacha 30,66 кг азот, 15—20 кг фосфор ва 45—66 кг гача калийни тупроқ қатламидан олиб чиқиб кетади. Иккинчидан, барча ўсимликлар сингари пахта ҳам тупроққа солинган азотли үфитнинг 30—60%, фосфор үфитларнинг 15—20% ва калийли үфитнинг 50—60% ини ўзлаштира олади (фойдалана олиш коэффициенти). Шу нуқтатай назардан қараганда бу турдаги минерал үфитларнинг ўсимлик томонидан талаб қилинадиган миқдорга нисбатан кўпроқ берилишини тақозо этади. Акс ҳолда, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва ўз навбатида ҳосилнинг кескин камайишига олиб келади.

Кудирин С. А. ўз тажрибаларида, тупроқдан пахта билан бирга чиқиб кетадиган озиқ элементларнинг, ҳосилнинг ўсимлик умумий маҳсулотлари массасига нисбатан фоизга боғлиқлиги аниқланган (68-жадвал).

68-жадвал

**Озиқ элементларнинг пахта ҳосили билан бирга чиқиб кетиши  
миқдори (1 т пахта ҳосили ҳисобига, ўсимликнинг умумий  
массасига нисбатан)**

Ўсимлик умумий маҳсулот массасига нисбатан пахта ҳосили, %	Бир тонна пахтага сарф этилган озиқ элемент, кг		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
57—48	28—38	10—13	28—33
47—42	32—46	12—15	32—43
42—35	43—61	15—17	43—53
33—26	59—61	17—20	55—58

Фосфорли, калийли ўғитларни уларнинг тупроқдаги ҳаракатчан заҳирасини ҳисобга олиб, агрохимкартограммалар асосида табақалаш йўли билан уларнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Минерал ўғитларнинг ўсимлик томонидан ўзлаштирилмай қолган қисми, (20—30%) масалан, азот аммиак ҳолатида ҳавога чиқиб кетади ва нитрат шаклида (сув ёки нам билан) тупроқнинг қуи қисмига сингади. Фосфор ва калийнинг ўсимлик томонидан ўзлаштирилмай қолган қисми эса, тупроқда тўпланиб қолади. Шунинг учун ҳам ўғит нормасини, ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган нормага нисбатан, анча кўпроқ режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда агрокимё муассасаси ходимларнинг хизмати катта бўлиб, хўжалик мутахассислари билан биргаликда, ўғитлардан юқори самарада фойдаланиш ва ўғит ҳисобидан янада кўпроқ ҳосил олишни таъминлашлари лозим.

Физиологик тадқиқотларга кўра, ғўза вегетация даврининг турли фазаларида озиқ моддаларини турлича қабул қиласди (69- жадвал).

69- жадвал

Ғўзанинг ўсув фазаларида органик модда тўплаши ва азот, фосфор, калийни ўзлаштириши, %

Пахтанинг минерал ўғитлар ва органик масса тўплаши	Ўнлб чиқкандан 2—3 чин баргҳосил бўлгунча	2—3 чин баргдан шоналагунча	Шоналашдан гуллакунча	Гуллакдан кўпак силила боргунча	Кўпак стила бөлголаган вегетация охирчача	Хаммаси
Умумий массага нисбатан органик модда тўпланиши,	0,16	4,94	23,8	65,04	6,12	100
Умумий миқдорга нисбатан ўзлаштирилган ўғит:						
азот	0,13	10,0	29,2	48,9	11,4	100
фосфор	0,20	8,6	18,9	53,5	18,8	100
калий	0,10	7,2	21,8	57,7	13,2	100

Жадвалга илова: агарда 1 гектар пахта майдони ҳисобига 125 ц қуруқ масса ва шу жумладан 50,0 ц/га ҳосил тўпланган бўлса, пахтанинг тупроқдан ўзлаштирган азоти 225 кг/га, фосфори 75 кг/га, калийи 250 мг/га га тенг бўлиб чиқади.

Жадвалга биноан, пахта ўсув даврининг дастлабки пайтларида жуда секин ўсиб ривожланади ва озиқ моддаларни ҳам айтарли даражада кўп талаб этмайди. Шиддатли ўсиб ривожланиш, қийгос шоналаш ва гуллаш даврида эса озиқ моддаларни ўзлаштириши кучаяди. Шунинг учун ҳам минерал ўғитларни пахтанинг озиқ моддаларга талаби кучая бошлагунга қадар даврда, ўсимликнинг илдизларига яқинроқ солиш керак. Пахта ниҳолларининг ёшлик даврида заифлигини ҳисобга олиб, ўсимлик талабига қараганда (чигит экишда ва 2—3 чин барг даврида) нормадан кўпроқ ўғитлаш лозим бўлади.

Ўсимликнинг бир тонна пахта ҳосил қилиш учун тупроқдан оладиган ўғити ва ўсув даврида ўсимлик томонидан ўзлаштириладиган минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий) миқдорларини 70-жадвалдан кўриш мумкин. Ўғитнинг самарадорлиги, асосан, тупроқ унумдорлигига, унинг агротехникаси ва шароитига боғлиқ. Масалан, минерал ўғитлар самараси, пахта эскидан экилиб келинаётган далаларга нисбатан, бедапоялардан бўшаган ерларга экилганда юқори бўлади. Бедадан бўшаган йили пахтага 100—150 кг/га азотли ўғит бериб, гектаридан ўртacha 8—10 ц ҳосил олинса, бедапоядан кейинги иккинчи йилда 150—200 кг/га азотли ўғит бериб, 18—20 ц гача қўшимча ҳосил олиш мумкин. Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги илмий текшириш институтларининг маълумотларига кўра, маданийлашган унумдор тупроқларда илфор фан ютуқларини қўллаб ва ҳар гектар ерга 300—350 кг азот, 230—250 кг фосфор ва 100—120 кг калийли ўғит бериб, 40—45 ц пахта ҳосили олиш мумкин. Бу кўрсаткич ўрта толали пахта навларига тааллуқли бўлиб, ингичка толали навлар учун эса, 1 т пахта ҳосил учун 20—25% кўпроқ озиқ модда сарфланади. Бунга сабаб ингичка толали нав пахталарнинг вегетация даври, ўрта толали навларға нисбатан 15—20 кунга кўп. Иккинчидан, уларда қуруқ | масса миқдори ҳам бироз кўпроқ (70-жадвал).

## ПАХТАНИ ЎҒИТЛАШ НОРМАСИ

Пахтачиликда, пахта учун талаб этиладиган йиллик ўғит нормалари пахтачилик илмий-тадқиқот муассасалари томонидан, турли иқлим шароити зоналарида жой-

Пахта вегетациясининг турли муддатларда ўзлаштириладиган азот, фосфор ва калий миқдори, кт

Пахтанинг ўсув фазалари бахорги	Пахта нахарни							
	108-Ф нави, 34 ц/га хосил олганда			Тошкент-1 нави, 36 ц/га хосил, олганда				
	645—В юнгичка толали нави, 34 ц/га хосил олдинганди							
Пахта томонидан турли фазаларда ўзмаштириладиган ўртаги								
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N		
3—4 чин барг даври	0,5—0,9	0,3—0,5	—	0,3—0,4	0,2—0,4	—		
Шлоналаш даври	28—36	10—14	—	29—34	9—12	—		
Кийкос гуллаш даври	71—78	16—19	—	76—82	19—24	—		
Пишшиш олдидан	154—160	54—58	—	163—172	61—68	—		
Бегегаддия охирида 1 т пахта хосили	188—197	66—71	222—231	207—216	72—80	230—242		
хисобида тупроқдан олдинган озиқ модда,	55,3—57,9	19,4— 20,9	65,3— 67,9	57,5— 60,0	20,0— 22,2	63,9— 67,1		
кт	65,8— 67,1	23,8— 26,2	65,8— 67,1	23,8— 26,2	76,3— 73,6	76,3— 73,6		

лашган далаларда олиб борилган тажриба натижалари асосида белгиланади.

Бунда пахтани ўғитлаш нормаси шундай белгиланиши керакки, у пахта ҳосилини ошириш имконини берсин. Иккинчидан, пахтани ўғитлаш билан боғлиқ бўлган харожатни, олинган қўшимча ҳосил тўла қопласин. Пахтачилик илмий текшириш муассасаларининг қатор тажрибалари асосида, пахтага бериладиган минерал ўғитларнинг мақбул нормалари турли иқлим зона шароитларида тупроқлар учун ўрганилди ва шу асосида бир гектар пахта майдони учун талаб этиладиган азот, фосфор ва калий миқдори белгиланди. Масалан, тақир ва ўтлоқи-тақир тупроқларга экилган пахтадан, ўртacha 35—40 центнер ҳосил олиш учун 285—330 кг азот, 200—235 кг фосфор ва 85—100 кг калий сарфлаш керак бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, ҳамма майдонлар учун худди шу нормани мезон қилиб олиш мумкин эмас. Юқорида айтилганидек, 1 т пахта ҳосил қилиш учун, бир хил шароит ва тупроқда, 50 кг дан 70 кг гача азотли ўғит талаб этилади. Бир гектар пахта майдонидан олинадиган ўртacha ҳосил учун минерал ўғитларнинг тахминий йиллик мақбул нормасини қўйидаги 71-жадвалдан кўриш мумкин.

#### 71- жадвал

**Бир гектар пахта майдонига солинадиган минерал ўғитларнинг тахминий ўртacha йиллик нормаси, кг**

Гектаридан планлаштирилган пахта ҳосили, т	Ўрта толали нав учун, кг			Ингичка толали нав учун, кг		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
20	140	100	55	175	125	70
25	175	120	70	220	150	90
30	210	145	85	260	180	105
35	260	170	100	325	210	125
40	300	195	115	375	240	140
45	340	220	130	425	275	160
50	375	245	145	470	305	180
55	410	270	160	510	335	200
60	450	295	175	560	365	215

Жадвалдаги азот нормаси 1 т пахта ҳосили ҳисобига гектаридан 35 т ҳосил олиш учун 70 кг, 35 т ҳосил олиш учун эса 75 кг азот сарфлаш ҳисобидан планлаш-

тирилган. Азотнинг йиллик нормаси, тупроқ ва унинг унумдорлигига қараб, С. П. Сучков томонидан асосланган коэффициентга асосан табақаланади. Фосфор ва калийли ўғитлар нормаси эса, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор (16—30 мг/кг) ва алмашинувчи калий (101—200 мг/кг) миқдорига қараб белгиланади. Фосфор ва калийли ўғитларнинг бу нормаси, серунум тупроқларда 10% га камайтирилади, кам унум тупроқлар учун эса 10% га кўпайтирилади (72-жадвал).

#### 72- жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг сугориладиган ерларида азотли ўғитлардан табақалашган ҳолда фойдаланишининг тахминий коэффициентлари

Ярим сахро зонасининг сугориладиган ерларида		Сахро зонасининг сугориладиган ерларида	
Типик бўз тупроқларда	Ф-коэф.	Оч бўз тупроқларда	Ф-коэф.
Типик бўз ва ўтлоқ-бўз тупроқларда	1,0	Оч бўз ва ўтлоқ бўз тупроқларда	1,1
Ўтлоқ тупроқларда	0,8	Ўтлоқ тупроқларда	0,9
Ботқоқ-ўтлоқ тупроқларда	0,7	Кам ва ўрта шур ва сурекасига тузи ювиладиган ерларда	1,1
Камқувват, сув ўтказиш қобилияти кучли ерларда	1,2	Камқувват, кучли ва ўртака сув ўтказиш хусусиятига эга бўлган ерларда	1,3
		Тақир, ўтлоқ-тақир, ўртача шур босган ва тузи ювиладиган ерларда	1,2
		Ўтлоқ, ўртача шур босган ва тузи ювиладиган ерларда	1,0
		Ўтлоқ, ўртача ва кам шур босган, сурекасига тузи ювиладиган ерларда	1,2
		Камқувват, қумли срларда	

Минерал ўғитлар учун ишлаб чиқилган нормалар ўта такомил бўлмаса ҳам (40 га яқин ҳисоблаш усуллари мавжуд), аммо шу нарса муҳимки, пахтага сарфланган ҳар бир кг соф азотдан 12—15 кг пахта ҳосили олинишни таъминлаш талаб этилади. Жадвалда келтирилган азотли ўғитиинг йиллик нормаси, эскидан экилиб келинаётган пахта майдонлари учун ишлаб чиқил-

**Алмашлаб экиш далаларидан турли хил агротехник фонлардан  
кейин экилган пахтага азотли ўғитни табақалаш  
коэффициенти**

Агрофон	Хисоблаш коэффициенти
Маккажұхоридан бұшаган ерга пахта экилганды	1,2
Бедапоядан кейин биринчи йил пахта экилганды	0,6
Бедапоядан кейин иккінчи йил пахта экилганды	0,8
Бедапоядан кейин учинчи йил пахта экилганды	1,0

ган бўлиб, бедапоядан бўшаган ва ундан сўнгги йиллар давомида экиладиган ерлар учун азотнинг нормаси биринчи йилда 100—150 ва иккінчи йилда эса 150—200 кг/га ни ташкил этмоғи лозим.

Фосфор ва калийли ўғитнинг 74, 75-жадвалларда келтирилган йиллик нормалари пахтанинг талабига нисбатан кўпроқ қилиб белгиланган. Бунда ўғитларнинг пахта томонидан ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинган. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тупроқларида калий миқдори етарли деб ҳисбланиб, пахта далаларига калийли ўғитлар планлаштирилганидан кам нормада солинмоқда. Бу эса, ўз навбатида пахта ҳосилининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда ва пахтачиликда турли касалликлар-

**Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги ҳаракатчан фосфор  
миқдори ва пахта учун тавсия қилинадиган фосфорнинг  
йиллик нормаси**

Тупроқдаги ҳа- ракатчан фосфор миқдори бўйича таъминланганик- даражаси	Тупроқдаги фосфор миқ- дори, мг/кг	Хисоблаш коэффи- циенти	Фосфор нормаси, кг/га	
			ҳосил 25—30 ц/га бўлганда	ҳосил 35—40 ц/га бўлганда
жуда кам	15	125	195	225
кам	16—30	100	155	180
ўртча	31—45	75	115	135
кўпроқ	46—60	50	80	90
жуда кўп	60 дан ортиқ	25	40	45

**Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги алмашинувчи  
калий миқдори ва пахта учун тавсия этиладиган  
калийнинг йиллик нормаси**

Тупроқнинг калий билан таъминланганилик дараси	Тупроқдаги алмашинувчи калий миқдори, мг/кг	Калий нормасига, кг/га	
		ҳосял 25—30 ц/га	ҳосил 35—40 ц/га
жуда күп кам	100 дан кам	100	120
	101—200	80	100
ўртача	201—300	60	80
жуда кам	301—400	40	60
кўпроқ	400 дан ортиқ		

нинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Калийли ўғитларнинг йиллик нормасини тўла қўлламаслик натижасида, бир қатор районларда биринчи теримда иккинчи нав толали пахта бериш ҳоллари қузатилмоқда.

### **ПАХТАНИ ЎҒИТЛАШ МУДДАТЛАРИ**

Пахтани ўз вақтида ўғитлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у тупроқ иқлим шароити, фўзанинг нави, биологик хусусиятларига қараб, бироз эртароқ ёки кечроқ, кўпроқ ёки камроқ нормада ўғитланади. Умуман, дала экийларини иккига, яъни ўсув даврида «қисқа ва узоқ» муддат озиқланадиган группага бўлиш мумкин. Пахта узоқ муддат озиқланадиган экин ҳисобланади. Чунки у чигитдан униб чиққандан тортиб, то ўсув даврининг охиригача тупроқдан озиқ моддаларни олади. Кузги совуқ ўргангандан кейин ёки дефолиация ва десикация қилингандан сўнг пахтанинг ўсув даври тугайди.

Пахта ўсиб ривожланиши даврида, сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласидиган бир неча этапларни босиб ўтади. Бу эса, ўз навбатида, унинг озиқланиси, яъни фўзанинг минерал ўғитга бўлган талабига ҳам таъсир этади. Пахтанинг ўсиб ривожланиш даври қўйидаги этапларни ўз ичига олади:

1. Чигитдан униб чиқиш;
2. Шоналаш;
3. Гуллаш;
4. Кўсак туғиши;
5. Нишиш.

### II. Оч тусли бўз тупроқларда:

а	Бўз ва бўз ўтлоқи	235—270	165—190	100—120
б	Оч тусли ўтлоқи	220—270	175—215	100—120
в	Тўқ тусли ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ	195—215	160—175	100—110
г	Остида тош-шагал қатлами бўлган тупроқ	290—320	220—225	145—160

### III. Типик бўз тупроқларда:

а	Бўз ва бўз ўтлоқи	220—260	155—180	65—80
б	Оч тусли ўтлоқи	170—245	170—200	80
в	Тўқ тусли ўтлоқи ботқоқ	200—235	175—200	60—70
г	Остида тош-шагал қатлами бўлган тупроқ	290—315	205—220	90—110

### IV. Тўқ тусли бўз тупроқларда:

а	Тўқ тусли ва жи- гарранг	215—250	165—185	100—120
б	Тўқ тусли ўтлоқи — ботқоқ	190—225	170—200	185—190
в	Остида тош-шагал қатлами бўлган тупроқ	290—320	200—225	125—130

Минерал ўғитларнинг пахтанинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилига кўрсатадиган таъсирига кўра ўсимлик ҳаётини олтида даврга бўлиб ўрганишни тақозо этади.

Биринчи давр — пахтанинг чигитдан униб чиқишидан тортиб, биринчи чин барг пайдо бўлгунгача вақтни ўзи чига олиб, бу даврда пахта фосфорни кўп талаб этади. Азотга бўлган эҳтиёжи биринчи чин тарг пайдо бўлган вақтдан бошлаб кучаяди.

Иккинчи давр — пахтада ҳақиқий чин барг пайдо бўлгандан бошлаб, биринчи шона пайдо бўлгунга қадар вақтни ўз ичига олади. Бу даврга келиб ўсимликнинг азот ва фосфорли ўғитларга бўлган талаби, миқдор жиҳатидан анча ортади.

Учинчи давр — пахтада биринчи шона пайдо бўлганидан, то биринчи гул пайдо бўлгунгача вақтни ўз ичига олиб, бу даврда ғўзада азот ва калий ўғитига бўлган талаб анча кучаяди. Шу сабабли, шудгор остидан берилмай қолган 30—35% калий ўғити бу даврда азот билан аралаштирилиб берилади. Берилган азотли ўғит ҳосилинг эрта етилишини таъминласа, калий ҳосилнинг си-

фатини яхшилайди ва бир қатор касалликларнинг олдини олади.

Тўртинчи давр — пахтанинг қийғос гуллаб, кўсак туғиши даври бўлиб, тупроқдан озиқ моддаларни ўзлаштириш азот ва фосфорли ўғитларга нисбатан кучаяди, калийга муҳтожлик сезмайди. Бу давр кўсакларнинг пиша бошлиши вақтига тўғри келади. Ўзанинг гуллаш ва кўсак туғиши даврига планлаштирилган ўғитлар, дастлабки 10—12 гул очилган пайтдан кечиктирилмай берилиши лозим. Акс ҳолда, яъни бундан кеч ўғитлаш, биринчидан, ҳосилнинг кеч етилишига сабаб бўлса, иккинчидан, тола сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

Бешинчи давр — бу давр пахтанинг қийғос гуллаб, кўсаклашдан бошлаб, биринчи кўсак очилгунгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврда ўзани ўғитлаш тавсия этилмайди. Акс ҳолда иккиласми чишиб бошланниб, янги шохлар ва кўсаклар пайдо бўлади. Пайдо бўлган кўсаклар иссиқликнинг етишмаслиги сабабли пишмай қолади. Чунки августнинг охири сентябрнинг бошларида шаклланган кўсакларнинг етилиши учун камидаги 75—80 кун керак бўлади. Шунинг учун ўзани бешинчи даврда ўғитлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Олтинчи давр — бу давр биринчи кўсак очилгандан, ўсув даврининг сўнги кунигача давом этади ҳамда ўзаш минерал ўғитларни яна жадал ўзлаштира бошлайди. Бу даврга келиб ўзаш шохларида азот ва қисман фосфорнинг миқдори кўпаяди. Баён этилганларга асосланиб хуолоса қилиш мумкинки, пахтани ердан униб чиққан кундан бошлаб, гуллаш давригача минерал ўғитлар билан ўғитлаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, яъни пахта гуллагандан сўнги берилган ўғит, ҳосилнинг пишиб етилиши ва ҳосил сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Фосфорли ўғитлар азотли ўғитларга нисбатан анча барқарор бўлиб, Ўрта Осиёнинг карбонатли тупроқларида, тупроқнинг қайси қатламига тушган бўлса, ўша жойнинг ўзида қолади ва сув билан деярли ҳаракатланмайди. Шу сабабли ҳам фосфорли ўғитларнинг 65—70% ни, агарда тупроқ фосфор билан «ўртача» (31—45) ёки «кўпроқ» (46—60 кг/мг) таъминланганда бўлак фосфорнинг йиллик нормаси камроқ планлаштирилиш ва унинг ҳаммасини шудгор остидан бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан, тақир-ўтлоқ тупроқли шароитда, Термиз — 7 навли ингичка толали пахтага (тупроқнинг фосфор билан таъминланганлиги 20 мг/кг), тўрт йил давомида 100

фосфорли ва калийли ўғитлар шудгор остидан берилганды, ҳар гектардан ўртача 42,4—47,6 центнердан ҳосил олинган. Ўғит берилмаган варианларда эса, бу күрсаткич 25,8—33,8 центнерни ташкил этган.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўсув даврининг бошларида пахта фосфорга анча талабчан бўлади. Шу сабабли чигит экиш билан бир вақтда фосфорли ўғитни гектарига 25—30 кг хисобида, азотли билан аralаштирилиб бериш ҳам ижобий натижага беради. (79- жадвал).

#### 79- жадвал

**Чигит экиш билан бир пайтда солиига фосфорли ўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири**

Тупроқлар тури	Ўтказилган тажрибалар сони	Пахта ҳосили, ц/га		Ўғит ҳисобидан кўшимча олинган ҳосил
		ўғитсиз (контроль)	30 кг/га фосфор берилганда	
Бўз — ўтлоқ тупроқларда	8	40,5	43,0	+2,5
Ўтлоқ ва ўтлоқ — ботқоқ тупроқларда	16	36,1	39,2	+3,1
Шўрланган ўтлоқ тупроқда	11	24,1	27,0	+2,3
Оч ва типик буз тупроқда	42	37,4	40,8	+3,4
Оч тусли каштан тупроқларда	16	36,9	39,4	+2,5
ўртача	93	35,1	37,9	+2,8

Пахтани азотли ўғитлар билан кеч, яъни августда, ўғитлаш ҳосилга салбий таъсир этиб, ўсув органларини яхши ривожланишига ва натижада қуруқ массанинг кўпайишига сабаб бўлади. Шу сабабдан ҳам ўрта толали пахталарни 1—5 июлгача, ингичка толали пахталарни эса кечи билан 5—10 июлга қадар ўғитлаш лозим (80- жадвал).

Бир қатор илмий тажрибалардан маълум бўлдики, пахтани ўғитлаш июнь ва июль ойларида ўтказилганда, ҳосилдорлик умумий қуруқ массанинг 46—80% ни, июль ва август ойларида ўтказилганда эса 29—30% ни ташкил қиласди. Пахтани июнь ойида бир марта озиқлантирганда ҳосилдорлик умумий қуруқ массанинг 35% ни, август ойида бир марта озиқлантирилганда эса 20% ни ташкил этган.

**Азотли ўфит солиши муддатининг пахта ҳосилига таъсири**

Азот миқдори, кг/га	Утлоқ тупроқларда (Тошкент обл.)	Типик бўз тупроқ	Оч тусли бўз тупроқларда (Андижон обл.)	Утлоқ тупроқларда (Чорхуй обл.)
шоналаш даврида (июнь)	гуллаш даврида (июль)	кўсаклаш даврида (август)		
0	0	0	30,8	29,0
50	0	0	35,4	35,0
50	0	50	27,6	29,6
50	50	0	34,4	40,6
50	0	50	23,9	38,2

Шўрланмаган, кучсиз ёки ўртача даражада шўрланган ерларга калийнинг йиллик нормаси гектарига 50 кг дан ортиқ қилиб планлаштирилган бўлса, унда шу норманинг 50—60% ни шудгор остидан, қолган қисмини эса пахтанинг шоналаш даврида, азотли ўфит билан аралаштирилиб бориш лозим.

Сўнгги йилларда ўтказилган бир қатор тажрибалар шуни кўрсатдики, калийли ўфитлар йиллик нормасининг ҳаммаси шудгор остидан берилганда ҳам пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олинади. Масалан, тақир-утлоқ тупроқли шароитда, бедадан сўнг тўрт йил давомида гектарига 125 кг дан режалаштирилган калийли ўфитнинг 100% и шудгор остидан берилганда, контролга нисбатан тўрт йил давомида ўртача 2,6 центиердан қўшимча пахта ҳосили олинган.

### ПАХТАНИ ЎФИТЛАШ ТЕХНИКАСИ

Экинларни ўфитлаш техникаси ва усули минерал ўфитларнинг характеристидан келиб чиқади. Масалан, азотли ўфитлар таркибидағи нитратлар сувда ўта эрувчан бўлиб, сув билан тупроқнинг қуий қатламига ювилиб кетиш билан биргаликда, биологик процесслар таъсиридан ҳам исроф бўлади. Масалан, тупроқдаги денитрификация жараёни натижасида, оксидланган азот молекулар ҳолатга ўтиб ҳавога учиб кетади. Ҳавоси иссиқ ойларда нитратлар тупроқнинг қуруқ қатламига тўпланди. Бундай ҳолатдаги ўфитдан ўсимлик фойдалана олмайди.

Фосфорли ўфитлар карбонатли тупроқлар билан кимёвий боғланиши натижасида, ди- ва полифосфат бирик-

малар ҳосил қиласы. Шу сабабли улар ҳам тупроқда түшгән жойда қолиб, деярли ҳаракатланмайды.

Калийлы үфитлар сувда эриши ва ҳаракатчанлиги жиҳатидан азотлы үфитлар билан фосфорлы үфитлар орасыдан жой олади. У тупроққа сурисиб, комплекс түзлар ҳосил қиласы ва калий бу комплексларнинг алмашинувчи катионлари жумласига кириб, анионлар билан мустаҳкам боғланмаган калий тупроқдаги бошқа катионлар томонидан сиқиб чиқарилиб, тупроқ әритмасига ўтади ва ўсимликлар ҳамда микрофлоралар томонидан осон ўзластирилади. Қолган қисми тупроққа сингади ва ер ости сувлар яқин бўлган жойларда сизот сувга қўшилиб кетади.

Үфитларнинг бу хил хусусиятлари, тупроқдаги ҳаракати, уларга нисбатан ўсимликнинг талаби, илдизларнинг ўзластириш имкониятлари, хуллас буларнинг барчаси, үфит солиш муддати ва техникасини белгилашда ҳисобга олинниши лозим.

**Үфитни шудгор остидан солиш.** Бу тадбирни амалга ошириш учун фосфорли ва калийлы үфитлар далага бир текис сепилиб, шундан сўнг ағдарма плуг ёрдамида шудгор остига туширилади. Үфитларни қўш яруслар ёрдамида, мўлжалланган (0—15, 15—30 ёки 0—20, 20—40 см) чуқурликка тушириш мумкин. Минерал үфитлар РТТ—4,2 үфитлагич ёки катта майдонларда СП—15 маркали аппаратлар ёрдамида сепилади.

**Экиш олдидан үфитлаш.** Ерни фосфорли ва калийлы үфитлар билан кузги шудгор остидан үфитлаш имкони бўлмагандан ва сувлаб экилмайдиган шўри ювилган далаларга, азотли үфитлар экишдан олдин 25—30 кг/га ҳисобида чизелга ўрнатилган үфитлагич ЧҚУ—4 ёки НҚУ—2,4 культиватор-үфитлагич аппаратлари ёрдамида тупроққа солинади. Бу агрегатлар бўлмагандан, үфит олдин ер бетига сепилиб, кейин дискали бороналар ёрдамида тупроқнинг 12—15, 15—20 см чуқурлигига кўмилади. Экишдан олдин сувланадиган далаларда бу усулдан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ эмас. Чунки азотли үфитлар сув билан тупроқнинг қуий қатламига ювилади ва оқова сув билан даладан ташқарига чиқиб кетади.

**Чигит экиш билан бир пайтда үфитлаш.** Бу даврда үфитлаш, ердан энди униб чиқсан мурғак ниҳолни озуқа билан таъминлаш мақсадида 20—30 кг/га фосфорга

10—15 кг/га азотли ўғит аралаштириб солинса ижобий натика беради. Чунки бу даврда биринчидан ёш ниҳол фосфорга ва азотга талабчан бўлади, иккинчидан, озиқлантирилган далалардаги ниҳоллар тез ва соғлом ривожланади, учинчидан, ҳосилнинг тез етилишини таъминлайди. Бу пайтда тупроқقا бериладиган ўғитлар 10—12 см чуқурликка, чигит тушған чизиқдан 5—7 см ён томонга махсус жиҳозланган ўғит сепгичлар ёрдамида солинади.

**Пахта озиқлантириш техникаси.** Пахтани ўсиб ривожланиш даврида ўғитлашдан мақсад, уни етарли миқдорда озиқ моддалари билан таъминлашдан иборат. Бу пайтда ўсимлик ундан етарлича миқдорда баҳраманд бўла олади. Ўсимлик ўсиб ривожланишининг дастлабки пайларида, унинг илдиз системаси яхши ривожланмаган бўлади ва шу сабабли бу даврда ўғитни ёш ниҳолга яқин масофада бериш мақсадга мувофиқдир.

Тажрибалар хулосаларига асосан, нитратлар тупроқда юқоридан пастга қараб яхши ҳаракатланади, ён томонга эса секин ҳаракатланади. Шунинг учун пахтани ўғитлашда 3—4 чин барг даврида 12—15 см чуқурликда, 8—10 см ёндан, шоналаш даврида 15—18 см, ёппасига шоналаганда 20—22 см ён томондан, гуллаш даврида пахтанинг илдиз системаси яхши ривожланганлиги туфайли, ўғит 60 см ли қатор ораларида, эгат ўртасидан, 90 см ли қатор ораларда эса, гўза қаторларидан 30 см ён томондан солинади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, минерал ўғитлар ўсимликнинг ёнидан солганда пахтадан ҳар гектаридан 39,7 ц, ўғит эгат ўртасидан берилганда эса 37,5 ц/га ҳосил олинган.

## БЕДАНИ ҮФИТЛАШ

Беда энг қадимий экинлардан бўлиб, кўп йиллик дуккакли ўт ўсимлигидир (Хоразмда эрамизда 1000 йил олдин ҳам ўстирилган). Ватани Осиё. Беда-пахта-беда алмашлаб экишда ҳамда чорванинг энг қимматли озуқаси сифатида экилади. Тўйимлилиги жиҳатидан унинг бир килограмми 0,47 озуқа бирлигига тенг бўлиб, хашагида 15,1 % оқсил бор. Беданинг қуруқ пичани ва қўкаташида бошқа ўтларга нисбатан фосфор ва кальций моддаси салмоқли бўлиб, А<sub>1</sub>, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, Д витаминларига анча бой. Дуккаклик ўсимлик сифатида тупроқ таркибидаги азот миқдорини оширади, яъни бир жойда икки-уч йил тўғсанда ярим метрлик тупроқ қатламда гектарига 500—600 кг азот тўплайди. Бу ўсимлик кучли илдиз системасига эга бўлиб, ўзидан сўнг айни тупроқни чиринди (гумус) билан бойитади, яъни бедадан кейин бир гектарга ўртача 10—14 тонна илдиз қолади.

Беда Республикамизнинг ҳамма районларида экилади. Шимолий районларда 4—5 марта, жанубий районларда 6—7 марта гача беда ўрими ўтказиш мумкин. Беда, алмашлаб экиш системасига биноан, 25—33,4 % ёки суғориладиган ерларда 18—20 % майдонни эгаллаши керак. Сизот сувлари яқин ҳамда шўрланган тупроқларга беда экиш уччалик яхши натижা бермайди. Бундай тупроқларга сизот сувлари 0,5—1,0 метрдан пастга тушгандан сўнг ёки юқори қатламдаги тузлари ювилгандан кейингина беда экиш мумкин. Беда экишда биринчи, иккинчи класс уруғлардан фойдаланилади, беда пичани олиш учун экиладиган далаларга эса учинчи класс уруғ сепиш мумкин. ГОСТ га асосан, 1 класс уруғларнинг ўнувчанлиги лаборатория шароитида 90 %, тозалиги 98 %, ва 1 кг да 500 донагача бегона уруғлар бўлганда талаб даражасида бўлади. Иккинчи класс уруғлар шунга мувофиқ 85—96 % ва 2500 дона; учинчи класс эса 70, 90 % ҳамда 5000 донани ташкил этиши лозим.

Экиш олдидан ҳар центнер уруғ 150—200 граммдан гранозон ва меркурон ёки 300—400 г ТМТД билан дориланади.

1 м<sup>2</sup>да 150—200 туп озуқабоп беда күчати бўлганда сусиятга эга бўлиб, ўз таъсирини сўнгги йилларда ҳам уруғлардан 14 кг/га ёзги ва кузги муддатларда экилганда эса 20 кг/га дан сарфланади. Беда дуккакли экинлардан бўлгани учун, ҳвао азотидан яхши фойдалана олади, шу сабабли ҳам азотли ўғитларга нисбатан унчалик муҳтож эмас. Лекин фосфорли ва калийли ўғитларга эса талабчан. Масалан, фосфорли ўғит беданинг хашак ҳосилини 30 ц дан 84 центнергача ёки 28—35% дан 80% гача кўпайтиради. Фосфорли ўғитлар барқарор хусусиятга эга бўлиб, ўзтаъсирини сўнгги йилларда ҳам сақлай олади. Калийли ўғитларнинг таъсири фосфорникидан кам бўлсада, ҳар иккаласини бирга қўшиб фойдаланилса ҳосилдорлик янада салмоқли бўлади. Беда учун фосфорли ўғитлардан оддий ва қўшсуперфосфат, калийли ўғитлардан эса, хлорсиз калийли ўғитлар яхши натижа бериши исботланган. Беда тупроқдаги мураккаб ҳолатдаги фосфорларни олиш қобилиятига эга бўлганилиги учун ҳам пахтадан кейин экилганда ғўза илдизи олаолмаган озуқани осонгина олаолади. Чунки пахта экилган далаларда ҳар йили 150, 180—210 кг/га дан фосфорли ўғитлар берилади. Бинобарин, бундай ҳолатларда агрокимёхаритаграммалар маълумотларига асосланиб фосфорли ўғитлар планлаштирилади.

Беда экилиши планлаштирилган далаларда фосфорли ва калийли ўғитлар кузги шудгор олдидан ёки шўри ювиладиган далаларда эса шўри ювилгандан кейин, экиш олдидан ўғитсепгичлар ёрдамида тупроқнинг 15—20 см чуқурлигига солинади. Беда экиладиган (бедапояларни) далаларни ўғитлашда агрокимёхаритаграммаларига қатъий амал қилинмоғи керак. Масалан, тупроқ таркибида ҳаракатчан фосфорни (30 мг/га гача) ва алмашинувчи калийнинг (200 мг/га гача) миқдори кам бўлганда, гектарига 250 кг фосфор, 100 кг калий ўғити (соф модда ҳисобида) солинади. Ёки гектарига фосфор ва калий миқдори ( $P_2O_5$ —31÷45, 46 дан 60 кг гача,  $K_2O$ —201÷300, 301 дан 400 гача) мг/кг бўлганда уларнинг йиллик нормаси  $P_2O_5$ —120÷150;  $K_2O$ —50÷60 кг/га гача камайтирилади. Шунингдек, 1 кг тупроқда ҳаракатчан фосфорнинг миқдори 60 мг дан, алмашинувчи калийнинг миқдори 400 мг дан ортиқ бўлганда ҳам иккала ўғит ҳам бу ўғитларнинг тупроқдаги миқдори нормага келгунча солинмайди.

Эски бедапояларда, ҳар йили эрта баҳорда беда ўса

бошлагунча (агрокимё харитаграммасига кўра талаб этилса) бедани устидан, гектарига 100 кг дан  $P_2O_5$  ва 60—90 кг калий сепилиб, сўнг тишли ёки дискали бороналар ёрдамида кўмиб кетилади. Эрта баҳорги ўғитлаш пайтида, ўғитлаш билан биргаликда, бедапоялар ҳашаротларга қарши дориланди. Унутмаслик керакки, беда жуда кучсиз ерларга экилганда, ҳар гектарига 60—80 кг дан соф азот ҳисобида ўғитланади ёки беда арпа, сули, маккажӯхори билан аралаштириб экилганда, азотнинг йиллик нормаси гектарига 150—200 кг гача етказилиб, йиллик норманинг 50% экиш олдидан, қолган қисми эса маккажӯхорининг бўйи 80—90 см га етгунга қадар берилади.

Беда экишдан олдин эрта кўкламда гектар ерга 30—40 тоннадан гўнг солинса, эски бедапояларга ҳам эрта баҳорда (гўнг етарли бўлган чорвадор районларда), гектарига 10—15 тоннадан гўнг ёки компост солинса натижа ижобий бўлади.

Қуруқ беда (беда пичани) таркибида ўртача 2,75 азот, 0,50 фосфор ва 1,60% калий бўлиб, бунда 100 ц қуруқ беда ҳисобига 275 кг азот, 50 кг фосфор ва 160 кг калий тўғри келади. Ҳосил 2—3 марта ошганда эса, қуруқ беда ҳисобида шунча кўп озиқ моддалар тупроқдан чиқиб кетади. Беда илдизида ўртача 1,80% азот, 0,70% фосфор ва 0,80% калий бўлганда ва гектаридан 50 ц илдиз ҳосили олинди, деб фараз қилинса, унда беда пичанида биологик ўзлаштирилган озиқ моддалар ўртача бир гектарга 90 кг азот, 35 кг фосфор ва 40 кг калий миқдорига тенг бўлиб чиқади. Беда билан чиқиб кетган азот ўрни эса, илдиздаги азот тўпловчи азотобактеринлар ёрдамида тикланади (уч йиллик бедапоянинг ҳар гектарида ўртача 500—600 кг азот тўпланиши мумкин (Исаев маълумоти). Фосфор ва калийга бўлган талаби эса, тупроққа қўшимча РК бериш ҳисобидан тикланади. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тупроқлари таркибида (кўп ҳолларда) фосфорга нисбатан калийнинг миқдори анча кўп, шу сабабли ҳам деярли барча ўсимликлар калийни кўп ўзлаштирасада, калий фосфорга нисбатан кам солинади.

Беданинг азот тўплаш қобилияти ёшлик даврида анча суст бўлиб, илдизи заиф бўлганлиги туфайли азотобактерин, нитрогин билан яхши таъминламайди. Шунинг учун бу даврда беда ҳар ўримдан кейин 20—30 кг/га ҳисобида азотли ўғит билан (биринчи-иккинчи ўримларда)

Физиклантирилса натижай ижобий бўлади, яъни беда пичани ҳосили 5—12% гача ортади. Беда пичанинг фосфор ва калийли ўғитларга бўлган муносабатини 81- жадвалдан кўриш мумкин.

81- жадвал

**Фосфорли ва калийли ўғитларнинг бир йиллик беда пичани  
ҳосилига таъсири, ц/га  
(Голодовский Л. И. ва Голодовский Л. Л. маълумотлари)**

Тупроқ тури	Таж- рибаль- ар сони	Ўғит- ланма- ган участ- кадан олин- ган ҳосил	Кўшимча-флинган ҳосил				
			60 кг/га $P_2O_5$	60 кг/га $K_2O$	60 кг/га $P_2O_5$ ва $K_2O$	90 кг/га $P_2O_5$	45—60 кг/га $K_2O$
Суориладиган ўтлоқ шўр босмаган ва кам шўрланган тупроқ	3	92,0	25,3	9,4	34,4	—	—
Суориладиган шўрланмаган бўз тупроқ	2	33,7	4,2	5,2	8,3	—	—
Суориладиган кам шўрланган тупроқ: а) б)	4 9	61,8 65,6	2,5 10,5	0,8 4,6	5,0 15,5	—	—
Кам шўрланган оч бўз тупроқ	2	—	—	—	—	67,5	8,4
Тўқ тўз тупроқ	3	—	—	—	—	63,4	14,1
Кам шўрланланган оч бўз тупроқ (Туркестон)	4	—	—	—	—	46,5	3,2
Ер ости сувла- ри яқин жой- лашган бўз тупроқ:	a) б)	2 11	— —	— —	— —	54,1 56,3	12,2 8,7

Суориладиган кам шўрланган тупроқда ўтказилган 9 та тажрибада кўрсатилганки, беда экилган йили гектарига 60 кг фосфорли ўғит солингандага 10,5 ц (16%), айни ўша далада гектарига 60 кг калий ўғити берилганда эса 4,6 ц (7%) ҳосил олинган, яъни 60 кг/га фосфор берилган далага нисбатан ҳосил деярли икки баробар кам олинган. Фосфор ва калий ўғитлари бирга солингандаги

да эса, ўғитларнинг самараси янада яхши бўлиб, гектаридан 15,5 центнергача ҳосил олинган. Гектарига 90 кг фосфор солинганда 56,3 ц/га беда ипчани олинган бўлса, шунга қўшимча 45—60 кг калий ўғити солинганда эса, ўтказилган 11 та тажрибада, гектаридан ўртacha 8,7 ц (14%) қўшимча ҳосил олинган.

Беда экишдан олдин ёки биринчи йили фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилмай, уни иккинчи ёки учинчи йилларда етарли даражада озиқлантириш ҳам ижобий натижা беради. Масалан, иккинчи йилги бедапояда ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, ўғитланмаган вариантдан 86,8 ц/га ҳосил олинган бўлса, гектарига 120 кг фосфор берилган вариантдан эса, 115,2 ц/га кўк масса олинган (82- жадвал).

#### 82- жадвал

**Фосфорли ўғитларнинг ҳар хил нормада иккинчи ва учинчи йилги  
Фосфорли ўғитларнинг ҳар хил нормада иккинчи  
ва учинчи йилги беда пичани ҳосилига таъсири**

Фосфорли ўғитларнинг йиллик нормаси, кг/га	Икки йиллик бедапоя		Уч йиллик бедапоя	
	ҳосил, ц/га	%	ҳосил, ц/га	%
6	86,8	100	117,1	100
60	106,1	122	135,7	116
90	112,2	129	141,7	120
120	115,2	133	144,0	123

Беда билан минерал ўғитларнинг ўзаро ҳамкорлиги фақатгина беда ҳосилини ошириб қолмасдан, балки ундаги озиқ моддалар миқдорини ҳам оширади. Қатор тажрибалар шуни кўрсатадики, бедапояга азот-калийли ўғит солинганда беда пичанида азот миқдори 2,49% ни ташкил этса, азот-фосфор-калий ўғитлари тўлиқ солинганда эса, бу кўрсаткич 2,59—2,85% ташкил этган. Фосфор миқдори шунга мувофиқ 0,37—0,50% бўлган. Иккинчи йилги беда пичанидаги азот миқдори 2,56 ва 2,53—2,76% га, фосфор 0,31 ва 0,38% га teng бўлган. Калийли ўғитлар эса, беда пичани таркибидаги оқсил азоти миқдорини оширади. Масалан, 120 кг/га калий солинганда, пичан таркибидаги оқсил азоти миқдори 13,3% ва 120 кг —  $P_2O_5$  ва 90 кг —  $K_2O$  солинганда бу кўрсаткич 14,3% бўлган, шуларга мувофиқ ёғсимон моддалар 3,2% дан 4,4% гача ортган.

Фосфорли ва калийли ўғитлар беданинг серилдиз бўлишида ижобий роль ўйнайди, бу эса ўз навбатида, илдиз туганакларида азотнинг кўпайишига сабаб бўлади. Масалан, беда экиш билан бирга гектарига 15 кг фосфорли ўғит солинганда ҳар гектар бедапоянинг 0—25 см қатламидаги беда илдизи массаси 49,9 центнерни ташкил этган. бўлса, 70 кг  $P_2O_5$  кузги шудгор остидан ва 30 кг  $P_2O_5$  экиш билан бирга берилганда, бу кўрсаткич 59,8 ц/га етган. Умаров Х. З. маълумотига кўра, шудгор остидан 40 кг/га ва экишдан олдин 30 кг/га  $P_2O_5$  солинганда, тупроқнинг 0—25 см қатламидаги бир ёшдаги беда илдизи 65,5 ц/га ни, 90 кг  $P_2O_5$ —60 кг  $K_2O$  шудгор остидан ва 30 кг/га  $P_2O_5$  экиш олдидан бараналаш пайтида солинганда—70,7 ц ни, иккинчи йили эса шунга мувофиқ 96,9 ва 104,1 центнерга етган.

Органик ўғитлар тупроқда азот тўпловчи микроорганизмларнинг фаолияти учун энергия манбаи ҳисобланади. Шунингдек, органик ўғитлар беда учун энг муҳим фосфорли ва калийли озуқа манбаи ҳамдир. Туркманистон тажриба станцияси ходимларининг илмий кузатишларида кўра, органик ўғит берилмаган вариантда 33,2 ц/га ҳосил олиниб, шудгор остидан 3 т/га янги гўнг солинганда, гектаридан 20%, 3 т/га майдаланган ғўзапоя солинганда 21%, 1,5 т/га ғўзапоя солинганда эса қўшимча 16% ҳосил олинган. Фосфор, калий ва органик ўғитлар қўшиб солинганда, ўсимлик илдизида туганак бактериялар, нитрагин (таркибида туганак бактериялар бўлган препарат) кўпаяди ва ўз навбатида беда пичани ҳосилига ижобий таъсир этади (83- жадвал).

83- жадвал

Нитрагиннинг беда илдизидаги туганак бактериялар сони ва пичан ҳосилига таъсирি (уруг экишдан олдин нитрагин билан ишлаган.

(Тожикистон тажриба станцияси маълумоти)

Вариантлар номери	Тажрибалар вариантлари	100 туп ўсимлик ҳисобига туганакчаларнинг умумий сони	Пичан ҳосили, ц/га
1	Контроль (ўғитсиз)	698	138,5
2	Нитрагин	1312	144,4
3	$P_2O_5+K_2O$	734	165,3
4	$P_2O_5+K_2O+$ нитрагин	2028	171,0
5	10 т/га гўнг	696	152,8
6	10 т/га гўнг+нитрагин	1854	162,2

Беда пичани ҳосилига турли формадаги калийли ўғитлар 100 кг/га ҳисобидан (140 кг/га  $P_2O_5$  — фон) берилганды, юқори ҳосил (451,4 ц/га) калий сульфат берилганды варианта қайд этилган (84-жадвал).

Калийли ўғитлар тупроқ таркибидаги калий миқдорини турлича күпайтириш қобилятига эга (85-жадвал).

85-жадвалдан күриниб турибдик, беда учун берилганды калий сульфат тупроқ таркибидаги калий миқдорини ҳам сезиларлы даражада (100 г тупроқда 22 г гача) оширади.

84- жадвал

**Хар хил формадаги калийли ўғитларнинг беда пичани ҳосилига таъсири ц/га**

Варианттар	Калийли ўғитлар формаси	Ҳосилдорлик, ц/га	Контролга нисбатан ҳо сийлдорлик, ц/га	Озиқ бирлиги, ц/га
1	Контроль $K_2O-P_2O_5$ (140)	369,2	—	247,4
2	Калий хлорид	438,5	69,3	301,3
3	Калий-магнезия	416,2	47,0	288,1
4	Калий селитраси	446,7	77,5	307,0
5	Калий сульфат	451,4	82,2	315,5
6	Сильвинит	395,7	26,5	280,5

85- жадвал

**Хар хил формадаги калийнинг тупроқда күпайиш динамикаси, 100 мг/г (Протопопова Й. Й. маълумоти)**

Варианттар	Калийли ўғитлар формаси	Ёзда		Кузда	
		горизонт, см		см	
		0—25	25—40	0—25	25—40
1	Контроль (фон $P_2O_5$ 14 — 140)	14	10	10	8
2	Калий хлорид	20	16	12	10
3	Калий-магнезия	16	14	16	14
4	Калий селитраси	22	20	14	12
5	Калий сульфат	22	16	16	14
6	Сильвинит	18	12	12	10

## УРУҒЛИҚ БЕДАНИ ҮФИТЛАШ

Одатда ҳар гектар ердан ўртача 7—8 центнер беда уруғи олинади. Шу мақсадда иккинчи-учинчи ёшдаги бедалардан фойдаланилади. Биринчи ёшдаги бедалар анча қалин ҳамда орасида бегона ўтлар күп бўлганлиги учун уруғ олиш учун фойдаланилмайди. Аммо, ҳўжалик уруғга муҳтож бўлган ҳолларда ундан уруғ олиш мумкин. Бунинг учун беда кенг қаторлаб экилиши  $1\text{ m}^2$  майдонда туп сон 30—40 тадан ошмаслиги лозим. Уруғлик беда пичан учун ўстириладиган беда билан бир хил үфитланади. Иккинчи, учинчи йилги бедадан уруғ олиниши керак бўлганда, агарда бедани ривожи суст бўлса, яъни тупроқ таркибида фосфор калий нормадан кам бўлганда, эрта кўкламда сувдан олдин гектарига 80—100 кг фосфор ва 40—45 кг калий ҳисобидан озиқлантирилади. Бу үфитларга гектарига 3—5 кг ҳисобидан бор микроэлементни аралаштирилиб солинса, натижа янада яхши бўлади.

## БЕДА ЗАРАРҚУНДАЛАРИГА ҚАРШИ ҚИМЁВИЙ КУРАШ

Усимлик битлари (шира), беда барг филчаси (фитономус), беда ва дала қандалалари, уруғхўр-брюхофагус ва туганак узунбарг кенг тарқалган беда заарарқундайлари ҳисобланади. Буларга қарши курашда, экишдан олдин ерга яхши ишлов бериш, уруғнинг тоза ва сифатли булиши, эски бедапояларни үфитлаш, ўримлардан сўнг бараналаш каби агротехник тадбирлар билан бир қаторда қимёвий кураш чоралари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ёшлардаги бедага фитономисга қарши эрта баҳорда доналаштирилган ГХУГ гамма изомерининг 2% ли майдо доналари (50 кг/га) ёки доналаштирилган 10% базудинни (гектарига 40 килограммдан) сепиш тавсия этилади ёки фитономус личинкаларига қарши 35% ли фазалонининг 0,4% ли эритмасидан 2,4 кг/га, шунингдек 80% ли хлорофоснинг 0,2—0,3% ли эритмасидан 1,5 кг/га, беда ўримидан камида 30 кун олдин ишлов берилади.

## БЕДАПОЯНИ ЗАҲАРЛИ ХИМИҚАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ПАЙТИДА ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРНИ ҚУРИШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Заҳарли химикатлардан фойдаланилганда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича зурур тадбирларни амалга ошириш хўжаликнинг энтомолог-агрономига юклатилади.

Химикатлар ишлатилаётган ҳудудда пестицидлар миқдори гигиена нормаларидан (ПДК, ДОК дан) ортиқ бўлмаслиги керак.

ГХЦГ — гамма изомери юқори даражада токсик препарат бўлиб, ўта хавфлидир. Ишлатилаётган зонада унинг миқдори  $1\text{ m}^2$  майдонда 0,05 мг, 1 л сувда эса 0,02 мг дан ошмаслиги лозим. Унинг истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларига (сут, гўшт, мой, тухум) тушишига йўл қўйиб бўлмайди. Бедапоя 2% ли донадор препарат билан фақат бир марта ишланади. Бу препарат билан ишланган бедани 75 кунгача чорва моллари ва паррандаларга бериш ман этилади. ГХЦГ препарати билан ишланган ерларга 4 йилгacha истеъмол учун ишлатиладиган илдиз мевали экинларни экиш ман этилади.

БАЗУДИН — юқори даражали токсик препарат бўлиб,  $1\text{ m}^2$  ерга 0,2 мг гача рухсат этилади. Қарам, пиёз, картошка учун  $1\text{ m}^2$  майдондаги экинга 0,1 мг гача препарат рухсат этилади.

ДИЛОР — препарати қўллангандан кейин 45 кунлик карантин қилинади.

ФАЗАЛОН — юқори даражали токсик препарат бўлиб, тананинг теккан жойини яллиғлайди. Нормаси  $1\text{ m}^3$  га 0,5 мг, атмосфера ҳавосида 0,01 мг, 1 л сувда 0,001 мг ни ташкил этади. Дехқончилик экинлари учун нормаси 1 кг да 0,2 мг.

ХЛОРОФОС — ўртача токсик препарат бўлиб, шиллиқ пардага ёмон таъсир этади. Нормаси  $1\text{ m}^3$  га 0,5 мг, 1 л  $\text{H}_2\text{O}$  га 0,005 мг. чорва маҳсулотлари учун хавфли. Уни ҳосилни йиғиб олишга 20 кун қолганда қўллашмумкин. Техника воситасида сепилганда ҳимоя зонаси 500 метрдан кам бўлмаслиги керак.

**МЕТАФОС** — кучли таъсир қилувчи заҳарли модда бўлиб, терига қаттиқ таъсир этувчи, сўриб олиш хусусиятига эга препарат. Нормаси  $0,1 \text{ мг}/\text{м}^3$ , атмосфера ҳавосида  $0,001 \text{ мг}$ ,  $\text{H}_2\text{O} 0,02 \text{ мг}/\text{л}$ . Беда ўримига 20 кун қолгунга қадар сепиш мумкин.

**ФОСФАМИД** — юқори даражали токсик препарат бўлиб, терига сўрилиш хусусиятига эга, нормаси ҳавода  $0,5 \text{ мг}/\text{м}^3$ , сувда  $0,03 \text{ мг}/\text{л}$ .

## МАҚҚАЖҮХОРИ ВА ОҚ ЖҮХОРИНИ ҮФИТЛАШ

Маккажүхори бошоқлилар оиласига мансуб бир йиллик попук илдизли ўсимлик бўлиб, жумхуриятнинг деярли ҳамма сугориладиган ерларига экиладиган қимматли дон ва озиқ экинидир. Маккажүхори Россиянинг марказий қора тупроқ зоналарида, Шимолий Кавказда, Молдавия, Грузия, Озарбайжон ва Урта Осиёнинг ҳамма жумхуриятларида дон учун етиширилди. Дон учун «Краснодарский-201», «ВИР 338 ТВ», «Днепровский-70 ТВ» навлари экилади. «Узбекская 100», «Узбекская зубовидная», «Кремнистая УзРОС» каби навлари эса силос учун экилади. «Узбекская скороспелая» навидан эса анфизга экиш учун фойдаланилади.

Маккажүхори алмашлаб экишда энг кўп қўлланиладиган экинлардан бўлиб, у унумдор жойлар таиламайди ва уни ҳар қандай экиндан бушаган ерларга экиш мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, у пахтадан бушаган жойларда экилганда мўл ҳосил беради. Аммо бир ерда узлуксиз 4—5 йиллаб экилганда айни тупроқнинг унумдорлигини пасайиб кетишига сабабчи бўлади, чунки у ўйтга ўта талабчан.

Бир гектар маккажүхори майдонидан ўрта ҳисобда 55—65 ц дон олиш учун, 180—200 кг дан азот ва фосфор, 150—170 кг калий ўфити берилиши лозим.

Вегетация даврининг охирига келиб, маккажүхори дони ва поясида тўпланган кимёвий моддалар миқдорини қўйидаги 86 жадвалдан кўриш мумкин.

86- жадвал

Маккажүхори дони ва поясидаги кимёвий  
моддалар миқдори, % ҳисобида

Озиқ моддалар миқдори, ҳисобида	Донида	Поясида
Азот	1,91	0,7—0,5
Фосфор $P_2O_5$	0,57	0,30
Калий $K_2O$	0,37	1,64
Сув	14,4	15,5
Кул	1,23	4,37

Маккажӯхори минерал ўғитларга билан бир қаторда органик ўғитларга ҳам ўта талабчандир. Масалан, гүнг солинган варианктарда контролга нисбатан ҳосил 30—35% ортади (87- жадвал).

Минерал ўғитлар ҳосилни ошириш билан бирга маҳсулотнинг кимёвий таркибини ҳам анча бойитади, яъни маҳсулот сифати яхшиланади (88- жадвал).

Тожикистон дәҳқончилик илмий текшириш институтининг хуласаларига кўра, маккажӯхори экиш пайтида микроэлементлар (бор, марганец, рух, молибден) билан ўғитланса, яъни уруф микроэлемент эритмасида ивитилса ҳосил 2—3 ц/га гача кўпаяди. Маккажӯхори уруғи бактериал ўғит—азотобактеринда ивитилганда ҳам ҳосил се-

87- жадвал

### Маккажӯхори ҳосилига минерал ўғитлар нормаси ва гүнгнинг таъсири

Ийллик норма кг/га			1 туп ўсимл. да ҳосил бўлган сўтасони	Сўталар катталиги см		Дон ҳосили, ц/га
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		бўйи	айланаси-лиги	
—	—	—	1,06	17,1	16,2	43,3
60	—	—	1,10	19,0	16,3	48,9
60	60	—	1,10	19,2	16,4	53,4
60	60	60	1,11	19,3	16,7	57,6
120	120	90	1,18	21,3	17,1	64,3
190	190	90	1,19	21,0	17,1	68,8
60	60	60	1,22	21,0	17,2	65,9

20 т гўнг

88- жадвал

### Минерал ўғитларнинг маккажӯхори маҳсулотларининг кимёвий элементлар билан бойитилишга таъсири

Идиш- лар номер	Хар бир идишга со- линган ўғит норма- си,			Жами қуруқ модда, % ҳисобида					
				донида			сўта ва баргларида		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	—	—	—	0,47	0,33	0,51	0,42	0,12	3,18
2	2,2	4,6	1,0	0,90	0,46	0,79	0,38	0,16	3,99
3	7,9	18,1	2,5	0,76	0,41	0,52	0,44	0,17	3,91

зиларли ошади. Бунда ҳар 15—20 кг уруғ, 1 кг тупроқ аралаш азотобактерин ёки айни препаратнинг 0,5 литр эритмаси билан аралаштирилади. Эритма 1,0 л азотобактеринга 5,0 л тоза сув қўшиб тайёрланади. Агарда азотобактерин порошок ҳолатида бўлса, у ҳолда маккажўхори уруғи сувда ивитилиб устидан азотобактерин уни сепилади ва яхшилаб аралаштирилиб, юпқа қилиб ёпилиб куритилади.

Маккажўхори тупроқни азот билан бойитадиган сидрат (кўк нўхат ва бошқа дуккакли экинлар) экинлар ўрнига экилса, ҳосил яхши бўлади. Маккажўхори кайтакайта экиладиган далаларга ҳар 2—3 йилда 30—40 т/га минерал ва органик ўғит бериш тавсия этилади. Маккажўхори, пахта—беда—маккажўхори алмашлаб экиш далисига киритилади. Маккажўхоридан бўшаган далаларда кузги ва баҳорги донли экинлар экиш лозим.

Маккажўхори ўсиб ривожланиш даврида жуда кўп миқдорда кўк масса ҳосил қиласди. Шу сабабли тупроқдан озиқ моддани ҳам кўп талаб қиласди. Масалан, гектаридан 500—700 ц сўтали кўк поя ёки 60—70 центнер дон етишириш учун, ўсимлик тупроқдан 130—180 кг азот 50—60 кг фосфор ва 150 кг калий талаб қиласди. Маккажўхори ўсув даврининг охиригача озиқ моддалардан фойдаланиб, азотли ўғитларга ўта талабчан, фосфорли ўғитларга эса кам талабчан. Калийли ўғитларни эса, ўсув даврининг иккинчи ойидан бошлаб шиддатли талаб эта бошлайди.

Маккажўхоридан мўл дон ва силос олиш учун органик ва минерал ўғитларнинг йиллик нормаси гектарига 20 т, яъни ҳар 2—3 йилда 40—50 тонна гўнг, ҳар йили 250—280 кг азот, 130—180 кг фосфор ва 100—125 кг калийдан иборат бўлмоғи керак. Органик ўғитлар ва калийнинг ҳаммасини, фосфорли ўғитларнинг 75—80% ни шудгор остидан, азотли ўғитларни эса, экиш билан бирга ва ўсиб ривожланиш даврида солиш керак. Экиш билан бирга гектарига 30—35 кг азот ва 20—25 кг фосфор, уруғидан 5—8 см узоқликда ва 10—12 см чуқурликда культиватор ўғитлагич билан берилганда ҳосилдорлик (дон) 5—6 ц/га гача ортади. Ўсув даврида эса, иккимарта озиқлантирилади. Биринчиси — ягоналаш тугатилиб, ўсимлик 4—5 та барг чиқарганда 100—125 кг азот ва шудгор остидан берилмай қолган фосфор, иккинчисида эса ўсимликнинг бўйи 60—80 см га етганда, биринчи озиқлантиришда берилмай қолган азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Таъкидламоқ керакки, бошқа экинлар сингари маккажүхорини ҳам, минерал ўғитлар билан озиқлантиргандан сўнг суғорилганда натижа анча ижобий бўлади. Вегетация бошидаги сув 12—15 соат, сўнгиси эса 20—24 соат давом эттириб, оқизиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча, сувнинг пайкалда кўп ушланиб қолиниши, азотли ўғитларнинг оқова сув билан даладан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бир центнер донли кўк масса ҳосил қилиш учун, ўртача 2,4—3 кг азот, 1,0—1,2 кг фосфор ва ва 2,5—3,0 кг калий ўғити талаб этилади.

Маккажүхорини ўғитлашда КРН-4,2 КРХ-4, КРТ-4 каби культиватор ўғитгичлардан фойдаланилади. Маккажүхори минерал ўғитларга ўта талабчан бўлиб, 100 кг фосфор ва 100 кг калийли фонда, азот нормаси 250 кг/га гача оширилганда, контролга нисбатан 565,9 ц/га кўп кўк масса олинган (89- жадвал). 100 кг/га азот ва шунча калийли фонда, фосфорли ўғит нормаси 200 кг/га гача оширилганда, контролга нисбатан 150 кг фосфорли ўғит берилганда, энг юқори ҳосил (кўк масса ҳисобида) олинган. Бундан шундай хулоса қилмоқ керакки, минерал ўғитлар ҳосилдорликни ўғит маълум бир нормагача берилганда оширади.

#### 89- жадвал

**Ҳар хил нормадаги минерал ўғитларнинг маккажүхори ҳосилига таъсири (кўк масса ҳисобида)**  
(Мадраимов И. маълумоти)

Вариант номери	Минерал ўғитларнинг йиллик нормаси, кг/га			Ҳосилдорлик кўк масса ҳисобида)	Контролга нисбатан қўшимча ҳосил	Озуқа бирлиги, кг/га
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O			
1	0	100	100	132,5	— №	2650,0
2	50	100	100	195,1	— 62,6	3902,0
3	100	100	100	290,5	— 158,0	5810,0
4	150	100	100	566,9	— 334,4	11338,0
5	250	100	100	698,4	— 565,9	13968,0
6	100	0	100	237,9	— P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	4758,0
7	100	50	100	328,3	— 90,4	6566,0
8	100	150	100	397,8	— 159,8	7956,0
9	100	200	100	390,5	— 152,6	7810,0

Органик ўғитлар минерал ўғитлар билан аралаштирилиб берилганда маккажүхори ҳосилдорлиги янада сезиларли даражада кўпаяди (90- жадвал).

**Ҳар хил нормадаги органик ва минерал ўғитларнинг маккажўхори кўк массаси ҳосилига таъсири, ц/га**

Вариант лар сони	Тажриба варианatlари	Ҳосил, ц/га кўк масса ҳолида	Контролга нишбатан кўшимчага ҳосил, ц/га	Дон ҳи- собида, ц/га	Контролга нишбатан кўшимчага ҳосил, ц/га
1	Контроль (ўғит со- линмаганда)	418,0	—	23,7	—
2	Гўнг 10 т/га	527,5	+109,5	26,2	+2,5
3	Гўнг 15 т, азот 20 кг/га	554,0	+136	29,8	+6,1
4	Гўнг 20 т, азот, фос- фор 40 кг/га	628,5	+2210,5	33,2	+9,5
5	Гўнг 25 т азот, фос- фор 60 кг/га	665,5	247,5	41,1	17,4

**Органик ва минерал ўғитларнинг иқтисодий самараси**

Вариант лар сони	Тажриба варианatlари	Дон ҳоси- ли, ц/га	Ўғит ҳара- жатлари, сўм	Кўшимчага ҳосил нар- хи	Соф даро- мад сўм/га
1	Контроль	23,7	—	—	—
2	Гўнг 10 т/га	26,2	11,00	18,75	7,75
3	Гўнг 15 т, N—20 кг/га	29,8	20,75	45,75	25,00
4	Гўнг 20 т, N, P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> — 40 кг/га	33,2	31,35	71,25	39,90
5	Гўнг 25 т, N, P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> — 60 кг/га	41,4	47,40	108,00	60,60

Агарда бир гектардан, дон ҳисобидан 7,75 тийиндан 60,60 тийингача соф фойда олинган блўса, бу кўрсаткич кўк масса ҳисобидан 43,0 сўмдан 172,60 гача сўмни ташкил этади.

**ОҚ ЖУХОРИ (СОРГО)** — агротехник тадбирлари ва йиллик ўғит нормаси жиҳатдан маккажўхорига ўхшаш бўлиб, фақатгина бир йилда бир поядан бир нечта ўрим бериши ва шўрга чидамлилиги билан фарқ қиласи.

Такрорий экилган маккажўхорини ўғитлаш. Эрта баҳорда экилган маккажўхори йиғиштириб олингандан кейин, такрорий экин сифатида маккажўхори экиш учун

минерал ўғитларнинг нормаси: азот—100÷150; фосфор—80÷100, калий—50÷75 кг/га бўлиб, шундан фосфорнинг 70—75% ва калийнинг 50% далага сепилади ва П-5—35 М маркали плуг билан 28—30 см чуқурликда шудгорланади (август ойидан кечикмасдан). Фосфорнинг қолган қисми ва калий азотли ўғит билан бирга аралаштириб биринчи ва иккинчи сув олдидан берилади. Бунда 50% азот шудгор остидан, берилмай қолган фосфор биринчи сув олдидан, қолган 50% азот эса, шудгор остидан берилмай қолган калий билан иккинчи сув олдидан берилади. Ҳосил октябрь ойининг охири, ноябрь ойининг бошларида йиғишириб олинади.

## ҚАНОПНИ ҮФИТЛАШ

Қаноп собиқ СССР да биринчи марта 1924—1925 йилларда, Ўзбекистонда эса 1927 йилдан эътиборан экила бошланган бўлиб, ўша даврларда ҳар гектардан 16—27 ц ҳосил олинган бўлса, илғор агротехникани қўллаш натижасида, ҳозирги кунда каноп поясидан 200—260 ц гача ҳосил олинмоқда. Каноп поясида 20—22% тола бўлиб, тола эгилувчан, нишиқ аммо дағал ва гигроскопиклиги билан фарқланади. Толасидан арқон, каноп, брезент, турили газмоллар тайёрланади. Уруғида 20—22% техник мой бўлиб, у совун, тери ва мой бўёқ саноатида ишлатилади.

Қанопнинг ватани Жанубий Африка ва Ҳиндистон бўлиб, у Бразилия, Хитой, Ироқ, АҚШда кенг кўламда экилади.

Каноп ҳозирги кунда Тошкент обlastининг Оққўрғон, юқори ва қуий Чирчиқ районларининг бир қатор хўжаликларида етиштирилади. Илдизи ўқилдиз бўлиб, сершох, 2 метр чуқурликкача кириб боради, поя баландлиги 3—5 метргача етиб, сийрак тиканлар билан қопланган. Кўчат туп сони қалин қолдирилганда шохламайди. Экиш муддати—уруг учун 20 марта 20 апрелгача, пояси учун 20 марта 30 апрелгача. Вегетация даври 145—150 кун бўлиб, ҳаво ҳарорати 12—13 даража бўлганда униб чиқади. 18—20 даражада эса жуда яхши ўсиб ривожланади. Экишдан олдин уруғлар сараланиб, шундан сўнг гранозон (1—200 г/ц) ёки ТМТД (ТМТД 1,2 кг/ц) препаратлари билан дориланади.

Уруғ экиш ишлари тупроқнинг 10 см чуқурлигига, ҳарорат 10—12 даражага ёки тупроқ юзасида 14—16 даражага кўтарилиганда, тола олиш учун икки қаторли лентасимон усулда, қатор оралари 48—50 см, уруғ олиш учун эса, бир қаторлаб, қатор оралари 50—60 см дан ҳар уядә 6—8 донадан уруғ қолдириб бажарилади.

Уруғ экишда СОН—2,8; 2 СК—16 маркали осма сеялкалардан фойдаланилади. Каноп ҳосилини оширишда минерал ўғитлар асосий омиллардан бири ҳосибланади. Масалан, 1953 йилда, ҳар гектар каноп майдонига ўттача 53 кг азот ва 53 кг фосфор ўғити солингандага, 20,8

ц/га лубпоя ва 1,24 ц/га каноп уруғи олинган бўлса, 1968 йилда 199,8 кг азот ва 99,4 кг фосфор ишлатилганда эса, гектаридан ўртача 133,4 ц лебпоя ва 2,0 ц каноп уруғи олинган.

Каноп ўсимлиги асосан азот ва калийли ўғитларга ўта талабчан бўлиб, унинг пояси ва толасидан юқори ҳосил етишириш учун 90—210—250 кг/га гача азот, 40—90—150 кг/га гача фосфор ва агрехимкартоGRAMMAGA асосан 80—120 кг/га калий ўғити талаб этилади. Масалан, бир гектардан 100 центнер лубпоя ҳосилди олинганда, олинган ҳосил тупроқдан ўзи билан бирга 120—150 кг азот, 60—80 кг фосфор ва 120—160 кг калий ўғитларини олиб кетади. Кўриниб турибдики, 100 ц поя шунча ўғитни тупроқдан ўзлаштиrsa, 200—250 ц поя учун эса, 2—2,5 марта кўп ўғит талаб этилади. Гектарига 12—15 т гўнг ёки 10—12 т каноп компости солингандада, каноп поясининг ҳосили ўртача 12—17% ошади. Минерал ўғитлар билан органик, маҳаллий ўғитлар тенг нисбатда аралаштириб солингандада эса, бу кўрсаткич ўғитланмаган далага 32—37% ни ташкил этади. Канопга бериладиган органик ва минерал ўғитлар нормаси, хўжалик агрехимкартоGRAMMAGA, ернинг агротехник шароитига, шунингдек, планлаштирилган ҳосил асосида белгиланади. Канопдан ўртача (90—100 ц) ҳосил олиш учун гектарига 110—120 кг азот белгиланади. Бу нормага қўшимча равишда худди шунча нормада фосфорли ва калийли ўғитлар солингандада, лубпоя ҳосили гектарига ўртача 27—32 ц/га ортади. Азотли ўғитлар нормаси, фосфор-калийли (фон) муҳитда, 150 кг/га га етказилганда, ҳосилдорлик ўғитланмаган вариантга (контролга) нисбатан 30—32%, толаси эса 30—34% гача ортади. Азот нормаси фосфор ва калийли фонда 210 кг/га га кўпайтирилганда, поя ҳосили 213,1 ва толаси эса 47,5 ц/га гача ошганлиги кузатилди. Шуларга асосан, каноп поясидан 180—220 ц ва толасидан 45—50 ц/га ҳосил олиш учун NPK нормасини азот бўйича 180—220, фосфор учун 120—150 ва калий учун эса 100—120 кг/га қилиб белгилаш тавсия этилади (92- жадвал).

Азотли ўғитлар каноп ҳосилини ошириш билан биргаликда, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши, гуллаши, писишиб этилиши ва энг муҳими, тола сифатини сезиларли даражада яхшилайди. Учала турдаги макро (NPK) ўғитларни алоҳида-алоҳида берганга қараганда биргаликда 1 : 0,7 ; 0,3 нисбатда қўлланилса лубпоя ҳосили 15—20

**Ҳар хил нормада берилган минерал ўғитларнинг канон  
ҳосилига таъсири**

Вариантлар номери	Ииллик ўғит нормаси, кг/га			Ҳосил, ц/га		Тола миқдори, % бизда
	азот	фосфор	калий	лубпояси	толаси	
1	Контроль			162,22	37,3	23,0
2	90	90	90	187,0	42,1	22,5
3	150	90	90	199,4	45,2	22,7
4	150	150	90	198,8	45,9	23,1
5	150	150	120	198,0	45,9	23,2
6	210	150	120	213,1	47,5	22,3

ошади. Канопдан юқори ҳосил олиш учун NPK нормаси: 150—90—60, 210—120—90 ва 250—170—120 кг/га тарзидага тавсия этилади. Камунум янги ўзлаштирилган ерлар учун минерал ўғитлар нормасини бундан ҳам ошириш мумкин. Бир гектардан 90—100 ц дан ортиқ ҳосил этиштира (каноппоя) олмайдиган кам ҳосилли хўжаликларда, минерал ўғитлар ўртacha нормаси NPK—120—90—60 ц/га қилиб планлаштирилади.

Минерал ўғитлардан, азотли ўғит — аммиак селитраси — 34%, фосфорли 19,0—19,5% ли оддий ёки 46% ли донадор қўш суперфосфат, калийли ўғитлардан — калий сульфат кабилар канопнинг нормал ўсиб ривожланиши, сифати ва ҳосилига ижобий таъсир кўрсатади.

**Органик ўғит (гўнг)нинг каноп ҳосилига таъсири  
(луб толали экинлар институтининг маълумоти)**

Вариантлар номери	Гўнгнинг йиллик нормаси, т/га	1 йил қўлланганда		14 йил давомида қўлланганда	
		поя ҳосили, ц/га	қўшимча олинган ҳосил, ц/га	поя ҳосили 14 йилнинг ўртаси, ц/га	қўшимча олинган ҳосил ц/га
1	Контроль	18,3	—	13,6	—
2	20	30,4	12,1	32,0	18,4
3	40	39,0	20,7	58,6	45,0
4	80	47,0	29,2	62,4	48,8

Каноп органик ўғитларга, жумладан, гүнгга жуда талабчан бўлиб, гўнг нормаси гектарига 80 т гача оширилганда каноп ҳосилининг ортганилиги кузатилди (93-жадвал). Гўнгнинг самарарадорлиги унинг қўлланилган вақтига боғлиқ бўлиб, Орлов тажриба станциясининг маълумотларига кўра, кузги шудгор остидан берилган 18 т/га гўнг, баҳорги 36 т/га берилган гўнгга нисбатан самаралироқ бўлди, яъни кузги 18 т/га гўнг берилган варианта каноп ҳосили 9—10 ц/га га юқори бўлган.

Минерал ва органик ўғитлар аралаштирилиб (биргаликда) қўлланилганда, ҳосилдорлик янада ортади. Энг муҳими кам миқдорда минерал ўғитлар сепилиб, кўп ҳосил олинганлиги кузатилади (94- жадвал). Масалан, 4-вариантда NPK нормаси 90 кг/га бўлганда, поядан 45,3, уруғдан 8,7 ц/га бўлиб ҳосил олинган бўлса, 5-вариантда NPK нормаси 45 кг/га бўлиб, яна 20 т/га гўнг солинганда, ҳосилдорлик 47,4 9,9 ц/га ни ташкил этди. Бир қатор тажрибаларга асосланиб, шуни назарда тутиш керакки, азотнинг йиллик нормасини гўшт ишлатилган далаларда фосфор калийга нисбатан 30—35% га ошириш лозим.

#### 94- жадвал

**Биргаликда қўлланилган минерал ва органик ўғитларнинг каноп ҳосилига таъсири (Орлов тажриба станциясининг маълумоти)**

Йиллик ўғитлар нормаси, 1 гектарга	Ҳосил, ц/га	
	пояси	уруги
1 20 т гўнг	35,0	7,1
2 NPK 45 кг	40,1	8,2
3 40 т гўнг	46,0	8,5
4 NPK 90 кг	45,3	8,7
5 20 т гўнг+NPK 45 кг	47,4	9,9

Вегетация даврида ёш ўсимликнинг минерал ўғитларга бўлган талаби турлича бўлади. Масалан, каноп ўсимлиги барг поя ва айниқса тола ҳосил қилиш пайтида, азотли ўғитларга жуда катта эҳтиёж сезади. Фосфор дастлаб ўсимликларнинг азот билан озиқланишини яхшиласа, кейинчалик тола ҳосил бўлиши учун зарур бўлади.

Калийли ўғитлар ёш ўсимликнинг шаклланишида, сифатли тола ҳосил бўлиши ва ўсимликларни турли ҳил

касалликларга чалинишнинг олдини олишда ўта муҳимдир. Шунинг учун азотли ўғитларни бутун вегетация даврида, оз-оздан бериб бориш талаб этилади, яъни унинг 30—40% экиш олдидан ҳамда иккинчи марта озиқлантиришда берилади. Биринчи озиқлантириш каноп уруғдан униб чиққанидан 25—30 кундан кейин башқа минерал ўғитлар билан бирга қаторлар ёнига солинади. Иккинчи озиқлантириш, у биринчи озиқлантиришдан 20—25 кундан кейин, эгатлар ўртасига 8—12 см чуқурликда солинади.

Уруғлик канопни сўнгги ўғитлашни 1—5 июлдан кечиктиримаслик керак. Акс ҳолда уруғ яхши пишиб етилмай қолади.

Фосфорли, калийли ўғитларнинг 60—75%, органик ўғитларнинг ҳаммаси (ўнг, компост) кузги шудгор остидан берилади. Фосфорли ўғитларнинг қолган қисми, экиш билан бирга ва икки марта озиқлантиришда берилади. Калий ўғитнинг кузги шудгор остидан берилганидан қолган қисми эса, вегетация давридаги иккинчи марта озиқлантириш пайтида берилади (95- жадвал).

95- жадвал

**Каноп учун минерал ўғитларнинг йиллик нормаси  
(Протасов П. В., Ниязалиев И. Н. маълумотлари)**

Йиллик норма, кг/га			Экишгача, кг/га			Экиш билан	Озиқлантириш					
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		1-чи	2-чи	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	K <sub>2</sub> O
300	200	—	150	125	—	—	25	75	75	50	—	—
—	—	100	150	—	50	50	—	75	75	—	—	—
300	200	100	—	125	50	50	25	—	—	—	50	—
300	200	100	150	125	50	50	25	75	75	50	—	—

Сўнгги йиллардаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, калийли ўғитлар йиллик нормасини кузги шудгор остидан тўла 100% берилганда ҳам натижা ёмон бўлмайди.

Мазкур схема бўйича маккажӯхори, каноп ва пахтадан бўшаган ерларга каноп экилганда, энг юқори ҳосил пахтадан бўшаган ерларда экилган канопдан олинган (95- жадвал).

96- жадвалдан шу нарса маълум бўладики, канопдан юқори (200—220 ц/га) ҳосил олиш учун ўртacha 300 кг азот, 200 кг фосфор ва 100 кг калий ўғити солиш керак.

Турли хил әқинлардан кейин әқилган канопга айрим озуқа  
элементларининг самарадорлиги

Вариантлар номери	Йиллик ўғит нормаси			Кўк ҳолатдаги каноп ҳосили, ц/га		
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	маккажӯхоридан сўнг	канопдан сўнг	пахтадан сўнг
1	—	—	—	111,6	113,9	112,1
2	300	200	—	201,	204,4	207,4
3	300	—	100	173,4	176,3	180,6
4	—	200	100	160,9	164,4	169,5
5	300	200	100	211,3	215,3	218,6

Минерал ўғитларнинг самарадорлиги яхши бўлиши учун вегетация давридаги озиқлантиришларни сувдан олдин ўтказмоқ мақсадга мувофиқ. Каноп ўсиб ривожланиш даврида 4—5 марта культивация қилиниб, 5—7 марта, сизот сувлар чуқур жойларда эса, 8—10 марта суфорилади. Каноп пояси техник жиҳатдан етилиб, пастки кўсакларининг 50% ранги тўқ яшилдан оч яшилга ўтганда йиғиштирилади. Каноп ЖК—2,1 А маркали машина билан ердан 5—6 см баландликда ўрилади. Поя лубини шилиш учун НП—9 маркали машинадан фойдаланилади, ажратилган хом луб кўк поя оғирлигининг 30—32% ни ташкил этади. Хом луб 2—3 кун давомида ерга юпқа ёйиб қуритилади ва шундан сўнг яхшилаб текисланиб, 8—10 кг дан боғланиб махсус луб заводларга юборилади. Каноп кўклигига (тола олиш учун) йиғиб олингандан сўнг, қолган чиқитлари (барг, кўсак ва бошқалар) органик ўғит сифатида тупроққа аралаштирилиб, шудгорлаб юборилади. Луб экинлари (илмий текшириш тажриба станцияларининг маълумотига кўра) чиқиндилари ҳисобидан тупроқда гектарига 80—100 кг азот, 40—60 кг фосфор ва 100—120 кг калий қолади.

## БОШОҚЛИ ЭҚИНЛАРНИ ҮФИТЛАШ

Ғаллачилик жаҳон қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ҳар қандай давлат қудратининг ошишида foят муҳим манбалардан ҳисобланади. Аҳоли кўпайиб, саноат ва шаҳарлар ривожланган сари буғдойга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бораверади. Аҳолини нон билан таъминлаш бош масалалардан бўлиб, нон озиқ-овқат балансида, камида 50% ни ташкил этади. Буғдой таркибида инсон организми учун зарур бўлган оқсили ва углеводлар миқдори салмоқли ўринни эгаллайди. Буғдой таркибида 13,6% сув, 16,8% оқсили, 63,8% углевод, 1,2% ёғ ва 3,8% ҳар хил кимёвий элементлар мавжуд. Шунингдек, буғдой таркибида В груҳ витаминлари ( $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_3$ ) PP ва провитамин A ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кузги буғдой етиширишга жуда катта эътибор берилмоқда. Масалан, Россияда 1913 йилда кузги буғдой 8,3 млн гектарга экилган бўлса, бу кўрсаткич 1987 йилда 15,3 миллион гектарни ташкил қилди.

Кузги буғдой асосан РСФСР, Шимолий Кавказ, Белоруссия, Украина, Молдавия, қора ва ноқора тупроқли марказ ва Болтиқбўйи республикаларида етиширилади. У қисман Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларига ҳам экилади. Кузги буғдой экиладиган майдонларни үфитлаш натижасида унинг ҳосили (40—50% гача) кескин ортади. Буғдой қанчалик серҳосил бўлса, у тупроқдан шунчалик кўп миқдорда озиқ моддалар талаб қиласди. Масалан, буғдойдан гектарига ўртача 30 ц ҳосил олинганда, у тупроқдан 90—110 кг азот, 30—40 кг фосфор ва 65—80 кг калий олади. Кузги буғдой азотли үфитларга фосфорга қараганда икки-уч ҳисса талабчан бўлиб, ўсимликнинг найча ўраш ва бошоқ тортиш даврида айниқса, кўп талаб этади. Кузги буғдойни майсалаш даврида азот билан катта нормада үфитлаш тавсия этилмайди. Чунки у униб чиққандан сўнг 4—5 ҳафта давомида фосфорга талабчан бўлиб, бу даврда азот билан үфитланса совуққа чидамлилик хусусияти кескин пасайиб

кетади. Фосфор ўсимлик илдиз системасининг яхши ривожланиши, фотосинтез жараёнининг яхшиланиши, қанд моддаснин тўпланиши ва ҳосилнинг пишиқ бўлишида ижобий роль ўйнайди. Қалий ўсимликнинг азот ва фосфорни нормада ўзлаштириши, фотосинтез жараёнининг яхшиланишини, совуқ, иссиқ ва касалликка чидамлилигини таъминлайди.

Кузги ғалла экинларининг қишки совуқдан заарланмаслиги учун фосфор ва калийни аралаштириб солиш яхши натижа беради. Акс ҳолда кузги буғдой секин ўсиб ривожланади, ерга ётиб қолади ва занг касаллигига тез чалинади. Буғдойни замбуруғ ва бактериал касалликларга чалинмаслиги учун калийнинг хлорли тузлари (калий хлор) билан ўғитлаш лозим.

Кузги буғдойга минерал ўғитлар алоҳида-алоҳида эмас, биргаликда берилса анча юқори ҳосил олинади (97- жадвал).

#### 97- жадвал

**Минерал ўғитлар алоҳида-алоҳида ва биргаликда  
қўлланилганда уларнинг кузги буғдой ҳосилига  
курсатадиган таъсири  
( $P_2O_5$  — 60 кг/га, N ва  $K_2O$  — 30 кг/га)**

Тажриба вариантылари.	Ҳосилдорлик, ц/га		Қўшимча олинган ҳосил, ц/га	
	тупроқ 1 йил дам олгандан сўнг	кузги буғ- дойдан сўнг	тупроқ 1 йил дам олгандан сўнг	кузги буғ- дойдан сўнг
Ўғитсиз (контроль)	20,4	17,2	—	—
Фосфор	29,2	21,4	8,8	4,2
Фосфор+калий	29,8	22,6	9,4	5,4
Фосфор+азот	29,3	26,0	8,9	8,8
Азот+фосфор+калий	30,5	26,4	10,1	9,2

Тупроқ калий билан жуда яхши (300—400 мг/кг) таъминланган шароитда қўшимча калий билан ўғитлаши ижобий натижа бермаган. Қирғизистон шароитида ўтказилган тажрибаларга кўра, кузги ва баҳорги буғдой кам нормадаги азот ва фосфорли ўғитлар билан ўғитланганда ҳам уйдан сезиларли даражада юқори ҳосил олинди (98- жадвал).

Жадвалдан шу нарса яққол кўриниб турибдики, баҳорги буғдойларга азотли ўғитлар фосфорли ўғитга нисбатан кўпроқ ижобий натижа беради.

**Минерал ўғитлар алоҳида-алоҳида ва биргаликда қўшиб солинганда уларнинг буғдой ҳосилига кўрсатган таъсири**

Ўғитлар тури, кг/га		Кузги буғдой, ц/га		Баҳорги буғдой, ц/га	
азот	фосфор	ялпи ҳосил	қўшимча ҳосил	ялпи ҳосил	қўшимча ҳосил
—	—	16,2	—	14,3	—
70	—	20,9	4,7	19,9	5,6
—	70	21,0	4,8	17,0	2,7
70	70	32,3	16,1	34,5	20,2

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларига экиладиган бошоқли экинлардан арпа ва буғдойнинг йиллик ўғитлаш нормаси гектарига NPK—150—100—50 кг бўлиб, шундан 70 кг фосфор ва 30 кг калий сентябрь ойининг охирларида шудгор остидан берилади, жанубий районларда эса ноябрь ойининг биринчи 10 кунлигига, П—5—35M маркали плуг билан 28—30 см чуқурликда шудгорланади. Буғдой ва арпани экишдан олдин, ерни экишга тайёрлаш вақтида, тупроқ яна қўшимча гектарига 30 кг фосфор, 20 кг калий ва 50 кг азот билан ўғитланади. Бу даврда ўғитлаш шунинг учун ҳам муҳимки, янги униб чиққан майсанинг илдиз системаси заиф бўлганлиги учун шудгор остидан 28—30 см чуқурликда берилган фосфор ва калийни ўзлаштира олмайди. Қолган 100 кг азот эса, найча ўраб бошоқ тортиш даврида, қўшимча озиқ сифатида, техника ёки самолёт ёрдамида берилади.

Сугориладиган ерларга буғдойдан олдин экилиб келинган экинларга берилган бўлса, яъни тупроқ таркиби чириндига бой бўлса, гўнг берилмайди. Гўнг лалмикор ерлар ва кам унумли тупроқларга асосий шудгор остидан гектарига 15—20 т дан солинади.

Органик ва минерал ўғитлар алмаштирилиб солинганда, гўнг нормаси 8—10 тоннага камайтирилади. Кузги ғалла экинларига гўнг билан биргаликда, албатта минерал ўғитлар солиш зарур. Лалмикор деҳқончилик институтининг маълумотларига кўра, минерал ўғитлар кузги буғдойнинг турли хил касалликларга чалинишининг олдини олиш билан бирга унинг ҳосилини ҳам 40—45% гача оширади. Кузги ғалла экинлари қишдан чиқ-

қанда ўта нимжон, кўп ҳолларда шикастланган бўлади. Қишиқи ўсиш даврида, айниқса сернам зоналарда азотли ўғитлар тупроқнииг пастки қаватига ювилиб кетади, микроорганизмлар фаолияти, ҳарорат паст бўлганлиги учун жуда суст бўлади. Шу сабабли кузги ғаллаларни эрта баҳорда азот билан қўшимча ўғитлаш ўта муҳим.

Илмий-тажриба муассасаларининг маълумотларига кўра, кузги ғаллаларни эрта баҳорда қўшимча озиқлантириш жуда самарали бўлиб, ҳосилни 4—5 центнергача оширади. Органик ўғит сифатида қўшимча гўнг шалтоғи (8—10 т/га), парранда, пилла чиқити (3—5 ц) ёки бошқа хилдаги маҳаллий чиқитлардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Қирғизистон дәҳқончилик илмий текшириш институтининг маълумотларига кўра, типик бўз тупроқли ерларга экилган баҳори буғдойга донадор аммофос солингандай энг юқори ҳосил олинган. Оддий донадор суперфосфат (18—19,5%) кам самарали бўлиб чиққан (99- жадвал).

#### 99- жадвал

##### Баҳори буғдойга солинган ҳар хил шаклдаги фосфорли ўғитларнинг, сомон ва дон ҳосилига таъсири, ц/га

Ўғит турлари	Сомон ҳосили		Дон ҳосили	
	ц/га	қўшимча ҳосил	ц/га	қўшимча ҳосил
Контроль (ўғитланмаган)	45,2	—	17,8	—
Донадор оддий суперфосфат	46,3	1,1	19,4	1,6
Қўш суперфосфат	49,2	4,0	19,8	20
Аммонийлашган суперфосфат	55,5	10,3	19,7	1,9
Аммофос	59,7	14,5	21,2	3,4

Органик ва минерал ўғитлар аралаштириб қўлланилганда ҳосилдорлик яна ҳам ортади (100- жадвал).

Үрта Осиё жумҳуриятларининг талайгина майдони лалми зоналар бўлиб, йиллик ёғингарчилик нормаси 230—400 мм бўлган зоналардан гектарига 10—15 центнергача ғалла ҳосил олиш мумкин. Лекин, лалми тупроқларнинг унумдорлиги жуда паст бўлганлиги сабабли (чириди 0,3—0,4%), лалми экинлар минерал ва органик ўғитларга ўта талабчандир. Тожикистон ғаллачилик илмий текшириш муассасаларининг маълумотига кўра,

## 100- жадвал

## Органик-минерал аралашмаларнинг кузги буғдой ҳосилига таъсири

Органик ва минерал ўғитлар, ц/га	Дон ҳосили, ц/га	Қўшимча ҳосил	
		ц/га	%
Конгроль (ўғитланмаган)	37,9	—	—
20 кг азот+35 кг фосфор	43,8	5,9	15,6
35 кг фосфор+2 т чириган гўнг	44,8	6,9	18,2

лалми ерларга буғдой экиш билан бир вақтда гектарига 10—20 кг фосфор берилганда, ўғитланмаган варианта нисбатан 2,0—2,9 ц қўшимча ҳосил олинган, 20 кг азот қўшилганда бу кўрсаткич 3,8 центнерни ташкил қилган (101- жадвал).

## 101- жадвал

## Минерал ўғит нормаси ва ўғитлаш муддатининг лалми буғдой ҳосилига таъсири, кг/га

Йиллик норма	Ўғитлаш муддатлари						Дон ҳосили, ц/га	Қўшимча ҳосил
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	шудгор ости	экиш билан	майса-лаш пайти	бошоқ тўплаш		
				N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>			ц/га
—	—	—	—	—	—	—	11,3	—
—	10	—	—	10	—	—	13,3	2,0 17,7
—	20	—	—	20	—	—	14,2	2,9 25,7
20	20	—	—	20	—	20	15,1	3,8 33,6
—	20	—	—	—	20	—	13,6	2,3 20,3
—	20	20	—	—	—	—	13,3	2,0 17,7

Лалми экинлар учун яхши чириган гўнг жуда самарали бўлиб, буғдой ҳосилини гектарига 4—5 ц, арпа ҳосилини эса 6—7 центнергача оширади. Лалми экинлар учун минерал ўғитларнинг йиллик нормаси гектарига 50 кг азот, 20—100 кг фосфор, 30—40 кг калий ва 12—15 тонна гўнг бўлиши тавсия этилади. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг 70—30% гўнгнинг ҳаммаси шудгор остидан, қолган қисми эса, экишда ва бошоқлаш даврида қўшимча озуқа сифатида берилади. Бир қатор галлачилик илмий текшириш институтларнинг маълумотига кўра, фосфорли ўғитлардан «аммофос» (50—60 кг/га) лалми экинлар учун ўта самарали бўлиб, буғдой ҳосилини ўғитланмаган варианта нисбатан гектарига 4,7 ц гача оширади.

## ШОЛИНИ ҮФИТЛАШ

Хитой, Бирма, Ҳиндистон, Япония, Непал, Индонезия, Жанубий, Жанубий-шарқий Осиёдаги бир қатор мамлакатлар шоли экиб, гуруч истеъмол қиласиган мамлакатлар бўлиб, Ер шарида экиладиган 144,5 миллион гектар шоли майдонининг 90—95% айнан шу мамлакатлар зиммасига тўғри келади. Жанубий-шарқий Осиёда, шоли, истеъмол қилинадиган экин сифатида 4—5 минг йилдан бери маълум бўлиб, унинг асли ватани Ҳиндистон ва Бирмадир.

Ўзбекистонда эрамиздан олдин ҳам шоли экилганлиги маълум. Шоли кимёвий таркиби жиҳатдан жуда муҳим маҳсулот бўлиб, таркибида 7,7% оқсил, 75,2% углевод (крахмал) ва 0,4% ёғ мавжуд. Гуручдан ун, крахмал, спирт, упа, қанд ва қандолатчилик маҳсулотлари, похолидан эса сифатли қофоз ва картон тайёрланади, похолн ва кепаги чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Шоли ҳосилдорлиги жиҳатидан донли фалла экинлар орасида биринчи ўринда туради. Бироқ Ўзбекистонда шоли ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб, гектарига 35—40 цдан ошмаяпти. Шунга қарамасдан шоли етиштиришнинг илфор технологияси қўлланилаётган Гўрлан районидаги «Коммунизм», Гагарин районидаги маҳсус шоличилик «Искра» совхозлари гектаридан 65—70, ҳаттоқи 75 ц гача шоли етиштирмоқдалар. Уруғлик тўғри танланиб, ўғит ва сувдан тўғри фойдаланиб, тўла гектарлар ҳосил қилинганда, ва энг муҳими илфор технология жорий этилганда донли экинлар ичидаги шоли энг кўп ҳосил беради.

Шоли ўртача иссиқсевар экин бўлиб, ҳарорат 25—30 даражада бўлганда нормал ўсиб ривожланади. Уруғ тупроқнинг 0—10 см чуқурлигига ҳарорат 12—14 даражага етганда экилади. Униб чиқиши учун 18—20 даражада мақбул ҳисобланади. Алмашлаб экиш схемасида кўп йиллик ўтлар, дон-дуккакли ва дуккакли экинлар, маккажӯхори ўрнига экилади. Шолипояларда доимий равишда сув бўлиши донидаги оқсил миқдорининг камайишига сабаб бўлади. Масалан, доимий сувда турган шоли таркибидаги оқсил миқдори 10,9—11,6% ташкил этса, вақти-

вақти билан суғорилганда 12,9—14,7% гача ортади. Шоли поллари уруғ әкилгандан сүнг 10—15 см қалинликда сув билан бостирилади ва орадан 4—5 кун ўтгач, шоли-поядаги сув сатқи нолга келтирилади ва күчат тұлиқ ушиб чиққунча сув құйылмайды. Тұлиқ күчат олиниши билан шолипоялардың ёш күчательарни ювіб кетмайдын даражада сув билан 15—20 см қалинликда тұлдирилади, кейинчалық сув сатқи 25 см гача етказилади. Құшимча озиқ сифатида минерал үғитлар беріш олдидан, оқар сув ҳам оқова сув ҳам тұхтатылади ва шундан сүнг үғитланиб полдаги сув тупроққа шимилиб кетмагуна сув берилмайды. Шоли минерал ва оргапик үғитларға жуда талабчан бўлиб, гектаридан 50 ц ҳосил (дони ва похоли) олинганда тупроқдан 90—95 кг азот, 40—45 кг фосфор ва 160—170 кг калийни ўзлаштиради. Гектаридан 100 ц дон ва похол ҳосили олинганда эса 242 кг азот, 124 кг фосфор ва 315 кг калий ўзлаштиради (Бутунитти-фоқ Шоличилик тажриба станцияси маълумотлари). Чунки шолининг илдиз системаси анча заиф ривожланган бўлиб, тупроқ таркибидағи бօғланган ҳолатдаги озуқалардан деярли фойдалана олмайды. Шу туфайли шолидан мұл-ҳосил олиш учун уни органик ва минерал үғитлар билан үғитлаш зарур. Шолига оргапик үғит сифатида чириган гүнг, парранда ва ипак құрты чиқити, ариқ лойқаси, турли чириган (компостланған) шоли чиқитлари солиш самарали бўлиб, чиримаган гүнг ёки турли хил шалтоқлар беріш тавсия этилмайды. Чунки бу кабилар шоли пояни бегона ўтларни босишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, курмакнинг кўпайиб, шоли ҳосилининг камайишига олиб келади.

Шоли пояларга органик ва минерал үғитлар аралаштирилиб берилгандан юқори ҳосил олинади. Шолинояларда органик ва минерал үғитлардан (фосфор ва калийни) фойдаланишда тупроқ унумдорлигини ҳисобга олиб, 5—10 т дан 30—40 тоннагача чириган гүнг ва агрехимкартограмма асосида фосфор ва калий үғитлари солинса самараדורлик янада яхши бўлади.

Урта Осиё тупроқларида азот ва фосфор (1 : 1 нисбатда солингандан) жуда самарали бўлиб, шоли ҳосилини гектарига 25—30 центнергача оширади ёки ҳар бир килограмм азотли үғит ҳисобидаи 12—15 кг дон ва бир килограмм фосфор ҳисобидаи 4—5 кг шоли дони олинади. Гектаридан 50—55 ц шоли этишириш учун 100—150 кг азот ва фосфор тавсия этилса, ҳар гектардан 55—80

центнер шоли ҳосил олиш учун 210—240 кг азот, 100—150 кг фосфор ва 70—80 кг калий талаб этилади. (102-, 103- жадваллар).

#### 102- жадвал

**Ҳар хил нормадаги минерал ўғитларнинг  
шоли ҳосилига таъсири, ц/га**

Конт. роль	Тажриба вариантилари								Ўғит ҳисоби дан олий, қўйним ча ҳо- сли	Ўтка- зил- гай тажри- балаф- сони	
	53		101		153		153				
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		
36,4	49,7	—	—	—	—	—	—	—	12,9	8	
33,5	—	53,0	—	—	—	—	—	—	19,5	15	
38,3	—	—	—	50,1	—	—	72,1	—	11,8	4	
51,4	—	—	—	—	—	—	—	—	20,7	1	

#### 103- жадвал

**Ҳар хил нормадаги уруғ ва азотли ўғитларнинг шоли ҳосилига  
таъсири, ц/га (Рахимов Г. Н. маълумотлари)**

Экилади ган уруғ нормаси кг/га	Азотли ўғитлар нормаси, кг/га (фон — P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> —100; K <sub>2</sub> O — 30 кг/га)					
	123	150	180	210	243	280
50	40,9	42,4	44,2	46,7	50,2	47,6
100	52,6	53,8	56,2	57,4	59,0	55,6
200	63,6	64,5	65,8	68,7	70,1	67,1
300	72,1	73,6	75,4	80,1	84,0	79,2
350	57,2	59,5	60,7	62,4	66,3	61,2

Шолидан гектарига ўртача 50—60 центнер ҳосил олиш учун минерал ўғитларнинг тахминий йиллик нормаси, эртанишар навлар учун: азот — 120—150, калий 50—75 кг; кечпишар навлар учун эса, азот — 180—220—250, фосфор 150—180 ва калий 75—100 кг дан тавсия этилади (фосфорли ва калийли ўғитлар уларнинг тупроқдаги миқдорига қараб табақалаб солинади).

Азотли ўғит сифатида шоли учун аммоний сульфат (20,5%) ёки карбамид (мочевинадан — 46%) фойдаланилади. Бу икки азотли ўғит селитрадан фарқли равишда, анча майда ва яхши ёйилади, намни кам тортади ҳамда кам босилади. Шунинг учун улар кузги экинлар ва шоли учун тавсия этилади. Аммиакли селитра сувда

ўта эрувчан бўлиб, унинг таркибидаги нитратнинг 20—30% тез ювилиб кетади.

Фосфорли ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси ва азотли ўғитларнинг 30—35% экиш олдидан тупроқни экишга тайёрлаш даврида берилади. Қолган 65—70% азотли ўғит эса биринчи ва иккинчи ўтоқлардан кейин, яъни шоли 4—5 чиңбарг чиқарганда ва ёппасига тупланиш (бошоқ чиқариш) даврида берилади. Лозим бўлса, яъни ўсуздан орқада қолган шолипоялар танлаб, учинчи марта ўғитланади.

Шўрлангаи ерларга бериладиган фосфорнинг йиллик нормаси 20—25% гача оширилади. Қўшимча озиқлантириш даврида ўғитлаш самолётда, жуда кичик бўлганда қўл билан сепилади. Ўғитларни сепишдан аввал уларнинг бир текис тушишини таъминлаш учун яхшилаб майдаланиб, кўзи 7—8 мм сим фалвирда эланади.

Ўтпоя ва бедапоядан бўшаган ерларга шоли экилганда азот нормаси камайтирилади ёки тупроқ жуда унумдор бўлса, умуман солинмайди. Енгил тупроқли, юқори рельефли шўрланмаган ерларда, сизот сувларни тортувчи зовурлар қурилган жойларда, шолипоя тупроқлари таркибидаги гумус (чиринди) миқдорини ошириш мақсадида, кўкат ўғит сифатида қишига чидамили навлардан Никольсон кўк нўхати, кузги вика шабдар экиш самарали ҳисобланади. Кўкат ўғитлар (нўхат—150 кг/га, вика шабдар 20 кг/га) 10—15 сентябргacha шоли орасига экилади, шудгорланган далаларда 20—25 октябргacha экиб гектарига 60—80 кг дан фосфорли ўғит бериб (ёғингарчилик бўлмагандан) сувланади. Кўк масса 15—20 апрелдан кечикмасдан тишли диска билан майдаланиб, изидан шудгорлаб юборилади.

## ШАҚАРҚАМИШНИ ЎҒИТЛАШ

Шакарқамиш ғаллагуллилар оиласига мансуб бўлиб, 13 та турни бирлаштиради. Асл ватани Ҳиндистон. Ўзватанида кўп йиллик ўтчил ўсимлик, поя йўғонлиги 3—5 см, баландлиги 3—4, ҳатто 6 метргача ҳам етиб борувчи попук илдизли ўсимликдир.

Шакарқамиш — тропик ва субтропик минтақалар ўсимлиги бўлиб, кристалл шакар ишлаб чиқаришда дунё миқёсида ишлаб чиқариладиган шакарнинг учдан иккни ўсимликтадан олинади.

Республикамизда шакарқамиш Сурхондарё обlastining Олтинсой районидаги ромсовхозкомбинатда етиш-

тирилади. Олтинсойда шакарқамиш бир йиллик ўсимлик бўлиб, алмашлаб экишда беда билан қўшиб экилади. У уч йиллик бедапоя бузилгандан сўнг, унинг ўринига ғаллагуллилардан сўнг ёки ўзидан кейин иккинчи марта экилади.

Шақарқамиш минерал, айниқса органик, маҳаллий ўғитларга ўта талабчан бўлиб, кузги шудгор остидан 60—80 т гўнг, фосфор ва калий йиллик нормасининг 60% сепилиб, ер 30—35 см чуқурликда шудгорланади. Экиш билан йиллик норманинг 20% миқдорида азот, фосфор ва калий берилади. Қолган 80% азот ва 30% фосфор ва калий вегетация даврида қўшимча икки марта озиқлантирилади.

Бедапоядан кейин экилган шакарқамишнинг йиллик ўғит нормаси гектарига 200—250 кг азот, 200—250 кг фосфор, 100—125 кг калий ва 20—30 т маҳаллий ўғит иборат бўлиш керак. Тупроқ маҳаллий ўғитлар билан таъминланмаган бўлса, минерал ўғитларнинг йиллик нормаси (нормага нисбатан) 25—30% гача оширилади. Минерал ўғитлар билан озиқлантирилгандан сўнг, ҳар сафар 800—1000 м<sup>3</sup> нормада сувланса, ўғитлар самардорлиги янада ижобий бўлади. Шакарқамиш ўта иссиқ-севар ўсимлик бўлганлиги туфайли (шакарқамиш қадимдан етишириладиган мамлакатларда йиллик фойдали иссиқлик коэффициенти 6500—7000 даражада), Олтинсой шароитида (4000—4500 даражада) иссиқлик нормадан кам бўлганлиги учун вегетацияси 6,5—7,0 ой давом этади ва гуллаб улгурмайди.

Шакарқамиш поясининг ўртacha ҳосили Олтинсой шароитида 550—650 ц/га ни ташкил этади. Ҳосил октябрь ойининг ўрталарида, маҳсус машиналар ёрдамида ўриб олинади ва бирданига келгуси йил учун яхши етилиб пишган ўсимликлар танлаб олиниб (улар қўл билан илдиздан кесилади), шу заҳоти қишида сақлаш учун маҳсус зовурларга кўмилади. Зовурнинг чуқурлиги 0,8—1 м, эни 1—1,5 м ва узунлиги қаламча сонига қараб турлича бўлиши мумкин. Зовурларнинг ўртacha ҳарорати +4÷+8°C паст бўлмаслиги ва намлиги нормада бўлиши шарт. Бу қаламчалар март—апрель ойларида эгатларга 16—18 см чуқурликда бир-биридан 120—130 см оралатиб экилади, ўғитлар ҳам экиш билан бирга солинади. Кўчат қалинлиги гектарига 15—20 минг дона бўлганда нормал ҳисобланади.

## САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАНИ ҮФИТЛАШ

Сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг энг қадимий тармоқларидан бири бўлиб, бодринг, карам, пиёз, каби экинлар тарихи 4 минг йилга тенг ҳисобланса, сабзи, шолғом, лавлаги ва саримсоқ каби ўсимликларнинг мадданийлашган экинлар қаторига киритилганлигига ҳам тахминан 2 минг йил бўлди. Полиз экинларидан қовуннинг Ўрта Осиёда эрамиздан илгари ҳам экилганлиги маълум. Сабзавот экинлари, дехқончилик қилинадиган шимолий зоналардан тортиб, тропик зоналаргача бўлган ҳамма жойларда етиштирилади. Ўрта Осиёда сабзавот асосан, текисликлар, тоғ этакларидағи сугориладиган районларда кенг кўламда етиштирилади. Ўрта Осиё районларида илиқ кунларнинг узоқ (280—290 кун) давом этиши, ёзги ҳароратнинг юқори бўлиши, кўкат-сабзавотлардан бир неча бор, картошка, бодринг, помидор каби иссиқсевар сабзавот экинлардан эса йилига икки марта ҳосил олишга имкон беради.

Меваси серсув ва этли қисми овқатга ишлатиладиган бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар сабзавот деб атлади. Илгарилари сабзавот экинлари асосан, томорқаларда (сабзазорларда) ўстирилган бўлиб, «Сабзавотчик» деган ном ҳам шундан келиб чиқсан.

Сабзавот сўзи кенг маънода олингандан, полиз экинлари бўлмиш қовун, тарвуз ва қовоқлар ҳам сабзазор экинлари группасига киради. Бу экинлар фақат полиз деб аталган махсус дала участкаларда ўстирилиши билан сабзавот экинларидан фарқланади.

Ўрта Осиёда, сабзавот алмашлаб экиш системасига кирувчи картошка ҳам ишлатилиши туфайли, ўстириш ва сақлаш усуллари жиҳатидан сабзавот экинларига жуда яқин туради. Сабзавот экинлари таркибида озиқ моддалардан оқсил, углеводлар ва ёғ кам бўлиб, сув эса жуда кўп. Уларнинг калорияси жуда кам, аммо, улар инсон организми учун ғоят зарур витаминалар, минерал тузлар ва ферментларга жуда бой (104- жадвал).

Сабзавот маҳсулотлари қуруқ моддасининг асосий қисмими углеводлар — крахмал, шакар, клечатка ва пектили моддалари ташкил этади.

Сабзавот ўсимликларининг тури, нави, ёши ва ўстириш шароитига қараб, улар таркибидаги витаминалар миқдори ўзгариб туради. Масалан, қизил сабзи навлари-

**Ягни сабзавотнинг кимёвий таркиби ва калорияси  
(ёйимли қисмининг вазнига нисбатан % ҳисобида)**

Усмиллар	СВ	Оксиген	Углеводлар			Калорияси	100 г маҳсулот калорияси	Ейимли қисми, маҳсулотга нисб., %
			умумий миқдори	шужумладан шакар	Клетчатки			
Тарвуз	89,5	0,5	9,2	8,0	0,5	0,3	40	52
Бақлажон	92,5	1,0	4,5	3,2	1,5	0,5	23	90
Сабзавот нұхат	81,0	6,5	11,0	4,2	1,0	0,5	72,0	95
Қовун	89,0	0,6	9,0	7,0	0,8	0,6	39	64
Оддий карам	90,0	1,8	5,4	2,0	1,6	1,2	30	80
Картошка	75,0	2,0	21,0	1,5	1,0	1,0	94	75
Сабзи	88,5	1,5	8,0	6,5	1,2	0,8	39	80
Бодринг	95,0	0,8	3,0	1,5	0,7	0,5	16	95
Чучук қызил қалампир	91,0	1,3	5,7	4,2	1,4	0,6	29	75
Редиска	93,5	1,2	4,1	1,5	0,5	0,7	22	75
Турп	88,6	1,9	7,0	1,5	1,5	1,0	36	70
Шолғом	90,5	1,5	3,9	3,0	1,4	0,7	30	75
Лавлаги	86,0	1,9	10,8	8,0	0,9	1,0	50	80
Помидор	93,5	0,6	4,2	3,5	0,8	0,4	22	85
Ошқовоқ	92,0	0,5	6,2	5,0	0,7	0,6	27	70
Үкрап	84,7	2,5	7,5	—	3,5	1,8	41	74
Саримсоқ	70,0	6,5	21,2	—	0,8	1,5	114	78
	91,1	2,9	2,3	0,1	1,0	2,6	21	74
Отқулоқ (шовул)	88,5	2,6	5,3	2,3	1,6	1,4	34	76

да, түқ сариқ этли қовоқ навларида, айни әкинларнинг оч сариқ навларидагига нисбатан витамин миқдори күпроқ бўлади ёки етилиб пишган қалампир ва помидор мевалари етилмаган меваларга нисбатан витамин С га бой. Карам, салат ва пиёзниң сиртқи баргларида витамин С, ички баргларидагига нисбатан кўп. Далада ўстирилган помидорга нисбатан, иссиқхонада ўстирилган помидор таркибида каротин кам. Азотли ўғитлар исламоқ баргларида каротин миқдорини кўпайтиради, калийли ўғитлар эса камайтиради.

Сабзавот ва картошка таркибидаги витаминалар миқдорини қўйидаги 105- жадвладан кўриш мумкин.

Катта ёшдаги кишиларнинг энг муҳим витаминаларга бўлган бир кечада кундузлик эҳтиёжи ўртача қўйидагича (мг ҳисобида) С—70÷120; А—1÷2; В<sub>1</sub>—2÷3; В<sub>2</sub>—2,5÷3,5; РР—15÷25.

Сабзавот-полиз ва картошка әкинлари тупроқдаги озиқ моддаларга анча талабчан бўлиб, улар унумдор

### Сабзавот ва картошка таркибидаги витаминлар

Экин турлари	100 г ҳом сабзавот таркибида, мг			
	витамин С (аскорбин кислота)	Провитамин А (каротин)	витамин В (тиамин)	Витамин В <sub>2</sub> (рибофило- вин)
Тарвуз (эти)	8	1,00	0,03	—
Бақлажон	4	асари	0,03	0,01
Қовун	25	—	—	—
Оддий карам	45	0,04	0,15	0,05
Картошка	10	0	0,12	0,01
Бош пиёз	6	0	0,10	0,02
Бодринг	8	0,08	0,05	0,04
Чучук қалам- пир	200	4,60	0,06	—
Турп	15	асари	0,10	—
Шолғом	14,0	0,04	—	—
Лавлаги	8	0	асари	—
Помидор	30	1,40	0,10	0,04
Ошқовоқ	4	5,00	—	0,06
Отқулоқ	26	2,50	0,19	—
Саримсоқ	10	—	0,19	—

тупроқларни севади. Чунки уларнинг экологик тип ва навлари бир неча асрлар давомида, сабзазорлар шароитида вужудга келган ва ҳар йили ўғитланиб туриладиган унумдор томорқа ерларда етиштирилиб келинган.

Ташқи муҳит таъсирида тупроқнинг устки қаватларидаги озиқ моддалардан фойдаланишга мослашган, ил-

### Сабзавот экинлари томонидан тупроқдан олинадиган озиқ моддалар миқдори

Экинлар турлари	Нисбат, % ҳисобида			100 цнетнер маҳсулотда, кг		
	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
Сабзи	23,3	10,2	38,0	32,6	14,3	53,1
Карам	41,0	14,0	49,0	39,8	13,7	46,5
Помидор	33,0	11,4	45,3	37,0	13,0	50,0
Бодринг	27,5	14,6	44,2	32,0	17,0	51,1
Бош пиёз	44,2	11,6	21,0	57,5	15,1	27,4
Хураки лавлаги	27,0	15,3	42,8	31,6	17,9	50,5

диз системаси суст ривожланган ва попук илдили ўсимлик формалари вужудга келган. Сабзавотчилик соҳасидаги қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу экинлар тупроқдан асосан калийни, ундан кейин эса, азот ва фосфорни ўзлаштиради (106-, 107- жадваллар).

#### 107- жадвал

**Сабзавот экинлари ҳосили учун тупроққа сарфланган озиқ моддалар миқдори (Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти маълумотлари)**

Экинлар тури	Ҳосили, ц/га	Ҳосил учун сарфланган озиқ моддалари, кг/га	
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
Қарам	459—625	126—212	44—84
Картошка	169—316	79—178	32—52
Қовун	348—422	112—163	35—50
Бодринг	380—488	94—128	30—53
Сабзи	161—199	48—70	19—25

#### 108- жадвал

**Сабзавот экинлари томонидан калийнинг тупроқдан сўриб олиниши (Эдельштейн маълумотлари)**

Экинлар	Қарам	Помидор	Бодринг	Сабзи	Пиёз	Редиска
Ҳосил, ц/га	500	400	300	300	300	100
K <sub>2</sub> O нинг сўриб олиниши, кг/га	225	144	78	150	120	51

Тупроқдан сўриб олинадиган озиқ моддаларининг умумий миқдори, ўсимликларнинг тупроқ унумдорлиги-га бўлган талабини тўла ифодалай олмайди. Бироқ ўсимликларнинг тупроқдаги озиқ моддалари ва ўғитларга бўлган талабини тўғри баҳолаш учун тупроқдан сўриб оладиган озиқ элементларнинг фақат умумий миқдоригина эмас, бир кечакундузлик ўртacha миқдорини ҳам ҳисобга олиш зарур (109- жадвал).

Сабзавот экинлари тупроқдан сўриб оладиган озиқ моддаларнинг умумий ва ўртача бир кечакундузлик миқдори (Кюз П. П. ва Бризгалов В. А. маълумотлари)

Экин тури	Ҳосил, ц/га	Бутун ўсув даврида сўриб олинган NPK, кг/га	Усув даври, кун	Суткада ўзлаштирилган NPK, кг/га
Помидор	400	263	159	1,8
Бодринг	300	170	100	1,7
Пиёз	300	247	100	2,5
Эртаги карам	400	418	130	3,2
Редиска	250	218	60	3,6
Салат	150	183	45	4,1
Исмалоқ	200	330	40	8,2

Жадвалдаги маълумотларга кўра, салат, редиска, исмалоқ каби кўкат ўсимликлари озиқ моддаларга унчалик талабчан эмас. Шунга қарамасдан, айни ўсимликлар тупроқдаги озиқ моддаларини 30—60 кун (жуда қисқа муддатда) ичидаги ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам барча сабзавот, кўкат экинлар унумдор тупроқларда экилганда юқори ҳосил беради.

Сабзавот экинларининг тупроқдаги озиқ моддаларга бўлган талаби уларнинг илдиз системасининг ўзлаштириш қобилиятига боғлиқ бўлиб, редиска, бодринг, салат каби экинлар тупроқдан минерал ўғитларни ўзлаштирасада, лекин тунроқда азот, фосфор ва калий каби минерал ўғитларнинг етарлича кўп бўлишини талаб этади.

Сабзавот экинларнинг минерал ўғитларга бўлган талаби турлича бўлиб, салат, пиёз, редиска, шолғом, помидор ва бақлажон каби экиналр фосфорни нисбатан ёмон ўзлаштиради. Карам ва редиска илдизлари кенг ёйилган бўлиб, азотни тезроқ, пиёз эса илдиз системаси тор ёйилганлиги туфайли секин ўзлаштиради. Сабзавотларнинг озиқ моддаларни ўзлаштиришида тупроқ ҳарорати ва ҳаво режими муҳим роль ўйнайди. Масалан бу тур экинлар учун 5°C ҳарорат азотни, 10—14°C дан паст ҳарорат эса фосфорни ўзлаштиришга имкон бермайди.

Минерал ўғитларни ўзлаштириш айни экинларнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлиб, аксарият кўпчилик сабзавотлар униб чиқишининг бошланғич даврларида фосфорга нисбатан унчалик эҳтиёж сезмайди. Бу эса ўз навбатида фосфорли ўғитларни экиш олдидан солиш мумкин эканлигини билдиради.

Сабзавотлар бутун вегетация даврида озиқ моддаларни бир текисда ўзлаштирмасдан, турли фазаларда турлича ўзлаштиради, мева туғиши фазасида бу жараён жуда шиддатли кечади. Шу сабабли ҳам сабзавот далаларини шудгор остидан ўғитлаш билан бирга, экинларни вегетация даврида ҳам ўғитлаш тавсия этилади. Бу ҳолатни 110- жадвалдан яққол кўриш мумкин.

#### 110- жадвал

**Картошканинг бир кеча-кундузда ўзлаштирадиган азот, фосфор миқдори (100 туп ўсимликка грамм ҳисобида)**

Вегетация даври	100 туп картошка томонидан узлаштирган	
	азот	фосфор
14. VII—3. VIII	3,22	0,6
3—5 VIII	6,62	0,95
15. VIII—7. IX	11,02	2,58
7—16. IX	22,20	5,94
16. IX—1. X	7,69	3,38
1—13. X	1,87	0,34

Минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий) сабзавот экинларининг ўсиши, ривожланиши ва энг муҳими ҳосилининг сифатига турлича таъсир кўрсатади.

**Азотли ўғитлар** — поя ва баргларнинг ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этади. Аммо азотнинг нормадан ортиқ бўлиши экинлар палагининг ғовлаб кетишига, гуллаш ва мева туғишининг кечикиб кетишига, натижада ҳосилни камайиб, сифатининг паст бўлишига сабаб бўлади. Қарам жуда шиддатли ўсиб, ҳаттоти қарам бошлари ёрилиб кетади. Картошка туганакларининг ичидагаво пайдо бўлиб, баъзан қорайиб қолади, крахмал миқдори кескин камайиб кетади. Қовун ва тарвузнинг таркибидаги шакар камайиб, нитрат миқдори ортиб кетади. Сабзи, картошка, пиёз, саримсоқ, каби илдизмевалар узоқ сақлашга яроқсиз бўлиб қолади. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган тажрибаларда узлуксиз азот солиб борилган вариантда шакарқовун навининг ширадорлиги бир фоиздан ортиқ камайганлиги қайд этилган.

**Фосфор** — ўсимликлар палагининг ўсишини сусайтиради, аммо туганаклари, уруғи, пиёз бошлари, илдиз меваларининг тез етилишига ёрдам беради. Меваларининг

## Шакарқовун навидаги шакар миқдорига азотли ўғит таъсири

Минерал ўғитлар нормаси, га/кг	Умумий шакар, %	Сахароза, %
N <sub>90</sub> —P <sub>60</sub>	9,08	5,46
N <sub>90</sub>	7,91	4,36

қуруқ массасини оширади, крахмал ва шакар миқдорини кўпайтиради. Шолғом, редиска, помидор, бақлажон каби сабзавот экинлари фосфорга талабчан бўлиб, фосфор ҳосил донлари, мевалари, пиёс ва илдиз меваларнинг етилиши ва сифатли бўлишини таъминлайди.

**Калий** — сабзавот экинлари учун калийли ўғитлар жуда муҳим бўлиб, углеводлар ҳосил қилишда, турли хил касалликларнинг олдини олишда, пояларни пишиқлигини мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнайди.

Ўсимлик органларида калий етишмаса, у азот ва фосфорни ўзлаштира олмайди. Калий ўсимлик билан азот ва фосфорли ўғитлар ўртасида катализаторлик вазифасини бажаради. Картошка ва илдиз мевалар калийли ўғитларга ўта талабчан бўлади.

## Сабзавот-полиз ва картошка экиладиган ерларга минерал ўғитлар солишнинг таҳминий йиллик нормаси, кг/га

Экинлар тuri	Планлашибтирилган ҳосил, ц/га	Бўз тупроқ учун			Ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқ учун		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Қарам	200—300	150—200	100—150	50—100	120—150	120—150	60—100
Сабзи	120—150	75—120	75—100	40—50	50—100	50—120	30—50
Помидор	300	200	150	100	150	150	100
Бош пиёз	220	200	150	75	160	160	100
Лавлаги	120—150	120	90	60	100	120	90
Бодринг	150	150	100	75	100	100	50
Бошқа ҳар хил сабзавотлар	150	150	100	50	100	120	50
Полиз	250—300	100—150	100—150	50	80—100	100—120	50—60
Картошка	120—150	100—140	100—140	60—80	80—100	120—50	60—80

Минерал ўғитларнинг юқоридаги хоссаларига асосланниб, сабзавот-полиз ва картошкадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқ шароити ва унинг унумдорлигига асосланиб, сабзавот-полиз ва картошка экинларининг бир йиллик минерал ўғитлар тахминий нормаларни режалаштириш жуда катта аҳамиятга эга (112, 113- жадваллар).

Сабзавот экинларининг нормал ўсиб ривожланишида макроўғитлардан ташқари, микроўғитлар ҳам муҳим ҳисобланади. Буни қуйидаги 114- жадвалдан яққол кўриш мумкин. Бунда уруғлик картошка экишдан олдин 0,01% кучсиз микроэлементлар эритмаси билан ҳўлланилганда қуйидаги натижалар олинган (Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг маълумотлари).

#### 113- жадвал

##### Сабзавот-полиз экиладиган ерларга минерал ўғитлар солишнинг тахминий йиллик нормаси, кг/га

Экин тури	Гўнг, т/га		Минерал ўғитлар нормаси, кг/га					
			Подзол тупроқ учун			Қора тупроқ учун		
	подзол тупроқ	қора тупроқ	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Кечки карам	30—40	20—30	90—120	60—90	120—180	60—90	60—90	90—120
Эртаги гулкарам	30—40	20—30	60—90	45—60	60—90	60—90	60—90	90—120
Помидор	20—30	30—40	60—90	90—120	90—120	60—90	50—120	60—90
Бодринг	60—120	60—90	60—90	60—90	60—120	45—60	60—90	60—90
Лавлаги	—	—	60—90	45—60	90—180	45—60	60—90	90—120
Бошибиёз	30—40	20—40	45—60	45—90	60—90	30—45	45—60	45—60
Сабзи	—	—	50—60	60—90	90—120	45—60	60—90	60—90

#### 114. жадвал

##### Микроэлементларнинг картошка ҳосилига таъсири

Микроэлементлар	Картошка ҳосили, ц/га
Контроль (ўғитсиз)	310,8
Бор (B)	381,5
Қальций (Ca)	363,9
Молибден (Mo)	266,4
Марганец (Mn)	392,0

Минерал ўғитлар Ўрта Осиёning сүфориладиган тупроқларида жуда самарали ҳисобланади. Ўрта Осиё тупроқлари азот, фосфор билан анча кам таъминланган бўлиб, калий билан эса анча яхши таъминлангандир. Шу сабабли бу тупроқлар азот, фосфорга ўта талабчан ҳисобланади. Шундайлигига қарамай, сурункасига мўл ҳосил олиниб келинаётган унумдор ва сув хоссаси яхши ерларни калийли ўғитлар билан ўғитлаш лозим бўлади. Сабзавот ва картошкадан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан ташқари маҳаллий органик ўғитлардан фойдаланиш яхши самара беради. Таъкидлаш лозимки, органик ўғитлар билан минерал ўғитлар биргаликда қўлланилганда экиnlар ҳосили янада самаралироқ бўлади (115- жадвал).

#### 115. жадвал

**Қовун ва баъзи бир полиз экиnlари ҳосилига гўнг таъсири, ц/га  
(Ўзбекистон Республикаси Илмий-текшириш сабзавот-полиз  
экиnlари институти маълумотлари)**

Экиnlар	Ўғит солинмаганда (контроль)	Гўнг 40 т/га	NPK	10 т/га гўнг+NPK
Қовун	166	242	196	246
Помидор	337	423	446	453
Карам	241	473	464	545

Сабзавот экиnlари тупроқдан озиқ моддаларни ҳосил туғиши пайтида жуда кўп олади. Шу сабабли минерал ва органик ўғитларнинг бир қисмини шудгор остига, қолган қисмини эса вегетация даври давомида қўшимча озиқ сифатида бериш мақсадга мувофиқдир (25—40% шудгор остидан, 60—75% ўсимликларнинг ўсув даврида).

Кўчатдан ўстириладиган экиnlар (помидор, карам, бақлажон) кўчати яхши тутгандан кейин, картошка, пиёз, илдиз мевалар тўла кўкариб чиққандан сўнг, полиз экиnlари эса дастлабки чин барглар чиқаргандан кейин азотли ўғитлар билан озиқлантирилади. Экиnlар ҳосил туганаклари пайдо бўла бошлаган даврда иккинчи марта азот, фосфор билан гектарига 30—50 кг нормада озиқлантирилади. Учинчи бор озиқлантириш, агарда бунга зарурат бўлса, ўсимликларнинг ташқи белгиларида ўғитга эҳтиёж сезилса, ўсимликлар ёппасига мева тугаётган даврда озиқлантирилади.

Иссиқ пайтларда азотнинг аммиак ҳолатида учиб чиқишининг олдини олиш учун сабзавот экинларининг ораси ҳар сувдан кейин культивация ёки қўл меҳнати ёрдамида юмшатилади. Ўрта Осиё тупроқлари тупроқ таркибидағи чиринди (гумус) ва азот миқдорига қараб бир-биридан катта фарқ қиласиди. Шу сабабли ўғитлашнинг йиллик нормаларидағи озиқ моддалар нисбатини аниқлашда, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Алмашлаб экиш даврларида икки-уч йил давомида беданинг бўлиши тупроқ таркибини азот билан анча бойитади, фосфор ва калий миқдори эса сезиларли даражада камаяди. Шу сабабли ҳам бедадан кейин биринчи йил сабзавот-полиз ва картошка экинларига азот бермасдан ҳам ёки фосфорга нисбатан 2 : 1 нисбатда азот ўғити бериб юқори ҳосил олиш мумкин (116- жадвал).

#### 116- жадвал

##### Сабзавот экинлари учун минерал ўғитларнинг йиллик нормасида NPK нисбати

Агротехника фони	Тупроқ тури		
	бўз ва оч тус ли ўтлоқ	қорамтирик ва стлоқ-ботқок	остида тош-шагар қатлами бўлган
Бедадан кейинги биринчи, иккинчи или Эскидан ҳайдалиб келина- ётган ерлар, агротехника даражаси ва ўғитлар нормаси ўртача бўлганда	1 : 2 : 1 1 : 1 : 0	1 : 2 : 1 1 : 1,5 : 0	1 : 1,5 : 1 1 : 0,7 : 0,5
Шу ернинг ўзи, лекин агротехника даражаси ва ўғитлар нормаси юқори бўлганда	1 : 1,5 : 0,5	1 : 2 : 0,75	1 : 1 : 0,75

Фекалий — макро ва микро ўғитларга жуда бой бўлиб, сабзавот экинларнинг ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади. Буни қўйидаги 117- жадвалдан кўриш мумкин.

Фекалийни шарбат сифатида сабзавот экинларига қўллаш санитария-гигиена нуқтаи-назаридан мумкин эмас. Ундан фойдаланишининг энг яхши усули фекалий — тупроқ, фекалий — торф компостлари тайёрлашдир. Фе-

Жеке ҳолатидаги ўғитнинг бошқа ўғитларга нисбатан афзаллигини қуийдаги 118- жадвалдан кўриш мумкин.

### 117- жадвал

**Ўзбекистон санитария-гигиена ва касалликларнинг олдини олиш илмий текшириш институтининг маълумоти (% ҳисобида)**

Фекалий нормаси, т/га	Картошка	Помидор	Қарам	Бақлажон
100	20	39	40	52
200	40	80	60	68

Фекалий ўғитидан фойдаланишининг энг самарали усули фекал — тупроқ компостлари тайёрлашдан иборат бўлиб, кенглиги 2—2,5 ва чуқурлиги 0,6—0,7 м ва узунлиги фекалнинг миқдорига қараб хандаклар қазилади ва бу хандакларда фекал тупроқ билан (нисбат 1 : 1) қатламлаштирилиб, компостланади.

Сабзавот экинларига солинадиган маҳаллий органик ўғитлар нормаси тупроқнинг механик таркиби, унумдорлиги, эски ёки янги ўзлаштирилганлигига қараб гектарига 20—30 тоннадан 50—60, ҳатто 80 тоннагача белгиланиши мумкин. Сабзавотчиликда минерал ва органик ўғитларни бирга қўшиб қўллагандага натижа янада яхши бўлади (118- жадвал).

### 118- жадвал

**Минерал ва органик ўғитларнинг алоҳида ва биргаликда қўлланилгандағи самарадорлиги, ц/га**

Экин тури	Контроль (ўғитланма- ганда)	Гүнг, 40 т/га	NPK	10—15 т/га гүнг+NPK
Қарам	241	473	464	545
Помидор	337	423	446	453
Қовун	166	242	196	246
Картошка	93	117	114	126

Органик ва минерал ўғитлар биргаликда қўлланилганда, маҳаллий органик ўғитлар нормаси гектарига 15—20 т гача камайтирилади.

Маҳаллий органик ўғитлар баҳорги сабзавотлар учун кузги шудгор остидан, ёзги экинлар учун эса кўкламги шудгор остидан камида 18—20 см чуқурликда берилиши лозим. Экин далаларини органик ўғитлар билан ўғитлашнинг энг қулай ва самарали усули — кузги ёки баҳорги шудгор олдидан тупроққа сочиб, изидан маҳсус ер ҳайдовчи агрегатлар билан шудгорлашдир.

Сабзавотчиликда сидерат (кўкат ўғитлар)дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга блўиб, алмашлаб экиш системасида мош, ловия, кўк нўхат экинларидан фойдаланиш мумкин. Бу каби кўкат ўғитлар кўп миқдорда кўк масса тўплайди. Уларни иссиқсевар ўсимликлар бўлгани учун баҳорги сабзавотлар билан алмашлаб экиш схемасига киритиш мумкин. Кўкат ўғитларнинг совуққа чидамли шабдар, нўхат ва вика каби турларини эрта кузда экиб, баҳорда кўкат ўғит сифатида шудгорлаб юбориш мумкин.

Ўтказилган бир қатор тажрибалар шуни кўрсатади-ки, кузги нўхат кўклигига шудгорлаб юборилганда, тупроқ таркибида, гектарига 220—270 кг қўшимча азот ва 70—90 кг фосфор ва шунингдек, бир қатор органик моддалар тўпланади ва натижада айни далада экилган сабзавотларнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада ортади (119- жадвал).

119- жадвал:

#### Кўкат ўғитларнинг картошка ва қарам ҳосилига таъсири

Экинлар тури	вариантлар		
	контроль	сидератлар	сидерат+P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
Қарам	318	341	389
Картошка	236	260	290

ВИУА да ўтказилган тажрибаларга кўра, сабзавот экиладиган далага олдин люпиг экилиб, ҳар гектарига ўртача 278,6 ц кўк масса шудгорлаб, ўрнига картошка экилганда ҳар гектардан қўшимча 33,9 ц гача ҳосил олинган. Алмашлаб экиш схемасига биноан, баҳорда сабзавот экиладиган далаларга кузги сидератлар, даланинг бўшашига қараб август, сентябрда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида эса кечи билан октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига дон-сабзавот сеялкалари ишлатиб,

гектарига 80—110 кг нўхат ёки 25—30 кг вика экилади. Яхши ўсиш учун вегетация даврида фосфор ва калий билан ўғитланади. Вегетация даврининг бошида (тупроқ жуда кам унумли бўлганда) гектарига 25—30 кг азот берилса, улар янада шиддатли ўсади.

Экилган сидерат март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликларида кўк масса ҳолида шудгорлаб юборилади. Шудгорлашдан аввал дала дискали бороналар ёрдамида узунасига ва қўндалангига дискаланиб, кўк масса майдаланиб ерга ётқизилади. Шудгорлаш 30—35 см чуқурликда чимқўрмар ёки қўш қаватли плуглар ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институтида ўтказилган тажрибалар шундан далолат берадики, азотли ўғитларнинг нормадан кам ёки кўп бўлиши полиз экинларининг сифатига салбий таъсир этади. Азотли ва фосфорли ўғитлар биргаликда қўлланилганда эса, экин мевасида витаминлар ва тўйимли моддалар кўп тўпланади, сифати яхшиланади (121-, 122- жадваллар). Шу институтда ўтказилган яна бир тажрибада, фақат азотли ўғитнинг ўзи гектарига 150 кг дан солинган даладан олинган картошка таркибида 21,4% қуруқ модда, 15,4% крахмал ва 0,97% қанд бўлган бўлса, азот ва фосфорли ўғитлар гектарига 150 кг дан берилганда бу кўрсаткичлар уларга мувофиқ 25,5, 16,7 ва 0,6% ни ташкил этган.

Сабзавотчиликда парранда тезаги, ипак қурти чиқитлари каби маҳаллий органик ўғитлардан ҳам фойдаланилади. Бу турдаги ўғитлар таркибида 2—3% азот, 0,6—1,0% гача фосфор ва қисман калий бўлиб, улар сабзавот экиладиган тупроқнинг унумдорлигига қараб гектарига 8—10 тоннадан 15—20 тоннагача берилади. Ёки вегетация даврида маҳсус мосламалар ёрдамида қўшимча озиқ сифатида 8—10 центнердан берилади.

Шлуха ва ғўзапоя кули ҳам асосий фосфор-калийли ўғит ҳисобланиб, кузги шудгор остидан гектарига 3—5 тоннадан ёки вегетация даврида қўшимча озиқ сифатида 6—7 центнердан берилади.

Шунингдек, маҳаллий-органик ўғитлар сифатида таркибида 0,8—1% азот бўлган эски пахса деворлар, аланг тупроқлари, кўл ва ариқ лойқасидан фойдаланиш мумкин. Бу турдаги ўғитлар гектарига 80—100 т ҳисобидан тупроққа солинади.

Сабзавот-полиз ва картошка экинларининг сифати

## 120- жадвал

Қовун ширадорлигига азотли ўғитлар билан ўғитлаш  
мұддатининг таъсири

т.р.	Варнантлар	Умумий қанд миқдори, %	Дегустация бадоси (балл хисобида)
1	Экиш олдидаң 100 кг/га азот, солинганда	13,1	4,2
2	Экиш олдидаң 50 кг/га ва 4 та чинбарг чиқарганда 50 кг азот солинганда	12,0	4,2
3	4 та чинбаргда 50 кг/га ва ва найчалаш даврида 50 кг/га азот солинганда	10,5	3,5

## 121- жадвал

Турли нав қовунлар қанд миқдорига минерал ўғитларнинг  
таъсири, %

Варнантлар	Ковун навлари		
	ичи қызил	шакарпалақ	барги
Азот берилганды	9,2	9,9	8,8
N+P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> берилганды	11,2	12,0	9,4

ва ҳосилини оширишда, бактериал ўғитлар ҳам сама-  
ралы ҳисобланади. Бу каби ўғитларга азотобактерин,  
нитрагин ва фосфорбактеринлар мисол бўлиб, нирагин  
дуккакли ўсимликлар учун хос туганак бактериялардир.  
Фосфорбактерин сабзавотларнинг тупроқдаги фосфор  
билин озиқланишини яхшиловчи бактериал ўғитидир.

Бактериал ўғитлар суюқ препарат ҳолида ишлаб чи-  
қарилиб, ярим литрли шиша идишларда келтирилади,  
ва гектарга мўлжалланган уругни айни суюқлик билан  
алмаштириш кифоя (бактериал ўғитлар темасига қарал-  
син). Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш ке-  
ракки, минерал ўғитларнинг асосий вакиллари бўлган  
азот, фосфор, калийни ўзаро нисбатда, тупроқларнинг  
бу ўғитлар билан қай даражада таъминланганлигини  
ҳисобга олиб, қўллаганда ва уларнинг маҳаллий орга-  
ник ўғитлар билан ўзаро ҳамкорлигини тўла таъминла-  
гандагина сабзавот-полиз ва картошка экинларидан си-  
фатли, сервитамин, мазали, тўйимли маҳсулот ва энг

муҳими юқори ҳосил олиш мумкин. Аксинча, минерал ўғитлардан (айниқса азотдан) нотўғри фойдаланилганда, сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз, узоқ сақлаб бўлмайдиган сабзавот-полиз ва картошкалар ҳосили олиш мумкин.

## КАРТОШКАНИ ЎҒИТЛАШ

Картошка озиқ моддаларга анча талабчан бўлиб, ётиширилган ҳар тонна картошка ҳосили ўзи билан тупроқдан 6—6,5 кг азот, 2,0 кг  $P_2O_5$  ва 8,0—9,0 кг соф ҳолатдаги калийни олиб кетади. Шу сабабли ҳам картошка экиладиган далаларни минерал ва органик ўғитлар билан албатта ўғитламоқ зарур. Картошканни ўғитлашда шуни эътиборга олиш керакки, калийли ўғитлар таркибида хлорнинг кўп бўлиши туганаклардаги крахмал миқдорининг камайиши ва уруғлик сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам картошка учун калийли ўғит сифатида магний сульфат ва калий сульфатлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир. Ўрта Осиёнинг калийга бой тупроқларида картошка биринчи галда азот ва фосфорга эҳтиёж сезади. Буни қўйидаги 122- жадвалдан кўриш мумкин.

122- жадвал

Минерал ўғитлар	Контроль	РК	НК	НР	НРК
Ҳосил, ц/га	164	166	173	186	186

Картошкага азот ёки фосфорли ўғитларни алоҳида алоҳида бериш, унинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир этади.

Картошка бедапоядан бўшаган ерларга, органик ўғитларга бой тупроқларга, торф-ботқоқ, қўнғир тупроқли ерларга экилганда фосфорли ўғитларнинг таъсири янада юқори бўлади. Азотли ўғитлар картошка экиш олдиндан солинади ва ўсув давридан (ёппасига гуллаш давригача) қўшимча озиқ сифатида (50%) берилади. Фосфорли ўғитларнинг 60—70% кузги шудгор остидан, қолган қисми эса гўнгга аралаштириб, экиш вақтида гектарига 40—50 кг дан солинади.

Калийли ўғитларни агрехимкартограмма асосида солиш тавсия этилади. Калий миқдори етарли бўлган

далаларга калий солинмайди, кам бўлган далаларга эса калийли ўғитлар шудгор остидан ва вегетация даврида қўшимча озиқ сифатида берилади.

Тупроқ шароитига қараб картошка экиладиган далаларга қўйидаги нормада минерал ўғитлар тавсия этилади (123- жадвал).

123- жадвал.

**Картошка экиладиган майдонларга минерал ўғитлар  
солишининг тахминий нормаси, кг/га.**

Тупроқ	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Бўз тупроқ ва оч тусли ўтлоқ тупроқ	70—100	80—100	0—20
Шу тупроқ, бедапоядан сўнг	50—70	100—120	40—50
Қорамтири ўтлоқ ва торфли-ботқоқ тупроқ	50—70	100—120	40—50
Шу тупроқ бедапоядан сўнг	50—70	140—160	50—60

Минерал ўғитлар маҳаллий органик ўғитлар билан аралаштириб берилганда натижа янада самаралироқ бўлади. Масалан, Сирдарё областидаги Ленин номли колхозда минерал ўғитлар гўнг билан аралаштириб солинганда ҳар гектар ўғитланмаганда (контроль) ердан 80,0 ц, 30 т/га гўнг солинганда 100,1 ц, 120 кг дан NР солинганда 118,8 ц, 15 т гўнг, 60 кг азот ва 90 кг P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> солинганда 124,4 центнер картошка олинган. Картошка илдизмева бўлганлиги сабабли, механик жиҳатдан енгил үнумдор тупроқларни хоҳлайди. Оғир тупроқли ерлардан юқори ҳосил олиш учун у ерларга чириган гўнг, тупроқ структурасини яхшилаш мақсадида ҳатто қум ҳам солиш тавсия этилади.

Картошка экиладиган далаларга гектарига 30—40 т дан гўнг ва гўнг таркибидаги озиқ моддаларни миқдорини ҳисобга олган ҳолда, минерал ўғитлар солинади. Гўнг етарли бўлмаганда гектар ерга 45—60 кг фосфор, 25—35 кг азот, 3—5 т чириган гўнг билан аралаштириб солинади. Картошка озиқ моддаларга бутун ўсув даври давомида эҳтиёж сезади. Туганаклар ҳосил қилиш даврида бу жараён жуда ҳам шиддатли кечади, яъни жуда кўп озиқ талаб қиласди, шу сабабли ҳам вегетация даврида албатта қўшимча озиқлантириш зарур.

Эртаги картошка майсалари тўла униб чиққанда бир

марта озиқлантирилади, кечки картошкалар эса майсалар тұла униб чиққанда ва туганаклар ҳосил тугиш даврида озиқлантирилади.

Картошкани үсув даврида құшимча озиқлантиришида гектарига 30—40 кг азот, 30—35 кг фосфор гүнг билан 1:10 нисбатда аралаштириб, тупроққа мосламалар (үвит сепгичлар) ёрдамида берилса, самара янада яхшироқ бўлади.

Картошка ҳосили етилишигга 3—4 ҳафта қолганда, 20—25 кг соф фосфор, 1000—1200 литр сувда эритилиб, тайёрланган әритмани 1—2 марта пуркаш йўли билан баргларга бериш орқали озиқлантирилади. Барг орқали озиқлантирилганда үсимликларда моддалар алмашинуви янада тезлашади, углеводлар барглардан туганакларга ўта бошлайди. Натижада туганаклар етилиши тезлашиб, крахмал миқдори кўпаяди ва ҳосилдорлик ошади.

Қўкат ўғитлар ҳам картошка ҳосилини сезиларли даражада оширади. Масалан, Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик ИТИ тажрибаларига кўра, картошка ўғитланмаганда, бир гектардан 239 ц, 40 т гүнг солинганда 278 ц ва қўкат ўғит (кузги кўк нўхат) билан ўғитланганда эса 302 центнер ҳосил олинган. Гумусга бой тупроқларда бактериал ўғитлар — азотобактерин, фосфорбактеринлардан фойдаланиш картошка ҳосилини янада оширади.

## ПОМИДОРНИ ЎҒИТЛАШ

Помидор сабзавот экинлари орасида минерал ўғитга ўта талабчан үсимликлардан бўлиб, унумдор ерларни танлайди. Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик ИТИ маълумотларига кўра, гектаридан 600—700 ц помидор етишириш учун 160—230 кг азот, 70—90 кг фосфор ва 250—300 кг калий сарфланади. Шу сабабли ҳам помидорни ўғитлаш албатта зарур.

Минерал ўғитлар помидорнинг ўсиб ривожланишига турлича таъсир этади. Тупроқда азот етишмаса поялар ва баргларнинг ўсиб ривожланиши сусаяди, бу ўз навбатида ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Азотнинг нормадан юқори бўлиши меваларининг пишиб етилини кечикириади, үсимликнинг паст ҳарорат ва турли хил нормадан юқори бўлиши меваларининг пишиб етилиши ва ундаги шакар моддалар миқдорининг пасайиши ва

умуман қуруқ модда массасининг камайишига сабаб бўлади.

Фосфорли ўғитлар меванинг пишишини тезлаштиради, шакар миқдорини оширса, калийли ўғитлар помидорнинг касаллик ва совукқа чидамлилигини оширади, меванинг сифатини яхшилайди, меванинг узоқ сақланишини таъминлайди. Ўрта Осиё тупроқларида калийнинг миқдори (кўп ҳолларда) етарли бўлгани учун ҳам унинг ўзини солиш мақсадга мувофиқ эмас, балки NPK ни агрохимкартограмма асосида маълум нисбатда солиш ижобий натижа беради (124- жадвал).

124- жадвал

**Балашев Н. Н. тажрибаси (ўғит нормаси 60 кг/га)**

Ўғитлар	Контроль	РК	NK	NP	NPK
Ҳосили, ц/га	159	184	232	245	278

Помидорга минерал ва органик ўғитлар биргаликда, айниқса компост шаклида берилса яхши бўлади, Тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 30—40 т гўнг, фосфор ва калий йиллик нормасининг 60—70% кузги шудгорлаш вақтида солинади. Кузги шудгор остидан берилмай қолган фосфор ва калий вегетация даврида азот билан қўшиб озиқлантирилади. Помидор ўсув даврида иккитўрт мартағача озиқлантирилади. Биринчиси кўчатлар ўзини тутиб олгандан сўнг, иккинчиси ёппасига меза тўғиш пайтида. Кечнишар помидорларда агарда улар унумсиз тупроқларда экилган бўлиб, ўғитнинг йиллик нормаси катта бўлса, учинчи ва тўртинчи озиқлантиришлар ҳам ўтказилади. Учинчи озиқлантириш мевалар тўла етила бошлаганда ва сўнгиси эса гуллаш ва мева тугиши жараёни тўхтаганда амалга оширилади. Ҳар галги озиқлантиришда 30—40 кг азот кузги шудгор остидан, берилмай қолган фосфор ( $P_2O_5$ ) 20—30 кг калий билан аралаштириб берилади. Помидорнинг ўсув даврининг иккинчи ярмида, барглари орқали 5% фосфорли эритма билан озиқлантириш ҳам ижобий натижалар беради. 280—300 ц/га помидор ҳосили олиш учун минерал ўғитларнинг йиллик нормаси, буз тупроқда NPK—180—200; 140—150; 100; ўтлоқ тупроқлар учун NPK—140—150; 140—150; 100 кг/га дан белгиланади.

## ҚАРАМНИ ҮФИТЛАШ

Қарамнинг ватани Европанинг Ўрта денгиз соҳили ҳисобланиб, жуда қадимий-маданий сабзавот экинларидан ҳисобланади. Қарамнинг таркиби озиқ моддаларга унчалик бой бўлмасада, витаминлар, минерал тузлар ва витамин С билан етарлича миқдорда таъминлангандир (125- жадвал).

125- жадвал

### Қарамнинг таркиби

Карамлар	Янги узилган вазнидаги миқдори, 40%					
	Куруқ моддалари, %	Шакар миқдори, %	ХОМ оқсими, %	Л'ук, %	Витамин С, мг%	Провитамин A (каротин), мг/кг
Оддий карам	6,1—11,0	2,6—5,3	1,1—2,3	0,6—0,7	12,8—70	Асари—0,6
Қизил бош карам	8,8—10,4	3,7—5,2	1,4—1,6	0,7	32,0—63	—
Савой карами	7,4—11,1	3,0—5,6	2,0—2,8	0,7—0,9	31,0—58	—
Брюс- сель карами	18,3—19,8	2,6—4,6	6,1—6,4	1,0—1,6	80—160	0,21—5,5
Кольра- би карам	8,7—11,0	2,8—6,4	1,4—2,1	0,9—1,2	34,5—64	0,02—3,5
Барг карам	13,4—20,7	1,5—5,4	1,1—4,0	1,0—1,9	48,0—150	20,0—46,0
Хитой карами	5,2—9,9	1,0—2,3	1,6—2,5	0,9—1,2	19,6—40	0,09—78,0
Гулка- рам	8,0—11,7	1,7—4,2	1,7—3,3	0,7—0,8	47,6—154	0,01—16,0

Қарамнинг гулкарамдан ташқари ҳамма тури икки йиллик ўсимликлар ҳисобланади.

Ўрта Осиё шароитида карам дарё ва кўлларнинг қўйи терассаларидағи органик (чиринди) моддаларга бой, сув режими яхши, қорамтирир ўтлоқ ва торфли-ботқоқ ерларда яхши ҳосил беради.

Енгил бўз, қум, қумлоқ умуман таркибида чиринди кам камбағал тупроқларга экилган қарамни униб ривожлана олмайди ва ҳосили ўта кам бўлади.

Қарамнинг алмашлаб экишдаги ўрни жуда мұхим бўлиб, уни крестгулдошларга мансуб илдизмевалар ўрнига экиш мақсадга мувофиқ әмас.

Қарам экилган далаларга уч йилгача қайта қарам экиш мумкин әмас. Кечки қарамни әртаги бодринг, кўк нўхат, сабзи, лавлаги, помидордан бўшаган ерларга тақорий экин сифатида экиш лозим.

Қарам ўғитга талабчанлиги жиҳатидан барча сабзабот экинлари орасида юлдинги ўринда туради. Қарамдан гектарига ўртacha 500 ц ҳосил олинганда, у тупроқдан 150 кг азот, 50—55 кг фосфор, 220—225 кг калийни ўзлаштириб өлади. Қарамнинг минерал ўғитларга бўлган талабчанлигини 126-жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

#### 126- жадвал

##### Минерал ўғитларнинг қарам ҳосилига таъсири, ц/га

Тажриба ўтказилган жой	Тупроғи	Ўғитланмаган	N	NP	NPK
Шредер номидаги боғдорчилик-узум-чилик институти маълумоти	типик бўз тупроқларда	353	—	531	541
Ўзбекистон сабзабот-полиз ва картошкачилик ИТИ маълумоти	қорамтири ўтлоқ тупроқларда	192	339	447	424

Олдин таъкидланилганидек, Ўрта Осиё тупроқларининг әксарият қисми калий билан ўртacha ва юқори (300—400 мг/кг) миқдорда таъминланганлиги учун баъзи тупроқларда калий ўфити, салбий натижалар ҳам бермоқда. Шу сабабли тупроқлар учун экинларга бериладиган калийнинг йиллик нормасини белгилашда, хўжалик агрохимкартограммасига қатъий амал қилиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё тупроқлари асосан (кўп ҳолларда) калий билан яхши, фосфор билан кам, азот билан эса жуда кам таъминланганлиги учун ҳам бу тупроқлар калий, фосфорга қараганда азотли ўғитга ўта талабчан ҳисобланади. Азотли ўғитлар нормасини ошириш билан кўп ҳолларда, сабзабот қарам экинлари-

марта озиқлантирилади, кечки картошкалар эса майсалар тұла униб чиққанда ва туганаклар ҳосил тугиши даврида озиқлантирилади.

Картошкани үсув даврида құшымча озиқлантиришда гектариға 30—40 кг азот, 30—35 кг фосфор гүнг билан 1:10 нисбатда аралаштириб, тупроққа мосламалар (үвит сепгичлар) ёрдамида берилса, самара янада яхшироқ бўлади.

Картошка ҳосили етилишигга 3—4 ҳафта қолганда, 20—25 кг соф фосфор, 1000—1200 литр сувда эритилиб, тайёрланған эритмани 1—2 марта пуркаш йўли билан баргларга бериш орқали озиқлантирилади. Барг орқали озиқлантирилганда үсимликларда моддалар алмашинуви янада тезлашади, углеводлар барглардан туганакларга ўта бошлайди. Натижада туганаклар етилиши тезлашиб, крахмал миқдори купаяди ва ҳосилдорлик ошади.

Қўкат ўғитлар хам картошка ҳосилини сезиларли даражада оширади. Масалан, Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик ИТИ тажрибаларига кўра, картошка ўғитланмаганда, бир гектардан 239 ц, 40 т гүнг солинганда 278 ц ва қўкат ўғит (кузги кўк нұхат) билан ўғитланганда эса 302 центнер ҳосил олинган. Гумусга бой тупроқларда бактериал ўғитлар — азотобактерин, фосфорбактеринлардан фойдаланиш картошка ҳосилини янада оширади.

## ПОМИДОРНИ ЎҒИТЛАШ

Помидор сабзавот әкиnlари орасида минерал ўғитга ўта талабчан үсимликлардан бўлиб, унумдор ерларни танлайди. Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик ИТИ маълумотларига кўра, гектаридан 600—700 ц помидор етишириш учун 160—230 кг азот, 70—90 кг фосфор ва 250—300 кг калий сарфланади. Шу сабабли ҳам помидорни ўғитлаш албатта зарур.

Минерал ўғитлар помидорнинг ўсиб ривожланишига турлича таъсир этади. Тупроқда азот етишмаса поялар ва баргларнинг ўсиб ривожланиши сусаяди, бу ўз навбатида ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Азотнинг нормадан юқори бўлиши меваларининг пишиб етилини кечиктиради, үсимликнинг паст ҳарорат ва турли хил нормадан юқори бўлиши меваларининг пишиб етилиши ва ундаги шакар моддалар миқдорининг пасайиши ва

умуман қуруқ модда массасининг камайишига сабаб бўлади.

Фосфорли ўғитлар меванинг пишишини тезлаштиради, шакар миқдорини оширса, калийли ўғитлар помидорнинг касаллик ва совуққа чидамлилигини оширади, меванинг сифатини яхшилайди, меванинг узоқ сақланишини таъминлайди. Ўрта Осиё тупроқларида калийнинг миқдори (кўп ҳолларда) етарли бўлгани учун ҳам унинг ўзини солиш мақсадга мувофиқ эмас, балки NPK ни агрохимкартограмма асосида маълум нижбатда солиш ижобий натижага беради (124- жадвал).

#### 124- жадвал

Балашев Н. Н. тажрибаси (ўғит нормаси 60 кг/га)

Ўғитлар	Контроль	РК	NK	NP	NPK
Ҳосили, ц/га	159	184	232	245	278

Помидорга минерал ва органик ўғитлар биргаликда, айниқса компост шаклида берилса яхши бўлади, Тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 30—40 т гўнг, фосфэр ва калий йиллик нормасининг 60—70% кузги шудгорлаш вақтида солинади. Кузги шудгор остидан берилмай қолган фосфор ва калий вегетация даврида азот билан қўшиб озиқлантирилади. Помидор ўсув даврида иккитўрт мартағача озиқлантирилади. Биринчиси кўчватлар ўзини тутиб олгандан сўнг, иккинчиси ёппасига мева тўғиши пайтида. Кечпишар помидорларда агарда улар унумсиз тупроқларда экилган бўлиб, ўғитнинг йиллик нормаси катта бўлса, учинчи ва тўртинчи озиқлантиришлар ҳам ўтказилади. Учинчи озиқлантириш мевалар тўла етила бошлаганда ва сўнгиси эса гуллаш ва мева тугиши жараёни тўхтаганда амалга оширилади. Ҳар галги озиқлантиришда 30—40 кг азот кузги шудгор остидан, берилмай қолган фосфор ( $P_2O_5$ ) 20—30 кг калий билан аралаштириб берилади. Помидорнинг ўсув даврининг иккинчи ярмида, барглари орқали 5% фосфорли эритма билан озиқлантириш ҳам ижобий натижалар беради. 280—300 ц/га помидор ҳосили олиш учун минерал ўғитларнинг йиллик нормаси, буз тупроқда NPK—180—200; 140—150; 100; ўтлоқ тупроқлар учун NPK—140—150; 140—150; 100 кг/га дан белгиланади.

## КАРАМНИ ҮФИТЛАШ

Карамнинг ватани Европанинг Ўрта денгиз соҳили ҳисобланиб, жуда қадимий-маданий сабзавот экинларидан ҳисобланади. Карамнинг таркиби озиқ моддаларга унчалик бой бўлмасада, витаминлар, минерал тузлар ва витамин С билан етарлича миқдорда таъминлангандир (125- жадвал).

125- жадвал

### Карамнинг таркиби

Карамлар	Янги узилган вазнидаги миқдори, 40%					Провитамин А (каротин), мг/кг
	КУРУК МОДДАЛАР, %	ШАКАР МИҚДОРИ, %	ХОМ ОКСИД, %	К.У.Л. %	ВИТАМИН С, МГ%	
Оддий карам.	6,1—11,0	2,6—5,3	1,1—2,3	0,6—0,7	12,8—70	Асари—0,6
Қизил бош карам	8,8—10,4	3,7—5,2	1,4—1,6	0,7	32,0—63	—
Савой карами	7,4—11,1	3,0—5,6	2,0—2,8	0,7—0,9	31,0—58	—
Брюс- сель карами	18,3—19,8	2,6—4,6	6,1—6,4	1,0—1,6	80—160	0,21—5,5
Кольра- би карам	8,7—11,0	2,8—6,4	1,4—2,1	0,9—1,2	34,5—64	0,02—3,5
Барг карам	13,4—20,7	1,5—5,4	1,1—4,0	1,0—1,9	48,0—150	20,0—46,0
Хитой карами	5,2—9,9	1,0—2,3	1,6—2,5	0,9—1,2	19,6—40	0,09—78,0
Гулка- рам	8,0—11,7	1,7—4,2	1,7—3,3	0,7—0,8	47,6—154	0,01—16,0

Карамнинг гулкарамдан ташқари ҳамма тури икки йиллик ўсимликлар ҳисобланади.

Ўрта Осиё шароитида карам дарё ва кўлларнинг қўйи терассаларидағи органик (чиринди) моддаларга бой, сув режими яхши, қорамтири үтлоқ ва торфли-боткоқ ерларда яхши ҳосил беради.

Енгил бўз, қум, қумлоқ умуман таркибида чиринди кам камбағал тупроқларга экилган карамни униб ривожлана олмайди ва ҳосили ўта кам бўлади.

Карамнинг алмашлаб экишдаги ўрни жуда муҳим бўлиб, уни крестгулдошларга мансуб илдизмевалар ўргнига экиш мақсадга мувофиқ эмас.

Карам экилган далаларга уч йилгача қайта карам экиш мумкин эмас. Кечки карамни эртаги бодринг, кўк нўхат, сабзи, лавлаги, помидордан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида экиш лозим.

Карам ўғитга талабчанлиги жиҳатидан барча сабзавот экинлари орасида олдинги ўринда туради. Карамдан гектарига ўртacha 500 ц ҳосил олинганда, у тупроқдан 150 кг азот, 50—55 кг фосфор, 220—225 кг калийни ўзлаштириб олади. Карамнинг минерал ўғитларга бўлган талабчанлигини 126-жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

#### 126-жадвал

##### Минерал ўғитларнинг карам ҳосилига таъсири, ц/га

Тажриба ўтказилган жой	Тупроғи	Ўғитланмаган	N	NP	NPK
Шредер номидаги боғдорчилик-узум-чилик институти маълумоти	типик бўз тупроқларда	353	—	531	541
Узбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик ИТИ маълумоти	қорамтирир ўтлоқ тупроқларда	192	339	447	424

Олдин таъкидланилганидек, Ўрта Осиё тупроқларининг аксарият қисми калий билан ўртacha ва юқори (300—400 мг/кг) миқдорда таъминланганлиги учун баъзи тупроқларда калий ўфити, салбий натижалар ҳам бермоқда. Шу сабабли тупроқлар учун экинларга бериладиган калийнинг йиллик нормасини белгилашда, хўжалик агрохимкартограммасига қатъий амал қилиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё тупроқлари асосан (кўп ҳолларда) калий билан яхши, фосфор билан кам, азот билан эса жуда кам таъминланганлиги учун ҳам бу тупроқлар калий, фосфорга қараганда азотли ўғитга ўта талабчан ҳисобланади. Азотли ўғитлар нормасини ошириш билан кўп ҳолларда, сабзавот карам экинларига

ни ҳосилини ҳам нисбатан ошириш мумкин (127-жадвал).

127- жадвал

Ҳар хил нормадаги азотли ўғитларнинг карам ҳосилига таъсири

Азотли ўғит нормаси	Фосфор, калий — фон			
	N—9	N—60	N—120	N—180
Карам ҳосили, ц/га	375	431	463	476

Карам минерал ўғитлардан ташқари маҳаллий ўғитларга, айниқса янги гүнгга ўта талабчан ўсимлик ҳисобланади. Карамнинг тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддаларни олишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон сабзавотполиз экинлари ва картошкачилик ИТИ тавсиясига асосан, карамнинг йиллик нормаси қўйидагича белгиланади. Ҳосилдорлик тектарига 200—300 центнер режалаштирилганда, бўз тупроқлар учун азот 150—200; фосфор 100—150; калий 50—100 кг, ўтлоқ ва ботқоқ ўтлоқ тупроқлар учун эса азот 120—150; фосфор —120—120 ва калий 60—100 кг. Маҳаллий ўғитлардан гўнгният йиллик нормаси 30—40 т/га белгиланади.

Гўнгнинг ҳаммаси фосфор ва калийли ўғитларнинг 60—75% шудгор остидан, азотли ўғитларнинг бир қисми (25—30%) экиш олдидаи, қолган қисми эса вегетация даврида қўшимча озуқа тариқасида берилади. Вегетация давридаги биринчи озиқлантиришда азот билан ср ҳайдаш давридан берилмай қолган фосфор аралаштириб озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантиришда йиллик режалаштирилган нормадан қолган азот шудгор остидан, берилмай қолган калий бўлса бирга аралаштириб берилади. Агарда калий режалаштирилмаган бўлса, фақат азотли ўғитлар билан озиқлантирилади. Эртаги карамлар вегетация даврида бир-икки марта, кечки карам эса икки-уч марта озиқлантирилади.

### ИЛДИЗ ВА МЕВА САБЗАВОТЛАРНИ ЎҒИТЛАШ

Илдизмева сабзавотларга сершира, истеъмол учун яроқли бўлган йўғон илдиз (мева) ҳосил қилувчи сабзи, лавлаги, шолғом, турп, петрушка, пастернак ва бошқалар мисол бўлади. Йлдизмевалар таркибида асосан ин-

сон саломатлиги учун мұхим бүлгап углеводлар, витаминалар, ферментлар, шуништеге минерал тузлардан кальций, фосфор ва бошқалар бүлгани учун ҳам мұхимдир (129- жадвал).

Лавлаги, пастернак ва сабзи илдизмевалар орасыда таркибида углеводларнинг күплиги ва қувватининг юқорилиги билан мұхимдир, Брюква, турп, шолғом эса таркибида С витамиининг күплиги билан ажамиятлидир.

Сабзабот-илдизмевалар чириндиларга бой, үтлоқ тупроқларда, махаллий-органик ва минерал ўғитлар билән ўғитланган қумоқ, енгил соз бүз тупроқларда яхши ўсип ривожланади ва юқори ҳосил беради.

Шүр, ботқоқ умуман механик таркиби жиҳатидан оғир тупроқларга экилган сабзабот-илдизмевалардан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Чунки оғир таркибли тупроқлар илдизмеваларнинг мевасининг йириклишишига имкон бермайди.

#### 128- жадвал

##### Илдизмева сабзаботларнинг кимёвий таркиби (Мевалари янгилигидаги вазнига нисбатан, ҳисобида)

Сабзаботлар тури	Курик модда	Азотли модда	Азотсиз модда	$E_F$	Пакар	Клст/пакар	Күл	Витамин F, мг%
Турп	13,08	1,92	6,02	0,11	1,53	1,55	1,07	10—20
Шолғом	9,33	1,12	6,06	0,24	—	1,11	0,76	8—10
Лавлаги	12,0	1,26	6,33	0,13	2,35	0,89	1,04	8
Сабзи	13,33	1,18	6,42	0,29	2,64	1,67	1,03	5—7
Брюква	11,12	1,39	7,32	0,18	—	1,44	0,74	25—35
Сельдерий	9,46	1,34	5,87	0,27	0,77	0,95	—	6,0
Петрушка	14,95	3,66	6,69	0,79	0,75	1,45	1,68	—
Пастернак	16,78	1,40	8,09	0,38	2,34	3,58	0,99	—

Сабзабот-илдизмевалиларни механик таркиби жиҳатдан оғир тупроқларга экиш зарурати турилганда, экишдан олдин тупроққа тўла чириган гўнг солиш ҳамда яхшилаб (5—10 мм элакда) эланган қум аралаштириш лозим.

Алмашлаб экиш системасида сабзабот илдизмевалилардан сабзи, петрушка ва бошқа бир қатор соябон-гулдошларга мансуб ўсимликларни вегетациясининг бошлиғи фазасида жуда нимжон ва секин ўсишини ҳисобга олиб, бегона ўтлар кўп далаларга экиш мақ-

садга мувоғиқ әмас. Сабзавот-илдизмевалиларни — илдизмевалилардан, пиёз ва бедапоялардан бүшаган ерларга биринчи йил әкиш тавсия этилмайды. Чунки бу каби әкінлардан кейинги далалар уларнинг уруғлари ва бегона ўт билан анча ифлосланган бўлади. Илдизмева сабзавотлар бошқа тур сабзавот әкінларга нисбатан унумдор тупроқларга талабчан бўлмасада, енгил тупроқларни кўпроқ хоҳловчилардир. Ўзбекистон сабзавот-полиз әкінлари ва картошкачилик ИТИ маълумотларига кўра, сабзи ҳар 100 ц ҳосили учун тупроқдан 25—30 кг азот, 10—15 кг фосфор ва 45—50 кг калий олади.

Ўрта Осиё тупроқларида сабзавот илдизмевалар азот ва фосфорли ўғитларга нисбатан жуда талабчандир. Масалан, Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик ИТИ ўтказилган тажрибада, типик бўз тупроқларга әкилган сабзига гектарига 40 т гўнг солинганда бир гектардан 143,0 ц, 60 кг азот ва 60 кг фосфор солинганда 122 ц, фақат 60 кг фосфор солинганда 95 ц, фақат 60 кг азот солинганда 99,1 ц ва ўғитланмаганда (контроль) 86,1 центнер ҳосил олинган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сабзидан азот ва фосфор қўшиб берилганда, алоҳида-алоҳида бергандагига нисбатан анча юқори (122,0 ц/га) ҳосил олинган. Илдизмевалиларга фақат азотли ўғитнинг ўзи берилганда, мевалар ёрилиб ёки шохлаб кетади, фақат фосфорли ўғитлар берилганда эса, ҳосилдаги йирик илдизмеваларнинг салмоғи камайиб кетади. Булар ўз навбатида, умумий ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади.

Сабзавот-илдизмеваларни маҳаллий органик ўрит (гўнг, фекалий) лар билан озиқлантирганда юқори ҳосил олиш билан биргаликда, таъкидлаш лозимки, улар ҳосил салмоғини оширасада, (айниқса, чиримаган ҳолда қўлланилганда), меваннг асосий қисмини чириб, айниши ва натижада, биринчидан, умумий ҳосилнинг камайишига иккинчидан эса, сифатининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам маҳаллий органик ўғитлар (гўнг) сабзавот-илдизмевалардан олдинги әкінларга каттароқ нормада (40—50 т/га) берилса маъқул бўлади. Бевосита илдизмевалар фақат макроэҳтиёж бўлсада, уларга микроўғитлар ҳам бериш лозим.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз әкінлари ва картошкачилик ИТИ илдизмеваларнинг йиллик минерал ўғит нормасини гектаридан ўртача 220—250 центнердан ҳо-

сил олиш учун, бўз тупроқларга азот 120—160 кг, фосфор 120—160 кг, калий 60—80 кг ва ўтлоқ, ўтлоқ-боткоқ тупроқлар учун—100—120,  $P_2O_5$ —130—160;  $K_2O$ —50—60 кг дан бўлишини тавсия этади (фосфор ва калийнинг нормаси хўжалик агрохимкарограммасига асосан режалаштирилади).

Калийли ўғитларнинг ҳаммаси фосфорли ўғитларнинг 70—80% (тупроқ фосфор ва калий билан нормада таъминланган бўлса ҳаммаси) шудгор остидан берилади. Фосфорли ўғитнинг қолган қисми ўсимликлар вегетациясининг дастлабки кунлари фосфорга муҳтоҷлик сезмаслик учун экиш олдидан берилади. Азотли ўғитлар йиллик нормасининг 50% экиш олдидан, қолган қисми эса ўсимлик 2—3 чинбарг чиқарганда ва сўнгиси илдизмевалар шакллана бошлаганда, қўшимча озиқа сифатида берилади. Ҳар галги озиқлантиришда азотнинг нормаси гектарига 35—40 кг, фосфор эса 15—20 кг дан ошмаслиги керак.

## ПИЁЗНИ ЎҒИТЛАШ

Пиёз энг муҳим сабзавот ўсимликларидан бўлиб, таркибида 14—16,5% қуруқ модда, 7,8—11,1% шакар, жумладан, 4,8—8,2% сахароза ва 1,37—6,9% витамин С бўлиб, А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> витаминларга ҳам жуда бой.

Пиёз ва саримсоқ чириндига бой унумдор, енгил, соз тупроқли, яхши ўғитланган қумроқ тупроқлар ва лойқа босган ерларда яхши ўсиб ривожланади. Шўр, шўрланган ва боткоқ тупроқларда пиёз ва саримсоқ экиш умуман тавсия этилмайди. Механик таркиби жиҳатдан оғир соз тупроқлар эса пиёз ва саримсоқ етиштириш учун унчалик ижобий натижалар бермайди, яъни бундай тупроқ мевасининг кичик бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Пиёз тупроқдаги озиқ моддаларга ўта талабчан ҳисобланмайди. Вегетация даврининг иккинчи ярмида тупроқда азотли ўғитнинг нисбатан кўп бўлиши, ҳосилнинг етилишини кечикириади, сифатини пасайтиради, меваси узоқ сақланмайди.

Алмашлаб экишда шунга эътибор қилиш керакки, пиёз вегетациясининг биринчи ярмида жуда секин ўсади. Шу сабабли, пиёз агротехникасининг энг муҳим масаласидан бири, уни имкони борича бегона ўтлар кўл ўсадиган ерларга экмаслик лозим.

Алмашлаб экишда пиёзни картошка, карам, бодринг, помидор каби экинлардан кейин экиш тавсия этилади.

Пиёз минерал ўғитларга нисбатан ўртача талабчан бўлиб, азот, фосфор, калий агрохимкартограмма асосида маълум нисбатда бирга қўшиб солинганда, ижобий натижалар беради (129- жадвал).

#### 129- жадвал

**Ҳар хил минерал ўғитларнинг турли хил тупроқларда пиёз ҳосилига таъсири, ц/га (Балашев маълумотлари)**

Тупроклар	Минерал ўғитлар тури				
	контроль	РК	NK	NP	NPK
Типик буз тупроқ	93	93	96	103	104
Оч каштаи тупроқ	208	254	271	284	314

#### 130- жадвал

**Алохида-алохида ва биргаликда қўлланган минерал ва органик ўғитларнинг пиёз ҳосилига таъсири, ц/га (Хватов, Хохлов маълумотлари)**

Минерал ва органик ўғитлар	Контроль	РК	10 т/га	NPK+10 т гўнг
Ҳосил, ц/га	157	203	228	204

Пиёз маҳаллий органик ўғитларга (гўнг, компост) нисбатан талабчан бўлиб, айниқса минерал ўғитлар билан маълум нисбатда аралаштирилиб қўлланганда самарадорлиги янада юқори бўлади (131- жадвал).

Пиёз экиладиган майдонларга янги (чиrimаган) гўнг солиш мақсадга мувофиқ эмас, Чунки бунда пиёзпоя, бегона ўт уруғлари билан ифлосланиб, ҳосилнинг этилиши кечикади ва унинг сифати пасаяди. Шу сабабли ҳам пиёзни чириган гўнг ёки тупроқ фекалий компости билан ўғитлаш тавсия этилади. Пиёз экиладиган далаларга янги гўнг қўллаш зарурати пайдо бўлган ҳолларда, далага пиёздан олдин экиладиган экинга гўнг солиниб, ҳосил олингандан сўнг, изидан пиёз экиш кепрак. Пиёздан гектаридан ўртача 200—220 ц ҳосил олиш учун органик ва минерал ўғитларнинг ўртача йиллик нормаси бўз тупроқлар учун: 30—40 т гўнг, 200 кг азот, 150 кг фосфор, 75 кг калий; ўтлоқ-ботқоқ тун-

роқлар учун 30—40 т гүнг, 160 кг дан азот ва фосфор, 100 кг калийли ўғит тавсия этилади. Гүнгнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70—75% ва калийли ўғиттинг 50% шудгор остидан РТ—4,2 маркали ўғит сепгич ёрдамида, азотли ўғитлар экиш олдиdan ёки экиш билан биргаликда ва шунингдек, вегетация даврида қўшимча օзиқа сифатида (қолган 25—30% фосфор билан экиш олдиdan, биринчи чинбарг пайдо бўлганда ва пиёзбош шакллана бошланганда шудгор остидан, берилмай қолган 50% калий азот билан аралаштирилиб) берилади.

Пиёз микроўғитларга ҳам талабчан бўлиб, экишдан олдин уруғ бор, молибден, марганец каби элементлар билан упаланиб әкилганда самарадорлиги янада юқори бўлади.

Хватов, Хохлов маълумотларига биноан, микроўғит қўлланилмаганда гектаридан 148,2 ц; молибден қўлланилганда 175,0; марганец ва бор каби микроэлементлар биргаликда берилганда эса 181,0 ва 186,3 центнер ҳосил олинган. Бу тажриба Ўрта Осиё тупроқларининг микроўғитлар билан етарли таъминланмаганлигини ва пиёзнинг микроўғитларга, айниқса, бор ва марганецга жуда талабчанлигини кўрсатди.

## БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚИМЁВИЙ ҚУРАШ ЧОРАЛАРИ

Пиёз тупроқдан униб чиққунга қадар, хлор ИФК гербициди 4% ли концентрат эмульсиянинг 10—15 кг/га миқдори ишлатилади. Майсанинг бўйи 8—10 см га етганда, гектарига 260—350 кг кальций цианамид билан ишлов берилади (кальций цианамид билан ишланган далалардаги кўк пиёзни овқатга ишлатиш таъкиднади).

Бир йиллик, бир ва икки паллали бегона ўтларга қарши (50% ли намланган «Дактал» порошоги) 16—24 кг/га уруғ униб чиққунча сепилади. Шунингдек, бегона ўтларга қарши, гектарига 300—400 кг ҳисобида техник керосинлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

## ҚАСАЛЛИК ВА ЗАРАРҚУНАНДАЛАРИ ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

Бўйин чириш касаллиги. Бу замбуруғ касаллиги бўлиб, пиёзни сақлаш вақтида заарлантиради. Бунда

пиёзнинг бўйни юмшаб, чирий бошлайди. Унга қарши кураш чораси — пиёзбошлар 10—12 соат давомида 35—50°C иссиқда қуритилади.

**Занг касаллиги.** Бу ҳам замбуруғ касаллиги бўлиб, мавсумда бир неча бўғин беради. Қасаллик сернам районларда, ҳатто қаттиқ қурғоқчилик зоналарида ҳам учраб, пиёзнинг ўсув даврида барг системасини кучли заралайди ва ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Ташқи белгилари: қумоқланадиган доғлар ҳосил бўлади. Кураш чоралари — дала ва ариқ ёқаларидаги ёввойи ўтларни ўз вақтида йўқотиш ёки пиёз экилган пайкалларга бевосита 1% ли бордо қуюқлиги пуркаш тавсия этилади.

**Сохта уншудринг касаллиги.** Ташқи белгиси: пиёзнинг барг ва гулпоялари сарғайиб қолади. Қасаллик қўзғатувчи — замбуруғ бўлиб, унга қарши кураш чоралари қуйидагилар.

1. Гектарига 1500—2000 литр ҳисобида 0,5% ёки 40 кг/га ҳисобидан соф олтингугурт ё бўлмаса унинг 1:1 нисбатда оҳак кукуни билан аралаштирилган порошоги чанглатилади. Дорилаш ҳар 7—10 кунда уч марта ўтказилади.

2. Пиёз майсаси 1% ли бордо, 0,7—1% ценеб ёки 0,5—0,7% ли каптан эритмалари билан ишланади.

## ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Пиёз канаси (илдиз канаси) — ўсимликнинг илдизлари ва пиёзга зарар етказади.

Кураш чоралари: 1 пиёз сақланадиган жойда намлик 60—70%дан ошмаслиги керак.

2. Ҳар 5—7 кечада бир марта, 35—40°C да иситилиб турилади.

3. 1 м<sup>3</sup> га 100 г олтингугурт ҳисобида, сульфит ангидрид билан 48 соат давомида дудлаш тавсия этилади,

4. Пиёзни омборрга киритишдан юлдин саралаш ва уни қалин қилиб қўймаслиқ керак. Омборхоналар етарлича қуруқ бўлиши лозим.

**Тамаки трипости.** Пиёзга тамаки трипости катта зарар етказади. Унга қарши гектарига 800 г ҳисобидан метафос ёки 1,5—2 кг/га анабазин сульфат совун билан аралаштириб сепилади.

**Пиёз пашласи.** Пиёз пашласига қарши уруғ экишдан юлдин 10% ли гепохлор билан ишланади ёки ўсув

даврида 30% ли хлорофос порошогининг 0,1—0,2% суспензияси сепилади.

## САРИМСОҚНИ ҮГИТЛАШ

Саримсоқ — пиёссимон ўсимлик бўлиб, таркибидаги озиқ моддаларнинг салмофи жиҳатидан, бир қатор сабзавотларга нисбатан анча бой экин ҳосибланади. Унинг таркибида ўртача 64—65% сув; 6,7—6,9% азотли моддалар; 26,3% азотсиз моддалар; 0,06% ёғлар; 1,44% кул; 10—12 мг% витамин С ва 0,77% клетчатка мавжуд.

Саримсоқ илдизлари торсимон бўлиб, бироз тармоқланган, 50—60 см чуқурликкача етиб боради, лекин илдизларнинг асосий қисми тупроқнинг юқори унумдор, юмшоқ қаватида бўлади.

Саримсоқ иссиққа нисбатан совуққа чидамли ўсимлик бўлиб, ҳарорат 3—5°C бўлганда тупроқдан униб чиқади. Нормал ўсиб ривожланиши учун мақбул ҳарорат, вегетациясининг биринчи ярмида 5—10°C, паллалар ҳосил қилиш даврида эса 15—20°C ҳисобланади. Ҳарорат 20°C дан ошганда илдиз системаси ўсиб ривожланишдан тўхтайди (Алексеева, 1960). Шу сабабли ҳам иссиқ зоналар учун навларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Иссиқ иқлимли Ўрта Осиё тупроқларида саримсоқни кузда (сентябрь, октябрь) экиш муҳимdir. Эрта баҳорда экилган саримсоқнинг ҳосили кескин камайиб кетади (131-жадвал). Ўзбекистоннинг энг жанубий вилоятлари бўлган Қарши-Сурхон воҳалари шароитида эрта баҳорда экилган саримсоқ фақатгина кўк масса бериб, пиёзбош боғламайди.

131- жадвал

Экиш муддатининг саримсоқ ҳосилига таъсири (Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошканилик ИТИ маълумоти)

Экиш муддати	20.08	1.09	15.09	1.10	15.10
Ҳосил, ц/га	95,2	101,2	90,3	86,7	78,5

Алмашлаб экишда — бодринг, карам ва картошкандан бўшаган ерларга экиш тавсия этилади, чунки бу экинлардан сўнг дала бегона ўтлардан тоза бўлади. Саримсоқ маҳаллий органик ўғитларга (гўнг, компост)

минерал ўғитларга нисбатан анча талабчан бўлиб, гектарига 40—50 т чириган гўнг ёки 30—40 тонна компост шудгор остидан 40—50 кг фосфор ва 30—40 кг калий билан аралаштириб сепилиб, 30—35 см чуқурликда шудгорланади. Экиш олдидан 30—40 кг/га азот ва 20—30 кг фосфор аралаштириб берилади. Қўшимча озиқлашда ҳам 30—40 кг азот, 15—20 кг калий билан аралаштирилиб, эгат ўртасидан 15—20 см чуқурликда культиватор ўғит сепгичлар ёрдамида берилади ва изидан суфорилади.

Саримсоқ экиладиган пайкалларга янги гўнг тавсия этилмайди. Чунки у ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

## ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ (ҚОВУН, ТАРВУЗ, ҚОВОҚ)

Полиз экинлари таркибида углеводлар ва қанд миқдарининг юқорилиги билан озиқ-овқат аҳамиятга моликдир. Полиз мевалари таркибидаги қанд миқдори нафақат унинг навига, органик ва минерал ўғитларнинг миқдорига, ўсиш шароити ва тупроқнинг таркибига ҳам боғлиқдир. Полиз экинларининг таркибидаги қанд миқдори шимолдан жанубга силжиган сари масалан, қовунда қанд миқдори 4,2—17,0% ошиб боради. Азотли моддалар миқдори аксинча камаяди (1% га яқин).

Тавсия этилган нормадан кўп миқдорда берилган минерал ва органик ўғитлар ҳам қовун, тарвуз каби полиз экинларининг ширинлик даражасининг пасайишига сабаб бўлади.

Ўрта Осиё тарвуз навлари таркибida 10—12 мг, қовунида эса 12—25 мг тача С витамин мавжуд бўлади. Бу кўрсаткич қовоқда нисбатан кам миқдорни ташкил қиласада, лекин унда каротин 15—20 мг бўлганлиги сабабли қовоқ тиббиётда турли хил дори-дармонлар тайёрлашда женг кўламда қўлланилади.

Полиз экинларининг ватани жанубий минтақалар бўлиб, тарвузники Жанубий Африка, қовунники Ўрта ва Кичик Осиё, қовоқники эса Жанубий Америкадир.

Полиз экинлари унумдор, структурали тупроқларга анча талабчан бўлиб, янги ерларда, кўп йиллик ўтлардан бўшаган тупроқларда яхши ўсиб ривожланади ва меваси қанд моддасига анча бой бўлади.

Алмашлаб экишда, беда, дон, дуккакли экинлар, картошка, ўғитланган карам ва илдизмевалардан бўша-

ган ерларга экиш тавсия этилади. Бу тур экинларни бир ерга сурункали экиш ҳосилниң пасайишига, сифатининг ёмонлашуви ҳамда ўсимликларда сўлиш касаллигининг қўлайиб кетишига сабаб бўлади.

Полиз экинлари учун гўнг, компост муҳим ўғит ҳисобланиб, минерал ўғитлар билан мақбул нисбатда аралаштириб озиқлантирилса, ҳосил янада самарали бўлади. Бедадан бўшаган ерларга экилган полизларга биринчи йил азотли ўғитлар бермасдан, фақат фосфор ва калийли ўғитлар солинади.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тавсиясига биноаи, полиз экинларидан гектаридан ўртacha 250—300 ц ҳосил олиш учун, бўз тупроnlарда минерал ўғитлар нормаси—азот, фосфор 100—150 кг, калий 50 кг; ўтлоқ ва ботқоқ ўтлоқ тупроқ учун азот 80—100, фосфор 100—120, калий 50—60 кг белгиланиб, гектарига 30—40 тоннадан гўнг қўлланилганда, гўнг таркибидаги ўртacha азот, фосфор ва калийларнинг миқдорига асосланиб, минерал ўғитларнинг йиллик нормаси ҳам бироз камайтирилади. Гўнг, компостнинг йиллик нормаси, фосфорнинг 60—70%, калийнинг 50% кузги шудгор остидан солинади. Азотли ўғитлар эса экиш олдидан, ўнув даврида. З—4 чинбарг чиқарганда, қолган қисм фосфор билан биргаликда гуллаш фазасида, шудгор остидан берилмай қолган (50%) калий билан аралаштирилиб, чопиқдан сўнг, озиқлантирувчи культиватор ўғитлагичлар ёрдамида, эгатлар ўртасида 15—18 см чуқурликда солинади. Полиз экинлари ўғитлангандан сўнг сувласа, ўғитнинг самараси янада яхши бўлади. Бедапоядан сўнги иккинчи йил экилган полиз экинлари учун фосфорга нисбатан азот нормаси 50%ни ташкил этиши керак, яъни гектарига 100 кг фосфор белгиланган бўлса, азотнинг йиллик нормаси 50 кг/га бўлиши лозим.

Кам унумли тупроқлардаги экинларни эртароқ ва оз—оздан ўғитлаш самарали усул ҳисобланиб, унумдор тупроқлардаги экинларни сўнги ўғитлашни биринчи ҳосилии териш арафасида якунлаш керак. Берилган ўғит кечки ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради.

Тарвуз жўпроқ фосфор ва фосфор-калийли ўғитларга талабчан бўлиб, қовун тарвузга нисбатан органик ўғит, жумладан, гўнгга талабчандир. Шунга қарамасдан гўнгнинг йиллик нормаси 1 м<sup>2</sup> га 6—7 кг ёки гектарига 60—70 тоннагача етказилса, қовуннинг таъми па-

саяди ва таркибидаги фойдали витаминалар миқдорини қамайиб кетади. Полиз экинлари кичик майдонларга (парник ва иссиқхоналар) экилганда органик ва минерал ўғитларнинг нормаси  $1\text{ m}^2$  га ҳисоб қилинади. Масалан, кам унумдор тупроқлар учун органик ва минерал ўғитларнинг нормаси  $1\text{ m}^2$  га тахминан қўйидагича бўлади: гўнг 4—6 кг; азот — 5—6 г; фосфор — 10—11 г; калий 6—7 г.

Органик ўғит сифатида парранда ахлатидан 1:12 писбатда эритма тайёрлаб, экипилар жўягида (ўртacha бир дона ўсимликка 1—2 л ҳисобида) берилади.

Қовоқнинг агротехникаси ва уни ўғитлаш муддати тарвуз, қовунниридай бўлади.

## ЕРЁНФОҚ (АРАХИС) НИ ЎҒИТЛАШ

Ёрёнфоқнинг ватани Бразилия бўлиб, Хитой, Япония, Бирма, АҚШ, Италия, Испания ва Африка мамлакатларида жуда катта майдонларга экилади. У Грузия, Молдавия, Украина нинг жанубий районларида экилади. Уни Ўрта Осиё республикаларининг деярли ҳамма районларида етиштирса бўлади. Ерёнфоқ муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга ўсимлик бўлиб, меваси таркибида 48—60% қуримайдиган истеъмол мойи ва 25—38% оқсил мавжуд. Мойидан юқори сифатли кондитер маҳсулотлари (холва, конфет, консервалар, маргарин) тайёрлашда фойдаланилади. Уруғи, қон ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиб, тўғридан-тўғри истеъмол учун яроқлидир. Пояси ва барги тўйимлилиги жиҳатидан (таркибida 12—19% оқсил бор) беда пичанига тенг келади.

Бир йиллик ўт ўсимлик, пояси шохланувчан, поялари тик бўлиб, ён шохлари ер бағирлаб ўсади. Илдиз системаси бақувват, ўқ илдизи 2 м гача етиб боради, попук илдизлари асосан 20—40 см чуқурликда бўлиб, кўплаб мева туганаклар ҳосил қиласи. Меваси пилласимон шаклда бўлиб, 1—2 дан 4—5 тагача уруғи бўлади. Ерёнфоқ иссиқ, ёруғ ва намсевар ўсимлик. Тупроқ ҳарорати 14—15°C даражага етганда (20—30 апрель), маккажўхори экадиган ёки мослланган сеялкаларда гектарига 25—30 кг нормада,  $90\times20\times1$  схемада, 4—6 см чуқурликда экилади.

Ўрта Осиё шароитида ерёнфоқ фақат суғориладиган, серунум, чириндига бой, ғовакли, қумоқ бўз тупроқларда мўл ҳосил беради. Оғир, қум, шўр, шўрхок ва бот-

қоқ түркіларга ерәнфоқ әкиш тавсия этилмайды. Чунки ундан юқори ҳосил өлиб бўлмайди.

Алмашлаб әкишда буғдой, арпа, маккажӯхори, картошка ва илдизмевалар әкилган майдонлар ерәнфоқ учун унумдор тупроқ ҳисобланади. У азот тўпловчи ўсимликлар турига мансуб бўлиб, кўплаб туганақлар ҳосил қиласди, яъни тупроқни азот билан бойитади ва ўз навбатида ундан бўшаган ерларга пахта, маккажӯхори ва бошоқли экинлар әкилса, бу экинлар ҳосили анча юқори бўлади. Ерәнфоқ органик-маҳаллий ва фосфорли ўғитларга талабчан бўлиб, илдизида азот тўпловчи ўсимлик бўлганлиги учун унда азотли ўғитга юқори талабчанлик сезилмайди.

Минерал ўғитлар (NPK) 1:2:0,5 нисбатда, яъни улар 90—180—45 кг/га бўлганда, гектаридан ўртача 40—50 центнергача ҳосил олиш мумкин. Фосфорли ўғит йиллик нормасининг 65—70%, калийли ўғитлар йиллик нормасининг эса 50% ва 15—20 т тўла чириган гўнг кузги шудгор остидан 35—40 см чуқурликда берилади. Шудгор остидан берилмай қолган фосфорли ва калийли ўғитлар икки маротаба қўшимча озиқлантиришда, 40—45 кг/га азотли ўғит (гуллаш ва мева туғиши даврида) билан биргаликда эгатнинг ўртасидан 12—15 см чуқурликда маҳсус культиватор ўғит сепгичлар ёрдамида солинади.

Сурхондарё область Термиз районидаги Намуна колхозининг бош агрономи Собир Муслимов тажрибларига кўра, шудгор остидан гектарига 15—20 т чириган гўнг берилганда, юқори ҳосил олиш билан биргаликда, ҳосилнинг 5—10% чириганлиги, тақир ва қум тупроқда эса қумоқ тупроқдагига нисбатан гектарига 4—5 ц ҳосил кам бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, вегетация даврида фосфор ва калий билан бирга гектарига 40—45 кг азот берилганда, азот берилмаган участкага нисбатан ҳосилнинг 5—6 ц га ошганлиги ва 5—10 кун эрта пишганлиги аниқланди, яъни бу участкадан гектарига ўртача 4,5 ц дан ҳосил олинди.

Шуларга асосланиб, гектарига 30—40 т гўнг берив, шу йили бошқа экинлар экиб, сўнги йилда ерәнфоқ әкилса ёки гектарига 4—5 т парранда ахлати, 500—600 кг кул солинса, натижка яхши бўлади.

Ерәнфоқнинг ён томонида ҳосил туганаги пайдо қилувчи ўсимталар (соқол) мавжуд бўлиб, ўсимталар узлуксиз равишда техника ёки қўл кучи ёрдамида юмшоқ

саяди ва таркибидаги фойдали витаминлар миқдорини камайиб кетади. Полиз экинлари кичик майдонларга (парник ва иссиқхоналар) экилганда органик ва минерал ўғитларнинг нормаси  $1\text{ м}^2$  га ҳисоб қилинади. Масалан, кам унумдор тупроқлар учун органик ва минерал ўғитларнинг нормаси  $1\text{ м}^2$  га тахминан қўйидагича бўлади: гўнг 4—6 кг; азот — 5—6 г; фосфор — 10—11 г; калий 6—7 г.

Органик ўғит сифатида парранда ахлатидан 1:12 нисбатда эритма тайёрлаб, экинлар жўягида (ўртача бир дона ўсимликка 1—2 л ҳисобида) берилади.

Қовоқнинг агротехникини уни ўғитлаш муддати тарвуз, қовунницидай бўлади.

## ЕРЁНФОҚ (АРАХИС) НИ ЎҒИТЛАШ

Ерёнфоқнинг ватани Бразилия бўлиб, Хитой, Япония, Бирма, АҚШ, Италия, Испания ва Африка мамлакатларида жуда катта майдонларга экилади. У Грузия, Молдавия, Украина нинг жанубий районларида экилади. Уни Ўрта Осиё республикаларининг деярли ҳамма районларида етиштиrsa бўлади. Ерёнфоқ муҳим ҳалқ ҳўжалик аҳамиятига эга ўсимлик бўлиб, меваси таркибида 48—60% қуримайдиган истеъмол мойи ва 25—38% оқсил мавжуд. Мойидан юқори сифатли кондитер маҳсулотлари (холва, конфет, консервалар, маргарин) тайёрлашда фойдаланилади. Уруғи, қон ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиб, тўғридан тўғри истеъмол учун яроқлидир. Пояси ва барги тўйимлилиги жиҳатидан (таркибидаги 12—19% оқсил бор) беда пичанига тенг келади.

Бир йиллик ўт ўсимлик, пояси шохланувчан, поялари тик бўлиб, ён шохлари ер бағирлаб ўсади. Илдиз системаси бақувват, ўқ илдизи 2 м гача етиб боради, попук илдизлари асосан 20—40 см чуқурликда бўлиб, кўплаб мева туганаклар ҳосил қиласиди. Меваси пилласимон шаклда бўлиб, 1—2 дан 4—5 тагача уруғи бўлади. Ерёнфоқ иссиқ, ёруғ ва намсевар ўсимлик. Тупроқ ҳарорати 14—15°C даражага етганда (20—30 апрель), макка жўхори экадиган ёки мосланган сеялкаларда гектарига 25—30 кг нормада,  $90\times20\times1$  схемада, 4—6 см чуқурликда экилади.

Ўрта Осиё шароитида ерёнфоқ фақат суғориладиган, серунум, чириндига бой, ғовакли, қумоқ бўз тупроқларда мўл ҳосил беради. Оғир, қум, шўр, шўрхок ва бот-

қоқ түпроқларга ерөнгоқ экиш тавсия этилмайди. Чунки ундан юқори ҳосил олиб бўлмайди.

Алмашлаб экишда буғдой, арпа, маккажӯхори, картошка ва илдизмевалар экилган майдонлар ерөнгоқ учун унумдор тупроқ ҳисоблашади. У азот тўпловчи ўсимликлар турига мансуб бўлиб, кўплаб туганаклар ҳосил қиласи, яъни тупроқни азот билан бойитади ва ўз навбатида ундан бўшаган ерларга пахта, маккажӯхори ва бошоқли экинлар экилса, бу экинлар ҳосили анча юқори бўлади. Ерөнгоқ органик-маҳаллий ва фосфорли ўғитларга талабчан бўлиб, илдизида азот тўпловчи ўсимлик бўлганлиги учун унда азотли ўғитга юқори талабчанлик сезилмайди.

Мишелал ўғитлар (NPK) 1:2:0,5 нисбатда, яъни улар 90—180—45 кг/га бўлганда, гектаридан ўртача 40—50 центнергача ҳосил олиш мумкин. Фосфорли ўғит йиллик нормасининг 65—70%, калийли ўғитлар йиллик нормасининг эса 50% ва 15—20 т тўла чириган гўнг кузги шудгор остидан 35—40 см чуқурликда берилади. Шудгор остидан берилмай қолган фосфорли ва калийли ўғитлар икки маротаба қўшимча озиқлантиришда, 40—45 кг/га азотли ўғит (гуллаш ва мева туғиши даврида) билан биргаликда эгатнинг ўртасидан 12—15 см чуқурликда маҳсус культиватор ўғит сепгичлар ёрдамида солинади.

Сурхондарё область Термиз районидаги Намуна колхозининг бош агрономи Собир Муслимов тажрибалирига кўра, шудгор остидан гектарига 15—20 т чириган гўнг берилганда, юқори ҳосил олиш билан биргаликда, ҳосилнинг 5—10% чириганлиги, тақир ва қум тупроқда эса қумоқ тупроқдагига нисбатан гектарига 4—5 ц ҳосил кам бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, вегетация даврида фосфор ва калий билан бирга гектарига 40—45 кг азот берилганда, азот берилмаган участкага нисбатан ҳосилнинг 5—6 ц га ошгаиллиги ва 5—10 кун эрта пишганлиги аниқланди, яъни бў участкадан гектарига ўртacha 4,5 ц дан ҳосил олинди.

Шуларга асосланиб, гектарига 30—40 т гўнг берил, шу йили бошқа экинлар экиб, сўнги йилда ерөнгоқ экилса ёки гектарига 4—5 т парранда ахлати, 500—600 кг кул солинса, натижка яхши бўлади.

Ерөнгоқнинг ён томонида ҳосил туганаги пайдо қи́лувчи ўсимталар (соқол) мавжуд бўлиб, ўсимталар уз-луксиз равишда техника ёки қўл кучи ёрдамида юмшоқ

тупроқ билан күмиб турилса юқори ҳосил таъминлашиди.

Вегетация давридан озиқлантириш майса күкариб чиққандан 25—30 кундан кейин, биринчи сув бериш олдидаң үтказилади. Сүнгі озиқлантиришни ҳам иккінчи сувдан олдин үтказилади. Вегетация даврида, сизот сувнинг чуқур ёки юза жойлашиши ва тупроқнинг меканик ҳолатига қараб, 6—10 марта сугорилади.

Ерёңғоқнинг вегетация даври ўртача 140—150 кун бўлиб, йиғиб олиш ишлари, МТЗ—80 тракторига тирқалган машиналар ёрдамида сентябрь охири октябрь ойининг бошларида үтказилади. Йиғиб олувчи машиналар бўлмаганда эса, картошка кавлайдиган машиналар ёки мосламалардан фойдаланилади. Кавланган ўсимликлар даладан чиқарилиб, дуккаклари (меваси) юқорига қаратилиб, 10—15 кун қуритилади ва ҳосил поядан териб олинади. Мева намлиги 8—10% юқори бўлмаслиги керак. Ҳосил қопларда, усти ёпиқ, шамол яхши тегадиган омборхоналарда сақланади.

## БОФ, ТОКЗОР ва ҚЛУПНАЙНИ ҮФИТЛАШ

Боф, токзор ва қлупнайдан сифатли ва юқори ҳосил олиш таъминлашда ҳар хил маҳаллий-органик, минерал ва микроўфитлар мухим аҳамиятга эга.

Мевали ўсимликлар ва ток бир ерда 40—60 ва ундан ҳам кўп йил яшайди. Улар асосан тупроқдаги озиқ моддалардан озиқланади. Тупроқда озиқ моддалар етишмаганда, мевали ўсимликлар суст ўсади, барглари майда бўлиб, оқиши рангга киради, мевалари кичиклашиб мазасиз бўлади ва ҳосилдорлиги кескин камаяди. Ўсимлик организмидаги бирор бир минерал үғит етишмаганда, ўсимликнинг ташқи кўринишида ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, азот етишмаганда ўсимлик суст ўсади, барглари сарғиши тусга киради.

Фосфор етишмаганда ўсимлик заифлашиб, барглари қўнғир тусга киради. Калий етишмаганда касалликка тез чалинади, баргларида куйганга ўхшаш жигар ранг доғлар пайдо бўлади. Кальций етишмаганда дараҳт баргларида қўнғир доғлар пайдо бўлади. Темир элементи етишмаганда ўсимлик суст ўсади, барглари сарғиши тусга киради.

Фосфор етишмаганда ўсимлик заифлашиб, барглари қўнғир тусга киради. Калий етишмаганда касалликка

тез чалинади, баргларида күйганга ўхшащ жигар раңг доғлар пайдо бўлади. Темир элементи етишмаганда барглар сарғайиб хлороз касаллигига учрайди. Рух етишмаганда эса майда барглилик касалига чалинади. Маълумки, суғориладиган шароитда ўсаётган ўрта 4—5 ёшли, ҳосилга кирган ўсимлик илдиз системасининг тупроққа тарқалиши, уларнинг ер усти қисмига нисбатан 1,5—2,0 баравар кўп жойни эгаллайди. 8—10 ёшда эса  $9 \times 9$ ,  $10 \times 10$  метр схемада экилган дараҳтларнинг илдизи бир-бирига қўшилиб кетади. Бу даврга келиб, озиқ моддаларга бўлган талаб, ҳосилга кирмаган ниҳолларга нисбатан 2,5—3,0 марта ортади. 5 ёшли олма боғларига ҳар гектарида 100 туп ўсимлик бўлганда, ўртача 9,0—10,0 кг азот, 2,0—2,2 кг фосфор, 8,5—9,0 кг калий ўғити сарфланса, гектаридан ўртача 120—150 центнер ҳосил берадиган 20—25 ёшли олма дараҳтлари, ҳар йили ҳосил билан биргаликда, тупроқдан 86—90 кг азот, 25 кг фосфор ва 85—88 кг калий ўғитларини олиб кетади (Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ) маълумотлари). Бу эса ўз навбатида ҳар йили боғлар ва токзорларни ёшига, ҳосили ва тупроқ унумдорлигига қараб, қўшимча озиқлантириш лозимлигини тақазо этади.

## БОҒЛАРНИ ЎҒИТЛАШ НОРМАСИ

Ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланиши, ҳосил миқдори ва сифати дараҳтларнинг тўғри ўғитлашга боғлиқdir. Бир гектар боққа ёки ҳар бир туп дараҳт атрофига солинадиган ўғит миқдори, боғнинг ишлаш системасига, навларнинг ўсиш кучига, ҳосил миқдори ва дараҳтнинг ёшига қараб белгиланади.

Янги ташкил қилинган боғларга, эскидан ташкил қилинган боғларга нисбатан минерал ўғитлар камроқ солинади. Оғир, лой тупроқли, шагал тошли шўрланган ерларда ташкил этилган боғларга минерал ўғитларни маҳаллий ўғитлар билан аралаштириб солиш ижобий натижа беради. Агарда боғ қатор оралари оралиқ экинлар билан банд бўлса, унда ўғит миқдори ҳам шунга мос slab кўпайтирилади.

Ёш боғларга маҳаллий ўғит (гўнг) ҳар икки-уч йилда гектарига 15—20 т, катта ёшдаги боғларга эса 35—40 тоннадан солинади. Тўрт ёшдаги дараҳтларга нормал ва соғлом ўсиши учун, ҳар йили ҳар туп ниҳол тагига 4—5

кг дан чириган гүнг, 50—100 г азот ва 40—60 г фосфор ўғитлари солинади. Тўрт ёшдан ошган дараҳтлар токи ҳосилга киргунгача йил оралаб ҳар гектар ҳисобига, соф ҳолатда 60 кг азот, 30 кг фосфор, 15 кг калий, ҳар икки-уч йилда 15—20 т гүнг берилади.

Ҳосилга кирган боғларга ҳар йили гектарига 120 кг азот, 70—90 кг фосфор, 20—30 кг калий ва ҳар йилда бир марта 30—40 т маҳаллий ўғит солинади. Агарда тупроқ кам унумдор бўлиб, дараҳтларнинг ривожи ва ҳосили паст даражада бўлса, у ҳолда минерал ва органик ўғитларнинг нормаси 1,5—2,0 бараварга оширилади. Гўнг ўрнига кўкат ўғитлардан (сидратлар) фойдаланса ҳам бўлади.

Янги барпо қилинадиган боғларнинг ҳар гектарига, экишдан олдин 250—360 кг азот, 120—180 кг фосфор ва 60—80 кг калий билан ўғитланади ва шундан сўнг экиш ишлари бошланади.

## БОҒЛАРНИ ЎҒИТЛАШ МУДДАТЛАРИ

Боғларни ўғитлаш асосан, куз ва баҳорда амалга оширилади. Баҳорда ва вегетация даврида азотли ўғитлар берилади. Кузда фосфор, калий ва маҳаллий ўғитлар махсус ўғитловчи аппаратлар ёрдамида шудгор остидан солинади. Калийли, фосфорли ва маҳаллий ўғитлар тупроқнинг 25—30 см, азотли ўғитлар эса, сувга яхши эрувчан бўлганлиги учун, 10—15 см чуқурликда берилади.

## МЕВАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИНИ ЎҒИТЛАШ

Мевали дараҳт кўчатлари юзиқ моддаларга ўта талбчан бўлиб, уни яхши uzziлаштиради, уларнинг бу хусусиятини ҳисобга олиб, алмашлаб экиш схемасида, кўчатзорларни бедапоядан бўшаган ерларда барпо қилиш лозим. Чунки бедапоядан бўшаган ерлар органик азотга жуда бой бўлади. Шу сабабли ҳам бедапоя бузилгандан сўнг азотли ўғитлар берилмасдан, гектарига 200—250 кг фосфор ва 50—60 кг дан калий ўғити солинса, фосфорли ва калийли ўғитлар бир йиллик ёш новдаларнинг ўсишини тезлаштиради ва совуққа чидамлилигини оширади.

Агарда кўчатзорларнинг биринчи даласи уруғдан етиштирилган ниҳоллар ёки қаламчалардан ташкил

топса, унда шудгор остидан 30—40 т чириган гүнг, 350—400 кг фосфор ва 70—80 кг калий ўфити берилади.

Кўчатзорлар ииҳолларнинг вегетацияси даврида, 2—3 марта озиқлантирилади. Биринчи ииҳоллар яхши тутиб олгандан сўнг, 100—120 кг/га азот билан ўфитлашади. Шундан бир ой ўтгач, худди шу норма билан, иккинчи марта озиқлантирилади. Агарда ёш ииҳолнинг ривожи жуда суст бўлса, ўсимликнинг ташки кўринишида озиқага нисбатан эҳтиёж сезилса, у ҳолда гектарига 40 кг нормада азот билан озиқлантирилади.

Кўчатзорнинг иккичи даласи март-апрель ойларида, 120—150 кг азот, июнь ойининг иккичи ярмида, иккинчи марта 80—100 кг азот ўфити билан озиқлантирилади.

Ўфитнинг бу нормаси олма, нок, беҳи каби уруғли мева кўчатлари учун тавсия этилган бўлиб, ўрик, шафтоли, олча, гилос каби данакли мева кўчатлари экилган кўчатзорлар учун азот нормаси 15—20%га камайтирилади.

Кўчатзорнинг учинчи даласида икки йиллик уруғлик дарахт кўчатлари ўстирилиб, уларни азотли ўфитлар билан ўфитлаш муддатлари ўзгармайди. Аммо ўфит нормаси 10—15% оширилади. Лекин бу кўчатларни ўфитлашда, ииҳолпинг ривожи ва тупроқ таркибидағи озиқ моддаларининг миқдори ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда унумдор тупроқлардаги кўчатлар соршоҳ бўлиб, кўчатзор қалинилашиб кетади ва булар кўчат сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Мевали дарахт ииҳоллари ва ток кўчатларини ўфитлашда, ерни шудгорлашдан аввал гектарига 30—50 т дан чириган гүнг, 50—60 кг фосфор ва 80—100 кг калий солинади. Ток кўчатзори март ойининг охири, апрель ойининг бошларида, июнь ойида ва учинчи марта июль ойининг бошларида гектарига 30—40 кг аммиакли селитра ёки аммоний сульфат билан озиқлантирилади.

Ҳар дона мевали дарахтнинг ёшига қараб тавсия этиладиган органик ва минерал ўфитларнинг тахминий нормаси, қўйидагичадир (132- жадвал).

Минерал ва органик ўфитлар алоҳида-алоҳида берилиганда, ҳар бирининг нормаси 1,5—2 марта оширилади. Ўфитларнинг жадвалдаги нормаси унумдорлиги ўртacha бўлган тупроқлар учун тавсия этилган бўлиб, бу норма кам унумли тупроқлар учун 1,5 бараварга ошири-

лади, юқори унумли тупроқлар учун эса худди шунчага камайтирилади.

132- жадвал

**Бир дона мевали дaraohтга бериладиган ўғит нормаси**

Дaraohтнинг ёши	Органик ўғит нормаси, кг	Минерал ўғитлар нормаси, г		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2 ёшли	6	10	10	3
3—4 ёшли	10	20	20	6
5—6 ёшли	15	30	30	9
7—8 ёшли	20	60	40	18
9—10 ёшли	25	75	50	27
11—12 ёшли	40	120	80	36

**ТОКЛАРНИ ЎГИТЛАШ МУДДАТИ ва НОРМАСИ**

Ток ҳам мевали дaraohтлар каби бир ерда бир неча йиллаб яшайди. Токларнинг нормал ўсиб ривожланиши ва унинг ҳосилдорлиги, биринчидан, унинг парваришига боғлиқ бўлса, иккинчидан ўғит нормасига ва муддатига боғлиқдир.

Токзорларни ўғитлаш унинг ёши, ҳосилдорлиги, биологик хусусиятлари ва тупроқ шароитига қараб режалаштирилади. Токзорлар тупроғи унумдор бўлса ўғит камроқ аксинча, унумсиз бўлса кўпроқ солинади.

Ёш токларга минерал ўғитлар икки йилда бир марта, ҳосилли токларга эса ҳар йили, органик ўғитлар эса 2—3 йилда бир марта 30—40 т/га дан берилади.

Токзорлар барпо қилинадиган участкаларни ҳайдашдан олдин гектарига 30—40 т гўнг ёки компост, 800—1000 кг фосфор, 100—120 кг калий солинади. Кўчатларнинг ривожи яхши бўлмаса, дастлабки йилларда майионь ойларида (вегетация даврида) гектарига 50—60 кг азот, 40—50 кг фосфор билан қўшимча озиқлантирилади. Ҳосилга кирган токзорлар ҳар йили гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор, 30—40 кг калий ва ҳар икки йилда бир марта 20—30 т гўнг билан ўғитланади.

Токлар ўсув даврида минерал ўғитлар билан ўғитланса, ҳосил янада мўл бўлади ва ўғитлашни қўйидаги муддатларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи озиқлантириш, гуллашдан 10—15 кун олдин (май ойида) ўтказилиб, бунда гектарига 60—45—15 кг NPK солинади. Иккинчи озиқлантириш гуллашдан 15—

20 кун ўтгач (июнда) ўтказилиб, гектарига 40—45—15 кг НРК солинади.

Ўғитларнинг тупроққа бир текис тушишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бир жойда тўпланиб қолган ўғитлар, айни нуқтада ток ва дараҳтлар илдизини зааррлаши, ҳатто уларни иобуд қилиши ҳам мумкин.

Токзорларни ўғитлаш ва қатор ораларини ишлашда УКО—2, УКО—3, ПРВН—2,5, ПРВН—2,5А плуглари ва осма ўғит сепгичларидан фойдаланиб, азотли ўғитлар тупроқнинг 10—15 см, фосфорли ва калийли ўғитлар эса 25—30 см чуқурлигига ва 30—35 см узоқликда солинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ток қатор ораларига гўнг ўрнига сидратлардан Никльсон нўхати сепилиб, кузда кўклигича ҳайдаб юборилса, тупроқ унумдорлиги яхшиланади ва ток ҳосилдорлиги ошади.

Қум ва шағал ерлардаги дараҳтлар ва токларни ҳар сувдан олдин оз-оздан ўғитланса, натижа яхши бўлади, акс ҳолда азотли ўғитлар тез ювилиб кетади.

Узумзорлар май, август ойларида барги орқали 2—3 марта озиқлантирилади. Эритма қуйидаги тайёрланади: 0,5—0,75 % азот; 3,5—5,0 % фосфор; 0,5—1,0 % жалий; 0,01—0,03 % бор ва 0,05—Л, 1 % марганец. Бу эритмадан ҳар гектарга 500—600 литрдан сарфланади.

## ҚУЛУПНАЙНИ ЎҒИТЛАШ

Қулупнай унумдор тупроқларга жуда талабчан ўсимликлардан ҳисобланиб, кўчат қилинганидан сўнги биринчи йилда гектарида 20 ц гача ҳосил олиш мумкин. Илдиз системаси анча сертармоқ бўлиб, асосан тупроқнинг 20—40 см қаватида бўлсада, сув танқислиги сезилган ҳолларда бир метргача этиши ҳам мумкин.

Қулупнайдан юқори ҳосил олиш учун асосий илдиз системаси жойлашган 20—40 см қатlam ўғитланиши ва бегона ўтлардан тозалаб турилиши лозим. Унумдорлиги жиҳатидан камбағал ерларга қулупнайзорлар ташкил этиш учун шудгор олдидан 40—50 т гўнг, 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий солинади. Ҳосилга кирган қулупнайдан юқори ҳосил олиш учун эрта кўкламда (март, апрель) гектарига 40—45 кг аммоний сульфат ва 35—40 кг фосфорли ўғит солинади.

Үрта Осиёning иссиқ шароитида қулупнайдан кузда юқори ҳосил олиш учун сентябрь ойида икки марта гектарига 40 кг дан (аммоний сульфат) азотли ўғит берилади.

лади, юқори унумли тупроқлар учун эса худди шунчага камайтирилади.

### 132- жадвал

Бир дона мевали дарахтга бериладиган ўғит нормаси

Дарахтнинг ёши	Органик ўғит нормаси, кг	Минерал ўғитлар нормаси, г		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2 ёшли	6	10	10	3
3—4 ёшли	10	20	20	6
5—6 ёшли	15	30	30	9
7—8 ёшли	20	60	40	18
9—10 ёшли	25	75	50	27
11—12 ёшли	40	120	80	36

## ТОКЛАРНИ ЎҒИТЛАШ МУДДАТИ ва НОРМАСИ

Ток ҳам мевали дарахтлар каби бир ерда бир неча йиллаб яшайди. Токларнинг нормал ўсиб ривожланиши ва унинг ҳосилдорлиги, биринчидан, унинг парваришига боғлиқ бўлса, иккинчидан ўғит нормасига ва муддатига боғлиқдир.

Токзорларни ўғитлаш унинг ёши, ҳосилдорлиги, биологик хусусиятлари ва тупроқ шароитига қараб режалаштирилади. Токзорлар тупрофи унумдор бўлса ўғит камроқ аксинча, унумсиз бўлса кўироқ солинади.

Ёш токларга минерал ўғитлар икки йилда бир марта, ҳосилли токларга эса ҳар йили, органик ўғитлар эса 2—3 йилда бир марта 30—40 т/га дан берилади.

Токзорлар барпо қилинадиган участкаларни ҳайдашдан олдин гектарига 30—40 т гўнг ёки компост, 800—1000 кг фосфор, 100—120 кг калий солинади. Кўчатларнинг ривожи яхши бўлмаса, дастлабки йилларда майионь ойларида (вегетация даврида) гектарига 50—60 кг азот, 40—50 кг фосфор билан қўшимча озиқлантирилади. Ҳосилга жирган токзорлар ҳар йили гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор, 30—40 кг калий ва ҳар икки йилда бир марта 20—30 т гўнг билан ўғитланади.

Токлар ўсув даврида минерал ўғитлар билан ўғитланса, ҳосил янада мўл бўлади ва ўғитлашни қўйидаги муддатларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи озиқлантириш, гуллашдан 10—15 кун олдин (май ойида) ўтказилиб, бунда гектарига 60—45—15 кг NPK солинади. Иккинчи озиқлантириш гуллашдан 15—

20 кун ўтгач (июнда) ўтказилиб, гектарига 40—45—15 кг НРК солинади.

Үфитларнинг тупроққа бир текис тушишини таъмишлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бир жойда тўпланиб қолган ўфитлар, айни нуқтада ток ва дараҳтлар илдизини зарарлаши, ҳатто уларни нобуд қилиши ҳам мумкин.

Токзорларни ўфитлаш ва қатор ораларини ишлашда УКО—2, УКО—3, ПРВН—2,5, ПРВН—2,5А плуглари ва осма ўфит сепгичларидан фойдаланиб, азотли ўфитлар тупроқнинг 10—15 см, фосфорли ва калийли ўфитлар эса 25—30 см чуқурлигига ва 30—35 см узоқликда солинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ток қатор ораларига гўнг ўрнига сидратлардан Никльсон нўхати сепилиб, кузда кўклигича ҳайдаб юборилса, тупроқ унумдорлиги яхшиланади ва ток ҳосилдорлиги ошади.

Қум ва шағал ерлардаги дараҳтлар ва токларни ҳар сувдан олдин оз-оздан ўфитланса, натижада яхши бўлади, акс ҳолда азотли ўфитлар тез ювилиб кетади.

Узумзорлар май, август ойларида барги орқали 2—3 марта озиқлантирилади. Эритма қўйидагича тайёрланади: 0,5—0,75% азот; 3,5—5,0% фосфор; 0,5—1,0% жалий; 0,01—0,03% бор ва 0,05—Л, 1% марганец. Бу эритмадан ҳар гектарга 500—600 литрдан сарфланади.

## ҚУЛУПНАЙНИ ЎФИТЛАШ

Қулупнай унумдор тупроқларга жуда талабчан ўсимликлардан ҳисобланиб, кўчат қилинганидан сўнги биринчи йилда гектаридан 20 ц гача ҳосил олиш мумкин. Илдиз системаси анча сертармоқ бўлиб, асосан тупроқнинг 20—40 см қаватида бўлсада, сув танқислиги сезилган ҳолларда бир метргача этиши ҳам мумкин.

Қулупнайдан юқори ҳосил олиш учун асосий илдиз системаси жойлашган 20—40 см қатлам ўфитланиши ва бегона ўтлардан тозалаб турилиши лозим. Унумдорлиги жиҳатидан камбағал ерларга қулупнайзорлар ташкил этиш учун шудгор олдидан 40—50 т гўнг, 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий солинади. Ҳосилга кирган қулупнайдан юқори ҳосил олиш учун эрта кўкламда (март, апрель) гектарига 40—45 кг аммоний сульфат ва 35—40 кг фосфорли ўфит солинади.

Ўрта Осиёning иссиқ шароитида қулупнайдан кузда юқори ҳосил олиш учун сентябрь ойида икки марта гектарига 40 кг дан (аммоний сульфат) азотли ўфит берилади.

лади. Ўсимлик илдизини совуқдан асраш мақсадида, октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошларида, гектарига 12—15 тоннадан гүнг солинади. Қулупнайдан қанд моддасига бой, сифатли ҳосил олиш учун, минерал ўғитларни яхши чириган органик ўғитлар билан 1:3 ёки 1:4 нисбатда аралаштириб солиш лозим. Органик ўғитлар ҳосилни ошириш ва унинг сифатини яхшилаш билан биргаликда, илдиз тарқалган тупроқ қатламининг намлигини бир меъёрда ушлаб туришда муҳимdir. Қулупнай экилган пайкални бир йилда ўртача 14—17 марта суғориш керак, яъни март, апрель, май, сентябрь ойларида бир-икки марта, июнь, июль, август, сентябрь ойларида бир-икки марта, июнь, июль ва август ойларида эса ҳар 8—10 кунда суғориш лозим.

## ТУТЗОРЛАРНИ ЎҒИТЛАШ

Ўрта Осиёда ипакчиликнинг тараққиёти, ипак қуртининг асосий озуқа манбай бўлган тутчиликнинг ривожланиши билан баҳоланади. Корея, Япония, Хитой ва Хиндистон каби бир қатор мамлакатларда ипак қурти учун озуқа сифатида тут баргидан ташқари, деб, айланд сингари дарахтларнинг баргларидан ҳам фойдаланилди. Мамлакатимиздаги пилла етиштириладиган барча районларда ипакчиликнинг асосий озуқа базасини маҳаллий ва дурагай тутлар ташкил этади.

Пиллачиликда биринчи бўлиб, Ўрта Осиё ипакчилик ИТИ да уруғлик (оналик) тутзорлар барпо қилиш мақсадида, маҳсус тут навлари яратиш йўли билан дурагай тутлар масаласи ҳал этилди. Ҳозирги кунда САНИИШ (Ўрта Осиё ипакчилик ИТИ) да яратилган Юбилейний, Гулистан, Топрокс 2, Топрокс 3, САНИИШ—15 X. Пионер ва бошқа бир қатор дурагай тутлар муҳимdir. Бу турдаги дурагай тут навларини ипакчилик билан шуғулланадиган барча хўжаликларда кўпайтириш учун серунум, текис, сув билан яхши таъминланган ерлар ажратилиши лозим. Дурагай тут кўчкатларини етиштириш учун ажратилган участкаларнинг ер ости сизот сувлар сатҳи 1,5—2 м пастда жойлашган бўлиши керак. Айни участкаларни кузги шудгор қилишдан аввал (октябрь—ноябрь) гектарига 30—40 т гүнг ва тупроқ таркибида фосфор, калий миқдори жам бўлганда, 60—80 кг фосфор ҳамда 30—50 кг калий солиниб, шундан сўнг 30—35 см чуқурликда ёки тошли, шағалли қатлам ер

юзасига яқин жойлашған бұлса, унда ҳайдаш чуқурлиги 22—25 см да үтказилади. Нихолларни күчтөрзінде үтка-зишдан олдин дала барча агротехника қоидалари асо-сида текисланади (шұр ва шұрхок ерларға әкіш лозим бұлиб қолған ҳолларда зоналар учун тавсия қилингандай шұр ювиш нормасига асосан ерлар шұри ювилади), 20—22 см чуқурликда чизилланади, изидан бороналанади ва лозим бұлса моланалади. Күчтөрлар, Урта Осиё шароитида жүзде үсімліктар барғанин түккандан то эрта баҳорда барг ёзгунга қадар (декабрдан — февраль ойининг охиригача), махсус тайёрланған далаларға құлда ёки машиналар ёрдамида әкілада. Бир йиллик күчтөрлар тупроқнинг физик хусусиятлари ва унумдорлигинаң қисобға олиб (тупроқдагы азот, фосфор ва калий миқдорига аласланиб), ёш нихоллар гектарига 60—180 кг азот ва 30—100 кг фосфор билан үйитланади.

Минерал үйитлар иккі муддатда: күчтөрлар әкіб бүлингандан сұнг, йиллик нормадаги азотнинг 50%, шундан бир ой үтгач қолған азот ва 100% фосфор әтат үртасидан 15—20 см чуқурликда солиниб, ҳар иккала муддатда ҳам изидан сув олинади.

Икки йиллик күчтөрлар учун гектарига 120—240 кг азот, 60—120 кг фосфор, 30—60 кг калий белгиләніб, бу үйитлар эрта баҳорда сув олдидан түлиқ нормада солинади. Азот әса ҳар сув олдидан бұлиб-бұлиб берилади.

Махсус тутзорлардаги тут дараҳтларини үйитлаш учун уларнинг ёшига қараб, ҳар түпнан қуийдаги миқдорда үйит беріш тавсия этилади (134- жадвал).

Фосфор, калий ва гүнг ёки компостнинг ҳаммаси (100%), азотнинг 50% эрта баҳорда (февраль—март) тутзорларга сепилиб, изидан 15—20 ёки 20—25 см чуқурликда күтарма плуглар ёрдамида шудгор остига туширилади. Қолған 50% азот әса, ипак құртлар учун

#### 133- жадвал

**Тут дараҳтларининг ёшига қараб ҳар бир түпнан тут учун үртача тавсия этилган органик ва минерал үйитлар нормаси**

Дараҳтнинг ёши	Азот, г.	Калий, г	Фосфор, г	Гүнг ёки компост, кг
10 ёшгача	40	35	15	25—50
20—30	80	70	30	50—100
30—40	160	140	60	100—200
40 ёшдан тоқори	320	280	90—100	100—200

барг олиингандан сўнг, шу йили бақувват новдалар пайдо қилиши учун (май, июнь) сепилиб, изидан шудгорланади ва сувланади. Тутзорлар тупроғи ҳар доим юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланиб турилганда ўғитларнинг таъсири юқори бўлади.

Катта ёшдаги тутзорлардан олинадиган ҳосил (барги ҳисобида) режалаштирилади ва шу асосида минерал ўғитларнинг йиллик нормаси белгиланади. (134-жадвал).

#### 134- жадвал

**Катта ёшдаги тутзорлардан олинадиган ҳосил (барги ҳисобида) ва минерал ўғитларнинг йиллик нормаси**

Режалаштирилган ҳосил (барги), т/га	Азот, кг/га	Фосфор, кг/га	Калий, кг/га	Гўнг, компост, т/га
2	60	30	20	8—10
4	120	60	80	10—15
6	180	90	50	15—20
8	240	120	50	30—40

Бунда минерал ўғитлар асосан уч муддатга бўлиб солинади: февраль—март, 10—20 апрель, 25 май—15 июнь.

Фосфорли ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, 1/3 қисм азот билан февраль — март ойида солинади. Колган икки муддатда эса, азотли ўғит бўлиб-бўлиб берилади.

Органик ўғитларнинг ҳаммаси кузда ёки баргни кесиб олгандан сўнг (25 май—15 июнь) сепилиб, изидан шудгорланади ва эгат олиб сувланади.

Хулоса қилиб айтганда, тут дарахтиниги ҳосилдорлигини ошириш, барг сифатини яхшилаш учун тутзорларни ўз вақтида минерал ва органик-маҳаллий ўғитлар билан ўғитлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Эрта баҳорда, тут дарахтларида янги барг новдалари пайдо бўлиш ҳамда қурт боқиши учун баргли новдалар кесилгандан сўнг, қайтадан шоҳ-шаббалар чиқиши пайтида, тутзорларни азотли ўғитлар билан озиқлантириш ижобий натижалар беради. Лекин шуни ҳам эсда тутиш керакки, нормадан ортиқча ёки кечиктирилиб (июнь оидан кейинги ойларда) берилган азот тутнинг ўсиб ривожланишини кеч кузгача давом эттиради. На-

тижада новдалар етилмай қолиб, қиша совуқдан күп-роқ заарланади.

Тутзорларни фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш тут баргининг сифатли бўлишини таъминлаб, совуққа чидамлилигини оширади.

Тутзорларга минерал ўғитлар билан биргаликда органик-маҳаллий ўғитлар қўлланилганда, тутнинг ўсиб ривожланиши ва баргининг сифати янада яхши бўлади. Абдуллаев У. маълумотларига кўра, 1 ёшдаги тутзорларга фақат азот, фосфор берилганда тут илдизининг умумий узунлиги контроль варианта нисбатан 50% га, минерал ўғитлар билан гўнг аралашиб берилганда эса бу кўрсаткич контролга нисбатан 77% га ошган, ва шунга мутаносиб равишда, ҳосили ҳам кўпайган. Чунки органик ўғитлар ўсимликка ижобий таъсир қилиш билан бирга тупроқ таркибида микроорганизмлар фаолиятини ҳам яхшилади. Тупроқнинг сув ва ҳаво хоссаларини яхшилади, донадор бўлишини таъминлайди.

Азот новда ва баргларнинг тез ва сифатли ўсишини таъминлайди. Ўсимликнинг азот билан етарлича таъминланмаслиги новдаларнинг секин ўсиши, барг пластинкасининг кичрайишига ва барглар рангини оч яшил тусга киришига сабаб бўлади.

Фосфорли ўғитларнинг камчил бўлиши эса, новдаларнинг совуққа чидамлилигига салбий таъсир кўрсатиб, унинг ташқи белгиси—барг пластинкасининг қирраларида қора доғ пайдо бўлиб, барг тобора қорая боради, вақт ўтиши билан новданинг ўзида туриб бутунлай қуриб қолади.

Калий барг ва ёш новдаларда хлорофилл доначаларининг кўпайиши, ўсимликнинг совуққа ва замбуруғ касалликлар чидамлилигини оширади. Тут дарахтига калий элементининг етишмаслигидан барг сатҳида қўнғир доғлар пайдо бўлиб, айни баргининг буришиб қолиши ва нордонлашишига сабаб бўлади.

Кальций тут дарахтининг кекса органлари ҳамда баргидаги кўпроқ бўлиб, ўсимликнинг илдиз фаолиятини яхшилади, озиқ элементларнинг тупроқдан ювилиб кетишига йўл қўймайди ҳамда тупроқнинг донадорлигини оширади.

Микроэлементлардан магний, бор, темир, марганец ва бошқа бир қатор микроўғитлар ҳам зарур бўлиб, айниқса темир элементининг тупроқда етарлича бўлмас-

лиги тут баргларини оқариб, хлороз касалига тез чалинишига сабаб бўлади.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҚИМЁСИ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

(Ўғитларни қўллаш, тупроқ ва табиий сувлар  
муҳофаза)

Инсон ҳаёти, унинг соғлиги, иш қобилияти атрофдаги табиатнинг ҳолатига кўп томонлама боғлиқдир.

Атроф-муҳитнинг асрлардан бўён инсонга кўрсатиб келган салбий таъсири табиий оғатлар ёки эпидемия билан боғлиқ эди.

Инсон бу омилларнинг кўпчилиги билан курашиш усусларини, масалан, юқумли касалликларга қарши курашиш усусларини ўрганиб олди.

Таъкидлаш лозимки, фан-техника революцияси билан боғлиқ бўлган кимёвий ишлаб чиқаришнинг ўсиши атроф-муҳитга заарли таъсир кўрсатмоқда: ичимлик сувлар ифлосланмоқда, дунё океанлари, Ер атмосфераси заҳарланмоқда, ернинг яшил майса қатлами бузилмоқда, тупроқ унумдорлиги, микрофлораси ва фаунаси йўқ қилинмоқда, экин далаларидаги чувалчанглар деярли йўқотилди. Умуман олганда, табиатнинг ноёб бойлиги бўлган ўсимлик ва ҳайвонот олами хавф остида қолмоқда. Натижада бутун олам моҳияти билан энергетик ва социал кризисга тенг бўлган экологик кризисга юз тутмоқда.

Биринчи марта 1930 йилда, Белгияда, ҳавонинг ифлосланиши натижасида оммавий касалланиш қайд этилган бўлса, 1952 йилда Лондонда ушбу касаллик туфайли 4000 киши вафот этганлиги қайд этилди. Атмосфера ҳавосида чанглар, углеводородларнинг фотокимёвий реакция маҳсулотлари, азот ва озон оксидларининг бўлиши нафас олиш органлари касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу ўринда, сурункали бронхит касаллигидан ўлим ҳар ўн икки йилда ики марта ортаётганлигини таъкидлаш кифоя. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маълумотига кўра, ҳар тўртта рак касаллигининг учтаси атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқ.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳаётга ҳар томонлама таъсир кўрсатади: йирик шаҳарларда қуёшли кунлар

сони камаяди ва ўсимликлр нобуд бўлади. Ифлосланишинг энг катта хавфи шундаки, атроф-муҳитдаги кимёвий мутагенларнинг кўпайиши натижасида инсон организмида хавфли мутацияларнинг пайдо бўлиши мумкинлигидадир. Бунинг натижасида ақлий ва жисмоний тараққий этмаган чақалоқлар туғилиши кўпаяди ёки янги оиласларда чақалоқ умуман туғилмайди.

Об-ҳаво бўйича Халқаро конференциянинг берган маълумотларига кўра, углерод (II) оксиди миқдорининг ортиши Ер шари ҳароратини  $1,5-3^{\circ}\text{C}$  га ошириш мумкин. Ер сиртининг бундай исиши, қутблардаги музликларнинг бетўхтов эришига ва дунё океанлари сув баландлиги  $4-8$  м га кўтарилишига олиб келиб, қуруқликни бутунлай сув босишига сабаб бўлиши мумкин. Ёки, иккинчи бир даҳшат стратосферадаги озон ҳимоя қаватининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, стратосферадаги озон ўғитлардан ажralиб чиқадиган моддаларни оксидлашга сарф бўлади.

Мутахассислар маълумотига кўра, Ерни қуёш реакциясидан ҳимоя қилиб турган озон (баландлигига кўра  $15\%$ ) ҳимоя қаватининг бузилиши, барча тирик организмларни радиацион ўлимга маҳкум этиши мумкин.

Шу ўринда В. А. Солоухиннинг қўйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Агар қандайдир «коинот диверсантларини» Ер юзини тошга айлантириш максадида, барча жонзотни қириб ташлаш учун юборилганда ҳам улар бизчалик, яъни Ер юзида яшовчи ва ўзини унга дўст деб ҳисоблаётганларчалик маккорона ва аклли характеристика қилиша олмас эди» (Созерцание чуда. М., 1984, 193 стр.).

Атмосферадаги ифлослик миқдорининг ортиши қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига, ўсимликларнинг сифати ва ўсишига, чорва маҳсулотлари ва сонининг камайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар кўп жиҳатдан ўғит ишлатиш, ундан фойдаланиш ва ишлатиш усуллари билан боғлиқдир. Чунки Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотларига кўра, жаҳон қишлоқ хўжалигидан олинаётган ҳосилнинг ўртача  $50\%$  минерал ўғитлар зиммасига тўғри келмоқда. Шу сабабли ҳам киши бошига бир йилда ўртача  $9$  кг азот,  $9$  кг фосфор ва  $9$  кг калий ўғити ишлатиш керак, деб ҳисобланса, у ҳолда минерал ўғит ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтириш керак бўлади.

Агар гектарига солинадиган минерал НРК ўғитларни ўртача 100 кг/га, деб олсак, унда ҳозир мавжуд экин майдонларини ўғитлаш учун ҳар йили 150 млн т ўғит ишлаб чиқариш керак бўлади.

Қовда В. А. ҳисоблашларига кўра, XXI асрнинг бошлирида, ўртача 300—400 млн т ўғит ишлаб чиқариш билан давр талабини қондира олиш мумкин ёки ҳозирда ишлаб чиқилаётган ўғитларга нисбатан ишлаб чиқариш салмогини 5—6 марта кўпайтириш лозим бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш фақат минерал ўғитлардан тўғри ва самарали фойдаланилгандагина ижобий натижа бериши мумкин. Бу соҳада агрохимиклар доимо изланишлари, ўғитларнинг янги турларини яратиш, улардан фойдаланишининг энг мақбул муддатлари ва нормаларини белгилаш бўйича иш олиб боришлари зарур ва шарт. Акс ҳолда кимё маҳсулотлари ҳосилдорликнинг пасайишига, сифатининг бузилишига, атроф-муҳит, тупроқ ва сув ҳавзаларини ифлосланишига хизмат қиласди.

## АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИҚ РОЛИ

Азот танқислиги оқсили, фермент, хлорофилл моддалар синтезини сусайтиради, углеродлар синтези эса хлорофилсиз амалга ошмайди. Азот, янги пайдо бўлаётган ҳужайралар учун муҳим бўлиб, ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ва энг муҳими ҳосил тувиш даврида жуда зарур элементdir. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун 150—350, ҳатто 400 кг гача соф ҳолатдаги азот талаб этилади. Лекин ўғитлардан тўғри, исрофсиз фойдаланиш учун тупроқ унумдорлиги, яъни тупроқдаги азот заҳираси, ўсимликларнинг азотга бўлган талабчанлигини ҳисобга олиш ва ҳосилнинг пишиб этилиш даврида вегетатив органлардаги азотнинг генератив органлари томон ўтишини (бунда азотнинг этиширилган ҳосил билан тупроқдан чиқиб кетишини) ҳисобга олиш лозим. Етиширилган ҳосил инсон эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Демак, ўсимлик томонидан тўпланган азотнинг бир қисми тупроқقا қайтиб тушмайди. Шунинг учун тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетмаслиги учун тупроқни қўшимча минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаш лозимдир. Бундан ташқари, минерал ўғитлар таркибидаги азотнинг фойдали коэффициенти 50—60%, органик ўғит таркибидагиси эса 30—

40% бўлса, асосий экин далаларида азот танқислиги яққол сезилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тупроқ таркибидаги азот миқдори ва ўсимликлар томонидан олиб чиқиб кетилган азот нормасини аниқ билиб, экилган экин эҳтиёжига қараб тупроқ ўғитланса, биринчидан, сифатли (нитратсиз) ҳосил етиширилади, иккинчидан, атроф-муҳит (азот ва азот бирикмалари билан) ортиқча ифлосланмайди. Тупроқ таркибидаги ортиқча азот асосан, нитратлар шаклида бўлиб, бу беқарор бирикма тезликда сув билан ювилиб ёки газ ҳолатига ўтиб атмосферага чиқиб кетади.

Ковда В. А. маълумотларига кўра, биосферада ҳар йили 9 млн т азот ортиқча тўпланади (135- жадвал).

#### 136- жадвал

Табиатдаги азотнинг бир йиллик баланси  
(В. А. Ковда маълумоти)

Азотли бирикмаларнинг ҳосил бўлиш манбай	млн т. Н	Сарфланиши	млн т. Н
Тупроқдаги биологик фик- сация	30	Денитрофикация тупроқда	43
Дуккакли ўсимликлар	14	Денгизда	40
Денгиз фиксацияси	10	Ётқизиқларда	0,2
Саноатдаги фиксация	30	Йўқолиш (ҳаммаси бўлиб)	83,2
Атмосфера ҳавосидаги фиксация	7,6	Колгани (ҳаммаси бўлиб)	8,6
Бошқа йўллар билан ҳосил бўлиши	0,2		
Азотнинг тўпланиши (ҳам- маси бўлиб)	91,8		

Назарда тутиш керакки, минерал ўғитлар миқдорини узлуксиз ошириш билан ҳосилни ошириб бўлмайди. Ортиқча берилган ўғитлар атроф-муҳитнинг ифлосла-ниши ва ичимлик сув манбаларида нитрат миқдорининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Сув манбаларида нитрат миқдорининг 40—45 мг/л га етиши кишиларда турли ҳил касалликларнинг келиб чиқиши ва сувдаги жониворларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Нитратлар заҳарли бўлмасада, улар ичакка ўтгандан кейин ичак бактериялари таъсирида нитритларга айланиб, қондаги гемоглобин билан бирикиб, уни метгемоглобинга айлантиради. Метгемоглобин эса қоннинг организмни

кислород билан таъминлаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва заҳарлайди.

Аммиакли формадаги азотли ўғитлар атроф-муҳитни ифлослантириб, сувдаги миқдори 0,02—5 мг/л бўлганда, ўта заҳарли ҳисобланади. Атроф-муҳитни аммиакли формадаги азотли бирикмалар билан ифлослантирувчи асосий манбалар паррандачилик, чорвачилик фермалари ва шаҳар чиқитларидир. Бу чиқиндиларда тарқалаётган нитрат ( $\text{NO}_3^-$ ) миқдори тупроқда 380—400 мг/га, аммиак ( $\text{NH}_4^+$ ) миқдори эса 2000—2200 кг/га га қадар етиши мумкин. Фақат ёмғир сувлари билан 13—15 кг/га гача азот тупроққа тушмоқда. Азот муаммосини ҳал этишнинг энг асосий йўлларидан бири, тупроқда биологик азотни кўпайтириш бўлиб, ёмғир чувалчанглари, азот чўпловчи микроорганизмлар ва дуккакли ўсимликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кук Г. ва Вильямсл Р. маълумотларига кўра, бир гектар ерни органик азот билан тўла таъминлаш учун 2500 бош товуқ ёки 250 бош кўрка ёки 25 бош чўчқа ёки 2—3 бош сигирдан йил давомида чиққан чиқитларни солиш етарлидир.

## ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК РОЛИ

Фосфорли ўғитлар ҳаво ва тупроқдан олинган анерганик моддалардан аминокислота, оқсили, ёғ, крахмал, шакар ва бошқа бир қатор маҳсулотларини синтез қилишда иштирок этади. Ўсимликлар ўсиб ривожланишининг бир меъёрда бўлишини таъминлайди, ҳосилдорликни оширади ва унинг сифатини яхшилади. Айни пайтда фосфор муаммоси ҳам юзага келмоқдаки, унинг табиий заҳиралари кундан кунга камайиб тугаб бормоқда. Маълумки, тупроққа бериладиган NPK нинг миқдорий нисбати бузилса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларида қайта тикланган азот миқдори орта бориб, унинг кучи заҳар даражагача етиш мумкин. Биологик жараёнларда тўпланган фосфорнинг учдан кики қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатида инсон истеъмол қиласи. Тупроққа эса учдан бир қисми қайтади. АҚШ олимларининг тадқиқотларига кўра, чорва ем-хашаги учун сарфланган фосфорнинг бир қисмини инсон озиқ маҳсулотлар билан истеъмол қиласа, уч қисми тупроққа сингса, қолган 6 қисми сув ва чиқиндилар орқали сув ҳавалаларига ювилиб кетади. Шу сабабли аҳоли зич жойлаш-

ган жойлар фосфор билан кўпроқ ифлосланади. Ҳисобларга кўра, ҳар йили ўртача 4 млн т фосфор геокимёвий айланма ҳаракатлар туфайли тупроқдан денгиз ва океанларга ювилиб кетади. Масалан, Швецияда 40 йил мобайнида шаҳар оқинди сувлари таркибидағи фосфор бирикмаларининг умумий миқдори 30 баровар, азот бирикмалари миқдори эса 10 баравар кўпайган ёки Венери қўлига оқинди сув билан йилига 1500 тонна фосфор келиб тушмоқда. Бу ўз навбатида денгиз сув ўтларининг тез ўсишига сабаб бўлади ва сув юзасини сув ўтлари босиб кетади ва денгиз ҳайвонларининг заҳарланишига сабаб бўлади.

Сувда биомассасининг кўпайиши кислороднинг камайишига сабаб бўлади, анаэроб жараён кучаяди. Натижада олtingугурт, аммиак каби бир қатор кимёвий элемент ва моддалар тўпланадики, оқибатда балиқ ва бошқа сувда яшовчи жониворларнинг яшаш шароити оғирлашади.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи яна бир манба дегергентлар бўлиб, улар орқали ҳар йили атроф-муҳитга 5 млн т га яқин фосфор ўтиб, у атроф-муҳитга чиқувчи фосфорнинг 46% ини ташкил этади. Дегергентлар нефть дистилляциясининг маҳсулоти бўлиб, тозалаш иншоотлари орқали осонгина ўтиб, сув ва тупроқларни ифлослантиради. Улар ферментлар таъсирида парчаланмайди.

## КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИҚ РОЛИ

Калийли ўғитлар азот ва фосфорли ўғитлар сингари муҳим ўғит бўлиб, унинг бир йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллион тоннани ташкил этади. Бу ўғит ўсимлик организмида муҳим ҳаётий жараёнларни бажаради. Масалан, ҳужайранинг сув фаолиятини тартибга солишига, углеводларнинг барглардан бошқа органларга оқиб ўтишига, фотосинтез жараёнининг бир маромда боришига ёрдам беради. Ўсимлик таркибидағи калий миқдори 0,01% дан 2—3% бўлиб, бу ўғитни тупроққа беришда тупроқдаги ҳаракатчан калий миқдорини қатъий ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки 1 кг тупроқ таркибида 400 мг дан ортиқ калий бўлса, айни тупроққа йиллик нормадаги калий миқдорининг 20—40% ни бериш лозим бўлади. Шўрланган ёки шўрланишга мойил тупроқларга калийли ўғит, K<sub>2</sub>O тузлари бериш мақсадга мувофиқ. Агарда у KCl ҳолида берилса хлор ионлари тупроққа

янада күпайиб кетиши ва экинларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Калийли ўғитларни агрохимкартограммаларга риоя қилмасдан тупроққа бериш, ҳосилнинг писиб етилишини кечикириади, сифатига салбий таъсир кўрсатади, атроф-муҳит, тупроқ, сув ва сув ҳавзаларининг ифлосланишига сабаб бўлади.

Минерал ўғитлар салбий таъсирининг олдини олиш учун қуидагиларга қатъий амал қилиш тавсия этилди:

— ўғитларни сақлаш, омборхоналарни сув ҳавзалари ва аҳоли пунктларидан узоқроқда қуриш;

— ташиб ва қўллаш қоидаларига риоя қилиш;

— минерал ўғитларнинг йиллик нормасини белгилашда табиий географик шароит, тупроқ унумдорлиги ва режалаштирилган ҳосилни ҳисобга олиш;

— ер ости сизот сувлар сатҳини ҳисобга олиш.

## ТУПРОҚНИНГ ОГИР ҚИМЁВИЙ МЕТАЛЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ

Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланиш манбаларини асосан, металл ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари, турли ёқилғиларнинг ёниш маҳсулотлари, автомобил дудлари ва чиқинди газлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган химикатлар ва бошқалар ташкил этади. Оғир металларга фтор, венадий, хром, марганец, кобальт, никель, мис, рух, мишъяқ, молибден, кадмий, симоб, қўрғошин, вольфрам, висмут, темир, сурьма ва бошқалар киради.

Атроф-муҳит учун хавфлиларига симоб, қўрғошин, кадмий, мишъяқ, селен, фтор, элементлари кирса, улар ичida ўта хавфлилари симоб, қўрғошин ва кадмий ҳисобланади.

Ўртacha ҳисоб-китобларга кўра, металлургия саноати ҳар йили ўрта ҳисобда 30 т симоб, 800 т кобальт, 1,5 минг т молибден, 12 мин т никел, 90 минг т қўрғошин, 120 минг т рух ва 150 минг т гача мисни атроф-муҳитга чиқаради.

Кўмир, нефть, газ ва бошқа бир қатор ёқилғилардан фойдаланиш шу даражада ошиб кетганки, буларнинг атроф-муҳитни металл ишлаб чиқариш саноатига нисбатан бир неча бор ортиқ ифлослантирмоқда. Автомобил дудлари ва ташландиқ газлари орқали тупроққа ҳар йили 200—250 минг тоннагача қўрғошин тушади. Шунингдек, оғир металллар биоцидлар ва минерал ўғитлар билан ҳам тупроққа тушади.

Оғир металлар тупроқдан ўсимликка, ўсимликтан эса инсон организми ва умуман ҳайвонот оламига заарали таъсир кўрсатади.

**Симоб** — энг хавфли кимёвий элемент бўлиб, унинг метил-симоб бирикмаси ( $\text{CH}_3\text{N}$ ) табиатдаги анерганик бирикмаларнинг анаэроб шароитда, органик моддалар билан таъсирлашиши натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Метилсимоб ўта хавфли заҳарли модда бўлиб, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошқа озиқланиш занжирлари орқали инсон организмига тушиши мумкин. Одам организмига ўтган симоб буйрак, жигар, ҳатто мияга кучли таъсир этиб, асад касаллигини келтириб чиқариши ёки ўлимга олиб келиши мумкин.

**Қўрғошин** — ем-хашак таркибидаги 100 мг/кг қўрғошин ҳайвонларни ўлимга олиб келиши мумкин. Тупроқ таркибидаги қўрғошин бирикмаларининг организмда сақланиш давомийлиги, метилсимоб бирикмасига қаранганд узоқ бўлиб, у ўз таъсир кучини бир неча йилларгача сақлаб тура олиши мумкин.

Автомашиналарнинг детонациясини камайтириш учун бензинга қўшиладиган театраэтил қўрғошин ўта заҳарли қўрғошин бирикмаси бўлиб, бу каби бензиннинг 1 литри ёнганда, ҳавога 200—400 мг гача қўрғошин ажратиб чиқади.

Битта автомашина йил давомида ҳавога 1 кг гача қўрғошин ажратиб чиқариши мумкин. Қўрғошиннинг инсон қонидаги токсик миқдори миллиондан 0,8 қисмини ташкил этиб, одам овқат билан бир кунда 40 мг қўрғошин олса, унинг қонидаги қўрғошин миқдори миллиондан 0,4 қисмга кўпаяди.

Тупроқда қўрғошиннинг кўпайиши микроорганизмларнинг камайишига сабаб бўлади. Масалан, тупроққа 0,1—0,5% қўрғошин қўшилганда бактериялар колоннасининг ривожланиши 50—75% гача камаяди.

Катта йўл ёқаларида етиштирилган сабзавот экинлари таркибидаги қўрғошин миқдори нормал шароитда етиштирилган сабзавотниги қараганда 5—10 марта кўп бўлади. Ҳар соатда, ўрта ҳисобда 2000 дан кўп автомашина ўтадиган магистрал йўл ёқасидаги тупроқ таркибидаги қўрғошин 7000 мг/кг гача (оддий тупроқда 5—10 мг/кг) етган. Шу сабабли ҳам экин майдони автомашиналар серқатнов йўллардан 300 метр узоқлиқда бўй

либ, оралиқ масофанинг ихоталаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Мишъяк — тупроққа, күмир кули, металлургия ва минерал ўғитлар саноати чиқиндилари орқали тушади. Бу элемент жуда заҳарли бўлиб, айни элемент билан заҳарланган тупроқларда ёмғир чувалчанглари бутунлай қирилиб кетади. Тупроқ таркибидаги мишъякнинг миқдори 165 мг/кг га етганда айни тупроққа экилган маккажӯхори ҳосил бермайди. Бир кг тунроқдаги мишъякнинг миқдори юздан бир миллиграммга етганда айни тупроқ мишъяк билан ўта заҳарланган ҳисобланади.

Фтор элементи тупроққа асосан алюминий заводларидан чиққан чиқиндилар ва шунингдек, турли пестицид ва инсектицидлар билан тушади.

Фтор металоидлар ичида энг актив ва энг осон реакцияга киришувчи элемент бўлиб, микромиқдори ҳаёт учун жуда зарур бўлсада, лекин унинг макромиқдори ҳаёт учун жуда хавфли.

Фторнинг юқори концентрацияси суюк ва тирноқларни мўрт қилиб, тишни бузади, қон томирлар фаолиятини кескин бузади. Тупроқ микрофлорасига, умуртқасиз ҳайвонлар ва ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади.

Тупроқ таркибидаги фторнинг нормадан юқори бўлиши, ўсимликларга салбий таъсир қилиб қолмасдан, тупроқ таркибидаги озиқ моддалар мувозанатининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Сувда эрувчи фтор биримлари тупроқ қатламлари бўйлаб ҳаракатланади ва ҳатто сизот сувга ҳам қўшилиши мумкин.

Фтор билан ифлосланган тупроқларнинг донадорлиги бузилиб, сув ўтказувчанлиги ёмонлашади.

Рух — бошқа оғир металларга нисбатан кам заҳарли бўлсада, лекин унинг тупроқда кўплаб тўпланиб қолиши атроф-муҳитнинг бузилишига сабаб бўлади. Микроорганизмлар ва ферментлар активлигининг сусайиши ва ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Рухнинг тупроқдаги миллиондан 200—300 қисми беда ва қанд лавлагини, миллиондан 400 қисми эса, сўлини заҳарлаб ҳосилни умуман нобуд қиласди.

Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланиш эҳтимоли саноати ривожланган ва аҳоли зич жойлашган раёнларда катта бўлиб, бу ерлар доимий назорат остида бўлмоғи лозим. Бунинг учун тупроқшунос айни зона тупроғидан намуна олиб, уни кимёвий анализ қилиб турмоғи, яъни тупроқдаги ўсимликлар, умуртқасиз ҳайвон-

лар ва бошқа фито- ва зооценозлар ҳолатини кузатиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тупроқнинг нафас олиши, унинг биологик ва фермент активлиги, симбиотик бўлмаган азот тўплаши ва шунга ўхшаш кўрсаткичларни текшириб бориш ҳам тупроқларнинг оғир металлар билан ифлосланиш даражасидан дарак берувчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Заҳарли металларнинг атроф-муҳитга тарқалиш даражасини аниқлаш учун тупроқшунос ва агрохимик тупроқ ва табий биоценоз компонентлари ҳолатини акс эттирувчи йирик масштабли хариталар тузиб, бу хариталардан солиштирма географик усул билан тупроқ ва биоценоз компонентларнинг оғир металлар билан ифлосланиш даражасини назорат қилиб туришлари лозим. Бу хариталар ифлосланиш даражасини кузатишдан ташқари, табий муҳитнинг ўзгаришини олдиндан кўра билиш ва шунга қараб иш юритишига ҳам имкон яратади. Бу каби хариталарни тузиш учун заҳар тарқатувчи манбадан шамол йўналишини ҳисобга олиб, 25—30 км радиусда, ҳар гектардан 8 тадан румбалар, ўрта ҳисобда 20 гача тупроқ намуналари олиниади. Заҳар тарқатувчи манба билан ифлосланган зона орасидаги масофа заҳар тарқатиш интенсивлигига қараб ҳар хил бўлади. Шунга қараб, намуна олиш учун кавланадиган румбалар ва намуналар сони ҳам кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин.

Қўйидаги жадвалда ифлосланган зонани аниқлаш учун олиниши керак бўлган ўртача тупроқ намуналари ва чуқурлар сони келтирилган (136- жадвал).

### 136- жадвал

#### Ифлосланган зонани аниқлаш учун намуналар олиш\*

Зоналар	Заҳор чиқарувчи меборалифи, км	Зонадан олиниди-сан ўртача намуна сони	Зонадаги кузатиш иштаклалар сони	Ҳар бир намуна билан харитада курсаталадига майдон, га
Муҳофаза зонаси И—ч муассасалари	0,5—0,75	1—2	1	1 (100—50)
I	0,75—1,5	30	2—3	2—3 (80—30)
II	2—8	60	3—4	3—4 (30)
III	4—15	80	4—6	4—6 (30)
IV	8—200	60	4	4 (30)
ФОН	20—30	80	2—3	2—3 (30)

\* Ҳар бир участкада 2 дан 5 гача чуқур ковланиб, тупроқнинг генетик қатламларидан қимёвий анализ учун намуналар олиниади.

## ТУПРОҚ ВА ҮСИМЛИҚЛАРНИ ОФИР МЕТАЛЛАРДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Атроф-муҳитни оғир металлар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш учун аввало, айни металларни ишлаб чиқарадиган саноатни пухта такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Масалаң, бир тонна хлор ишлаб чиқариш учун 45 кг симоб ишлатадиган технологияни, ишлатиладиган симоб микдорини 14—18 кг гача камайтириб ҳам шунча хлор олишга имкон берувчи технология билан алмаштириш мумкин. Ҳатто, 1 т хлор олиш учун ишлатиладиган симобини 0,1 кг гача камайтириш имкони ҳам мавжуд.

Сүнгги йилларда ўзида металлар тўпловчи микроорганизмларнинг кашф этилиши фандаги жуда катта янгилик бўлди. Бундай микроорганизмлар ёрдамида мис, уран, мишъак каби элементларни тўплаш мумкин экан.

Саноатни чиқиндисиз ёки кам чиқиндили ёпиқ технологияга ўтказиш атроф-муҳитни оғир металлардан ифлосланишининг олдини олади. Масалаң, сўнгги йилларда, тошкўмир кони чиқиндиларидан германий, ваниадий, уран ва бошқа бир қатор кимёвий элементлар ва энг сўнги қолдигидан эса цемент ва бошқа бир қатор қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда, оғир металлар активлигини камайтирувчи бир қатор кимёвий препаратлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, шу мақсадда Германияда ион алмашинувчи смолалар кенг қўлланмоқдаки, бу смолалар оғир металлар билан бириниб «хелат» бирикмалар ҳосил қиласди ва шу тарзда айни оғир металлар заарсизлантирилади. Японияда ишлаб чиқарилган Меркато —8— триазин препарати Англия, Франция, Германияда кенг қўллананимоқда. Бу препарат тупроқ таркибидаги кадмий, симоб, рух, қўргошин ва бошқа бир қатор оғир металларни сувда эримайдиган ва ўсимликка сингмайдиган шаклга ўтказиб, уни тупроқ-қа мустаҳкам боғлайди. Препарат эритма ёки аэрозол ҳолатида қўлланилади.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этиш бир-икки ёки бир икки ўн йиллик тадбир бўлмасдан, у узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда фан ва техника тараққиётига, инсоннинг яшаш шароитини яхшилашга кенг ўрин ажратилди.

Атроф-муҳит соғлигини таъминлаш аллақачонлар давлатлар доирасидан ташқарига чиққан халқаро муам-

модир. Ландшафт, қобиқ, бир бутун дарёлар турли давлатлар чегарасини кесиб ўтиб, бир давлат худудидаги ўрмонлар, денгиз ва кўллар иккинчи бир давлат худудига таъсир кўрсатади. Атмосфера чегара нималигини билмайди. Шунинг учун ҳам «Инсон ва табиат» муаммосини фақат Ҳалқаро кўламда ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Табиий муҳит муаммоси бўйича давлатлараро ҳамкорликни фақат тинчлик шароитидагина амалга ошиши мумкин.

## Иловалар

Физик ҳолатдаги минерал ўғитлар таркибидаги соф ўғит миқдорини фоиз ҳисобида аниқлаш.

Бир гектар ерга солинадиган ўғит миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$X = \frac{H \times 100}{\Pi}$$

$X$  — гектарига солинадиган минерал ўғит миқдори, кг ҳисобида;

$H$  — бир гектарга солинадиган ўғитнинг соф моддаси, кг ҳисобида;

$\Pi$  — ўғит таркибидаги озиқ модда миқдори, фоиз ҳисобида.

Масалан, гектарига 130 ки соф азот солиш учун 34% ли аммиакли селитрадан қанча олиш керак?

Масала қуйидагича ечилади:

$$X = \frac{130 \times 100}{34} = \frac{13000}{34} = 382,2 \text{ кг}$$

Демак, 34% ли аммиакли селитрадан 382,3 кг олиш керак.

1- илова

### Ўғит таркибидаги соф моддалар миқдорига қараб ўғит нормасини белгилаш

Соф модда, %	1 гектарга солинадиган соф модда миқдорига туп холда тұғри келди, кг ҳисобида							
	15	30	45	64	90	120	135	180
16	94	187	281	375	562	750	844	1125
17	88	17	264	352	529	705	794	1056
18	83	166	250	333	500	666	750	1000
19	79	158	237	316	475	633	710	947
20	75	150	225	300	450	600	675	900
21	71	142	213	286	428	574	642	857
30	50	100	150	200	300	400	450	600
31	48	96	145	193	290	387	435	580
32	47	93	140	187	281	375	421	562
33	47	90	136	182	273	364	409	545
34	44	88	132	176	264	353	405	529
35	42	83	128	171	257	343	386	514

48	31	63	94	125	187	250	281	370
50	30	60	90	120	180	240	270	360
52	29	58	87	115	173	230	259	346
54	28	56	84	111	166	222	250	333
56	27	54	78	107	160	214	241	321
58	26	52	78	103	155	207	232	310

Жадвалдан қуйидаги фойдаланилади. Масалан, таркибида 34% соф модда бўлган ўғитдан 75 кг керак бўлса, ундан 30 кг учун — 88 кг, 45 кг учун эса — 132 кг олинади, жами 88 кг + 132 кг = 220 кг, демак, 34% ли ўғитдан далага 75 кг соф ўғит сепиш учун физик ҳолатдаги ўғитдан 220 кг олиш керак.

## 2- илова

### Озиқ моддалар солишининг берилган нормаси ҳамда уларнинг ўғитда мавжудлигига кўра солинадиган ўғитлар миқдорини аниқлаш

Соф азот солиши нормаси, кг/га	солинадиган ўғитлар миқдори, кг/га				
	34% ли аммиакли селитра	16% ли карбамид (мочевина)	20,5% ли аммоний сульфат	A маркали ни' фос N—23,5% P—17%	B маркали нитрофос N—24% R—14%
5	15	10,9	24,4	21	36
10	29	22	49	43	7,2
20	59	43	98	85	14,5
30	88	65	146	128	22
40	117	87	195	170	29
/ 50	147	109	244	213	36,5
100	294	218	488	426	73
				416	58,4

Фосфор солиши нормаси, кг/га	19% ли суперфосфат	14% ли аммоний-күш суперфосфат	16% ли күш суперфосфат	Каратов фосфоритларидан олинганинг аммофос		Апатитли концентратдан олинганинг аммофос	
				P—44%	N—11%	P—49%	N—11,5%
5	26,3	35,7	10,9	11,4	1,25	10,2	1,2
10	53	71	22	23	2,5	20	2,3
20	105	143	43,5	45	5,0	41	4,7
30	138	214	65	68	7,5	61	7,0
40	210	286	87	91	10,0	82	9,4
50	263	357	109	114	12,5	102	12,0
100	526	714	217	227	25,0	204	23,0

Калний солиши нормаси. кг/га	60% ли калий хлорид	45,5% эш электро- лит хлор калий	30% ли калийли туз	40% ли калийли туз	Нитрофоска, % (Nn Pn Kn)
5	8,3	11	16,6	12,5	45,5
10	17,0	22	33	25	91
20	33	44	66	50	181
30	50	66	100	75	273
40	67	88	134	100	364
50	83	110	166	125	445
100	166	220	332	250	909

**Масалан**, 65 кг соф азот олиш талаб қилинса, у аммиакли селитрада: 50 кг учун — 147 кг, 10 кг учун — 29 кг, 5 кг учун — 15 кг ни ташкил этади, яъни аммиакли селитра 147 кг + 29 кг + 15 кг = 191 кг

### 3- илова

**Пахтани ҳамда чөпик қилинадиган бошқа экинларни  
ўғит солиши нормасига кўра озиқлантириш учун  
ўғитлайдиган аппаратларни созлаш жадвали**

Минерал ўғит- лар солиши нормаси	Қатор ораларига кўра 25 м га сарф килинган ўғит			
	Қатор оралиги 60 см		Қатор оралиги 90 см	
	жами, кг	бир қатор- га, г	жами, кг	бир қатрого, г
100	0,60	130	0,900	225
125	0,75	188	1,125	281
150	0,90	225	1,350	338
175	1,05	263	1,575	394
200	1,20	300	1,800	450
225	1,35	338	2,025	50,6
250	1,50	375	2,250	563
275	1,65	413	2,475	619
300	1,80	450	2,700	675
325	1,95	488	2,925	731
375	2,10	525	3,150	788
400	2,40	600	3,600	900

## Фойдаланилган адабиётлар

- Агрохимия (Под. ред. Б. А. Ягодина). М.: Колос, 1982.
- Агрохимия на службе урожая. Минск: Урожай, 1981.
- Баткаев Ж. Я. В условиях голодной степи. Тошкент: Фан, 1978.
- Балашев Н. Н., Земан Г. О. Сабзавотчилик. Тошкент: Уқитувчи, 1978.
- Грецингер Б. Х. Сахарный тростник и его культура в Таджикистане. Сталинобод, 1940.
- Дерюгин И. П., Кулюкин А. Н. Агрономические основы системы удобрения овощных и плодовых культур. М: Агропромиздат, 1988.
- Енилеев Х. Х. Ҳисимликлар нима билан ва қандай озиқланади? Тошкент: Ўзбекистон, 1964.
- Зокиров Т. Химия ва пахтачилик. Тошкент: Ўзбекистон, 1973.
- Зокиров Т. Почвенно-агрохимические основы хлопководства. Ташкент: Мехнат, 1978.
- Минеев В. Г. Экологические проблемы агрохимии. М.: Московский университет, 1988.
- Мадраимов И. Калийные удобрения в хлопководстве. Ташкент: Узбекистан, 1984.
- Литвак Ш. И. Фосфор на службе урожая. М.: Просвещение, 1984.
- Научные основы применения удобрений в республиках Средней Азии. Ташкент: Ўзбекистан, 1977.
- Прянишников Д. Н. Избранные произведения в трех томах. М.: Сельхозлитература, 1952.
- Панников В. Д., Минеев В. Г. Почва, климат, удобрение и урожай. М.: Колос, 1977.
- Панников В. Д., Минеев В. Г. Почва, климат, удобрение и урожай. М.: Агропромиздат, 1987.
- Протасов П. В., Кодирхужаева Ф. К. Применение удобрений в хлопководстве. Ташкент: Ўзбекистан, 1980.
- Пахтачилик справочники. Тошкент: Мехнат, 1989.

- Рахмонов Р., Ёқубов А.** Микроэлементлар қишлоқ хўжалигида. Тошкент: Фан, 1964.
- Справочник агрохимика.** М.: Россельхозиздат, 1980.
- Система введения земледелия в Сурхандарьинской области Узбекской ССР. Тошкент, 1983, 1987.
- Скрябин Ф. А.** Навоз в системе удобрения хлопчатника. Тошкент: Фан, 1977.
- Ўғитлардан фойдаланишга оид қисқача справочник. Тошкент: Ўзбекистон, 1971.
- Шишов Л. Л., Трешов А. Г.** Агрохимия сахарного тростника. М., 1972.
- Қўшназаров Х.** Боф ва токзорларда ишлатиладиган техника воситалари. Тошкент: Меҳнат, 1985.
- Яровенко Г. И.** Физиолого-агрохимические основы повышения эффективности азотных удобрений в хлопководстве. Ташкент: Ўзбекистон, 1969.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
Агрокимё фанининг предмети, вазифалари . . . . .	5
Ўсимликларниң ўсib ривожланишига ташқи мұхиттинг таъсири . . . . .	7
Ўсимликлар ҳәётида сувнинг аҳамияти . . . . .	7
Иссикликнинг таъсири . . . . .	9
Ўсимликларниң ўсib ривожланишига шамолтинг таъсири . . . . .	14
Ўсимликлар ҳәётида ёруғликнинг роли . . . . .	15
Агрокимё фанининг ривожланиш тарихи . . . . .	17
Агрокимё фанининг бошқа фанлар билан алоқаси . . . . .	23
Асосий тупроқ типларниң агрокимёвий тавсифномаси . . . . .	25
Хамдүстлик мамлакатлари дәжқончилик зоналари . . . . .	25
Тупроқларининг агрокимёвий тавсифномаси . . . . .	25
Қорға тупроқлар . . . . .	27
Бұз тупроқлар . . . . .	29
Чұл зонаси тупроқлари . . . . .	32
Тақырлы тупроқлар . . . . .	32
Тақыр тупроқлар . . . . .	33
Бұз құңғыр тупроқлар . . . . .	34
Үтлөк ва ўтлөкі-ботқоқ тупроқлар . . . . .	35
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тупроқларниң умумий хоссалари . . . . .	36
Тупроқ таркибидаги мұхим кимёвий элементлар ва ўсимлик . . . . .	37
Кислород . . . . .	38
Кремний . . . . .	38
Азот . . . . .	38
Фосфор . . . . .	39
Темир . . . . .	40
Калий . . . . .	40
Кальций, магний . . . . .	40
Олтингугурт . . . . .	40
Мис . . . . .	41
Рух . . . . .	41
Қобальт . . . . .	41
Бор . . . . .	41
Молибден . . . . .	42
Марганец . . . . .	42
Йод . . . . .	42
Радиактивлик . . . . .	42
Тупроқнинг физик ва физкимёвий хоссалари . . . . .	44
Тупроқ әритмаси . . . . .	44
Тупроқ ва уннинг буферлик құсусиятлари . . . . .	45
Тупроқнинг сингдириш қобилияти ва уннинг түрлари . . . . .	46
Механик сингдириш . . . . .	47
Физик сингдириш . . . . .	47

Кимёвий сингдириш . . . . .	48
Физико-кимёвий сингдириш . . . . .	48
Биологик сингдириш . . . . .	49
Кимё фани ютуқларининг қишлоқ хўжалигидағи аҳамияти . . . . .	51
Минерал ўғитлар . . . . .	62
Азот . . . . .	63
Азотнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти . . . . .	63
Тупроқ таркибидағи азот миқдори ва унинг биримлари . . . . .	66
Аммонификация . . . . .	68
Нитрификация . . . . .	69
Денитрификация . . . . .	71
Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ва уларнинг турлари . . . . .	72
Аммиак синтези . . . . .	72
Аммиакли селитра . . . . .	73
Аммоний сульфат . . . . .	73
Аммоний карбонат . . . . .	73
Карбамид (мочевина) . . . . .	74
Аммиакли сув . . . . .	74
Калций селитраси . . . . .	74
Кальций цианамид . . . . .	75
Азотли ўғитларнинг энг муҳим хусусиятлари. Фосфор . . . . .	76
Ўсимликлар ҳаётида фосфорнинг роли . . . . .	76
Ўсимликларнинг фосфорга талабчанлиги. Фосфорнинг табиии манбалари . . . . .	77
Тупроқ таркибидағи фосфор манбалари . . . . .	81
Фосфорит ёки алатит уни . . . . .	82
Оддий суперфосфат . . . . .	83
Құш суперфосфат . . . . .	83
Аммиаклаштырлган суперфосфат . . . . .	84
Преципитат . . . . .	84
Термик фосфат . . . . .	85
Томасшлак . . . . .	85
Фосфорлы ўғитларнинг энг муҳим хусусиятлари . . . . .	85
Ўсимликларнинг фосфорга талабчанлик этаплари . . . . .	87
Калий . . . . .	89
Калийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти . . . . .	89
Тупроқдаги калий миқдори . . . . .	94
Қишлоқ хўжалик экинларининг калийга бўлган эҳтиёжини аниқлаш . . . . .	99
Калийни тупроқса солиш муддатлари . . . . .	100
Калийли ўғитларнинг турлари . . . . .	102
Калий хлорид . . . . .	103
Калий сульфат . . . . .	103
Электролит калий хлор . . . . .	103
Калийли туз . . . . .	103
Поташ . . . . .	103
Сильвинит . . . . .	104
Комплекс ўғитлар . . . . .	105
Аммофос . . . . .	105
Диаммофос . . . . .	106
Нитрофоска . . . . .	106
Нитроаммофоска . . . . .	106
Микроэлементли тўла минерал ўғит . . . . .	106
Калийли селитра . . . . .	106
Флора . . . . .	107

<b>Микроўфитлар</b>	108
Микроэлементларнинг ўсмилклар ҳаётидаги аҳамияти	109
Микроэлементларнинг тупроқда тарқалиши	110
Микроўфитларнинг пахта ҳосилига таъсири	113
Саноат чиқиндилиаридан микроўфит сифатида фойдаланиш	118
Микроўфитларнинг узумчиликдаги аҳамияти	119
Гиббереллин	120
Бор	120
Мис	121
Молибден	122
Марганец	122
Рух	124
Кобальт	125
<b>Органик ўғитлар</b>	126
Гүнг	127
Бошқа хил маҳаллий органик ўғитлар	132
Фекал ва уни компостлаш	133
Компост тайёрлаш	133
Парранда чиқити	134
Шаҳар, уй-рӯзғор чиқитлари ва саноат қолдиқлари	135
Чигит кунжараси	136
Чучук сув лойқаси	137
Торф	138
Кўкат ўғитлар (сидратлар)	139
<b>Бактериал ўғитлар</b>	141
Азотобактерин, нитрогинбактерин	141
Фосфоробактерин	142
Селикатбактерин	143
Гумин ўғитлар	143
<b>Қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлаш машиналари</b>	143
РТО—4	144
1—РГМ	144
РТТ—4,2	145
ЧҚУ—4	145
КМХ—65	145
ПЭ—0,8 Б	146
ПБ—35	146
Э—153 А	146
СПУ—4 О М	147
СТШ—2,8	147
СТН—2,8	147
РУ—4—10	147
РПТУ—2А	147
РСШ—6	148
УОМ—50	148
КИР—1,6	149
Машинани ўғит селишга мослаш	149
Ўғитларни тайёрлаш ва ташиш	150
<b>Пахтачиликда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш</b>	152
Пахтани ўғитлаш нормаси	154
Пахтани ўғитлаш муддатлари	159
Пахтани ўғитлаш техникаси	165
Бедани ўғитлаш	168
Уруғлик бедани ўғитлаш	175
Беда зааркунандаларига қарши кимёвий кураш	175

Бедапояни зақарли химикалар билан ишләш пайтида	176
эҳтиёт чораларини күриш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш	178
Маккажүхори ва оқ жўхорини ўғитлаш . . . . .	184
Канопни ўғитлаш . . . . .	190
Бошоқли экинларни ўғитлаш . . . . .	195
Шолини ўғитлаш . . . . .	198
Шакарқамишни ўғитлаш . . . . .	200
Сабзавот-полиз экинлари . . . . .	214
Картошкани ўғитлаш . . . . .	216
Помидорни ўғитлаш . . . . .	218
Карамини ўғитлаш . . . . .	220
Илдиз ва мева сабзавотларни ўғитлаш . . . . .	223
Пиёзни ўғитлаш . . . . .	225
Бегона ўтлар ва касалликларга қарши кимёвий кураш	
чоралари . . . . .	227
Саримсоқни ўғитлаш . . . . .	228
Полиз экинлари (қовун, тарвуз, қовоқ) . . . . .	230
Ерёноқ (арахис)ни ўғитлаш . . . . .	232
Боғ, токзор ва қулупнайни ўғитлаш . . . . .	233
Боғларни ўғитлаш нормаси . . . . .	234
Боғларни ўғитлаш муддатлари . . . . .	234
Мевали дараҳт кӯчатларини ўғитлаш . . . . .	234
Токларни ўғитлаш муддати ва нормаси . . . . .	236
Қулупнайни ўғитлаш . . . . .	237
Тутзорларни ўғитлаш . . . . .	238
Ҳозирги замон кимёси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	
муаммолари . . . . .	242
Азотли ўғитларнинг экологик роли . . . . .	244
Фосфорли ўғитларнинг экологик роли . . . . .	246
Қалийли ўғитларнинг экологик роли . . . . .	247
Турроқнинг оғир кимёвий металлар билан ифлосланиши	
Турроқ ва ўсимликларни оғир металлардан муҳофаза	
қилиш . . . . .	248
Иловалар . . . . .	252
Фойдаланилган адабиётлар . . . . .	254
	257

## **БЕЛГИ УЧУН**

**Зокиров Холмат Ҳуррамович**


**АГРОҚИМЕ**  
(ўқув қўлланма)

Муҳаррир Қосимов *M.*  
Бадиий муҳаррир Муннов *O.*  
Техник муҳаррир Кайбашева *O.*

Теришга берилди 20. 05. 98. Босишга рухсат этилди 24. 06. 98. Бичими  $84 \times 108^{1/2}$ . Юқори босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 13,86. Нашриёт табоғи 14,36. Адади 1000 нусха. Буюртма № 23. Баҳоси келишилган нархда.

«Университет» нашриёти, 700095—Тошкент, Талабалар шаҳарчаси,  
ТошДУ маъмурий бино.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл  
ижара китоб фабрикаси, Янгийўл, Самарқанд қўчаси, 44. 1998 йил.



400